Сорт Ишонч выведен методом сложной гибридизации межвидового гибрида сорта С-6035 (*G.barbadense*) × Ташкент-6 (*G.hirsutum*) с последующим многократным отбором на искусственно созданном инфекционном вилтовом фоне. Выявлена высокая устойчивость к дефициту поливной воды и средней степени засолению почвы. Засухоустойчивый сорт «Ишонч» в 2014 году решением МС и ВХ РУз признан перспективным. В настоящее время сорт размножается в Кашкадарьинской области на площади около 2000 га., где ощущается существенный дефицит поливной воды. Урожайность – 35-40 ц/га, выход волокна 37-38 %, длина волокна 34-34,5, микронейр 4,4-4,5. Волокно этого сорта отвечает требованиям международного стандарта.

Сорт в определенной мере стабилен по морфологическим признакам, а по хозяйственно-ценным признакам, особенно по длине и выходу волокна может конкурировать с районированными сортами. Проведены селекционно-семеноводческие работы по стабилизации основных хозяйственно-ценных признаков. Средние данные по сорту Ишонч, в сравнении со стандартным сортом, в каждом сортоучастке ГСИ показали, что сорт Ишонч по урожайности имеет результаты, превышающие стандартный в 5 сортоучастках; на уровне стандарта - на четырех; и на трех сортоучастках - ниже стандарта.

Решением МС им ВХ РУз сорта АН-515 и «Ишонч» рекомендован для размножения в элитное хозяйство предварительного размножения Насафий Касбинского тумана Кашкадарьинского вилоята.

По данному сорту заготовлен элитно-семенной материал для прохождения работ по размножению и расширению посева данным сортом в Кашкадарьинском вилояте – в южном регионе хлопкосения Узбекистана.

Достижению таких результатов способствовали селекционно-семеноводческие работы в период становления сорта и элитно семеноводческие работы впоследствии.

Проведением элитно-семеноводческих работ преследовалась цель сохранения однородности сорта, т.к. существует возможность биологического и механического засорения.

При проведении элитно-семеноводческих работ проведен посев индивидуальных отборов, прошедших браковку как по морфологическим, так и по хозяйственно-ценным признакам. С незабракованных семей были собраны индивидуальные отборы и посемейные сборы. Собранным семенным материалом были обеспечены ежегодно Госсортоучастки согласно разрядки МС и ВХ РУз.

Элитное хозяйство предварительного размножения «Насафий» Кашкадарьинского вилоята было обеспечено в количестве 400 штук и семенным размножением в количестве

60 кг. В период вегетации проведено постоянный авторский надзор. Методическое руководство и практическая помощь в период браковки и уборки урожая.

Основными критериями браковки в полевых условиях были однородность по морфологическим признакам. Из хозяйственно-ценных признаков учитывалась продуктивность куста, темпы созревания, вилтоустойчивость, скороспелость. В лабораторных условиях определялись признаки, как длина, выход волокна, урожайность, масса сырца 1 коробочки, масса 1000 семян и другие количественные и качественные показатели хозяйственно-ценных признаков.

Проводимые такие работы по размножению однородных по морфологическим и хозяйственно-ценным признакам в условиях НЭБ Занги-ота ИГ и ЭБР АН РУз позволило обспечивать кондиционными семенами ежегодно Госсортоучастки, элитные хозяйства предварительного размножения (АН-515 и «Ишонч» –Кашкадарьинская область) и по местам востребованности.

Наряду с качественными показателям и волокна, не менее важным признаком, является скороспелость. Этот признак важен для нашей Республики с континентальным климатом и являющейся самой северной зоной хлопкосеяния

В данном аспекте определенный интерес вызывает скороспелый сорт Ишонч, по которому велись работы как селекционно-семеноводческого, так и элитно-семеноводческого характера. Сорт отличается от стандарта потенциальной продуктивностью, высокими темпами созревания. Этот факт проявился в условиях НЭБ Занги-ота ИГиЭБР АН РУз, находящейся в северной зоне хлопкосеяния Республики,

Межведомственная комиссия, созданная приказом МС и ВХ РУз. Приняв во внимание эти особенности сорта Ишонч, сочла целесообразным рекомендовать серьезно провести отбор нужных форм и продолжить элитно-семеноводческие работы в одном из элитных хозяйств предварительного размножения.

Таким образом, методом межвидовой гибридизации в сочетании с насыщающей гибридизацией создан перспективный, вилтоустойчивый сорт средневолокнистого хлопчатника Ишонч с волокном IV типа и толерантный к дефициту влаги.

Фойдаланилган адабиётлар

1. S. Bajaj • S. E. Hughs • Richard G. Percy. Germplasm evaluation and transfer of Verticillium wilt resistance from Pima (*Gossypium barbadense*) to Upland cotton (*G. hirsutum*). // Euphytica, 2012. No 187. – P. 147–160.
2. Fang Hui, Huiping Zhou, Soum Sanogo, Robert Flynn, Richard G. Percy, Sidney E. Hughs, Mauricio Ulloa, Don C. Jones, Jinfa Zhang. Quantitative trait locus mapping for Verticillium wilt resistance in a backcross inbred line population of cotton (*Gossypium hirsutum* × *Gossypium barbadense*) based on RGA-AFLP analysis. // Euphytica, 2013. No 194. – P. 79–91.
3. Chang Yang , Wangzhen Guo, Guoying Li, Feng Gao, Shunshun Lin, Tianzhen Zhang. QTLs mapping for Verticillium wilt resistance at seedling and maturity stages in *Gossypium barbadense* L. // Plant Science, 2008. No 174. – P. 290–298.
4. G.L.Jian, C.Ma, C.I.Zheng, Y.F.Zhon. Advance in cotton breeding for resistance to Fusarium and Verticillium vilt in the last fifty years in China.// Agu.Sci.China. 2003, -P. 280-288.
5. B.Chen, Z.Lin. Study on cotton Verticillium vilt // Plant dis. Pest. 2012. – P. 15-23.
6. Korolev N. et al. Comparative study of diversity and pathogenicity among populations of Verticillium dahlia from cotton in Spain and Israil // Eur.J.Plant Pathol, 2001. – № 107. –P. 4 43-457.
7. Mehmet Çoban. Effects of Interspecific Hybridization on Cotton (*Gossypium hirsutum* L./ *Gossypium barbadense* L.)// Conference: ICAC 12th Inter-Regional Cooperative Research Network on Cotton for the Mediterranean and Middle East Regions, At Egypt. October 2015.
8. Baloch,M.J., A.R. Lakho, A.H. Soomro. 1993. Heterosis in Interspecific Cotton Hybrids // Pak. J. Bot. 1993. No 25(1). – P. 13-18.

РЕЗЮМЕ

Методом межвидовой гибридизации в сочетании с насыщающей гибридизацией создан перспективный вилтоустойчивый сорт хлопчатника Ишонч, который районирован в хлопкосеющих

регионах Узбекистана. Сорт отличается хорошим качеством волокна, вилтостойчивостью и устойчивостью к водному дефициту.

РЕЗЮМЕ.

Турлараро дурагайлаш ва тўйинтирувчи дурагайлаш усули билан гўзанинг вилтга чидамли бўлган янги истикболли нави яратилди ва Ўзбекистоннинг пахта етиштирувчи хуудларига районлаштирилди. Бу нав вилтга чидамлилиги билан бир қаторда сув танқислигига чидамлилиги ҳамда юқори тола сифатига эга билан ҳам тарифланади.

SUMMARY

The method of interspecific hybridization in combination with saturating hybridization created a promising wilt-resistant cotton variety Ishonch, which is realized into the cotton-growing regions of Uzbekistan. The variety is not only resistant to resistance, but also characterized by resistance to water deficiency with good fiber qualities.

Рекомендовано к печати проф. Л.Ёзиевым

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИ ЗООПЛАНКТОНИ

**Абдиназаров Х.Х. (ҚДПИ), Мадумаров М.Ж. (ЎЗМУ),
Тожибоев М.С. (ТошДАУ)**

Таянч сўз ва иборалар: *экотизим, зоопланктон, оғизайналгичлар, шохдормўйловли қисқичбақасимонлар, эшкаккоёқли қисқичбақасимонлар.*

Ключевые слова: *экосистема, зоопланктон, коловратки, ветвистоусые ракообразные, веслоногие ракообразные.*

Keywords: *ecosystem, zooplankton, rotifera, cladocera, copepoda.*

Балиқчилик тармоғи озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Кейинги вақтларда кўрилатган чора-тадбирлар туфайли мамлакат иқтисодиётининг таркибида балиқчилик улуши изчил ортиб бормоқда. Шу билан бирга, балиқчилик тармоғида ҳанузгача кўплаб камчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда, уларни самарали ҳал этиш, ишчанлик фаоллигини ошириш, инвестицияларни жалб этиш, балиқ етиштириш учун илғор технологияларни жорий қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бир саналади.[1].

Республикада балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этган ҳолда ҳажмларини ошириш, соҳани тартибга солиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг ижросини сифатли ва пухта таъминлаш чоралари кўрилмоқда[2].

Сув ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш, зоопланктон организмларнинг сифат ва миқдорини баҳолаш бўйича тадқиқот ишлари бир қатор чет эл олимлари Н.В. Карташева, В.Д. Федорова, Е.Г. Крупа тадқиқотларида ёритилган[6,7,8]. Ўзбекистонда эса гидробиологик тадқиқотлар йўналишида мамлакатимиз олимлари А.М.Мухамедиев, Э.А.Тошпўлатов, А.Р.Кузметов ва Х.Х.Абдиназаровлар томонидан турли типдаги сув экотизимларида зоопланктон организмларнинг таксономияси, тарқалиши, экологик хусусиятлари ва балиқчилик сув ҳавзалари озуқа маҳсулдорлигини оширишга йўналтирилган бир қатор илмий изланишлар олиб боришган[3,4,5,9].

Мазкур тадқиқотимизнинг мақсади Андижон вилояти сув ҳавзалари зоопланктон организмларнинг тур таркиби, сифат ва миқдор жиҳатидан ривожланиши ҳамда балиқчилик ҳавзалари маҳсулдорлигини ошириш бўйича тавсиялар беришдан иборат.

Иш учун асосий материаллар 2018-2019 йиллар давомида Андижон вилояти балиқчилик хўжаликлари сув ҳавзаларидан йиғилган. Жумладан, ушбу вилоятда жойлашган 30 дан ортиқ балиқчилик хўжаликлардан 210 дан ортиқ зоопланктон намуналар йиғилди.

Зоопланктон организмларни йиғиш капрондан тайёрланган конуссимон планктон тўр (№ 76) ёрдамида йиғилган.

Зоопланктон организмлар массасини аниқлашда куйидаги формуладан фойдаланилди: $W = q \times Lb$;

Зоопланктон организмлар намуналари ЎзР Фанлар академияси Зоология институти ва Қўқон Давлат педагогика институти илмий лабораторияларида ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Андижон вилояти балиқчилик хўжаликларида зоопланктон организмлар турлари ўрганилиб, уларнинг сифат кўрсаткичлари ва микдор ривожланиш хусусиятлари таҳлил этилди. Ушбу балиқчилик хўжалиklarининг сув ҳавзаларидан 58 тур зоопланктон ҳайвонлар аниқланиб, уларнинг 26 таси Оғизайналгичлар (Rotifera), 17 таси Шохдормўйловли қисқичбақасимонлар (Cladocera) ва 15 таси Эшқакоёқли қисқичбақасимонлар (Copepoda) қисқичбақасимонларига мансуб турлар мавжудлиги аниқланди (1-жадвал). 2018-2019 йилларда балиқчилик хўжалиklarидан олинган намуналар ҳар ойда олинганлиги сабабли, зоопланктон организмларнинг сифатининг мавсумий сукцессиясини аниқлаш имконияти яратилди. Қишда ёки сув ҳавзаларининг қуриб қолишида диapaуза ҳолатига ўтиб қолади. Бу ҳолатлар тухум босқичида вояга етган даврларда ҳам кечади. Шунинг учун қишки мавсумларда зоопланктон организмлардан намуналар олиш имкониятсиз.

1-жадв.

Андижон балиқчилик хўжалиklarидаги зоопланктон организмларнинг мавсумий сукцессияси


№	Таксонлар номи	Фасллар		
		Баҳор	Ёз	Куз
ROTIFERA				
1.	<i>Anuraeopsis fissa</i>	-	+	+
2.	<i>Asplanchna sieboldi</i>	+	+	+
3.	<i>Asplanchnopus multiceps</i>	+	-	-
4.	<i>Brachionus bennini</i>	-	+	+
5.	<i>B. calyciflorus</i>	+	+	+
6.	<i>B. falcatulus</i>	-	+	+
7.	<i>B. leydigii</i>	+	-	-
8.	<i>B. plicatilis</i>	+	+	+
9.	<i>B. quadridentatus</i>	+	+	+
10.	<i>B. rubens</i>	-	+	-
11.	<i>Filinia longiseta</i>	+	+	+
12.	<i>Keratella cochlearis</i>	+	+	-
13.	<i>K. quadrata</i>	+	+	-
14.	<i>K. tropica</i>	-	+	+
15.	<i>Lecane bulla</i>	+	+	+
16.	<i>L.stenroosi</i>	-	+	-
17.	<i>L. turanica</i>	-	+	+
18.	<i>Lophocharis kutikovae</i>	+	-	-
19.	<i>L. turanica</i>	-	+	-
20.	<i>L. salpina</i>	+	+	+
21.	<i>Notholca acuminata</i>	+	-	-
22.	<i>N. squamula</i>	+	-	-
23.	<i>Polyarthra vulgaris</i>	+	+	+
24.	<i>Testudinella patina</i>	-	+	-
25.	<i>Trichotria pocillum</i>	-	+	+

26.	<i>Tripleuchlanis plicata</i>	-	+	+
CLADOCERA				
27.	<i>Alona rectangular</i>	+	+	+
28.	<i>Ceriodaphnia reticulata</i>	+	-	-
29.	<i>Daphnia curvirostris</i>	+	+	-
30.	<i>D. longispina</i>	+	-	-
31.	<i>D. magna</i>	+	+	+
32.	<i>D. pulicaria</i>	+	+	-
33.	<i>D. similis</i>	+	-	-
34.	<i>Diaphanosoma mongolianum</i>	-	+	-
35.	<i>D. sarsi</i>	+	-	-
36.	<i>Megafenestra aurita</i>	+	+	-
37.	<i>Moina brachiate</i>	+	+	+
38.	<i>M. micrura</i>	-	+	+
39.	<i>M. lipini</i>	-	+	-
40.	<i>M. salina</i>	-	+	-
41.	<i>M. Weissmanni</i>	-	-	-
42.	<i>Simocephalus exspinosus</i>	+	-	-
43.	<i>S. vetulus</i>	+	+	-
COPEPODA				
44.	<i>Acanthocyclops trajani</i>	+	+	+
45.	<i>Apocyclops dengizikus,</i>	-	+	-
46.	<i>Cryptocyclops linjanticus</i>	-	+	-
47.	<i>Cyclops furcifer,</i>	+	-	-
48.	<i>C. vicinus</i>	+	+	+
49.	<i>Diacyclops bisetosus</i>	+	+	-
50.	<i>Eucyclops serrulatus</i>	+	+	+
51.	<i>Mesocyclops aspericornis</i>	-	+	-
52.	<i>M. ogunnus</i>	-	+	-
53.	<i>M. peihpeiensis</i>	-	+	+
54.	<i>M. pachyspina</i>	+	+	-
55.	<i>Paracyclops affinis</i>	+	-	-
56.	<i>Thermocyclops crassus</i>	-	+	+
57.	<i>Th. dybovskii</i>	+	-	-
58.	<i>The. rylovi</i>	+	+	+
Жами турлар:		35	43	25

Андижон вилоятида тадқиқот олиб борилган барча ҳовузларда доминант бўлган турлар қуйидаги зоопланктон организмлардан иборат бўлди: Оғизайналгичлардан *Asplanchna sieboldi*, *Brachionus calyciflorus*, *B. Plicatilis*, *B. Quadridentatus*, *Filinia longiseta*, *Lecane bulla*, *L. Salpina*, *Polyarthra vulgaris*лар, Шохдормўйловли қисқичбақасимонлардан *Alona rectangular*, *Daphnia magna*, *Moina brachiatel*лар ва Эшкакоёқли қисқичбақасимонлар *Acanthocyclops trajani*, *Cyclops vicinus*, *Eucyclops serrulatus*, *Thermocyclops rylovi*лар март ойидан бошлаб сентябргача бошқа турларга нисбатан юқорилиги ва балиқлар учун озука сифатида аҳамиятли бўлганлиги аниқланди.

Балиқчилик хўжалиги ҳовузларида зоопланктон организмларининг мавсумий миқдор ўзгаришини яйлов ҳовузларида олиб борилди. Баҳорда (апрель ойи) зоопланктонларнинг миқдори жуда юқори бўлди (ўртача 287 минг дона/м³), лекин биомассанинг миқдorigа нисбатан паст бўлиб, 0,86 г/м³ ни ташкил этди (1-расм).

Андижон балиқчилик хўжалиги зоопланктон организмларининг мавсумлар бўйича миқдорий динамикаси (дона/м³)



Шу билан биргаликда, визуал кузатишлар натижасида балиқларнинг озикланишида турнинг хавзаларда камайиб ёки кўпайиб кетиши кузатилади. Ҳовузларнинг исийдиган саёз, сув оқими секин, сув ўтлари билан қопланган ҳовузларда зоопланктон организмларининг ривожланиши учун қулай шароит яратилиши зоопланктон организмлар сони ва таркиби бир мунча юқори бўлишига олиб келади. Балиқчилик хўжаликларида зоопланктон организмларининг ривожланишига, ҳарорат, ксилород режими, кун узунлиги, органик моддаларнинг келиб тушиши ва йирткичларнинг мавжудлиги асосий таъсир кўрсатувчи омил сифатида кўрсатилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 апрелдаги “Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3657-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги ПҚ №4005-сонли Қарори.
3. Мухамедиев А.М. Гидробиология водоемов Ферганской долины. –Ташкент: Фан, 1967. – 275 с.
4. Ташпулатов Э.А. Гидробиология водоемов западной части Ферганской долины: автореферат дисс. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 1975. – С. 24.
5. Кузметов А.Р. Зоопланктон рыбных прудов Узбекистана: автореферат дисс. ... канд. биол. наук. – Ташкент: ИЗ АН РУз., 1999. – С. 16.
6. Карташева Н.В., Исакова Е.Ф., Недосекин А.Г. Зоопланктон // В кн.: Практическая гидробиология. Пресноводные экосистемы. – М.: Изд-во МГУ, 2006. – С. 165–245.
7. Федорова В.Д., Капкова В.И. Практическая гидробиология пресноводные экосистемы. – Москва, 2006. – С. 165–243.
8. Крупа Е.Г. Структура зоопланктона экологический разнотипных и водотоков Казахстана // Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора биологических наук. – Алматы, 2010. – С. 10, 21–22.
9. Абдиназаров Х.Х. Фарғона водийси сув хавзалари зоопланктони: автореферат дисс.... биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). –Тошкент, 2018. –Б. 18.
10. Кузметов А.Р. Ўзбекистон сув омборлари зоопланктон организмларининг фаунаси, экологияси ва амалий аҳамияти // Биология фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Тошкент. 2019. – Б. 23.

РЕЗЮМЕ

Андижон вилояти балиқчилик хўжаликларидан 58 тур зоопланктон организмлар аниқланиб, уларнинг 26 таси Rotifera лар, 17 таси Cladocera лар ва 15 таси Copepoda ларга мансуб эканлиги аниқланди.

РЕЗЮМЕ

В рыбных хозяйствах Андижанской области выявлено 58 видов зоопланктона, в том числе 26 видов Rotifera, 17 видов Cladocera и 15 видов Copepoda.

SUMMARY

58 species of zooplankton have been identified in the Andijan fisheries, including 26 species of Rotifera, 17 of Cladocera and 15 species of Copepoda.

Наширға доц. Б.Рўзиев тавсия этган

ЎРТА АСРЛАР ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ РИВОЖЛАНИШ
ТАРАҚҚИЁТИДА ИЧКИ ВА ТАШҚИ САВДО

Ҳасанов А. (ҚарДУ)

Таян сўз ва иборалар: *Дурадгорлик, Заргарлик, Ипакчилик, Чармгарлик, Косагарчилик, темирчи, чилангар, холчаён саройи, ички савдо.*

Ключевые слова: *столярники, ювелирники, шелководники, кожаизделишки, изготовление кубков, кузнец, сантехник, плотницкий дворец, внутренняя торговля.*

Keywords: *carpentry; jewelry; sericulture, leather works, bowl painter, ironman, plumber. the palace of chlchayon, inner trade.*

Илк ўрта асрлардан бошлаб ички ва ташқи савдо, товар-пул муносабатлари ривожланишига жуда катта эътибор қаратилган. IX–XII асрлар мобайнида эса сомонийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар томонидан асос солинган давлатларда савдо-сотик, пул сиёсати мазкур давлатларнинг иқтисодий асосини ташкил этган.

Манбашуносларнинг фикрига кўра, сўғдийларнинг дастлабки савдо масканлари Шарқий Туркистон ва Хитой ҳудудларида III–IV асрларда пайдо бўлган ҳамда VI–VIII асрларга келиб уларнинг миқдори бир неча баравар ўсган. Турли даврларда Ўрта Осиёдан турли хил маҳсулотлар, жумладан, чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда хунармандчилик буюмлари олиб чиқилган. Хитой манбаларида келтирилган маҳсулотлар рўйхатида теридан ишланган буюмлар, гиламлар, қимматбаҳо тошлар, дори-дармонлар ва бўёқларни учратиш мумкин. [1:6]

V–VIII асрларда хунармандчилик устахоналари ва савдо дўконлари барча шаҳарларнинг кўчалари бўйлаб жойлашган. Ички савдо жадал ривожланиб, бу жараён шаҳарлар аҳолисининг кундалик ҳаётига ҳос бўлган.

Мазкур даврда Жанубий Ўзбекистон шаҳарларида кулолчилик, шишасозлик, тўқимачилик, териға ишлов бериш, тоштарошлик каби хунармандчилик соҳалари нисбатан ривожланган.

IX–XII асрларда ҳам Жанубий Ўзбекистон шаҳарларида хунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш ва савдо-сотик муҳим аҳамият касб этган. Шаҳарларда товар-мол айирбошлашнинг хунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги ўртасида, зироатчилар ва чорвадорлар ўртасида ҳамда вилоятлараро маҳсулот айирбошлаш йўналишлари мавжуд эди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, иқтисодий туманлардан олиб келинган товар маҳсулотлари вилоятлар марказида тўпланилиб, шаҳарлардан қарвон йўллариға олиб чиқилган.

IX–XII асрларда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси сонининг кескин ўсиши, кундалик эҳтиёж маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши, ички ва ташқи савдонинг ривожини ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишиға олиб келди. Маҳсулотлар ҳажмининг ортиб бориши эса савдонинг янги шакллариға ташкил қилишни талаб этарди.

Бозорлар савдо масканлари сифатида мукамал таркибий-худудий тузилишға эға бўлиб, газлама, упа-элик ва заргарлик моллари билан савдо қилувчиларнинг расталари саррофлар билан ёнма-ён, кулоллар, темирчилар, пахта тозаловчилар ва бошқаларнинг дўконлари бозорларнинг охирида жойлашган эди.

Иқтисодий-савдо алоқалари ривожини адолатли солиқлар ва божлар йиғими билан ҳам боғлиқ бўлган. Савдо-сотикдан олинган солиқлар турли тарихий даврларда, ижтимоий-иқтисодий вазиятға боғлиқ ҳолда турлича бўлган.

Ташқи савдода иштирок этадиган савдогарлардан бож солиғи пул ёки маҳсулот билан, асосан, чегаралардаги муҳим шаҳарларда, қалъаларда ёки қарвонлар борадиган шаҳарда йиғиб олинган. Савдо-сотик ва йўллар билан боғлиқ солиқлар ичида янада кўплаб қўшимча солиқлар ҳам мавжуд эди. Улар ичида дарё кечувларидан ўтиш ва қайиқлардан

фойдаланганлик учун тўланадиган махсус солиқ – сув пули, маҳаллий сотувчилар, дўконларнинг бозорларда жой солиғи ҳам тўлагани маълум. [1:36]

Илк ўрта асрларда, хусусан, Турк хоқонлиги даврида Кеш шаҳрининг ҳам иқтисодий-сиёсий аҳамияти янада ошади. VII асрнинг ўрталарида Кеш Суғд конфедерациясида етакчи ўринга чиқиб, қўшни мамлакатлар, хусусан, Хитой билан сиёсий-иқтисодий алоқалар ўрнатган.

Суғдиёнадан илк ўрта асрларда Тохаристон номи билан атала бошлаган Сурхон воҳаси ва Жанубий Тожикистон ҳудудларига ўтувчи йўллар хитойлик сайёх, будда роҳиб кундалигида ҳам акс этган. Унда, хусусан, Чағониён шаҳри (Будрач ёдгорлиги) ва Термиз Сурхон воҳасининг йирик савдо марказлари сифатида қайд этилади. [1:42]

V–VI асрларда Хитой ва Ўрта Осиё ўртасидаги савдо ва маданий алоқалар ривожининг янги босқичи бошланиб, Хитойни Ғарбий ўлкалар билан боғлаб турган йўллар тармоғи кенгайиб борди. Жанубий Ўзбекистоннинг V–VIII асрлардаги ташқи савдо алоқалари ҳам бу жараёндан четда қолмади. Шу билан бирга халқаро савдо билан шуғулланувчи ижтимоий табақалар-савдогарларнинг фаолияти ҳам ривожланди, ички ва ташқи савдо билан шуғулланувчи йирик савдо уюшмалари шаклланди. Йўлбўйи иншоотлари қурилиши, тезкор алоқа-почта хизмати ва йўлларда тегишли хизмат кўрсатиш тизими ривожланиб борди. Буларнинг барчаси илк ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёдаги карвон йўллари динамикасига хос асосий хусусиятлар ҳисобланади.

Минтақадаги ички иқтисодий алоқаларни амалга оширишда Қашқадарё воҳасидаги савдо йўллари, шунингдек, икки пойтахт шаҳар – Бухоро ва Самарқандни Балх ва Хуросоннинг бошқа шаҳарлари билан боғловчи транзит йўллар муҳим ўрин тутган. Чағониён, Хутгалон орқали ўтган карвон йўллари йўналишлари Термиздан Балх ва Бадахшонга, Марв ва Муғоб воҳасига ҳамда Ҳиндукуш доvonлари орқали Қобулдарё ҳавзасига ўтувчи йўллардан ҳам бу даврда изчил фойдаланилган.

Мўғуллар истилоси туфайли Буюк ипак йўли бўйлаб олиб борилган маданий ва иқтисодий алоқалар инқирозга учраб, фақатгина XIII асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб шаҳарлар тикланиб, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари йўлга қўйила бошлайди. Алоқа-савдо йўллари фаолияти марказий ҳокимият назоратида бўлиб, бир кунлик йўл масофасида махсус бекатлар-ёмлар барпо этилади. Савдо йўллари бўйлаб ҳаракатланаётган элчилик миссиялари, давлат хизматчилари ва почта хизматлари учун зарур харажатларни қоплаш карвон йўллари бўйида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси зиммасига юкланган эди.

Илк ўрта асрлардан бошлаб ҳунармандчиликда турли соҳаларнинг ривожланиши, сифатли буюмларни ишлаб чиқарилиши, шаҳар ва қишлоқларда савдонинг юқори даражада ташкил қилиниши, маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларнинг изланиши натижасида ташқи савдо жадал ривожланиб, бунда воситалик қилиш сўғдийларнинг қўлига ўтган. Четга чиқариладиган маҳсулотлар VII–IX асрларда асосан тери, газламалар, қумуш ва бронзадан ишланган идишлар, шиша буюмлари, зеб-зийнатлар, қимматбаҳо тошлар ва яроғ-аслаҳалардан иборат бўлган бўлса, X–XII асрлардаги маҳсулотлар рўйхатида қишлоқ хўжалик, ҳунармандчилик маҳсулотлари, хом ашё ва чорва моллари ҳам қайд этилган. [1:3]

Шаҳарлар савдо-сотиқ марказлари вазифасини бажарган. Насаф, Кеш, Термиз ва бошқа шаҳарларда ҳунармандчилик ниҳоятда ривожланиб, ҳар бир шаҳар ўз маҳсулоти билан шухрат топган. Илк ўрта асрлар ярмарка-бозорларни турли қишлоқларда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этган. [1:12] IX–XII асрларга келиб эса шаҳарларда ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги ўртасида, зироатчилар ва чорвадорлар ўртасида ҳамда вилоятларда маҳсулот айирбошлаш турлари мавжуд эди. Ўрта асрлар савдо-сотиқнинг ярмарка ва кўтара ким ошди савдоси сингари янги шакллари вужудга келади. Бу даврда Буюк Ипак йўлининг марказий йўналишлари бўйида жойлашган Мовароуннахр шаҳарлари нафақат, Шарқ дунёсида, балки улкан Евроосиё минтақаси миқёсида амалга ошириладиган халқаро транзит алоқаларда ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Шаҳарларда аҳолида хунармандчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сотишга ихтисослашган бозорлар мавжуд эди. Ўрта асрларда жанубий Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси турлича эди. Бозорларда газламалар, кийим-кечак ва пойабзалнинг нархи баланд бўлиб, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ҳаммаси ҳам ўзларига янги кийим-бош ва пойабзал харид қилиш имконига эга бўлмаган. Катта-кичик бозорларда қандолат турлари, қуруқ мевалар, майиз навлари, нишолда, нон, сут, қатиқ ва гўшт сотилган. Нон дўконлари асосан маҳалла ва бозорларда жойлашган. Топоник маълумотларга кўра, ўрта асрлар номларидан улар шаҳар ҳаётининг турли томонларини ифода қилганини кўришимиз мумкин.

Аксарият ҳолларда бу номлар шаҳар аҳолисининг хунармандчилик касблари ва савдо фаолияти билан боғлиқ бўлган. Масалан, Китоб ва Шаҳрисабзда Дурадгорчилик, Заргарлик, Ипакчилик, Чармгар, Читгарлик, Косагарчилик, Қаршида эса Чармгар, Темирчи, Чилангар номи билан машҳур гузарлар мавжуд бўлган. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кенг қатламлари товар- пул муносабатларига тортилди. Кенг истеъмол маҳсулотларининг ички савдо эҳтиёжларини мис тангалар таъминлар эди. Шаҳарларда турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, улар билан савдо қилинарди. Бозорлар нафақат савдо масканлари, шу билан бирга, хунармандчилик, ишлаб чиқариш марказлари ҳам эди.

Халқаро савдо билан бадавлат савдогарлар-тузжорлар шуғулланганлар. Жанубий Ўзбекистон шаҳарларидан саналган Термиз X асрда Амударёнинг юқори оқимидаги энг йирик ва аҳоли зич жойлашган шаҳар сифатида катта аҳамиятга эга бўлган. У Хўтталон ва Сағониённинг савдолар қози бўлиб, Амударёнинг юқори оқимидаги энг муҳим дарё порти ҳисобланган. Ал-Муқаддасий Термизда совун ва қайиқлар ишлаб чиқарилиши ҳақида маълумот берган [3:31]. Сарминкон эса ўз кадр-қимматига эга бўлган салоҳиятли шаҳар саналган. У одамлар ва савдогарлар билан обод бўлиб, бозор ва тижоратлари унга келувчи ва четга чиқувчи молларни ўз ичига олган.

Холчаён саройи “ҳазинасидаги хорижий мамлакатлардан келтирилган ашёлар-Шарқий Рим вилоятларида ишланган ойна-шиша, Рим вилоят ёки ҳиндча қизғиш қимматбаҳо тошлар, хитой ипак матолари қайд этилганлиги антик Чағониённинг чет эллар билан кенг кўламда иктисодий алоқада бўлганлигидан далолатдир”. [3:26]

Чағониён X–XI асрларда Ўрта Осиёнинг энг йирик шаҳарларидан бири саналган, аҳолисининг сони ва бойлиги жиҳатидан Термиздан кейин турса-да, бироқ майдони жиҳатидан ундан катта эди. Шаҳарда чиройли тимлар (ёпиқ бозорлар) ва пишиқ ғиштдан қурилган масжид қад кўтариб турган. Чағониён ўзининг отлари, жун матодан тикилган кийимлари, гиламлари ва бўёғи билан донг таратган эди.

Чағониёнда мис тангалар зарб этила бошлаганидан кейин, унинг олд томонидан ҳукмдорнинг кўкрагидан юқори қисми акс эттирилиб, орқа томонида эса, Чағониён ҳокимлари сулоласининг тамғаси зарб қилинган. Будрач шаҳри харобалари ўрнида ва Чағониённинг бошқа шунга ўхшаш археологик ёдгорликларидан чиққан топилмалар бу вилоятнинг қадимда Эрон, Тохаристон, Сўғд, Уструшона, Хитой ва Шарқнинг бошқа мамлакатлари билан мунтазам савдо ва маданий алоқалари мавжудлигидан далолат беради.

Шаҳарнинг ўзида қурул-аслаҳа ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлган. Шаҳарда заргарлик, хунармандчилик ҳам яхши ривожланган. Заргарлар турли хил тошлардан чиройли мунчоқлар, нафис узуклар ва сирғалар тайёрлаганлар. Бу жойдан заргарлик буюмлари билан бирга, безакларнинг турли қисмини куйиш учун мўлжалланган тош ва металдан тайёрланган қолиплар ҳам топилган. [4:47] Умуман олганда, X–XIII асрларда Чағониён шаҳри янада ривожланган ва кенгайган. IX–XIII асрлар бошларидаги давр турли-туман хунарларнинг жадал ва самарали ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Бундай маданиятга яққол намоён бўлган маҳаллий хусусиятлар билан бирга, мусулмон ренессансига хос умумий тамойиллар ҳам мавжуд. [5:102]

Ас-Сағонийондан Вошжирдгача бўлган ерларда заъфарон сувсар, олмаҳон, тулки ва бошқа ҳайвонларнинг мўйналари етиштирилар ва бошқа ерларга олиб кетилар, шунингдек,

ялтироқ (баргли) толнинг ноёб турлари, ал-хутув, оқ кулранг ва ялтироқ патли зотдор ов лочинлари, турналар ва подшоҳлар эгалик қилишда ўзаро рақобат қиладиган ва бир-бирларига совға қилиш учун керак бўладиган ғаройиб нарсалар мавжуд бўлган. [6:17] Тарихий манбаларда Кеш ҳақида у ерда мевалар Мовароуннаҳрнинг ҳамма ерларига нисбатан эртароқ пишади ва уларнинг илк ҳосили Бухорога келтирилади деб таъкидланади. [6:66] Кешда ер остидан тош тузи қазиб олинади ва уни Хуросоннинг кўп вилоятларига олиб кетилади. Унинг тоғларида кўплаб доривор ўсимликлар бўлиб, у ерда дориликка ишлатилувчи ат-таранжубин олинган. Кешда Мовароуннаҳрнинг машҳур отлари етиштирилиб, Хуросоннинг бошқа вилоятларига зотли отлар ҳам олиб кетилган. [6:67]

Шаҳарда бозорлар гавжум бўлиб, савдо-сотикни муҳтасиб назорат қилар эди. Муҳтасиб молларнинг сифатини, қоп, қанор ва идишлар тозалигини, меваларнинг янги узилганлигини, тош-тарозуларнинг тўғрилигини текширар, муттаҳамларни, тарозидан уриб қолувчиларни жазолар эди. Муҳтасиблик лавозимига ишончли одамлар ёки имомлар қўйиларди. [7:136]

Сомонийлар давридан бошлаб, кўпгина Шарқ мамлакатларида (доимий урушлар, вайронкорликлар ва бошқа сабаблар туфайли) олтин тангалар бозорларда камайиб, сифатсиз кумуш тангалар ва мис тангалар кўпайди. Олимларнинг фикрича, бунга кумуш конларида захираларнинг камайиб кетгани ҳам таъсир қилган... Буюк салжуклар давлатида олтин динарлар зарб қилинар эди. Ҳазнавийлар каби салжуклар ҳам олтин динар оғирлигини турли мисқолларда чиқарар, аҳоли буни билар эди. Динарлар оғир, енгиллигига қараб, турлича аталарди. Салжуқийлар замонида асосий зарбхона Нишонпурда эди. Нишонпур (Найсабур) динарлари ана юқори сифатли (92-98 фоиз соф олтиндан) эди. [7:144]

Салжуқийларга тобе бошқа баъзи йирик шаҳарларда ҳам юқори сифатли динарлар чиқариларди. Қизиғи шундаки, юқори сифатли олтин динарлар билан соф кумуш аралаш олтин динарлар бирдай муомалада бўлар, аммо соф динарлар қимматбаҳо молларни олишга сарфланарди.

Дирҳамлар эса авваллари кумуш ва мис аралашмасидан тайёрланарди, кейинчалик (кумуш етишмай қолган вақтларда) миснинг ўзидан зарб этила бошлади. Султон Санжар давлатининг заифлашган иккинчи даврида шаҳарларда сифатсиз кумуш ва олтин суви югуртирилган динарлар ва мис дирҳамлар зарб этилган. Ҳатто тангаларда сосонийлар давридаги тож ва отлик шакли сақланди. Кумушланган мис дирҳамлар икки хил қийматда чиқарилиши савдо ишларида қулайлик туғдирган эди. 1219-20 йилларда Термиз ва Чағониёнда ҳам шундай, икки хил қимматдаги тангалар зарб этилган. [7:145]

Ўша замонларда ҳам кумушланган мис тангаларни керагидан кўп чиқариб юборилиши инфляцияни – пулнинг қадрсизланишини келтириб чиқарган. Юқоридаги фикрларни жамланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин. Илк ўрта асрлардан бошлаб, Жанубий Ўзбекистоннинг кўплаб шаҳарларида хунармандчиликнинг турли соҳалари (кулолчилик, темирчилик, қуролсозлик, шишасозлик, тўқимачилик, пахта толаси ва ипак матолар тайёрлаш, шойи газламалар ишлаб чиқариш) жадал ривожланиши натижасида ички ва ташқи савдони юқори даражада мақсадли ташкил қилиш зарурияти вужудга келган.

VI-VII асрлар нафақат халқаро савдо, балки ички туманлараро савдо ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Турли шаҳар ва қишлоқлардан зироаткорлар, чорвадорлар, хунармандлар ва савдогарлар савдо ярмаркаларини ташкил этиб турганлар. Ички савдо учун мис ва бронза тангалар зарб этилган. Шунингдек, Термизда кумуш тангалар чиқарилган. Барча маҳсулотлар ўзининг аниқ нарҳига эга бўлган.

Ўрта асрлар Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида савдо ва маданият марказлари, йирик шаҳарларнинг кўпайиши ва тараққиёти даври бўлиб, ички ва ташқи савдо-иқтисодий алоқалар ривожидан муҳим ўрин тутган. Бу даврда иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши савдо йўллари тармоқларининг кенгайишига ва улар савдо-сотик фаолиятининг жонланишига олиб келди.

IX-X асрларга келиб, оммавий истеъмол молларига бўлган талабнинг ошиши, ички ва ташқи савдонинг ривожини ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишига олиб келди. Илк ўрта

асрларда бозорлар, асосан шаҳарлар атрофида жойлашган бўлса, IX-X асрларга келиб, улар шаҳарларнинг работлари ва шахристонларида қурилган бўлиб, бозорларда нафақат савдо расталари, хунармандчилик устахоналари ҳам бўлган. Йирик савдогарларнинг карвонсаройлари бозор расталари ва дўконларидан алоҳида жойлашган. Ички ва ташқи савдода шаҳарларнинг аҳамияти кейинги даврларда янада ошиб борди. Жанубий Ўзбекистон шаҳарларида X-XII асрларда хунармандчилик юксалган эди. Уларнинг таназулига эса мўғулларнинг аёвсиз босқини сабаб бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сағдуллаев А, Мавлонов Ў, Маҳкамova Д. Ўрта Осиёда ўрта асрлар савдо сотиқ тизими. – Т.: Академия, 2012.
2. Чўтматов Ж. Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи. –Тошкент, 2017.
3. Пугаченкова Г.А. Чағониён тарихи. Холчаён. –Тошкент: Ислom Университети, 2002.
4. Ртвеладзе Э.В. Чағониён тарихи. Чағониёнга саёҳат. –Тошкент: Ислom Университети, 2002.
5. ҚАРШИ. ҚАРШИ. ҚАРШИ. Китоб Альбом. –Тошкент: Маънавият. 2010.
6. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-Ард. –Тошкент: ЎзМЭ давлат илмий нашриёти, 2011.
7. Буниёдов З. Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097 – 1231). –Тошкент, 1998.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Жанубий Ўзбекистон шаҳарларининг ўрта асрлардаги ички ва ташқи савдо, иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ҳамда ички ва ташқи савдо алоқаларида шаҳарларнинг тутган ўрни манбалар асосида ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье освещено развитие внутренних и внешних торгово-экономических связей южных узбекских городов в средневековье по источникам, а также роль городов в торгово-экономических связях.

SUMMARY

This article was described from the sources about places of cities which connected inner and outer trades, development of Economical communications of Southern Uzbekistan cities in middle ages.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

ҚАРШИ – ҚАДИМИЙ ХУНАРМАНДЛАР ШАҲРИ

Қувватова Н.К. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: кулолчилик, темирчилик, мискарилик, заргарлик, тўқимачилик, гилам-дўзлик, заргарлик, урф-одатлар.

Ключевые слова: гончарное искусство, кузнечное, медное, ювелирное искусство, вышивание, ковроделие, ткачество, украшения, традиции.

Keyword: pottery, blacksmithing, copper, jewelry, embroidery, carpet making, weaving, jewelry, traditions.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихи давомида анъанавий хунармандчилик соҳасида ҳам бебаҳо санъат асарларини яратган. Улар ҳозирги кунда ҳам ўзбек халқи ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган. Бу маҳаллий халқнинг дунёқараши ва миллий тафаккурининг нечоғли теран эканлигини ўзида намоён этади. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро хонлигидаги Қарши шаҳри бир томондан Амударё қирғоқлари, иккинчи томондан Бухоро хонлигининг бир қисми ҳамда Самарқанд билан боғловчи дашт йўлининг муҳим кесишган нуқтасида жойлашган. Бухоро хонлиги учун Қарши шаҳри ғалла қони ҳисобланиб, Ҳисор ўлкасининг табиий бойликларининг қалити сифатида хизмат қилган [1]. Қарши орқали деҳқонлар етиштирган барча маҳсулотлар, жумладан, арпа, буғдой, гуруч, тери, жун, қури-тилган мевалар турли шаҳарларга жўнатилиб, у қўшни давлатлар билан савдо қилувчи йирик марказлардан бири бўлиб келган. Қарши вилояти ўзининг ҳосилдор ерлари, тараққий этган деҳқончилиги ва чорвачилиги билан Бухоро хонлигининг муҳим кишлок хўжалиги районла-

ридан бири бўлган.

Қарши шаҳрининг ўзи эса хунармандчилик ва савдо маркази сифатида алоҳида ўрин эгаллаган.

Бухоро амирлигида аҳолининг сони XIX асрнинг бошларида тахминан 2 млн. киши бўлса [2], Бухорода- 80-100 минг кишини, Қарши шаҳрида эса 60-70 минг кишини ташкил этган [3].

Манбаларга қараганда, Қарши шаҳри ривожланган хунармандчилик маркази ҳисобланган. XX аср бошларида бу ерда хунармандчилик Бухорога нисбатан кўпроқ тараққий этган. Унинг бу даражада ривожланишига Қарши шаҳрининг кўчманчилар билан алоқаси ва аҳолининг ушбу маҳсулотларга кучли талаби сабаб бўлган. Қарши шаҳри хунармандлари асосан эски шаҳар ташқарисида девор атрофида яшаганлар. Қарши шаҳри катта бозорнинг талабини кондирувчи хунармандчилик саноатининг муҳим маркази бўлган. Шаҳарнинг Темирчи, Чилангар, Хаттотлик, Ҳалвогар, Кулолгузар, Чармгар каби маҳаллалар ва ҳатто Мискарлик номи билан шаҳар дарвозаси ҳам мавжуд бўлган. Бу ўз навбатида хунармандчиликнинг турли соҳаларининг ривожланганидан далолат беради.

Шаҳарда пичоқчилик санъати ҳам ривожланган. Қаршида тайёрланган пичоқлар нафақат Бухоро, Самарқанд каби маҳаллий бозорларда, балки Эрон, Арабистон ва бошқа давлатларда ҳам юқори баҳода сотилган [4].

XIX асрда ўзбек миллий кийимларини тикишда турли хилдаги матолардан фойдаланганлар. Ўлкамизда ишлаб чиқарилган газламалар шаҳарлар ва маҳаллалар номи билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Масалан, Тошкент косиблари бўз, босма, олача, йўл-йўл нимшойи газламаларини тўқишга моҳир бўлганлар. Бухоро, Самарқанд, Марғилон, Қўқон каби шаҳарларда эса ипак, нимшойи (беқасам, адрас, банорас) газламалари тўқилган [5]. Қарши шаҳрида ҳам тўқувчилик хунари жуда ривожланган. Олача деб номланган пахта ип ёки ярим шойи матоларда жилоланган ҳар хил рангдаги йўл-йўл газлама қаршиликларнинг асосий маҳсулоти ҳисобланган. Манбаларда бир ҳинд саёҳатчисининг ёзишича – “Олача деб номланган ярим шойи матосини тўқишда қаршиликларга тенг келади ганлар йўқ” эди [6]. Қаршида ишлаб чиқарилган газламалар Бойсун, Ҳисор, Гузар, Сариосиёга жўнатилган. Шу билан бирга шаҳар бозорига мунтазам равишда келиб турувчи чорвадорлар томонидан ҳам сотиб олинган. Қаршилик кекса усталарининг ҳисобига кўра шаҳар ва унинг атрофида 5000 дан ортиқ тўқув станоклари мавжуд бўлган. Махсус олача ва салла ишлаб чиқарувчилар асосан шаҳар ташқарисидаги Зоғза гузарида, адрас ишлаб чиқарувчилар эса Маҳсумобод гузарида истикомат қилганлар.

Қарши шаҳрида 25 га яқин йирик тўқувчи тадбиркорлар иш олиб борганлар. Улардан энг нуфузлиси Мулло Охун бўлиб, уни “Охун-олача” деб ҳам аташган. Унинг корхоналари чегараси Ўрта Осиё учун қутилмаган даражада катта эди. Унинг уйида 40 га яқин тўқув станогли мавжуд бўлиб, у бир вақтда ҳам тўқувчилик, ҳам ипак ишлаб чиқариш билан шуғуллаган. Бу устахонада шойи ва яримшойи олачалар ишлаб чиқарилган ва унда 60 га яқин ишчилар фаолият кўрсатган. Қарши беклигининг баъзи қишлоқларида гилам билан бир қаторда палос (туксиз гилам) лар тўқиш билан ҳам шуғулланганлар [7]. Рус савдогарлари Ўрта Осиёдаги хунармандчиликнинг кенг тараққий этишидан манфаатдор эдилар. Бухоро хонлигида, жумладан, Қаршида ишлаб чиқарилган шойи, нимшойи, олача, бўз каби матоларга Сибирда талаб жуда катта эди. Бунга сабаб, биринчидан, бу газламалар арзон, иккинчидан жуда пишиқ тўқилган [8]. Маҳаллий газламаларга бўлган катта талаб Бухоро хонликларидаги шаҳарларнинг ривожланишига ва текстил саноатининг такомиллашиб боришига катта таъсир кўрсатди.

Хунармандчилик турлари воҳа шаҳарлари билан бирга қишлоқларда ҳам тараққий этган. Шаҳар хунармандчилиги қишлоқлардагидан кескин фарқ қилган. Лекин гиламдўзлик ва каштачиликда нафақат шаҳар, балки қишлоқларда ишлаб чиқарилган турли хил буюмлар бозор талабларига жавоб берадиган даражада сифатли ва нафис ишланган. Ушбу тўқимачилик маҳсулотлари нафақат воҳа бозорларида, балки қўшни шаҳар ва давлатлар бозорларида ҳам машҳур бўлган.

Маҳаллий аҳоли пахтадан ип йигириш, ундан мато тайёрлаш ва уни Россия ва бошқа давлатларга чиқариш билан шуғулланган. Улар асосий кийим-кечаклари пахта ипдан тўқилган матолардан иборат бўлган. Пахта ипли матоларни шаҳар хунармандлари ва деҳқонлари тўқиганлар. Ипларни бўйаш билан аёллар ҳам шуғулланганлар.

Тарихий манбаларда ёзилишича, “шаҳар 3 км лик боғлар доирасидан иборат бўлиб, шаҳарнинг қаердан бошланиши ва боғларнинг қаерда тамом бўлишини айтиш жуда қийин” бўлган. Ҳақиқатан ҳам шаҳар аҳолиси бир вақтнинг ўзида ҳам боғдорчилик, ҳам хунармандчилик ёки савдо билан шуғулланган.

Қарши узумидан энг олий навли майиз тайёрланган. Қуритилган мевалар Россиянинг Европа қисмига, карвон йўллари орқали Сибирга жўнатилган. Меваларни қуритиш ишлари билан боғбонлар шуғулланганлар. Уларни қўшни давлатларга экспорт қилиш ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Узумчилик билан шуғулланадиганларнинг даромадлари ҳам яхши бўлган.

Мискарлик хунари билан ота-боболаримиз қадимдан шуғулланиб келганлар. Уларнинг яратган мис идишлари ўзининг нозиклиги, гўзаллиги ва безаги билан нафақатгина маҳаллий халқ орасида, балки қўшни давлатларда ҳам машҳур бўлган. Бошқа ҳудудларга нисбатан Бухоро хонлигида, жумладан, Бухоро ва Қаршидаги мискарларнинг маҳсулотларига маҳаллий аҳолининг эҳтиёжи катта бўлган.

Қарши шаҳридаги мискарлик буюмлари ўзининг шакли ва безаги билан алоҳида бир санъат сифатида ажралиб турган. Қарши офтобалари шарсимон шаклдаги асоси ҳамда бўйи баланд ва ингича бўлган. Мискарлар томонидан яратилган туфдон ва ювиниш учун идишлар ўзининг ажойиблиги билан ажралиб туради. Улар мис пластинкалар, феруза, рангли шиша ва бошқалар билан безатилган”. [9]

Мискар мисга моҳирлик билан шакл беришга ва уни нозик безаклар билан безашда оддийгина қуроллари билан санъат асарларини ярата олган. Бу ҳақда XX аср бошларида Туркистон ўлкасига келган И.Головин “Маҳаллий мискар содда иш қуролларидан фойдаланган ҳолда мисдан турли патнислар, кумғон косалар ясаб, уларни нозик нақшлар билан безар эди” – деб бежиз айтмаган эди[10].

Мис идишлар, асосан, бой оилаларда ишлатилган. Улар мис буюмларни уй безаги сифатида ҳам сақлашган. Оддий оилалар кундалик ҳаётида сопол буюмларни кўпроқ ишлатган. Бу мусулмончиликда фарз деб билинган ва сопол буюмлар мис буюмларга нисбатан анча арзон бўлган. Умуман, Ўрта Осиёда Россия истилосига қадар мис буюмлар мулк сифатида сақланган ва зарурат юзасидан пуллаш осон бўлган.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Қарши шаҳри ҳам заргарлик буюмлари ишлаб чиқарилган марказлардан ҳисобланган. Воҳа шаҳарларида жойлашган заргарлик гузарлари бунга мисол бўлади.

Мискарликда асосий хом ашё қизил ва сариқ мисдан иборат бўлган. XIX-XX асрларда мисдан ясалган чойдиш, кўза, чойнак, самовар, мис коса, лаган, баркаш, кашкул, офтоба, обдаста, туфдон, дастшуй, чилим, қаламдон ва бошқалар маҳаллий аҳоли орасида ва савдотикда кенг тарқалгани мискарликнинг юқори даражада ривожланганидан далолат беради.

Шаҳарда бундан ташқари ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, елимгарлик, гилам тўқувчилик ва бошқа соҳалар ҳам ривожланган.

XIX – XX аср бошларида Бухоро амирлиги сиёсий-иқтисодий ҳаётида Қарши шаҳрининг мавқеи юксалади. Бунинг биринчи сабаби Шаҳрисабз бекларининг исёнкорлиги натижасида олиб борилган жанглар шаҳар иқтисодий салоҳиятини пасайтириб юборган бўлса, иккинчиси Бухоро амирлигининг Шаҳрисабзга қарши курашида Қарши шаҳрининг асосий таянч манзилига айлантирилиши бўлган. Бундан ташқари, доимий урушлар сабабли тинчини йўқотган меҳнаткаш аҳоли, хусусан кўпгина уста-хунармандлар Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз каби марказий шаҳарлардан нисбатан тинч шароит мавжуд бўлган чекка шаҳар ва қишлоқларга бошпана излаб келишган. Шундай шаҳарлардан бири Қарши шаҳри бўлиб, уларнинг бу ерда узоқ муддат қолиб кетиши шаҳарнинг иқтисодий юксалишига катта ҳисса қўшган.

Қадимдан ҳозирги кунгача воҳадаги қулай табиий географик шароит барча хўжалик турларидан, хусусан, чорвачилик, деҳқончилик ва улардан олинган хом ашё ҳамда табиий бойликларининг кўплиги хунармандчилик ҳамда савдо-сотикнинг таракқий этишига кенг имкониятлар яратиб берган.

Воҳа шаҳарлари ўз тузилишига кўра Ўрта Осиё шаҳарларига хос тарзда қурилган ва таракқий этган. Воҳада олиб борилган археологик изланишлар натижасида XIX – XX аср бошларида воҳа хунармандчилик марказлари бек қароргоҳи, шаҳар қўрғони, рабод ҳамда унинг атрофида жойлашган мустаҳкамланган қишлоқлардан иборат бўлган.

Марказий шаҳарларда асосий бозорлар шаҳар марказида жойлашган ва уларда ҳар куни савдо бўлган. Бундан ташқари, шаҳар ва қишлоқларда ҳафтанинг маълум кунларида савдо бўладиган кичик бозорлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда деҳқончилик маҳсулотлари ва чорва моллари савдоси олиб борилган. Савдо алоқаларида аҳамиятли ўрин тутган қарвонсаройларда ҳам улгуржи савдо ишлари олиб борилган.

Воҳада деярли барча хунармандчилик турлари, яъни мато тўқиш, тикувчилик, каштачилик, зардўзлик, кулолчилик, темирчилик, дегрезлик, мискарлик, заргарлик, кўнчилик, дуррадгорлик, қандолатчилик ва бошқалар ривожланган бўлиб, улар учун зарур бўлган хом ашё манбалари, асосан, маҳаллий ҳудудлардан етказиб берилган. Баъзи бир хом ашё турлари, жумладан, турли хил металллар, сунъий бўёқлар, қимматбаҳо тошлар, зар ип, тилла, қумуш симлар ва бошқаларга бўлган талаб четдан келтирилган хом ашё маҳсулотлари эвазига қондирилган.

Тўқимачиликда қишлоқлардан, асосан, хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар етказиб берилган. Шаҳар хунармандчилик гузарларида турли-туман ипак ва пахтали матолар ишлаб чиқарилган. Баъзи гузарлар айрим матоларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, баъзи бирларида эса бир неча турли матолар ва ипак ип тайёрланган. Жумладан, Зоғза гузарларида кўпроқ фўта ва олача ишлаб чиқарилган. Маҳаллот гузари аҳолиси адрас ишлаб чиқариш ва ипак қурти боқиш, ипак ип тайёрлаш билан шуғулланган.

Каштачиликда шаҳар ва қишлоқларда ишлаб чиқарилган каштачилик буюмлари ҳам бозор талабларига жавоб берадиган даражада сифатли ва нафис ишланган. Бундай маҳсулотлар товар ҳисобланиб, сотувга чиқарилган. Каштачилик билан фақатгина аёллар шуғулланган.

Гиламдўзлик воҳанинг чўл ҳудудига хос хунармандчилик тури бўлиб, жундан йигирилган иплар ва турли-туман гиламлар, асосан Қарши шаҳри атрофидаги чўлларда (Қамаши ва Чироқчи) яшовчи чорвадор аҳоли томонидан ишлаб чиқарилган. Ушбу тўқимачилик маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки Самарқанд, Бухоро, Бойсун, Шаҳрисабз, Ҳисор каби шаҳарлар ва қўшни давлатлар бозорларида ҳам машҳур бўлган. Қарши бозорларида эса гиламлар учун алоҳида расталар ва кўтара савдо учун тимлар ажратилган. Кўчманчи аҳоли ўтовларини мустаҳкамлаш учун маҳсус тайёрланган ингичка тасмали гиламнусха палослар ҳам алоҳида расталарда сотилган.

Металлга ишлов бериш хунарларидан темирчилик, дегрезлик, мискарлик, қандакорлик, пичоқчилик, заргарлик, асосан, шаҳарларда ривожланган бўлиб, қишлоқ аҳли зарур буюмларни шаҳар бозорларидан тайёр ҳолда олганлар. Айниқса, воҳада темирчилик ва пичоқчилик маҳсулотларига бўлган талаб катта бўлган.

Заргарлик буюмлари ҳам қимматбаҳо буюм ҳисобланган. Ўрганилаётган даврда турли хил заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи заргар усталар фаолият кўрсатишган. Улар сарой аҳли учун қимматбаҳо, ўртаҳол ва камбағал аҳоли учун арзонроқ заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришган.

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири ва XX аср бошларида Қарши шаҳри Бухоро хонлигидаги ҳар томонлама ривожланган савдо ва хунармандчилик маркази сифатида алоҳида аҳамиятга эга бўлган шаҳарлардан бири ҳисобланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гейер И.М. Путеводитель по Туркестану. Т., 1901. – С. 125.
2. История Узбекистана. Том. III. – Т., 1993. – 163 с.
3. Туркестанский край. Том. XIX. – СПб., 1913. – 349 с.
4. Сухарева О. К истории городов Бухарского ханства. –Т. 1958. – 123 с.
5. Содиқова Н. Ўзбек миллий қийимлари. XIX-XX асрлар. – Т., 2001. –Б. 21.
6. Сухарева О. К истории городов Бухарского ханства. – Т. 1958. – 124 с.
7. Туркестанский край. Том. XIX том. – Т., 1913. – 530 с.
8. Зияев Х.З. Экономические связи Средней Азии с Сибирью в XVI – XIX вв. – Т., 1983. – 107 с.
9. Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана XIX-XX вв. – Т., 1986. – С. 33.
10. Головин И. Кустарные промыслы Туркестана – Т., 1909. –С. 8.
11. Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана XIX – XX вв. – Т., 1986. – С. 29.

РЕЗЮМЕ

Мақолада XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Қарши шаҳри ривожланган ҳунармандчилик маркази сифатида ёритилган.

Қашқадарё воҳасида илк бор ривож топган тўқимачилик, каштачилик, гиламдўзлик, кулолчилик, темирчилик, мискарилик, заргарлик ва бошқа ҳунармандчилик турларининг шаклланиш тарихи, воҳада вужудга келган ҳунармандчилик мактаблари, маҳаллий усталарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш усуллари, жараёнлари буюмлар ва безак турлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган урф-одат илмий асослаб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается город Карши как один из важнейших центров торговли и ремесел в Бухарском ханстве в конце XIX и начале XX веков.

Научно обоснованы история формирования таких видов ремесел, как ткачество, вышивание, ковроделие, гончарное, кузнечное, медное, ювелирное и другие в Кашкарьинской области, а также процессы производства товара местными мастерами, виды изделий и украшений и связанные с ними нравы, обычаи, традиции.

SUMMARY

In this article is enlisted in formations about Karshi city as center of amatevrish Work in late XIX and early XX century.

In the fourth chapter under appellation of Manufactured relations. Specialty of craft extensively research incident traditions by people of Central Asia, Kashkadarya region, also coalition of craft, teacher-pupil, institution of manufacture and trade, refund for works and others.

Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ СИСТЕМЫ ОБСЛУЖИВАНИЯ НА ВЕЛИКОМ ШЕЛКОВОМ ПУТИ

Ачилов А.Т. (КарГУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Буюк ипак йўли, қарвон йўллари, хизмат кўрсатиш тизими, қарвон-боши, хабарчи, тиббиёт, қирақаш, почта алоқа хизмати, элчи, савдо шаҳарлари, айғоқчилар.*

Ключевые слова: *Великий Шелковый путь, караванные пути, система обслуживания, караван-сарай, мессенджер, медицина, аренда, почтовая служба, посол, торговые города, шпионы.*

Keywords: *Great Silk Road, caravan routes, service system, convoy carrier, messenger, medicine, rent, postal service, ambassadors, shopping cities, spies.*

Из истории нам известно, что система обслуживания имела важное значение на путях всех категорий (внутренних, внешних, международных, транзитных). Великий Шелковый путь и его сети не являются исключением. Кроме того, в развитии системы обслуживания считаются важными такие вопросы, как состав и структура торговых караванов, сарбонов (путеводителей), состояние (смена) лошадей и верблюдов, торговцы, послы или туристы, питание (корм), водоснабжение животных.

Деятельность системы обслуживания на караванных путях, точнее, ее масштаб зависел и от состава каравана. Поэтому, прежде всего, необходимо кратко изъяснить вопрос о составе каравана. Состав каравана обычно составлялся с учетом протяженности назначенного города или страны, природно-географических условий на территории, через которой проходит торговый караван, состояния и уровня безопасности дорог, наличия и возможности использования дорожных инфраструктур, удобства сезона, когда осуществляется поездка, и других подобных ситуаций.

В больших караванах верблюды делились от 20 до 60, образуя один шар – **куш** [1:15]. Руководил караваном карванбаши, который определял содержимое каравана, направление, порядок движения и задачи, на дороге, принимал меры по обеспечению безопасности. Карванбаши во многих случаях имели специальное письмо-ярлык правителя соответствующей страны, что являлось основанием для обеспечения его прав и каравана на дорогах, оказания им соответствующей услуги, при необходимости, помощи.

Они, как правило, относились к влиятельным социальным слоям общества, которые в большинстве случаев имели высокий политический и большой экономический авторитет. Карванбаши, возглавлявшие долгие годы крупные торговые караваны, сумели накопить огромное количество богатства и стать уважаемыми и влиятельными представителями общества. В частности, это подтверждает тот факт, что Саманхудат (основатель династии Саманидов Исмаил Самани приходился правнуком ему), который лишился политического авторитета в Хорасане во время правления своего отца халифа Умара (634-644) и стал карванбаши, чтобы накопить большое богатство, и вновь восстановил свое политическое положение [2:216].

В Средние века турецкие народы также активно участвовали в экономико-торговых отношениях. Торговцы и торговые караваны, участвовавшие в международной торговле, назывались “Аркишами” в тюркских странах [3:440-441]. Термин «аркиш» (Arqis) также означает весть или вестник, посол [4:54] указывая на широкое участие древних турок во внутренней и внешней торговле региона.

В развитии системы обслуживания на торговых путях проявляются два аспекта. Первый был связан с организацией обслуживания торговых караванов, членов посольской миссии или пассажиров в крупных торговых центрах, городах и других дорожных инфраструктурах. Вторым аспектом являлась организация обслуживания торгового каравана непосредственно во время похода, войдя в его состав. К этой второй категории относятся арендаторы, обслуживающие караваны с помощью собственных креплений, те или иные группы, которые выполняют функции путевода (сербон) в некоторых направлениях, переводчики, которые играют важную роль в общении с торговцами на разных языках в торговых отношениях, врачи, которые требуют, чтобы они были в составе торговых караванов, идущих в отдаленные страны, и другие.

Формирование группы людей, обслуживающих торговые караваны собственными средствами крепления, то есть категории людей, обслуживающих за деньги, относится к древней эпохе. Рассматриваемая в нашем исследовании деятельность этих людей в развитое средневековье также сыграла важную роль в организации торговых связей. Люди, обслуживавшие за деньги, обычно состояли из представителей народов, проживавших на территории, где проходил торговый караван. В Средние века услуга за деньги считалась главной профессией для некоторых слоев населения. Также известно, что такая услуга считалась единственным источником дохода для некоторых племен кочевых туркмен и казахов. В частности, в последние годы средневековья в торговых отношениях с российскими городами Средней Азии и иранскими городами на Каспии казахи и туркмены занимались в качестве проводников и обслуживающих крупных торговых караванов [5:22-23].

Российские источники особо отмечают, что в Бухаре и во всех крупных торговых городах эмирата можно было арендовать тележки и верблюды [6:9]. При перевозке верблюдов арендная плата составляла 8 верст, то есть в среднем 25-29,5 российских рублей за 1

версту. В русских источниках особо подчёркивается, что город Карши также являлся одним из центров, где торговые караваны могли арендовать верблюдов, каршинских людей, обслуживающих караваны, можно было увидеть во всех частях ханства, взяв 1 серебряную монету за 1 версту [7:328]. В Карши также можно было арендовать верблюдов и тележки для перевозки грузов в Бухару и Самарканд [8:204].

В целом, аренда тележек и верблюдов для перевозки грузов была во всех крупных городах региона. Например, в Бухарском эмирате во второй половине XIX века в среднем было около 1000 тележек, около 5000 верблюжьих грузовиков были на обслуживании пассажиров и торговцев. Тележка могла нести груз до 25 пудов, верблюд 16 пудов, лошадь 6 пудов и осёл 4 пудов [9:9-10]. В горных районах, в основном, перевозили грузы на лошадях и ослах [10:3]. На дороге Бухара-Коканд также использовались тележки [11:6], а торговцы, идущие из Коканда в Карши, скачивали свои товары на арендованных лошадях (по 8 пудов на лошадь) и платили 2-4 тилля за каждую лошадь [12: 109].

Помимо обеспечения безопасности и других услуг на караванных путях, на эффективность торговых связей большое влияние оказало и качество дорог. В то время как центральное и местное правительство несло ответственность за обеспечение бесперебойного функционирования дорог и дорожных сооружений [13:44], имеются данные о расходовании средств государственного бюджета [14:823] и частных лиц на строительство сооружений вдоль дорог [15:187]. Тем не менее, в источниках, относящихся к началу XIX - XX веков, отмечалось, что состояние дорог в Бухарском эмирате [16:162] и Кокандском ханстве [17:26-27] было плохим.

Подчеркивая роль международных транзитных дорог в экономико-культурных связях, междивизиационном диалоге, следует также отметить, что в некоторых случаях опасные инфекционные болезни распространялись по торговым путям на большие территории. В качестве примера можно сказать, что болезнь черной чумы, начавшаяся в Китае в середине XIII века, достигла балканских и восточноевропейских стран по направлениям Великого Шелкового пути в 1330-1340 годах [18: 4430-440]. Поскольку такие случаи часто повторялись в древности и средневековье, организация медицинского обслуживания на караванных путях была жизненно важной [19:62-73]. В Центральной Азии и соседних регионах с давних времен существовали больницы, где оказывалась медицинская помощь населению, а также пассажирам, торговцам. На Балканах и в некоторых городах Ирана, в Бухаре (I в. до н.э.) На Балканах и в некоторых городах Ирана, в Бухаре сведения о больницах средних веков в таких крупных городах, как Мерв, Ургенч, Бухара [20:233-235], академия медицины, основанная в Джундишапуре в Хузестане правителем Хосравом Ануширваном [21:194], результаты, свидетельствующие о наличии аптеки в Древнем Пайкенте, расположенном на Великом Шелковом пути [22:177-178], свидетельствуют о том, что города были основными медицинскими центрами.

Развитие медицины поднялось на высокий уровень особенно в средние века. Больницы, построенные в крупных городах региона [23:58], были основными центрами медицинского обслуживания местных жителей и иностранных туристов, торговцев. Во времена Амира Темура и темуридов медицинские знания и медицинское обслуживание получили дальнейшее развитие. Можно увидеть это благодаря кирпичной больнице, построенной Сахибкираном возле Кабула [24:233-235], и больницам, построенных в Герате хазратом Алишером Навои. Тот факт, что бухарский хан Субхонкулихан (1681-1701 йй.) построил в Бухаре специальную больницу, читал лекции по медицине в медресе [25:304] и другие соответствующие данные свидетельствуют о том, что знания в области медицины в нашем регионе развивались в средние века на уровне требований общества. Достигнутые успехи в области медицины оказали положительное влияние и на развитие медицинского обслуживания на караванных путях. К средневековью в этой области были достигнуты определенные успехи. Кроме городов, в крупных деревнях и на важных станциях налажено медицинское обслуживание торговых караванов, пассажиров, сформированы специальные

группы врачей, которые занимались этим [26:234-253]. Медицинские знания и секреты медицинского обслуживания, как правило, передавались из поколения в поколение, в результате чего появились династии врачей. В частности, в источниках отмечается, что даже в отдаленных районах региона есть местные врачи, которые могли предоставлять квалифицированные медицинские услуги пассажирам и средствам перевоза [27:247].

В составе посольских миссий и крупных торговых караванов были также специальные врачи. Это, с одной стороны, послужило развитию политических и экономических связей между различными регионами, а с другой стороны, послужило распространению медицинских знаний в разные регионы по торговым путям [28:72]. Специальные бегуны, шпионы и другие люди на государственной службе, как правило, были обеспечены самыми необходимыми медицинскими препаратами, различными лекарственными препаратами, которые также имели возможность оказывать первичную медицинскую помощь себе и своим партнерам.

В торговых центрах на караванных дорогах, крупных караванах также были организованы культурные мероприятия, что стало большим источником экономических доходов для владельцев недвижимости. Когда речь заходит о функционировании системы обслуживания на старых дорогах, стоит также вспомнить тонкую проблему. Это вопрос был связан с обеспечением прав в брачных отношениях торговцев, занимающихся международной торговлей и вынужденных жить в силу своей деятельности за пределами семьи в долгосрочной перспективе. Известно, что в средние века мусульманские купцы, участвующие в международной торговле, имели семью в различных крупных торговых центрах. Законы шариата предоставляли мусульманским купцам юридическую возможность для таких браков. В то же время, известно что, некоторые категории торговцев на торговых дорогах и в некоторых крупных торговых центрах, а также пассажиры пользовались услугами женщин с легким характером. Существует также информация о том, что такая услуга была налажена более последовательно, особенно в китайских городах и Восточном Туркестане, и государственная власть не было в состоянии полностью покончить с этим явлением [29:65].

В целом, система обслуживания на караванных путях широка, и направления, связанные с ее деятельностью, можно увидеть в следующих формах:

- 1) Служба безопасности, охранники для наблюдения за караванами
- 2) Информация об организации оптовой торговли, ценах на товары и торговых новинках
- 3) организация отдыха пассажиров в караванах, художках
- 4) обеспечить кормление коней в дорожных сооружениях
- 5) услуги тележек, перевозчиков, проводников и переводчиков
- 6) услуги по обеспечению торговцами, перевозчиками и пассажирами караванов необходимыми вещами в караванах
- 7) оказание бытовых, культурных, медицинских и других услуг

Таким образом, широкомасштабная система обслуживания на караванных путях Средней Азии сформировалась еще в древние времена и развивалась в соответствии с развитием экономико-культурных связей в средние века. В этом процессе активное участие приняли жители городов и крупных деревень, ремесленники, скотоводческие племена и представители других социальных слоев, непосредственно заинтересованных в торговле.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Буюк ипак йўлларига хизмат кўрсатиш тизимини айрим хусусиятларини тарихий манба ва адабиётлар асосида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье освещены некоторые особенности системы обслуживания на Великом Шелковом пути на основе исторических источников и литературы.

SUMMARY

The books are based on historical sources and literature.

Рекомендовано к печати проф. Б.Эшовым

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ТУРК МИЛЛАТИ ЭТНИК ТАРИХИ ВА ЭТНОМАДАНИЯТИ

Бўриев О., Тўхтамишева Ф. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Туркия, турклар, салжукийлар, усмонлилар, Анқара, Истанбул, ўғуз, Мустафо Камол Отатурк, турк диаспораси, Ўзбекистон, ўзбеклар.*

Ключевые слова: *Турция, турки, сельджукиды, усмани, Анкара, Стамбул, оғуз, Мустафа Камал Ататурк, турецкая диаспора, Узбекистан, узбеки.*

Keywords: *Turkey, the turkish, saljukis, usmanlis, Ankara, Istanbul, oguz, Mustafa Kamal Ataturk, the turkish diaspora, Uzbekistan, the uzbek.*

Туркия Республикасида яшовчи турклар энг асосий ва салоҳиятли миллат ҳисобланади. Мазкур миллат этнографияси бўйича Ўзбекистонда комплекс тарздаги алоҳида илмий тадқиқот ишлари ҳанузгача мавжуд эмас. Ўзбекистон этник атласида, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси саҳифаларида ҳамда таниқли элшунос олимлар – И.Жабборов, А.Ашировларнинг дарслик ва ўқув қўлланмаларида турклар этнографиясига оид баъзи маълумотлар учрайди.

Мавжуд тарих-этнография маълумотларига асосланиб, Туркияда яшовчи турк миллати этнографиясига доир олиб борилаётган илмий тадқиқотимизнинг дастлабки натижалари баён этилмоқда.

Энг аввало, Туркия Республикаси ўтмиш ва кечмиш тарихига қисқа тўхталадиган бўлсак, ушбу мамлакат қадимги цивилизация бешикларидан бири саналади. Туркия ҳудудида 2500 та қадимги қабилалар мавжуд бўлган. Милоддан аввалги XVII-XIV асрларда бу ҳудудда Хеттлар подшолиги қарор топган. Милоддан аввалги XII асрда бу минтақада Фригия давлати, милоддан аввалги VII асрда Лидия давлати вужудга келган. Милоддан аввалги VI асрда бу ҳудудлар Форслар давлати, милоддан аввалги 333 йилда Александр Македонский қўшинлари томонидан босиб олинган.

Мазкур ҳудудлар милоддан аввалги II асрда Рим, милодий V асрда Византия империяси таркибига кирган. XII асрда Туркия ҳудудларини Салжукийлар эгаллаб, Эгей денгизидан Туркистонгача бўлган ҳудудларда улкан империя тузишган. XIII аср охирида Салжукийлар империяси кичик давлатчаларга бўлиниб кетган. XIV асрда Усмонлилар кичик давлатларни бирлаштиришга эришиб, 1453 йилда Константинополь (Истамбул) забт этилган.

Сулаймон I даврида (1520-1566) Усмонлилар Жанубий Европа, Ўрта Шарқ ва Шимоллий Африкани эгаллашган. XVII аср бошларидан Усмонлилар давлати ўз куч-қудратини йўқотган. XIX аср охири – XX аср бошларида бу империя ҳудуд жиҳатидан анча қисқарган. 1918 йилда Туркияга бостириб кирган грек қўшинларига қарши Мустафо Камол бошчилигида кураш бошланган. 1922 йил ноябрдан султонлик тугатилган. 1923 йил 29 октябрда Мустафо Камол Отатурк Туркияни Республика деб эълон қилиб, 1938 йилгача бошқарган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Туркия ўз нейтралитетини эълон қилган. 1949 йилда Туркия НАТОга аъзо бўлган. 60-70 йилларда Кипр можароси пайдо бўлган. 1971, 1980 йилларда ҳарбийлар ҳокимиятни эгаллашган. 1983 йилнинг декабрь ойида Туркияда бошқарувнинг фуқаролик шакли қарор топди.

1991 йил Совет Иттифоқи емирилгач, Туркия-Ўзбекистон ўртасида дўстона алоқалар ўрнатилди. 1991 йил 16 декабрда Туркия Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йил 4 мартда Ўзбекистон Туркия билан дипломатик алоқалар ўрнатди. 1992 йил 2 апрелда Туркиянинг Тошкентда, 1993 январда Ўзбекистоннинг Анқарада элчихонаси, сўнгра Истанбулда Бош консулхонаси очилди.

Фарбий (Олд) Осиёда жойлашган Туркия Республикаси этник таркиби қуйидагича: турк гуруҳи (турклар, туркманлар, қорапапахлар, татарлар, гагаузлар, эрон гуруҳи (курд-

лар), семит гуруҳи (араблар, оссурияликлар), абхаз-адигей гуруҳи (черкаслар, абаъзинлар), картвел гуруҳи (грузинлар, лазлар), славян гуруҳи (болгарлар, боснияликлар, серблар, арманлар, греклар, лўлилар, яҳудийлар, албанлар, испанлар, французлар) ва бошқа халқлар), (испанлар, немислар, инглизлар, форслар, руслар, поляклар).

Мамлакат аҳолисининг энг асосий қисми (90 фоиздан зиёд) ҳисобланган турклар (50 миллион нафардан зиёд), уларнинг умумий сони 55 миллиондан нафар ортик бўлиб, асосан турк тилида сўзлашишади. Турклар асосан Грецияда, Кипрда, собиқ Югославияда, Россия Федерациясида, Кавказorti республикаларида, ГФР, АКШ, Араб давлатлари, Австралияда яшашади.

Туркиянинг қарийб 80 миллион аҳолисининг асосий қисми ислом динининг, сунний мазҳабига эътиқод қилишади (98 фоиз). Антропологик жиҳатидан катта европоид иркининг Болқон-Кавказ (Олд Осиё) гуруҳига мансуб. Туркияда курдлар (10 фоиз), грек, араб, арманлар ҳам яшашади. Туркия аҳолисининг 70 фоиздан зиёди шаҳарларда туришади. Давлат тили – турк тили. Аҳолисининг 1/10 қисми шиалардир (“алеви”). Шунингдек, мамлакатда христианлар, яҳудийлар ҳам истиқомат қилишади.

Туркий элатлар XI асрдан бошлаб бу ҳудудга келишган. XI–XIII асрларда салжукийлар ва мўғуллар истилоси даврида Ўрта Осиё ва Эрондан Кичик Осиёга кўчиб келган кўчманчи турк-чорвадор қабилалари (асосан ўғузлар ва туркманлар) ва маҳаллий (Кичик Осиёлик) аҳолидан таркиб топган. XIV асрдан турклар Усмонли деб ном олган.

Туркларнинг бир қисми (узлар ва бижанаклар) Болқон ярим ороли орқали Кичик Осиёга кириб боришган. Турклар маҳаллий аҳоли (греклар, арманлар, грузинлар ва бошқалар) билан аралашиб, уларнинг бир қисмини ўзига сингдирган, хўжалиги ва маданиятининг жуда кўп белгиларини ўзлаштирган. Турклар этногенезида араб, курд, жанубий славян, румин, албан ва бошқа элатлар ҳам қатнашишган.

XIV-XVI асрларда турклар Болқон ярим ороли ва Кипрни эгаллаган. Турк халқи таркибида ярим кўчманчи этнографик гуруҳлар: юруклар, туркманлар, тахтажлар, абдаллар, зейбеклар, лепнилар қабилар мавжуд эди.

XI-XIII асрларда салжукийлар ва мўғуллар босқини натижасида грек, арман, лиз, курд ва бошқалар билан аралашган. Турк халқи XVI аср ўрталарида турк кўчманчи чорвадор қабилалар Кичик Осиёга келган ўғуз ва туркман компонентлари асосида шаклланган. XIV-XVI асрларда Усмонлиларнинг жанубий-шарқий Европагача юришлари натижасида жанубий славянлар, албанлар, руминлар, молдованлар ҳам турклар этник тарихида муҳим роль ўйнаган. Турк миллатининг шаклланиши Усмонлилар империясининг емирилиши ва Туркия Республикасининг ташкил топиши даврига тўғри келади. Бу пайтда турк адабий тили ҳам шаклланган.

Ярим кўчманчилар ўтроқлашиб, турклар таркибига сингишиб бормоқда. Туркия аҳолисининг 65 фоиздан зиёди қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик, чорвачилик), бир миллион нафардан ортиғи саноат соҳасида банддир.

Турклар тили Олтой тил оиласи турк гуруҳининг ўғуз кичик гуруҳига мансубдир. Туркия давлатининг расмий тили турк тили ҳисобланади. Шунингдек, турк тили Кипр Республикасининг (грек тили билан бирга) ҳам расмий тилидир. XX аср охирида сўзлашувчиларнинг умумий сони (55 миллион нафардан ортик) дир. (Туркиянинг ўзида 50 миллион нафардан зиёд) кишини ташкил этади. Диалектал жиҳатдан Туркияда Шарқдаги, айниқса, Анатолия шимолий-шарқдаги минтақа озарбайжон тилига ўхшашлик белгилари билан ажралиб туради. Анатолиянинг бошқа қисми ҳамда шарқий Фракия шевалари, шунингдек, бошқа мамлакатлардаги турк тили лаҳжалари ўзаро унчалик фарқ қилмайди.

Адабий турк тили ҳозирги шаклда XIX аср ўрталарида шакллана бошлаган. Бу даврда ўрта аср адабий тили (эски Туркиянинг Усмонли турк тили) арабча, форсча элементларга бой бўлган. XX аср 20 -йилларидаги ислохотлардан сўнг адабий тил умумхалқ сўзлашув тили билан яқинлашган. Эски турк тилининг араб ёзувида битилган ёдгорликлари XIII асрдан бошлаб мавжуд. Дастлабки ёдгорликларда шарқий туркий (қорахоний-уйғур)

адабий тилининг сезиларли таъсири бор. XIII асрдан араб графикаси кириб келган. Ҳозирги ёзуви 1928 йилдан лотин графикасидадир.

Турк миллати анъанавий уй-жойларига тўхталадиган бўлсак, Туркияда қишлоқ уйлари географик воҳаларга қараб фарқланади. Шимолий соҳиллардаги ўрмонли туманларда ёғочдан, тоғли воҳаларда тошдан уй-жой қурилади. Жанубдаги кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли енгил буталардан ва қамишдан чайла тиклайди. Марказий Анатолийда лойдан ва сомон аралаш ғиштдан қурилган ёғоч, сомон, қамиш билан ёпилган пастқам текис томли уйлар кенг тарқалган.

Уй жиҳозлари ижтимоий шароитга қараб ҳар хил ўзига тўқ оилаларда турли идиш-товок, кигиз-гиламли, замонавий уй-рўзгор буюмлари ва мебеллар, ночорроқ хонадонларда эса супа ёки тақирларга тўшалган чипта, бўйра, баъзан кигиз ёки палос, сопол ёки мис идишлар, тунука қумғонлар, қовоқдан ясалган буюмлар ва саватлардан иборатдир.

Туркларнинг анъанавий интьерерида мебель учрамайди. Ётиб турадиган ва овқатланадиган жойига чипта (восир) ёки палос тўшалади, кўрпа-ёстиқ тахмонда, кийим-кечак эса сандиқда сақланади. Идиш-товоклар ўчоқ ёқасидаги тоқчага териб қўйилади. Овқат қозон осилган сепояда ёки ўчоқда пиширилади³.

Нон маҳсулоти турк деҳқонларида умумий таомнинг тўртдан уч қисмини ташкил этади. Турк кўчманчи ва ярим кўчманчи элатлари асосий таомни тунука товада юпка қилиб, ачитмай ёпишган. Нон, сут ва сут маҳсулотларидан буғдой ёрмаси, арпа ёки сули уни қўшилган турли таомлар тайёрлашган.⁷

Қишлоқларда баҳор байрами- “ хидрллес”, деҳқончилик мавсуми тугагач “қосим” байрами ўтказилади. Суннат тўй энг катта тантана ҳисобланади. Кураш (гуюреш), от ўйини (жиргд), кўча театри (ўрта ўйин), қоронғи театр (қорагўс) анъаналари ҳам мавжуд. Халқ оғзаки ижоди “Ўғузнома”, достон, лирик кўшиқлар, Хўжа Насриддин латиқалари, миллий ўйинлар ҳам кенг тарқалган.

XX асрда Туркия маънавий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлди. Ўтган аср 20- йилларида Мустафо Камол Отатурк ислохотлари натижасида қўп хотинлилик тақиқланди, аёллар эркаклар билан бирга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлишди, фуқаролик никоҳи ҳам қабул қилинди.

Шаҳарларда аёллар қисман ишлаб чиқаришга жалб этилган, уларнинг давлат ишларида, ижтимоий, илмий ва маданият соҳаларида салмоғи ортди. Аммо қишлоқларда феодал-патриархал муносабатлар сақланмоқда. Қонунга биноан никоҳ ўғил болалар учун 18 ёш, қизларда эса 17 ёш белгиланган бўлса-да, ханузгача балоғатга етмаган ёшларни унаштириш ҳолатлари учрайди. Турк мақолида таъкидланадики: «Қиз бола 15 ёшга кирганда эрга чиқиши ёки гўрга кириши шарт».

Куёв ёки келин танлаш ота-она ихтиёрида, никоҳ ота-она розилиги билан ўтказилади. Барча оилавий маросимларни оила бошлиғи – ота-она ҳал қилади. Ўғил туғилиши катта байрам (ўғил ҳолваси), унда қариндош ва қўшниларни чақириб, ҳолва ва шарбат тайёрлаб, меҳмон қилинади.

Деҳқон болалари ёшлигидан меҳнатга тортилади: қизлар 5-6 яшарлигидан уй –ишлари ва бола боқиш билан банд, 6-8 яшарлигидан тўқишга ўргатилади, 13 ёшидан сув ташиниш ва дала ишларига жалб этилади: ўғил болалар эса 8 ёшидан мол боқади, 12 ёшдан ер ҳайдашда қатнашади.

Туркларда ижтимоий ҳаётда ҳозир ҳам ўрта асрлардагидек бозор ва масжид, ҳаммом ва қаҳвахона муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқларда барча масалаларни оқсоқоллар кенгаши, қишлоқ оқсоқоли – мухтор вакил имом ҳал қилади³.

Ўзбекистондаги турк диаспораси шаклланиш тарихига тўхталсак, туркларнинг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида илк бор жойлашуви илк ўрта асрлар даврига тўғри келади. Турклар, асосан ҳарбий хизматчилар ҳисобланган. Соҳибқирон Амир Темур даврида Туркиядан ўқчилар, хунармандлар, ғишт терувчилар, уста заргарлар кўчириб келтирилган. Темурийзода Шохрух Мирзо саройида турк мусиқачилари тантаналарда қатнашишган.

Усмонли турклар (румийлар) ҳарбийлари 1553–1554 йилларда ўзбек хони Барок Султон ва унинг ўғли Бобо Султон кўшинлари сафида Туркистон шаҳарларига юришларда иштирок этишган.

Турк савдогар ва ҳунармандлари аста-секин Туркистон шаҳарларига кела бошлашган. 1890 йилда ўзбек шаҳарлари бозорларида французларникидан сифатли турк ипак курти уруғи пайдо бўлган. Бухоро хаттотлари Туркия фабрикаларида тайёрланган «Истанбул қоғози»дан фойдаланишган. XX аср бошларида Туркистон ўлкасига Константинополь ҳарбий зобитлари – ёш турклар келишган. Маҳаллий турк кизлари Туркияда ўқиган ўзбек йигитларига турмушга чиққан.

Кейинги даврда турклар Ўзбекистонда 1926 йилда – 374 нафар, 1979 йилда – 48726 нафар (турк месхетилари билан), 1989 йилда 106302 – нафар (турк месхетилари билан) яшашган.

XX асрнинг 30-йилларида Кавказ жанубида яшовчи турклар чегараларни тозалаш муносабати билан Ўзбекистонга мажбурий кўчирилди. II жаҳон уруши даврида турклар деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланиш учун Тошкент вилоятига жойлаштирилди. Сирдарё вилояти чўл туманларида ҳам «Турк» маҳаллалари пайдо бўлди. 1956 йилда турклардаги чеклашлар олиб ташланган бўлса-да, аммо ўз жойига қайтиб, бориб яшаш тақиқи сақланиб қолган эди.¹

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳридаги Республика Байналмилал маданият марказида Турк миллий-маданий маркази мавжуд бўлиб, самарали фаолият кўрсатмоқда.

Юқорида жаҳондаги энг салмоқли ҳисобланган Туркия Республикасидаги турк миллати этнографияси ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хуллас, Туркияда яшовчи турк миллатининг келиб чиқиши (этногенези) ва этник тарихи, анъанавий хўжалиги, моддий ва номоддий маданиятини тарихий – этнографик манбалар асосида ҳолисона ўрганиш замонавий жаҳон этнологиясини янги саҳифалар билан бойитади. Шу боисдан ушбу долзарб мавзу бўйича туркум этнографик илмий тадқиқотлар яратиш ўзбек-турк халқларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам бериши шак-шубҳасиздир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Этнический атлас Узбекистана. Стамбул Ин-т «Открытое Общество» - Фонд содействия – Узбекистана. 2002. – 452 с.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 8-ж. – Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2004. – 704 б.
3. И. Жабборов Жаҳон этнологияси асослари. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи” НМИУ, 2008. – 352 б.
4. А. Ashirov. Etnologiya. 2-нашри. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2014. – 544 б.
5. Брук С.И. Население мира (Этнодемографический справочник). – М.: Наука, 1986. – 520 с.
6. Жаҳон мамлакатлари. – Т.: Мухаррир, 2013. – 320 б.
7. Этнография питания народов Зарубежной Азии. Опыт сравнительной типологии. – М.: Наука, 1981. – 250 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Туркия Республикасида яшовчи турк миллати этник тарихи ва этномаданияти ёритилган. Шунингдек, мақолада туркларнинг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига Туркиядан келиб жойлашиши жараёнлари тарихи ҳам баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещается этническая история и этнокультура туков, проживающих в Республике Турция. А также описывается процесс переселения турков из Турции на территории современного Узбекистана.

SUMMARY

This article contains information about the ethnic history and culture of the turkish who lived in the Republic of Turkey.

Besides, the history of the process of turkish people’s moving to the present territory of Uzbekistan from Turkey is illuminated.

Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган

ЎҚУВ ЛЕКСИКОГРАФИЯСИ ТАРИХИГА ДОИР

Бахридинона Б.М. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: ўқув луғати, ўқув луғатчилиги, мактаб луғати, лексик минимум, антропоцентрик луғатлар.

Ключевые слова: учебный словарь, учебная лексикография, школьный словарь, лексический минимум, антропоцентрический словарь.

Keywords: educational dictionary, educational lexicography, school dictionary, lexical minimum, anthropocentric dictionary.

Луғатлар – ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, иқтисодий ривожланишининг рамзий тимсоли. Луғат фақат тилни ўрганиш эмас, халқ маданияти, турмуш тарзи ва бошқа жиҳатлари хусусида ҳам маълумот бериш учун хизмат қилади.

Луғатчилик тарихига назар ташлаганда, Маҳмуд Кошғарий (XI аср)нинг "Девону луғотит-турк" ("Туркий сўзлар девони") туркий тилнинг лексикографик талқинига бағишланган илк асар эканлигини кўриш мумкин. Абу Ҳайённинг (XIII аср) "Китобулидрок лил-лисонул-атроқ" ("Туркларнинг тили бўйича идрок китоби") илк давр ўзбек тилининг луғат бойлигини ўзида мужассамлаштирган мўътабар луғатлар ҳисобланади.

Алишер Навоийнинг (XV аср) "Муҳокаматул-луғатайн" ("Икки тил муҳокамаси") луғати эса бевосита ўзбек тили лексик бирликларининг семантик имкониятларини акс эттириш билан бирга, муайян сўзларнинг араб, ҳинд ва форс тилларидаги муқобиллари билан муқоясига бағишланганлиги билан қадри саналади. Алишер Навоий яшаган даврдан кейин унинг асарлари тили ҳақида бир қанча луғатлар тузилди. Шундай луғатлардан бири «Абушқа» дир. Унда Навоийнинг бадиий, илмий, тарихий асарларидан олинган сўзларнинг луғавий маънолари изоҳланади.

Толеъ Ҳиравийнинг (XVI аср) "Бадоеул-луғат" ("Сўзнинг бадиийлиги") ҳам Навоий асарлари лексикасига бағишланган, луғатда Навоий тилидаги туркча сўзларнинг форсча таржимаси берилган. Мирза Меҳдихоннинг (XVII аср) "Мабониул-луғат"ида (Сўзлар баённомаси) у ёки бу сўзнинг форс ва ўзбек тилида қандай қўлланилиши кўрсатилади.

XVII асрда тузилган Фазлуллаҳоннинг луғати ўзбек тили тарихи учун муҳим қимматга эгадир. Унда ҳар бир сўзнинг лексик имкониятларидан ташқари унинг талаффуз этилиш меъёрлари ҳам келтирилади.

Хивалик Муҳаммад Ризонинг "Мунтахабул-луғат"ида («Арабча-ўзбекча-тожикча луғат») Навоий асарларидаги арабча, форсча ва ўзбекча сўзларга изоҳ берилади. Шу даврда яратилган Мирза Меҳдихоннинг «Санглоҳ» луғати ҳам ўзбек адабий тилининг лексик ҳамда грамматик меъёрларини белгилашда маълум роль ўйнайди.

XV – XIX асрларда яратилган луғатларнинг мукамалларидан бири Муҳаммад Яъқуб Чингийнинг ўзбекча-тожикча ҳисобланган „Келурнома» асаридир. Луғатнинг қимматли томони шундаки, унда ҳар бир сўзнинг бош ҳолати, яъни феълларнинг инфинитив кўрсаткичи, отнинг бош келиши кўрсаткичи ва унинг форсча таржимаси берилади.

Фатҳ Алихон Қожарий луғати (XIX аср) ҳам Навоий асарларидан олинган мисоллар билан безалган бўлиб, унда тарихий ва этнографик маълумотлар ҳам келтирилган.

Умуман олганда, XI–XIX асрларда яратилган луғатлар талабга тўла жавоб бермасда, улар ўзбек лексикографиясининг ибтидоси бўлиш билан бирга, бугунги луғатчилигимиз учун муҳим замин яратган, дейиш айтиш ҳақиқат.

Манбаларда замонавий луғатларнинг жамият тараққиёти учун муҳим ижтимоий, сиёсий, маданий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги асосий вазифаси ажратилади:

- она тилини ва бошқа тилларни ўргатиш;
- она тилини тасвирлаш ва меъёрлаштириш;
- тиллар ва маданиятлараро муносабатларни таъминлаш;
- тил лексикасини илмий текшириш ва талқин қилиш. (1, 125)

Тилшунослик фанлари тизимида лексикографиянинг ўқув луғатчилиги тармоғи пайдо бўлгандан буён, мутахассисларни ўқув луғати қандай луғат, уни яратишда қандай мезонлар устуворлик қилади, асосий вазифалари нимадан иборат, умумий луғатлардан нимаси билан фарқланади, бошқа типдаги луғатлардан устунлиги нимада деган саволлар қизиқтириб келган. Жаҳон тилшунослигида XX аср бошларидаёқ бу саволларга давр талабларидан келиб чиққан ҳолда муайян жавоблар берилди. Кўпгина ривожланган мамлакатларда ўқув лексикографияси ўз тараққиётининг бир неча босқичини ортда қолдириб, бугунги кунда замонавий типдаги янги авлод антропоцентрик ўқув луғатларининг янги-янги жанрларини яратиш назарияси ва амалиёти билан шуғулланмоқда.

Маълумки, ҳар қандай луғатда ниманидир ўргатиш мақсади ётади. Аммо бевосита мактаб учун яратилган луғатларгина ўқув луғати тоифасига киритилади ва улар махсус мезонлар асосида тузилади.

М.А.Скопинанинг маълумот беришича, илк марта “учебный словарь” (ўқув луғати) термини рус луғатчилигида Е.Д.Поливановнинг 1926 йилда яратилган “Қисқача русча-ўзбекча луғат”и сўз бошисида ишлатилади. Муаллиф ўз луғатини тавсифлар экан, “ҳажмига кўра справочник луғат деб бўлмайди, уни ўқув луғатлари тоифасига киритиш ўринли”, дейди. (2, 62)

“Ўқув луғатчилиги” терминининг илк таърифи Л.А.Новиковга тегишли бўлиб, унинг ўқув луғатчилиги вазифалари чегараси, муаммолари ва ўқув луғатлари типлари аниқлаштирилган “Ўқув лексикографияси ва унинг вазифалари” деб номланган мақоласида келтирилади: “Академик лексикография билан таққослаганда, ўқув лексикографияси ҳажман кичик ва катта таълимий мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим”. (2, 66)

Ўқув лексикографиясини характерлайдиган ушбу мезонлар (“кичик ҳажм, катта мақсад”) П.Н.Денисовнинг “ўқув луғати” терминига берган таърифида ҳам ўз аксини топади: “Ўқув луғати – сўзлиги маълум бир мезон асосида тартибланган, ўқув-услугий талабларга жавоб берадиган, одатда, ҳажман кичик бўлган, маълумотни тезкор ва қулай тақдим этадиган китоб”. (3, 216-217)

Ўқув луғатлари, одатда, ўқув лексикографиясининг тадқиқ объекти. Ўрганиш объекти – ўқув луғатининг тавсифий белгилари ўқув лексикографиясининг асосий вазифаларини белгилаб беради. Ўқув луғатчилиги ўтган асрнинг 70-йилларида лексикографиянинг алоҳида тармоғи сифатида ажралиб чиқади ва ўзига хос назарий асослари, мақсади ва вазифаларига эга бўлган лингвометодик йўналиш сифатида танилади. Л.Г.Саяхов ушбу йўналишнинг ўзига хос белгилари хусусида тўхталар экан: “Унинг асосий ривожланиш йўналишлари, бир томондан, ўқув жараёни – таълимнинг умумий мақсади, иккинчи томондан – лингвистик мақсадлар, унинг ривожланиш мантиғи билан белгиланади”, – дейди. (4, 23) Аслида ҳам ўқув луғатчилиги тараққиёти фақат лексикографиянинг эмас, лингводидактиканинг ҳам тараққиётига боғлиқ. Шу боис кейинчалик ўқув луғатларига лингводидактик восита сифатида қараш аъъанага айланди. Хусусан, В.В.Морковкиннинг машхур “Ўқув лексикографияси махсус лингвометодик йўналиш сифатида” деб номланган мақоласидан сўнг ўқув луғатларининг лингвистик ва педагогик, дидактик вазифаларига эътибор қаратиш оммалаша бошлади. (5)

“Ўқув лексикографиясининг назарий асослари” деб номланган докторлик диссертациясида В.В.Морковкин “ўқув луғати” терминига куйидагича изоҳ беради: “Маълумот олиш, тил ўрганишга ёрдам бериш мақсадида махсус яратилган ҳар қандай жанр ва ҳажмдаги лексикографик асарга ўқув луғати дейилади”. (6, 9)

Мутахассислар ўқув луғатини яратишда бир-бири билан узвий алоқадор бўлган икки асосий муаммонинг ечими, яъни:

1) сўзликни танлаш, тақдим қилиш усули;

2) таълимнинг босқичи, нутқий фаолият вазияти, нутқ услуги, таълим олувчининг она тили, маданий, маънавий савияси ва бошқаларнинг ҳисобга олиниши лозимлигини таъкидлайди. (7, 4)

Ана шу мезонлардан келиб чикиб, сўнгги йилларда “ўқув лексикографияси” термини таърифига луғатнинг ўрганилаётган тилни ўқитиш методикаси билан боғланишига урғу берилди, яъни: “ўқув лексикографияси – лексикографиянинг луғат ёки луғат типидаги бошқа асарларда тил бирликларинининг педагогик мақсадга йўналтирилган тавсифининг назарий ва амалий аспекти қамраб оладиган махсус соҳаси (6, 8)” деб изоҳланди.

Кўриниб турибдики, ўқув лексикографияси ва унинг объекти бўлган ўқув луғатларининг тавсифий белгиларига, асосан, уч хусусият:

- таълимий мақсадга йўналганлик;
- ҳажман чегараланганлик;
- тил (она тили ёки бошқа тил) ўқитиш учун мўлжалланганликка урғу берилади.

Ўқув луғатига берилган таърифлар ичида В.В.Морковкиннинг таърифида ҳажм етакчи мезон сифатида олинмайди, у луғатнинг мақсади, лингводидактик характерга эга бўлиши, яъни таълимга йўналган бўлишига диққатни қаратади. Шунга асосан у ўқув луғатчилигини алоҳида лингвометодик йўналиш, анъанавий лексикография ва лингвометодика фанларининг кесишмасида пайдо бўлган фан эканини таъкидлайди. (5,31) Унинг фикрича, ўқув лексикографиясининг асосий бўлимларини:

- а) ўқув луғатларини тузиш назарияси ва амалиёти;
- б) лексик минимумларни тузиш назарияси ва амалиёти;
- в) ўқув лексикостатистикаси назарияси ва амалиёти;
- г) лексика бўйича луғат типидаги ўқув қўлланмаларини яратиш назарияси ва амалиёти;

д) дарсликка илова қилинган ва муайян мавзу учун бериладиган луғатларда тил лексикасининг тақдим этилиши ва семантизацияси назарияси ва амалиёти ташкил этиши лозим. (5)

В.Г.Гак ҳам ўқув луғатчилигининг назарий ва амалий аспекти ҳақида тўхталар экан, унинг лексикография ва педагогика ориентидаги амалий фан эканини тасдиқлайди. (8, 11) Шу боис илмий адабиётларда ўқув лексикографияси лингводидактик фан, лингвопедагогик йўналиш, педагогик лексикография деган турли номлар билан юритилиши кузатилади. Сўнгги йилларда шу йўналишда бажарилган ишларда ўқув луғатчилигига антропоцентрик луғатчилик, ўқув луғатларига эса антропоцентрик луғат сифатида қараш оммалашиб бораётгани кузатилмоқда. (9; 10)

Замонавий лингводидактикларнинг изланишларида ўқув лексикографик қўлланмани яратишда иккита бир-бири билан алоқадор бўлган муаммо:

1) анъанавий лексикографик муаммо – сўз танлаш, уни тақдим қилиш мезонлари, лексикографик пометалар ва ҳ.к.;

2) методик характердаги муаммолар – таълим босқичи, ўқувчининг ёши, нутқий қобилияти, даражаси ва бошқа масалалар ечимини топиши керак. (11)

Ўқув луғатларини тавсифлашда унинг функционал йўналиши – вазифалари муҳим роль ўйнайди. П.Н.Денисов эътирофича, “ўқув луғати сўзлик ва тўртта вазифа – ўқув, маълумот бериш, меъёрлаштириш ва системалаштириш вазифасини бажаришга хосланган минимал лексик тизим”. (12, 210-211)

Шу билан бирга тилшуносликда ўқув луғатчилиги лексикографиянинг алоҳида тармоғи экани билан боғлиқ мунозарали фикрлар ҳам учрайди. Айрим тадқиқотчилар ўқув луғатларига лексикографиянинг алоҳида жанри эмас, шунчаки ўқув жараёнига чуқурроқ кириб борган кўриниши деб қарайдилар.

2008 йилда нашр этилган “Рус тили лексикографияси” дарслиги муаллифи В.В.Дубчинский китобнинг “Ўқув луғатчилиги” бўлимига ноанъанавий кириш қилиб, “масалан, С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведовларнинг 80 000 сўз ва иборани қамраб олган “Рус тили изоҳли луғати”нинг 1997 йилда чоп этилган 4-нашридан ўқувчиларга таълим беришда фойдаланиш мумкинми? Қандай қилиб ўқитувчи ва ўқувчидан қамраб бўлмайдиган нарсани қамраб олиш талаб қилинади?” деган мунозарага чорловчи саволни қўяди ва ўз фикрига асос сифатида америкалик тилшунос В.М.Риверснинг “лексикон таълим объекти бўла олмайди”, Н.Ю.Шведованинг “тилни луғат орқали ўқитиш мумкин эмас” деган қатъий хуло-

саларини келтиради. “Бироқ, – дейди муаллиф ўқувчини иккилантиришга имкон қолдирмай, – бугунги кунда ўқув луғатчилигининг асослилиги ва зарурийлиги ҳақидаги баҳслар аста-секин сусаяётир. Н.Ю.Шведованинг “фойдаланувчи луғатга ё аллақачон тилни билган ҳолда, ёки уни энди ўрганмоқчи бўлганда мурожаат қилади” деган фикри ўқув луғатчилиги нуқтаи назаридан мутлақо асоссиздир”, дея қатъий ҳукм қилади. (13, 335)

У ўз фикрига 1950 йиллардаёқ Л.В.Шчербанинг луғатларнинг ҳажмига ишора қилгани, С.И.Ожеговнинг луғатларнинг ўрта ва кичик турларини ажратишга эътибор қаратгани ва бугунги кунда тил лексик сатҳини уни ўргатиш мақсади билан луғатда акс эттириш вазифаси лексикографиянинг энг муҳим муаммоларидан бири эканлиги тилшуносларга аллақачон равшан бўлиб қолганини асос сифатида келтиради. В.В.Дубичинский нафақат икки тилли луғатлар, балки бир тилли луғатлар ҳам ўзида тилни тасвирлаш ҳамда ўқитиш мақсадини бирлаштира олишини қатъий таъкидлайди. (13, 336)

Шунингдек, А.Е.Супрун ҳам ўқув луғатчилиги масалалари ёритилган мақоласида “Луғат таълим бериши мумкинми? – деган саволни кўяди ва фикрини давом эттириб: – Эҳтимол, мумкин. Албатта, луғат – машқлар тўплами эмас, шунинг учун ундан ўқитиш ва, айниқса, кўникмаларни мустаҳкамлашни талаб қила олмайсиз. Аммо луғат, кўникмаларинигина эмас, маълумотларни ҳам ўргатиши мумкин”, дея фикрини хулосалайди. (14, 43)

Э.Ю.Балалаева ҳам ўқув луғатларини ажратиш масаласида тадқиқотчилар орасида қатъий тўхтаб йўқлиги, жумладан, Б.Бим-Баднинг ўқув луғатларининг таълимий, маълумот бериш ва тизимлаштириш, шунингдек, бошқа барча луғатларга хос бўлган ахборот бериш ва меъёрлаштириш вазифаларини бажариши, М.Лаптеванинг терминологик ўқув изоҳли луғатларнинг ахборот бериш, тизимлаштириш ва мустақил билим бериш каби етакчи вазифаларни бажаришига доир фикрларини келтириб ўтади. Олима мазкур тадқиқотчиларнинг фикрларини инкор этар экан, М.Ковязина, Т.Петрашов, В.Табанаквалар каби бу борада П.Н.Денисов фикрларига кўшилишини ва ўқув луғатларининг тўртта – таълимий, тизимлаштириш, маълумот бериш, меъёрлаштириш вазифаларини бажарувчи минимал лексик тизим эканлигини таъкидлайди. (15)

Ўқув луғатларини педагогик аспектда ўрганган Т.В.Жеребило ўқув луғатларини бир қатор ўзига хос хусусиятларига қарамай, дарсликлар, қўлланмалар ва турли дидактик материаллардаги маълумотларни шунчаки лексикографик шаклга келтириш, жамлаш ва сақлаш вазифасини бажарадиган восита деб ҳисоблайди. Унингча, ҳар қандай луғат таълим бериш ва инсон шахсини ривожлантириш воситаси сифатида ўқув, таълимий, тарбиявий, интеллектуал ривожлантириш билан боғлиқ асосий вазифаларни бажаради. Ўқув луғатлари ушбу универсал функциялар билан бир қаторда маълумот бериш, ахборот узатиш, тизимлаштириш, меъёрлаштириш, мотивлаш каби махсус функцияларни ҳам бажаради ҳолос. (16)

Умуман олганда, Т.В.Жеребило ўқув луғатини дидактик тизимнинг шунчаки бир қисми сифатида қарайди ва унинг вазифасида таълим жараёнига ҳосланиш бироз чуқурлашган деб ҳисоблайди. Айрим тадқиқотчилар Т.В.Жеребилонинг қарашларига қарши чиқади ва бу фикр ҳар доим ҳам тўғри келавермаслиги, масалан, ўқув терминологик луғат тарбиявий вазифа бажармаслигига эътиборни қаратади. (15)

В.В.Дубичинский ўқув луғатининг энг муҳим хусусияти методик талабларга асосан тил ўрганишга қаратилган восита эканлиги, аслида, ўқув луғати нафақат лексикографик, балки дидактик нашрлигини, она тили таълими ҳам, хорижий тилларни ўқитиш методикаси ҳам унга эҳтиёж сезишини таъкидлайди. У мутахассисларнинг ўқув луғатчилиги соҳасини ажратиш ёки ажратмасликка доир иккиланишларига қуйидаги фикрлари билан нуқта қўяди: “Ўқув луғатчилигининг тадқиқ соҳасини уч тизимга мансуб бўлган уч координатли майдон – лингвистик, психологик ва социологик мезонларга асосланган тизим сифатида белгилаш мумкин”. (13, 33) Ўқув луғатларига бундай ёндашув, ўз ўзидан, унинг антропоцентрик луғат экани, инсонни ҳар томонлама қамраб олувчи восита эканини кўрсатади.

В.В.Морковкин “Лингвоцентрик луғатлар – бу тил учун ва тил ҳақида бўлган луғатлар. Уларнинг асосий вазифаси – мавжуд тил фактларини ёзиш, тавсифлаш ва баҳолаш. Антропоцентрик луғатлар – инсон учун яратилган луғатлардир. Уларнинг асосий вазифаси

– инсонга ёрдам бериш, биринчидан, инсон онгида тилнинг манзарасини шакллантириш, иккинчидан, уни ушбу тилдан самарали фойдаланишга ўргатиш”, деган эди. (9, 132-133)

Юқоридагилардан келиб чиқиб ўқув луғатининг куйидаги асосий вазифаларини ажратиш мумкин:

1. Таълим бериш. Ўқув луғатлари таълим олувчиларнинг ДТС, малака талаблари, фан дастури ва дарсликка оид билимларни мустақил ўзлаштиришида ёрдамчи ўқув воситаси бўлиб хизмат қилади.

2. Маълумот бериш. Ўқув луғати бошқа луғатлардан фарқланиб, ўқувчига муайян тушунча ҳақида умумий маълумот бериш билан бирга муайян фан мазмунига алоқадор махсус тушунча, ахборот бериш учун ҳам хизмат қилади.

3. Меъёрлаштириш. Луғатларнинг аксарияти адабий тил меъёрларини белгилаш вазифасини бажаради. Ўқув луғати фойдаланувчининг узлуксиз таълимнинг қайси бўғинида таълим олаётганидан келиб чиқиб, тилнинг имло, талаффуз билан боғлиқ меъёрларини соддадан мураккабга қараб даражали тарзда қамраб олади. Масалан, бошланғич синфлар учун яратилган луғатлар боланинг нутқ жараёнида тилнинг орфоэпик, орфографик, лексик, морфологик, синтактик меъёрларига амал қилиш компетенцияларини шакллантириб боришга хизмат қилади.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, меъёрий луғат адабий тил меъёрларини белгилашга интилар экан, меъёрларни абадийлаштирмайди. Луғатнинг юзага келиши, адабий тил меъёрларини қатъий, барқарор ҳолга келтириш билан бирга, унда узил-кесил ҳал этилмаган масалаларни аниқлаш ва бартараф қила бориш учун ҳам ёрдам беради.

4. Тизимлаштириш. Бугунги кунда замонавий тилшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам тил ҳодисаларига тизимли ёндашувга кенг эътибор қаратилмоқда. Ўқув луғати тил тизимининг барча сатҳ бирликларини ўзида акс эттиради. П.Н.Денисов “луғат сўзлиги, яъни уни шакллантирадиган лексика сўзларнинг хаотик (тартибсиз) тўплами эмас. Тил лексикасини ўрганаётган фойдаланувчи, аввало, тилнинг лексик тизими, тушунчалар тизими, мазкур тилнинг ўзига хос хусусиятларини мукамал ўзлаштирган бўлиши керак”, деганда ўқув луғатларининг айнан шу вазифасини назарда тутган эди. (12, 210-211)

5. Мувофиқлаштириш. Ўқув луғатлари, хусусан, лексик минимумлар тил тизимининг барча сатҳлари, хусусан, лексик сатҳ бирликларининг имлоси, лексикографик семантизацияси билан боғлиқ маълумотларни ўзаро мувофиқлаштириш, узвийлик, узлуксизликни таъминлаш вазифасини ҳам бажаради.

6. Тил ўргатиш. Ўқув луғати ўқувчининг тилни шунчаки тушуниши эмас, балки ундан профессионал даражада фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилишга ёрдам беради. У она тили ҳамда бошқа тилларни ўргатиш, тилни тасвирлаш ва меъёрлаштириш, тиллар ва маданиятлараро муносабатни таъминлаш, тил лексикасини илмий текшириш ҳамда талқин қилишдек муҳим ижтимоий вазифани ҳам бажаради.

Луғат турини белгилашда унинг бош мақсади, энг муҳим вазифасига таянилади. Қолаверса, луғатнинг асосий талаблари ҳам унинг етакчи вазифасида акс этади. Ўқув луғатларининг В.В.Морковкин томонидан илгари сурилган ва П.Н.Денисов томонидан маъқулланган энг муҳим вазифаси ўқув – таълимий вазифаси. Улар луғатларнинг ўқув вазифасини аниқлаштириш жараёнида тилни шунчаки тушунишга эмас, балки ундан профессионал даражада фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилишга ёрдам беришига урғу берадилар. Мақсад фойдаланувчига луғат билан ишлаш жараёнида сўзнинг фақат семантикаси эмас, балки грамматик характеристикаси, шунингдек, асосий парадигматик хусусиятлари (маъно жиҳатидан боғлиқ сўзлар билан алоқаси, синонимлари, антонимлари, шаклдошлари ва б.) ва уни гапда қўллаш билан боғлиқ асосий қоидалар (яъни, сўзнинг синтагматик хусусиятлари, унинг бошқа сўзлар билан грамматик ва лексик мувофиқлиги қоидалари ва бошқ.) ҳақида ҳам маълумот бериш эканини таъкидлайдилар. (12)

П.Н.Денисов сўзнинг бундай мазмуний қуршов билан акс эттиришни адекват семантизация деб атайдди. Унингча, луғат фойдаланувчига шу сўз семантикаси, фаол ёки нофаоллиги, морфологик хусусиятлари, синтактик имконияти, умуман, нутқда реаллашиши билан

боғлиқ барча маълумотларни бериши лозим. Яъни луғат ўқувчининг аниқ ўқув мақсади ва аниқ коммуникатив акт жараёнида сўздан хатосиз фойдаланиши учун зарур бўлган барча маълумотларни қамраб олиши лозим.

В.Г.Гак 1977 йилда нашр этилган “Ўқув луғатчилигининг долзарб муаммолари” номли илмий тўпламда босилган мақолада лексикография турларини ажратар экан, ўқув луғатчилигининг ҳам таснифнинг тўлақонли аъзоси эканини, лексикографияда янги тармоқ пайдо бўлганини қатъий таъкидлайди: “Бундан буён лексикография тўрт йўналишда иш олиб боради:

1. Тасвирий лексикография – илм-фан, техниканинг барча соҳалари лексикасини акс эттириш, бу жараёнда тилда мавжуд барча сўзларни, ҳатто кам истемолли, эскирган сўзларни ҳам имкон даражасида қамраб олиб жамлаш, қайд этиш билан шуғулланади.

2. Меъёрлаштирувчи лексикография – ўз олдига ёзувни тартибга солиш, тўғри талаффуз меъёрларини белгилаш, сўзларнинг маъносини аниқлаштириш каби катта мақсадни кўяди.

3. Филологик лексикография – ҳар бир тил бўйича этимологик, тарихий, қиёсий луғатларини тузиш билан машғул бўлади.

4. Ўқув ва амалий лексикография – муайян тилни ўрганиш учун бир тилли, икки тилли луғатлар, маълумотномалар, сўзлашгичлар тузиш билан шуғулланади”. (8, 19)

В.Г.Гакнинг ушбу таснифи ўқув луғатчилиги лексикографиянинг бир неча жанрларига эга бўлган алоҳида тармоғи сифатида шаклланиб улгурганини тасдиқлайди.

Кўриб ўтилганидек, ХХ асрнинг иккинчи ярмига келиб жаҳон лексикографиясида “ўқув луғатчилиги” деб номланган тилшунослик ва педагогика оралиғида амалий фан тўла шаклланиб улгурди ва турли луғатларда термин сифатида ўз изоҳини топди. Жумладан, 2002 йилда нашр этилган “Педагогик энциклопедик луғат”да терминга қуйидагича изоҳ берилди:

ЎҚУВ ЛУҒАТИ – лексикографияда луғатларнинг мустақил кўриниши; таълимий йўналганлиги ва ўқув воситаси ҳисобланиши билан характерланади. Сўзликнинг тузилиши, сўз танлаш мезонлари, луғат материалларининг жойлаштирилиши, лингвистик маълумотларни тақдим этиш ва изоҳлаш усуллари, материални тақдим этиш тили, ҳажми, дизайни ва бошқа белгиларига кўра характерланади. (17, 262)

Демак, сўзлиги маълум бир мезон асосида тартибланган, ўқув-услубий талабларга жавоб берадиган, таълим олувчининг коммуникатив компетенциясини шакллантириш учун хизмат қиладиган, маълумотни тезкор ва қулай тақдим этиш воситасига **ўқув луғати** дейилади.

Умуман олганда, бугунги кунда ўқув луғатларига том маънода антропоцентрик луғат деб қаралмоқда. **Ўқув лексикографияси** эса, кўриб ўтилганидек, лексикографиянинг ўқув луғатчилиги тарихини ўрганиш, ўқув луғатларини тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш, ўқув луғати типлари ва турларини аниқлаш, мунтазам такомиллаштириб бориш, янги ўқув луғатларини тузиш ва нашрга тайёрлаш билан шуғулланадиган энг фаол ва ёш тармоғи.

Замонавий ўқув луғатчилиги фақат ўқув луғатлари тузишни эмас, балки лексик минимумлар, ўқув лингвостатистикалар, лексикани ўқитиш бўйича қўлланмалар, тил ўқитишга мўлжалланган дарсликларда лексикани тақдим этиш ва семантизациялаш ва бошқа вазифаларни ҳам ўз зиммасига олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Х., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2006. – 391 б.
2. Скопина М.А. Об одном существенном типологическом признаке учебного словаря // Теоретические основы разработки словарей учебного типа: Сб. научных трудов. / Подред. Н.М. Шанского, Е.А. Быстровой. – М: НИИОП АПН СССР, 1981. – С. 58-70.
3. Денисов П.Н. Лексика русского языка и принципы ее описания. – М: Русский язык, 1993.

4. Саяхова Л.Г. Словари в культурологической концепции обучения языкам // Словарь в системе филологического образования: Материалы Всероссийской научно-практической конференции 26-27 октября 1999 г. / Отв. ред. Л.Г. Саяхова, Т.Н. Дорожкина. – Уфа, 2001. – С. 22-25.
5. Морковкин В.В. Учебная лексикография как особая лингвометодическая дисциплина // Актуальные проблемы учебной лексикографии. М.: Русский язык, 1977, С. 28-37.;
6. Морковкин В.В. Основы теории учебной лексикографии: дисс. ... д-ра филол. наук (в форме научного доклада). – М.: Институт русского языка им. А.С. Пушкина, 1990.
7. Денисов П.Н. Учебная лексикография: итоги и перспективы. Проблемы учебной лексикографии. М., Изд.-во Моск. ун-та, 1977. – 189 с.
8. Гак В.Г. О некоторых закономерностях развития лексикографии (учебная и общая лексикография в историческом аспекте) / В.Г. Гак // Актуальные проблемы учебной лексикографии. – М., 1977.
9. Морковкин В.В. Антропоцентрический versus лингвоцентрический подход к лексикографированию // Национальная специфика языка и её отражение в нормативном словаре. – М., 1988.
10. Старикова И.Л. Основы построения учебных словарей сопроводительного типа: на материале “Толкового словаря школьника” Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М. 2008. – 25 с.
11. Вереитинова М.М. К вопросу о методической концепции создания учебного словаря паронимов-неологизмов (на материале прилагательных) Вестник РУДН, серия Русский и иностранные языки и методика их преподавания, 2010, – № 3. – С.103-110. [Электрон ресурс]. URL: <https://elibrary.ru/contents.asp>
12. Денисов П.Н. Лексика русского языка и принципы ее описания / П.Н. Денисов. – М.: Русский язык, 1993. – 248 с.
13. Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб. пособие / Дубичинский В.В. – М.: Наука: Флинта, 2008. – 432 с.
14. Супрун А.Е. Некоторые свойства учебного словаря и словарь для обучающего // Проблемы учебной лексикографии и обучения лексике. – М., 1978. – С. 43.
15. Балалаева Е.Ю. Универсальные и специфические функции учебных словарей. [Электрон ресурс]. URL: <https://interactive-plus.ru/e-articles/>
16. Жеребило Т.В. Функционально-стилистический инвариант в учебной лексикографии / Т.В. Жеребило. – Назрань: Пилигрим, 2005. – 363 с.
17. Педагогический энциклопедический словарь / Редкол.: М.М. Безруких, В.А. Болотов, Л.С. Глебова и др.; Гл. ред. Б.М. Бим-Бад. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – 528 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўқув луғати ва ўқув луғатчилиги тушунчаларининг пайдо бўлиш тарихи, термин сифатида жаҳон тилшунослигида оммалашиши, ўқув лексикографиясини алоҳида ажратиш масаласидаги мунозаралар таҳлил қилинади. Ўқув луғати олдида қўйиладиган асосий талаблар ҳамда замонавий ўқув луғатчилигининг долзарб вазифалари ёритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются история появления понятий учебный словарь и учебная лексикография, популярность термина в мировой лингвистике, дискуссия о разделении учебной лексикографии. Рассмотрены основные требования к учебному словарю и текущие задачи современной учебной лексикографии.

SUMMARY

The article analyzes the history of the appearance of the concepts of educational vocabulary and educational lexicography, the popularity of the term in world linguistics, a discussion about the division of educational lexicography. The basic requirements for the educational dictionary and the current tasks of modern educational lexicography are considered.

МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН ЮРИШЛАРИ ВА ҲАРБИЙ ТАКТИКАЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Мирзаев Б.Н. (ЎзР ФА Тарих институти)

Таянч сўз ва иборалар: *Шайбонийхон, ҳарбий тактика, Убайдулла Султон, Туркистон мулки, Мовароуннаҳр, сафавийлар.*

Ключевый слова. *Шайбонийхан, военная тактика, Убайдулла Султан, землевладения в Туркестане, Маверауннахр, сафавиды.*

Keywords: *Shaybonikhan, military tactics, Ubaydullo Sulton, the legacy of Turkistan, Movaraun-nahr, safaviys.*

Ўзбекистон доирасида ҳозирдаги ўнлаб халқлар ва давлатларни бирлаштирган улкан давлатлар: Қанғ, Кушон, эфталийлар давлатлари, турк ҳоқонлиги, сомонийлар, ғазнавийлар, қорахонийлар, хоразмшоҳлар, темурийлар, шайбонийлар давлатлари мавжуд бўлиб, улар ўзига хос бошқарув тизимларига эга бўлганлар. Ана шулардан бири шайбонийлар давлати бўлиб, бу давлат юз йил мобайнида яшаб халқимиз тарихида ўзига хос из қолдирди. Бу давлатнинг ҳам илм-фан, адолат тарафдори бўлган бошлиқлари Муҳаммад (Шоҳбахт) Шайбонийхон (1451-1510), Убайдуллахон Биринчи, Абдуллахон Иккинчи каби вакиллари билан, уларнинг сиёсат, давлатни тутиш, уни бошқариш ва илм-фан борасидаги ютуқлари, шунингдек, улар даврида қурилган иншоотлар билан халқимиз ҳақли равишда фахрланади.

XV асрнинг биринчи ярми – XVI асрнинг бошларида яшаб, Мовароуннаҳр ва Хурсонда ҳокимиятни қўлга олиб, XVI аср ўрталаридан бошлаб ягона марказлашган давлатга айлантира олган ва фаол ташқи сиёсат олиб борган Абулфатҳ Муҳаммад Шайбонийхон ибн Шоҳ Будоғ ибн Абулхайрхон ўз даврининг типик вакили саналади.

Ушбу мақолада моҳир сиёсатчи ва саркарда, давлат арбоби, ижодкор ҳамда илм-фан ҳомийси бўлган Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳарбий юришлари тарихий ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ёритишга ҳаракат қилинди.

Зеро, ўзбек халқи давлатчилиги ва ҳарбий санъат тарихини ўрганишда нисбатан кам тадқиқ этилган ҳамда эътибордан четда қолган шайбонийлар сулоласи ҳукмронлик даври ҳам ўзига хос ўринга эга. Мазкур сулола ҳукмронлик қилган XVI аср Мовароуннаҳр ҳарбий санъати тарихида бир қанча ўзгаришлар даври бўлди. Хусусан, қўшинда ўқотар қуроллар ва замбаракларнинг пайдо бўлиши, ҳарбий тактика ва стратегия соҳасида киритилган бир қанча янгиликлар тарих нуқтаи назаридан кам ёритилган¹ мавзулар сирасига кириб, бугунги давр талаби ўрганишни такозо этмоқда.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, дасти(қўли)ни дунёга чўзиб шоҳлик даъво қилишнинг ўзи журъату жасоратни, шижоату укувни, бир умрлик ташвишу фидойиликни талаб қилади. Шайбонийхон ҳам ана шундай фазилатлар соҳиби сифатида кўп машаққатлар чекиб, “... бутун Туркистон ҳудудлари микёсида марказлашган давлат туза билган”. Бу давлат Бизким, ўзбеклар китобида, “...Амир Темур салтанатидан кейинги кучли давлат²” деб талқин қилинган.

1468 йилда ўзбек улусининг асосчиси Абулхайрхон вафот этганидан сўнг, ички ва ташқи душманлар унинг давлатини талон-тароҷ қилганлари, мамлакатнинг ҳалокат ёқасига келиб қолганлиги ҳақида Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида қуйидагича маълумотлар келтирилган: “Абулхайрхон туғишли, дўстларини қулдириб ва душманларини йиғлатиб, юруган киши эрди. Тўрт ёниндаги ўлтурган қариндошларининг ҳеч қайсина тези ўтмаган ва қўли етмагани йўқ эди. Ул сабабдан барчаси бош қўтардилар. Таки Абулхайрхоннинг гарчи ўғли ва набираси кўп эрди, андиғ ҳам бўлса кўп душман қўл сукти. Таки ўғлонларининг бир нечасин ўлтурди. Қолганлари тўрт ёққа қочдилар. Кўп элининг

¹ Замонов А. Бухоро хонлигида қўшин тузилиши ва ҳарбий бошқарув. – Тошкент: «BAYOZ», 2018. – Б. 5.

² Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар. – Тошкент: Шарқ, 2011. – Б. 40.

барчасин тўрт ёқга тўздурдилар. Бу воқеотдин бир неча йиллар ўтқандин сўнг Абулхайрхоннинг набираси Шохбахтхон туғишли йигит туғилди. Вояга етгач, у ҳам ота юртига келиб, тарқаб кетган элни йиғди”¹.

Ана шу вазиятда ўзбеклар ўзларининг эътибор ва ишончларини Абулхайрнинг набираси шаҳзода Муҳаммад Шайбонийхонга қаратдилар, у баъзи манбаларда, хусусан, “Бобурнома”да Шайбоний, Шойбоқ каби номларда учрайди. Шунингдек, “Бобурнома”да Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида “... беш вақт намозни тарқ қилмас эди, қироат илмини тавре билур эди”² ва яна бир ўринда “менинг ғанимим Шайбоқхондек пуртажриба ва кўп иш кўрган ва улуғ ёшлиқ киши эди”³ деб, таъкидлаб ўтилади. Бу зот ўзининг ёшлигига қарамадан истикбол учун порлоқ умидлар билан дунёга келган эди.

Шайх Ҳайдарнинг вафотидан сўнг, Қорачабек хийла улғайган бу етим шаҳзодаларни олиб, Абулхайр оиласининг душманларидан Сирдарёнинг куйи тарафларига қочиб кетишга мажбур бўлди.

Бу даврда Самарқанд тахтининг эгаси Абусаиднинг ўғли Султон Аҳмад ҳукмрон эди. Мамлакатнинг шимолий чегараси ноиби эса Кушликхон ўғли Мажид тархон (Муҳаммад Мазид тархон) эди.

Муҳаммад Шайбонийхон Мажид тархондан уни ўз хизматига олишни илтимос қилди, Мажид тархон розилик берди, ойлик ҳам белгилади. Лекин Мажид тархон кейинчалик, Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбек уруғларининг кучайиб кетиши ва унга душманлик қилиш таҳликасини ҳис этгандан кейин, хавфдан қутулиш учун уларни Бухоро ҳокими Абдулалӣ тархонга юборди. Бухоронинг мутлақ ҳокими Абдулалӣ тархон саройи зийнат ва ҳашамат жиҳатдан ўзи тобе ҳукмдорнинг саройидан кам эмасди. У Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбекларни яхши қабул этди ва мўғуллар шимолий-шарқдан ҳужум қилганда, улардан фойдаланди. Бу хусусда, “Бобурнома”да ёзилишича, “Шайбонийхон, гарчи навқари бўлмаса-да, кўп вақт у билан бирга бўларди. Шайбонийхоннинг бунчалик кучайиб кетмоғига ва қадим хонадонларнинг бузилмоғига Абдулалӣ тархон сабабчи бўлди”⁴.

Шунингдек, “Тарихий Рашидий” асарида, “Султон Аҳмад мирзо ҳаётлигида Шохибекхон Абдулалӣ Тархон мулозимлари қаторида бўлди. Султон Аҳмад мирзо ва Абдулалӣ тархон деярли бир вақтда Аллоҳга омонатларини топширишгач, Шохибекхон Туркистонга бориб, Султон Маҳмудхон эътиборини қозонишга уринди. Хон имкони борича ундан ёрдам мададини аямади. Унинг кўмагида Шохибекхон Бухоро ва Самарқандни олди, унинг лашкари икки-уч юз кишидан эллик минг, эҳтимол, ҳатто олтмиш минг кишига етди. У Туркистонга кетганидан бошлаб, Султон Маҳмудхон ёрдамида унинг кучи ортиб бораверди, султонлару амирлардан энг саралари ва Абулхайрхондан қолган Дашти Кипчоқда тентираб юрган бошқа одамлар у қаерга борса, ўша ерда унга бирлашаверишди”⁵.

Лекин ўзбек шаҳзодалари ҳарбий жиҳатдан катта куч тўплаганларидан сўнг, темурий ҳукмдорлар томонидан ҳар қандай қуролли хизмат учун тўланган оддий маошга қаноатсизлик қила бошладилар. Натижада темурий ҳукмдорлар Ўтрор, Саврон, Сигноқ шаҳарларини уларга беришга мажбур бўлдилар. Ана шу тарзда Шайбонийхон ўз мамлакатни ҳудудини кенгайтира бошлади.

Шайбонийхон ўзининг асосий душмани бўлган Бурга Султон билан куч тўплаб, ҳарбий тайёр ҳолатга келгунча риёкорона тарзда дўст тутинди. Тайёргарлик охирига етгач, узоқ қиш кечаларидан бирида, содиқ уч баҳодири билан душмани Бурганинг саройига ҳужум қилди. Унинг оила аъзолари ва қариндошларидан кўп кишини қатл этди. Қочган Бурга Султон ҳам ўлимдан қутулиб кета олмади, Шайбонийхон уни топтириб, қатл эттирди. Маз-

¹ Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк. – Тошкент, 1992. – Б. 118.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. (нашрга тайёрловчи П.Шамсиев). – Тошкент, 1989. – Б. 186.

³ Ўша манба. – Б. 77.

⁴ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Масъул муҳаррир: М.Саъдий. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. – Б. 73-74.

⁵ Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий / Таржимонлар: Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова, Масъул муҳаррир: акад. Азиз Қаюмов // – Т.: Шарқ, 2010. – Б. 242-243.

кур муваффақиятли ҳужумдан кейин ёш шаҳзода хийла кучайган ўзбек суворийларига бошлик бўлди. Уларнинг паноҳида зўр жангларида қатнашиш учун имконият топди.

Шайбонийлар билан инқирозга учраётган темурийлар ўртасидаги тинч муносабатнинг узоқ давом этмаслиги табиий ҳол эди¹. Тўқнашувнинг сабаби тез топилди. Султон Аҳмаднинг ҳаётлик вақтидаёқ Шайбонийхон келажакни ўйлаган ва ноиб Мажид тархонга қарашли Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерларни ўз тасарруфига олган эди. Бундан ташқари, Шайбонийхон эндиликда аввалгидай маошга хизмат қилишдан воз кечган, шундан буён Темур сулоласининг кўркинчли душманига айланган эди. Ёш кўчманчи хонларнинг ғоятда кучайган жанговар аскарлик руҳи уларнинг ўзаро низою жанглари учун кифоя эди. Бу даврда Мовароуннахрнинг ниҳоятда чувалашиб кетган сиёсий ҳаёти, бекларнинг бошбошдоқликлари каби ҳолатлар Шайбонийхоннинг мамлакатни истило этишига сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, Шайбонийхон 1501 йилда Сарипул жанги билан Мовароуннахр тахтини олган бўлса, 1507 йилга келиб, Марвичак уруши билан бутун Хуросонни ўз тасарруфига киритди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Бобурнинг 1501 йилда Сарипул жангидаги мағлубиятининг асосий сабабларидан бири ёрдамчи мўғул аскарларининг хиёнатларида кўринса-да, аслида бошқа сабаблар ҳам йўқ эмасди. Жумладан, Бобурнинг мунажжимлар башоратида кулоқ солишидир. Воқеа тафсилоти шундан иборатки, ҳар икки томон 5-6 кун давомида бир-бирининг қаршисида жангсиз ҳолатда турган ва турли ҳарбий тактикалар режаси билан машғул бўлишган. Бунда Бобур атайлаб жангни кечиктиришга уринган. Сабаб шуки, Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро томонидан юборилган Қанбар Али бошчилигидаги икки минг атрофидаги ёрдамчи кучлар Кешга етиб келган бўлиб, икки кунда Бобурга келиб қўшилиши керак эди. Шунингдек, Бобурнинг тоғаси Султон Маҳмудхоннинг Саййид Муҳаммад бошчилигида юборган бир минг беш юз атрофидаги ёрдамчи кучлари ҳам эртаси куни тонгда етиб келиши керак эди². Шундай пайтда масалага мунажжимлар аралашиб, шу кунда саккиз юлдуз ораликда турганлигини, агар бир кун ўтса, фурсат бой берилиб, сўнгра икки ҳафта давомида саккиз юлдуз душманининг орқасида бўлиши, шу боисдан юлдузларнинг айна ҳолати кечиктирмай жангга кириш ва ғалаба қозониш мумкинлигини англатишини башорат қилиб, ёрдамчи кучларни кутмасдан, жангга киришга давъат этган³лигидир.

Иккинчи сабаб сифатида шуни ҳам кўрсатиш мумкинки, Бобурнинг ҳарбий стратегиёсидаги хатоси ва бунда Муҳаммад Шайбонийхоннинг устамонлигидадир. Яъни, жанг олдидан Бобур кўшинни одатдагидек сафга тизиб, энг сара саркардалари, ичкилар (одатда саройнинг ҳукмдорга яқин амалдорлари, А.Замонов таъбирича, хос соқчилар) ва моҳир жангчиларни кўшиннинг ировул (Зафарязак, қоровул. Марказда, кўшиннинг олд қисмида борувчи бўлинма) қисмида жойлаштиради⁴. Шайбонийхон эса кўшин қанотларида тажрибали саркардалар Маҳмуд султон, Ҳамза султон ва Маҳди султон раҳбарлигидаги кучли отлик қисмларни жойлаштирган⁵. Жанг бошланиши билан Шайбонийхоннинг қанот қисмлари Бобур кўшинининг баронғор ва жавонғорини ортга суриб ташлаб, марказ қисмининг орқасидан ёриб кирган. Натижада, кўшиннинг чиндовул қисми (орқа қисм – аръергард) қисмида турган Бобур мирзо асосий қисмдан ажралиб қолган ва қуршовга тушиб қолмаслик учун, чекинишга мажбур бўлган⁶.

Шайбонийхон бу ғалабадан сўнг Мовароуннахр ва Хуросоннинг турли вилоятларини қўлга киритиш учун бир неча йўналишда жанглари олиб борди. Бу вазифани бажаришда

¹ Вамбери Ҳерман. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Китобдан парчалар / Тўпл.: С. Аҳмад/. –Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б. 78.

² Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифи Ж.Ҳазраткулов, И.Бекжонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б. 991.

³ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б. 81.

⁴ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Б. 81-82.

⁵ Муҳаммадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар муаллифи И.Бекжонов, Д.Сангирова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 79-80.

⁶ Замонов А. Бухоро хонлигида кўшин тузилиши ва ҳарбий бошқарув. – Тошкент: «BAYOZ», 2018. – Б. 45-46.

тажрибали саркардалар Маҳмуд султон, Убайдулла султон, Ҳамза султон, Кўчкунчихон, Суюнчхожахонлар муҳим роль ўйнаганлар. Жумладан, 1501-1502 йилларда Маҳмуд султон бошчилигидаги кўшинлар Дизак (Жиззах), Ўратепа, Шош, Шохрухия, Сайрам каби шаҳар ва қалъаларни эгаллайди.

Шундан сўнг Шайбонийхон ҳарбий юришлар билан Мовароуннахрнинг бир қанча шаҳарларини эгаллаб, 1504 йилда Ҳиротни ҳам забт этади ва ундан кейин ўғилларини Хуросонда қолдириб, ўзи Амударёнинг нариги тарафига кетди. Уни Бухорода тантанали қарши олдилар. Лекин унинг мақсади Бухорога келиш эмас, балки ундан ўтиб кетиш эди. Унинг асл нияти сафардалиқ даврида исён кўтарган мўғул Юнуснинг ўғли Маҳмудхонни тобе этиш эди. Шунинг учун у Сирдарёнинг шимолий вилоятига йўл олди. Шайбонийхон бу ерда ҳам тинчлик ўрнатгач, истило ишини тамомлаш учун яна Хуросонга қайтди. Айтилган пайтда 914 (1508) йилда Журжон вилояти ҳам унинг давлати тасаруфига ўтди.

Ана шу тариқа, Темур авлодининг барча мамлакатларини деярли ўз тасаруфига олди. Ҳофиз Танишнинг “Абдуллонома” асарида ёзилишича, Шайбонийхон забт этилган ҳудудларини бошқаришни мукофот юзасидан ўзининг энг яхши иқболли султонларидан, зийраклик ва сиёсатда машҳур бўлган амирларидан бирига берди. Жумладан, Туркистон вилоятига – Кучкунчи султон ҳазратларини номзод этди, Тошкентга – Кучкунчи султоннинг иниси Суюнчихўжа султонни ўтказиб, уни ҳокимлик иззатига етказди, Бухоро идораси бошқарувини Шайбонийхон укаси Султон Маҳмуднинг иноят қафти ва адолат қабзасига топширди, Аҳси ва Андижонни – шижоат ва нишонли Жонибек султонга, Шохрухия ва унинг атрофи амир Ёқуб вафодор ихтиёрига, Дорул маҳфуза Самарқанд – Аҳмад Султонга, Ҳисор мамлақати ва унга тобеъ ерлар атрофи билан баробар Ҳамза Султон ва унинг укаси Маҳдий султонларга, Кундуз ва Бағлон – амир Қанбар ва Саъид Ошиқларга, Хоразм – Кўшчи Кўпакка, Ҳирот – Жонвафо бойга, Марв – Кўбиз Найман ва бошқаларга тақдим этилди¹.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг қуйидаги сўзлари темурийлар давлатининг қай тарзда эгалланганлиги Фазлуллоҳ ибн Рўзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида қуйидагича келтирилади: «Амир Темур авлодларидан баъзи мулкларини тортиб олган бўлсак ҳам, мулкпарастлик ва кичик мамлакатларга қаноат қилмаслигимиздан эмас, балки тақдир ҳукмига кўра шундай бўлди. Зеро қазо меросий мулкни яна бизнинг қўлимизга ва ихтиёримизга қайтишини тақозо этди»².

Зеро, ушбу мавзунини чуқур тадқиқ этган шарқшунос олим А.А.Семёновнинг: «Бу бир давлатни иккинчи давлат томонидан босиб олиш учун бўлган уруши эмас, туркийларнинг ҳокимият, улус таллашиб қилган уруши, унинг бош сабаблари ўзаро қон-қариндошлиқда бўлган кишиларда эди. Туркларнинг бу сўнги урушида ғолиблар ҳам, енгилганлар ҳам топилмади», деган фикрларининг ҳақлигини кўрсатади³. Фикримизча, шайбонийлар давлатининг вужудга келишини ўрта асрларда туркий халқлар давлатчилигида тез-тез юз бериб турган ҳодиса – сулолалар алмашиниши деб баҳолаши айтилган тарихий ҳақиқатга яқин деб ҳисоблаш мумкин.

Шайбонийлар давлати ғарбда Каспий денгиз бўйидан шарқда Чу дарёси водийсигача бўлса, шимолда Дашти Қипчоқдан жанубда Марказий Афғонистонга қадар кенгайиб, жануби-ғарбда Сафавийлар давлати билан чегарадош бўлиб қолиши ва эндиликда уруш бўлиши муқаррар эди.

Шоҳ Исмоил томонидан Муҳаммад Шайбонийхонга, «...Ҳар ўғил ота ишини қилиш лозим бўлса эди, ҳамма инсон Одам (а.с.)нинг фарзандлари бўлиб, уларга пайғамбар бўлмоқ лозим эди. Агар подшоҳлик мерос қолса, Пешодийлардан Каёнийларга етмас эди ва подшоҳлик Чингизга қайсидандир ва на сенга етадир деб шоҳ Исмоил унинг тухфаси билан бирга чарх ва ипакни юборади ва яна айтдики, ул номада нима айтган бўлсанг мен

¹ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. 1-к. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 57.

² Фазлуллоҳ Рўзбехон. Меҳмонномаи Бухоро. (перевод. Р. Жалиловой.) – М., 1976. – С. 72.

³ Семенов А.А. К вопросу о происхождении и составе узбеков Шейбани хана // Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. Выпуск 1. – Сталинабад: Изд-во АН Тадж. ССР. 1954. – С. 148-150.

хам айтаман. Агар жанг қилмоққа ростлансанг ҳам ростландим. Жанг ерида эса сен ва менлик даввоси дуруст эмасдир. Агар жанг қилмасанг, унда чарх йигириб ўтиргайсан»¹ деб жавоб ёзиб элчиларни жўнатади. Шу тариқа ҳар икки томон (бир-бирига) хат ва элчи юборишни (бир неча бор) такрорлагач, шох Исмоил урушмоқ мақсадида куфру зулол (яъни кофир ва йўлдан адашган) сипоҳини, ит хислатли ва бад (ёмон) андишали лашкарларини тўплаб, ўз жамоасини диққат билан тайёрлаб, Араб ва Ажам Ироқидан Шайбонийхон томонга юрди ва Марв вилоятида ул хазратга етишди. Ўша замонда хоннинг муборак хизматида бир неча санокли кишиларидан бошқа (жанг қиладиган) аскар бўлмагани ҳолда, ғазот шарафига бениҳоят харис бўлганидан ҳаётдан кўнглини узиб, душман томонга ўзини отди. Душман чекинмоқчи бўлиб турганида, хон аскарлари (уни) қувиб етди. Шунда ҳар икки томоннинг лашкари Марв яқинидаги Мурғоб дарёси қирғоғида, яъни, Тахрирободда – бир томондан ислом лашкари, иккинчи томондан кофирларнинг лашкари Садди Искандар каби бир-бирининг муқобилида саф тортдилар². Бу жангда Шайбонийхон ихтиёрида йигирма минг(20 000) кишилик лашкари бор бўлса, шох Исмоил эса етмиш минг(70 000) кишилик армия билан қамал қилиб, сўнгра қўшимча ўн етти минг кишилик қўшини билан шу манзилда ғалаба қилади³. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг гувоҳлик беришича, “Тарих тўққиз юз ўн олтинчи йилда (милодий 1510-йилда) Шайбонийхоннинг буюклик ва улуғлик офтоби... (ўзининг) махфий пардасига яширинди. Кўп ўтмай унинг орзулари ва умидлари фалокат офтобининг шаҳодат мағрибига ботди.

*(Минг) афсуски, ғозийи хусрав шаҳид бўлди.
Қуёи шафақ ичига кириб, кўринмай қолди*⁴.

Шайбонийнинг ҳарбий юришлари ва тактикалари ҳақида ёзма манбалардаги маълумотларга таянган ҳолда қуйидагича хулосалар қилиш мумкин.

1. Шайбонийхон кучли саркарда ва сиёсатчи сифатида қисқа муддатда Дашти Қипчоқ, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросон ҳудудларини ягона давлатга бирлаштира олган тарихий шахсдир.

2. Шайбонийхон ўзининг душманлари (хусусан, Эронлик сафавийлар) тарафидан тасвир этилганидек, ваҳший бир кимса эмас эди. У даврнинг руҳоний уламоларини ҳурмат қилиб, ҳатто уларга болаларча итоат қилар эди.

3. Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдулла султон, Абдуллахон ибн Искандархонларнинг шаҳар ва қалъаларни эгаллашда қўллаган тактикалари мудофаачиларни доимо қийин аҳволга солиб қўйган. Тарихий манбаларда Бухоро қўшинининг таркибида душманнинг шаҳар ва мудофаа қўрғонларини ишғол этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган нефтлар, манжанақлар, тош отувчи қуроллар мавжудлиги ва уларнинг техник бошқаруви йўлга қўйилганлиги ҳақидаги кўплаб маълумотларни учратиш мумкин.

4. XVI аср давомида Эрон ва Қозоқ хонликлари, Дашти Қипчоқ билан олиб борилган урушлар туфайли хонликда қўшин тузилиши ишига маълум даражада эътибор қаратилган⁵. Шу даврда Бухоро хонлигининг жипслиги, мустаҳкамлиги ва юрт озодлигини сақлаб қолиш энг асосий вазифа саналган бўлса-да, бироқ қисқа вақт ичида бу ишни ҳал этиш мушкул кечган деб ҳисоблаш мумкин.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада моҳир сиёсатчи ва саркарда, давлат арбоби, ижодкор ҳамда илм-фан ҳомийси бўлган Муҳаммад Шайбонийхоннинг сиёсий, ижтимоий, ҳарбий фаолияти тарихий ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ёритилди.

РЕЗЮМЕ

В данной статье на основе исторических рукописей освещены политическая, социальная, военная деятельность искусного политика, военачальника, государственного деятеля, мецената в области искусства и творчества Мухаммада Шайбанихана.

¹ Аёзий Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 378.

² Ўша манба. – Б. 378-379.

³ Шарипова М. Муҳаммад Шайбонийхон. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 30-31.

⁴ Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. (Шарафномаи Шохий.) Икки жилдлик. 1-жилд. – Т., 1999. – Б. 58.

⁵ Замонов А. Кўрсатилган асар. – Б. 145-146.

SUMMARY

In this article political, social and military activities of Muhammad Sheibanikhan, a well-known politician and commander-in-chief, statesman, creator and scholar of science, are based on historical sources.

Наширға проф. О.Бўриев тавсия этган

НОВЫЙ ЭТАП ЗАРУБЕЖНОГО ПАРТНЁРСТВА ГЕОЛОГОВ УЗБЕКИСТАНА

Бахтиёрзода О.Б. (Института Истории АН РУз)

Ключевые слова: геологоразведка, геология, геофизика, научный обмен, опыт, стажировка, повышение квалификации, совместный проект.

Таянч сўз ва иборалар: *qidiruv, geologiya, geofizika, ilmiy almashuv, tajriba, stajirovka, malaka oshirish, qo'shma loyiha.*

Keywords: *exploration, geology, geophysics, scientific exchange, experience, internship, advanced training, joint project.*

Ускоренные темпы развития экономики Республики Узбекистан диктуют свои условия. Важнейшим из которых является расширение топливно-энергетической и сырьевой базы страны. Поиск, разработка и добыча полезных ископаемых были приоритетным направлением развития науки страны. Узбекистан осуществляет сотрудничество с рядом зарубежных стран в области геологии, это Китай, Япония, США, РФ, Италия, Индия и Великобритания и др.

Одним из первых узбеких ученых был академик И.Х.Хамрабаев (1920-2002 гг.), который ещё в 90-е годы XX в. установил сотрудничество с китайскими специалистами в области геологии. Так, в 1994 г. к нему обратились известные китайские геологи Ли Цзинь Сянь и академик Хежи Ли для изучения и прогнозирования месторождений полезных ископаемых в Синьцзян – Уйгурском автономном районе [4].

Совместные исследования оказались весьма успешными и итогом работ ученых посвящена специальная конференция, проведенная Академией наук КНР в Пекине в мае 2000 г.

В 1989г. КНР утвердил план освоения нефтеносных районов и добычи нефти и газа в Таримском бассейне, а также создания в г.Корла «Управления по разведке и добычи нефти в Тариме». Освоение нефтегазовых ресурсов Таримского бассейна было возведено в ранг государственной экономической стратегии.

С 1999г. КНР осуществляет стратегию «Сибу да кайфан» (Полномасштабное освоение северо-запада). Стратегия предусматривает политику превращения СУАР в одну из главных баз нефтедобывающей промышленности страны в максимально короткий срок[10].

Работа по уточнению запасов нефти и газа, а также увеличению их добычи проводилась и в северной части СУАР, что не решает проблему растущего спроса Китая на углеводороды. Поэтому КНР уделяет большое внимание разработке запасов нефти в соседних странах.

Придается особое значение реализации проекта по составлению фундаментальной геологической карты Евразии. Работа по реализации проекта начата в 1996г., в ней участвуют КНР, РФ, Казахстан и 5 стран ЕС. Карта содержит информацию о геологическом строении двух континентов, процессах образования земной коры и формирования полезных ископаемых, уточнения природных ресурсов и их особенностей. В 2000-2007 годы осуществлен первый этап работы, на территории России, Казахстана и Узбекистана выявлены 32 крупных месторождения, из которых 16 тянутся в сторону СУАР КНР [2].

20.07.2013г. подписан Договор о создании Центра научно-технического сотрудничества между Институтом геологии и геофизики им. Х.М.Абдуллаева АНРУз и Госпрограммой 305 СУАР КНР в целях расширения и углубления работ по изучению геологии Тянь-Шаня. Центр занимается совместными научными работами, организует регулярные

научные международные конференции, осуществляет обмен научными кадрами и проводит обучение сотрудников обеих стран по повышению их квалификации [11].

28.08.2009г. принято Постановление Кабинета Министров Узбекистана «О создании совместного предприятия «ООО UZ-CHINA UZAN», с уставным капиталом в 8576,0 тыс. долл., в целях дальнейшего расширения геологоразведочных работ и добычи твердых полезных ископаемых, развития технологий по обогащению урановых руд черносланцевого типа с привлечением иностранных инвестиций.

Согласно Соглашению между Госкомгеологией и Госкомитетом по делам развития и реформ КНР определено перспективное выявление месторождения урана черносланцевого типа Бозтауская площадь в Навоийской области. С китайской стороны в работах принимает участие Гуандонская ядерно-энергетическая корпорация «CGNPC Uranium Resources Co., Ltd» [12].

В области геологии и добычи полезных ископаемых между Узбекистаном и КНР подписано более 50 соглашений.

Китайская CNPC достигла соглашения с «Узбекнефтегазом» о разработке месторождений газоконденсата в Каракульском инвестиционном блоке. Затраты на разработку составляют 650 млн. долл.США. 2007-2012 гг. CNPC проводила геологоразведку в Ферганском, Бухаро-Хивинском и Устюртском нефтегазовых районах, с общим объемом инвестиций 260,2 млн. долл. Китайские геологи сумели обнаружить новые месторождения – Восточный Алат, Ходжадавлат и Ходжасаят [6].

«Узбекнефтегазом» продлен контракт с компанией CNODC на геологоразведку новых месторождений углеводородов. Прогнозируемый объем добычи на этих месторождениях составит 1,5 млрд.м³ в год.

В июне 2018 г. в страну прибыли представители китайских компаний «Синьян», «СІТІС», «Хэнань Голун» и Института угольной промышленности, которые провели изучение условий реализации проекта по добыче вольфрама, молибдена и меди на массиве Ингичка возле города Каттакурган.

Китайская сторона решила построить новые две шахты и провести геологоразведочные работы по поиску других полезных ископаемых. Стороны договорились о привлечении прямых китайских инвестиций в объеме 50-55 млн. долларов США[3].

Китай крупный инвестор и второй по объемам торговый партнер Узбекистана. Расширяется инвестиционное сотрудничество, уверенными темпами растет число китайских компаний в Узбекистане, активно наращивается реализация совместных проектов в сфере высоких технологий. В республике действует 482 предприятия с участием инвесторов из КНР, из них – 78 предприятий со 100-процентным китайским капиталом. Аккредитованы представительства 74 компаний этой страны [8].

Успешно работают построенные при участии китайских специалистов Кунградский содовый завод, Дехканабадский завод калийных удобрений, хорошо зарекомендовали себя поставленные Китаем современные высокоскоростные электровозы.

Согласно договоренностям на высшем уровне, достигнутом в 2013 г., в форме специальной индустриальной зоны (СИЗ) «Джизак» был образован китайско-узбекский промышленный парк высоких технологий. Где успешно реализуется ряд стратегически важных совместных проектов с ведущими китайскими компаниями «Хуавей», «Веньчжоу Цзингиен», «Ханчжоу Джонгву Электроник Моторс» и др. [8].

КНР реализует в Узбекистане ряд проектов по проведению геологоразведочных работ, строительству третьей нитки газопровода «Узбекистан - Китай», разработке перспективных месторождений урана с внедрением технологии отдельного извлечения урана и ванадия, по глубокой переработке природного газа на Мубарекском газохимическом комплексе.

Ведется разработка перспективных, с точки зрения, геологии, урановых месторождений ведется совместно с геологами из Японии, как одним из крупнейших инвестицион-

ных партнеров Узбекистана. В 2019 году объем товарооборота между двумя странами составил почти 205 млн.долл. США [14]. В Узбекистане действуют более 15 совместных предприятий созданных с участием японского капитала и действуют представительства 14 компаний [7].

Сотрудничество с Японией перспективно в первую очередь в области высоких технологий, модернизации и диверсификации экономики. Реализованы крупные совместные проекты по строительству Бухарского нефтеперерабатывающего завода, Шуртанского газохимического комплекса, компрессорной станции на месторождении Кукдумалак, реконструкции Ферганского нефтеперерабатывающего завода.

Ведется сотрудничество с японскими компаниями в области урановых проектов, так в 2006г. Правительство Узбекистана заключило с банком JBIC меморандум о взаимопонимании, согласно которому японские компании будут укреплять свое присутствие в секторе добычи урана в республике.

В 2006 г. НГМК «Навоийский горно-металлургический комбинат» и японская ITO-CHU Corp. заключили контракт на поставку урана в 2007-2012гг. минимальным объемом поставок 300 тонн урана ежегодно [16]. В апреле 2007г. между Госкомгеологии и Японской национальной корпорацией нефти, газа и металлов (JOGMEC) подписан меморандум о взаимопонимании по сотрудничеству в области минеральных ресурсов.

Правительство Узбекистана пытается привлечь иностранных инвесторов в разработку урановых месторождений черносланцевого типа, которые в настоящее время в республике не отрабатываются и в экономическом плане требуют существенных инвестиций. По данным Госкомгеологии, разведанные и оцененные запасы урана составляют 185,8 тыс. тонн, из которых 138,8 тыс. тонн – уран месторождений песчаникового типа, 47 тыс. тонн – черносланцевого типа [15].

8 февраля 2011 г. правительства Японии и Узбекистана подписали меморандум об активизации экономического сотрудничества по разработке месторождений урана и редкоземельных металлов. В ходе визита премьер-министра Японии С.Абэ в Узбекистан в октябре 2015г. достигнуты договоренности о реализации совместных инвестиционных проектов на более чем 8,5 млрд.долл., по таким направлениям, как освоение и переработка минерально-сырьевых ресурсов, нефтегазовая и химическая промышленность [18].

В ходе визита Президента Узбекистана Ш.М.Мирзиёева в Японию в декабре 2019г. состоялось обсуждение вопросов наращивания технологического взаимодействия в области осуществления совместных проектов в энергетической отрасли и добычи полезных ископаемых [1].

Подводя итоги, можно констатировать, что сотрудничество Узбекистана с Японией и Китаем в области геологии очень важно, так как:

- во-первых, позволит провести детальное обследование и выявление геологически важных и перспективных месторождений Узбекистана;
- во-вторых, позволит привлечь к этим исследованиям видных специалистов-геологов и новейшее оборудование;
- в-третьих, будет способствовать привлечению китайских и японских инвестиций в геологическую отрасль Узбекистана.

Институт геологии и геофизики АН РУз им. Х.М.Абдуллаева многие десятилетия оставался флагманом развития геологической науки в регионе Центральной Азии.

Основной задачей Института - является дальнейшее развитие сотрудничества с зарубежными научными центрами в сфере геологии, геофизики, организации научных конференций, семинаров, совместных исследований, проектов, стажировок и обучения работников.

Среди международных партнёров Института можно выделить: Университет Варшавы (Польша); Университет Жироны (Испания); Университет Аризоны (США); Университет Брюсселя (Бельгия); Американский университет (США); Институт океанологии и

географии, ИГЕМ, ГЕОХИ, ЭМ и ИФЗ РАН (Россия); Институт Почвоведения (Германия); Институт геохимии (Китай); Университет Бар-Илан (Израиль); Университет Майнц (Германия); Госпрограмма № 305 СУАР (Китай) [15].

В результате совместной работы с Институтом геологических наук и природных ресурсов Германии получены семь комплектов лицензионных программ ArcInfo для создания единой базы данных по опасным геологическим процессам и их картографированию в ГИС.

Институт участвует в Межгосударственной программе Российской Федерации и Республике Узбекистан «Исследования Земли и космического пространства в мирных целях» и в Международном проекте «Геология, минерагения и оценка современного состояния Центральной Евразии».

Прорабатывается вопрос сотрудничества с Геологической Службой Финляндии (GTK) в сфере выполнения работ по созданию цифровой базы данных с использованием современных программных продуктов серии ГИС и архивно-библиотечных систем международного стандарта (типа LIBRIS).

Специалисты Института выезжают на стажировки зарубеж и регулярно принимают участие в работе Международного Геологического Конгресса. В 33-м Международном Геологическом Конгрессе, в г. Осло (Норвегия) приняла участие геологическая делегация Узбекистана (26 чел.). В результате участия в работе Конгресса, геологическая молодёжь Узбекистана вошла в новообразованную Международную Сеть Молодых Учёных-Геологов (YES Network–Young Earth Scientist's Network).

Институтом подписан ряд соглашений с крупными японскими компаниями, специализирующимися в сфере высоких технологий, направленных на привлечение японских технологий и инвестиций в нефтегазовую, нефте-химическую, энергетическую отрасли, а также в машиностроение и текстильную промышленность.

Заклучены соглашения о долгосрочных поставках уранового концентрата, о проведении геологоразведочных работ на перспективных площадках на территории Узбекистана, а также о начале сотрудничества в добыче редких металлов и редкоземельных элементов.

В 2012-2015 гг. Чехия реализовала проект, направленный на расширение сотрудничества с геологами Узбекистана. Финансирование осуществлялось за счет гранта программы НАТО «Наука во имя мира и безопасности» в размере 280 тыс. евро, из которых 85% приходится на узбекскую сторону [13].

Грант программы НАТО, по данным посольства Чехии в Узбекистане, предоставил возможность вернуть взаимные контакты чешских и узбекских геологов на официальный уровень. Половина всех затрат пошла на закупку новых специальных приборов и оборудования для геологических исследований и наблюдений в Узбекистане. Исследования, связанные с процессом изменения земной поверхности, будут вестись с помощью спутниковых методов и новых наземных методов, включая наблюдение за изменением облика склонов под водой.

Из спутниковых методов важен метод радарной интерферометрии, его преимуществом является способность оценить вертикальные деформации, причем с достаточно большим охватом территории. Для развития данного метода в Узбекистане выделены окрестности городов Газалкент, Чарвак и Ангрэн.

Радарная интерферометрия и лазерный сканер дают возможность следить за деформациями на всей интересующей площади. Классическими методами инженерно-геологических наблюдений до сих пор возможно наблюдать деформацию только на отдельных участках или вдоль осей наблюдательных скважин.

Последним методом, который был введен в комплекс исследовательских методов узбекских специалистов, был сонар. Сонар, соединенный с системой GPS, дает возможность начертить подводный профиль склона и затем соединить его с общим профилем склона. Подобные сечения являются базовыми исходными данными для надежных вычислений.

Данная форма сотрудничества позволила специалистам расширить множество методов наблюдений за деформациями земной поверхности. Чешские геологи, в свою очередь, познакомились с новыми типами деформаций склонов, не встречающимися в Европе.

Активно развивается сотрудничество с британскими геологами. Договоренность о возможности проведения совместных геологических исследований между специалистами Госкомгеологии и Лондонского музея естествознания достигнута в ходе XXII заседания Узбекско-британского совета по торговле, проходившего в Лондоне в ноябре 2015 г.

В 2016 г. делегация британских геологов совместно с узбекистанскими коллегами провели геологические исследования горнорудных районов Узбекистана. Ученые из Великобритании поддержали идею о создании геолого-структурного полигона на площади гор Тамдытау в Узбекистане, что даст исследователям всего мира представление о строении Южного Тянь-Шаня.

Продолжением этого сотрудничества стал визит представительной британской делегации в Узбекистан, в составе которой были такие известные специалисты как директор Лондонского музея естествознания, профессор Ричард Херрингтон, и директор Центра российских и центрально-евразийских минеральных исследований (CERCAMS) Реймар Селтманн.

«Британские ученые поддержали идею о создании геолого-структурного полигона на площади гор Тамдытау. Компактное расположение рудных проявлений, дающих представления о строении Южного Тянь-Шаня, может сделать этот полигон востребованным всем мировым геологическим сообществом. Мы намерены подать заявку для придания обследованным территориям статуса охраняемых государством объектов геологического наследия, а также представить материалы о них на Геологическом конгрессе в ЮАР», – рассказал директор НИИ минеральных ресурсов Б.Исламов [17].

Кроме того, ученые двух стран разработали механизм обмена опытом по картосоставительским работам, геологическим и геоэкологическим исследованиям, изучению геопарков, обменялись научными достижениями и договорились о повышении квалификации молодых специалистов путем проведения экспертных полевых стажировок.

Британская сторона предложила проведение исследований проб, отобранных в ходе экскурсии. Также в планах ученых – проведение широкой кампании для развития геотуризма в Узбекистане.

В сентябре 2018г. филиал Национального исследовательского технологического университета «МИСиС» (Московский институт стали и сплавов) в Узбекистане принял первых студентов в своём филиале в Алмалыке [5].

«В филиале готовят специалистов по направлениям: «Металлургия», «Автоматизация и управление технологических процессов», «Горное дело». В настоящее время в филиале обучается около 400 студентов. Самых профессий, конечно, будет больше – инженеры-проходчики, геологи, специалисты по разработке месторождений, не говоря уже о широком спектре инженерно-технических специальностей в машиностроении».

17 апреля 2019г. США и Узбекистан сделали важный шаг по расширению сотрудничества в области природных ресурсов, подписав Меморандум о взаимопонимании между Геологической службой США и Госкомгеологии. Меморандум является продолжением визита Министра торговли США Уилбура Росса в Ташкент в октябре 2018 года. Церемония подписания прошла во время недавнего визита узбекской делегации в США, в которую вошли зампремьер-министра Э.Ганиев и председатель Госкомгеологии Б.Исламов.

Американская геологическая служба планирует заняться управлением, оценкой и методологией данных о традиционных и альтернативных энергоресурсах и надеется задействовать водные ресурсы.

В июле и сентябре 2019 г. состоялся двусторонний обмен опытом посредством визитов в Ташкент и США, включавшие важные элементы наращивания потенциала и обмена данными и информацией [18].

Узбекистан присоединился к соглашению СНГ о сотрудничестве в области изучения, разведки и использования минерально-сырьевых ресурсов. Об этом говорится в сообщении пресс-службы Госкомгеологии. Вступление Узбекистана в межправсовет будет способствовать «расширению международного сотрудничества в области геологического изучения недр, изучения и совместного освоения приграничных районов, внедрению в отечественную практику геологоразведочных работ новых методических подходов, так как основа изучения недр и их освоение является идентичными в странах СНГ», добавили в Госкомгеологии [19].

Следует отметить, что настоящее время характеризуется возрастающими поступательными процессами в сфере международного сотрудничества узбекистанских геологов с зарубежными коллегами.

Список использованных источников и литературы

1. Визит Ш.Мирзиёева в Японию: итоги трех дней. //www.kommersant.uz|2019|19|12.
2. Жэньминь Жибао. Хайвай бань. 2004, 13 мая. – С. 2.
3. Китайские предприниматели инвестируют в добычу вольфрама и меди в Самаркандской области. //www.kommersant.uz|2018|22|06.
4. Личный архив академика И.Х.Хамрабаева. 1992-1998 гг. – Папка 8. л. 24-30.
5. МИСиС. Филиал в городе Алмалык. Официальный сайт. // www.misis.uz.
6. По пути дальнейшего укрепления стратегического партнерства <https://www.press-service.uz/ru/news/5199/> 25.10.2015.
7. Состоялся узбекско-японский бизнес форум// <https://www.invest.gov.uz|2019|31|07>.
8. Сунь Лицзе... – С. 30.
9. Япония и Узбекистан подписали меморандум по разработке месторождений урана – Big-power News <https://www.bigpowernews.ru/news|document28250.phtml> 08.02.2011
10. Ходжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Т.: Фан, 2007. – С. 125.
11. www.ingeo.uz/news_ru.html
12. www.lex.uz/pages/GetAct.aspx 9132.
13. www.pronedra.ru/qas|2012|12|19
14. <https://www.gazeta.uz|2015|10|25|agreements/>
15. www.goskomgeo.uz. 25 октября 2015 г.
16. www.gazeta.uz 10 октября 2015 г.
17. www.goskomgeo.uz.
18. www.uz.usembassy.gov/ru/united-states-geological-survey-signs-mou-with-uzdekistan-ru.//2019/20/04/.
19. www.mir24.tv//2019/25/09

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются перспективные направления партнерства геологов Республики Узбекистан с геологами Китая, Японии, США и России. Анализируется опыт и достижения прошлых лет, изучаются необходимость и возможности дальнейшей совместной работы.

РЕЗЮМЕ

The Article considered perspective areas of partnership between geologists of the Republic of Uzbekistan and geologists of China, Japan, USA and Russia. Analyzed the experience and achievements of past years, the need and possibilities for further cooperation and joint work are studied.

SUMMARY

Мақолада Ўзбекистон Республикаси геологлари Хитой, Япония, АҚШ ва Россия геологлари ўртасидаги ҳамкорликнинг истикболли йўналишлари муҳокама қилинади. Ўтган йиллар тажрибаси ва ютуқлари таҳлил қилиниб, келгусида биргаликда ишлаш истикболлари ва имкониятлари ўрганилмоқда.

Рекомендовано к печати проф. КарГУ О.Буриевым

ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Саидов Ф. С. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Марказий Осиё, минтақа, хавфсизлик, коллектив хавфсизлик, жамият хавфсизлиги, барқарорлик, муаммо, геостратегия.*

Ключевые слова: *Центральная Азия, регион, безопасность, коллективная безопасность, общественная безопасность, стабильность, проблема, геостратегия.*

Keywords: *Central Asia, region, security, collective security, public security, stability, problem, geostrategy.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунларидан Марказий Осиё давлатлари билан амалий, ўзаро манфаатли ва яхши кўшнилик муносабатларини шакллантириш, минтақада хавфсизликни таъминлашни ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгилади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларида Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничлик муҳитини шакллантириш каби масалаларга аҳамият қаратилган.

“Биз бундан буён ҳам ўз ташқи сиёсатимизни олиб боришда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида белгиланган стратегик вазифалар ва устувор йўналишларга таянамиз.

Биз ўзимиз танлаган, тинчликпарварликка асосланган, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий воситалар билан ҳал этишга қаратилган йўлга доим содиқмиз” [1] – деб таъкидлаган эди ўз нутқида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев.

Икки қутбли тартиботга асосланган хавфсизлик тизимининг парчаланиши ҳамда халқаро муносабатларнинг глобаллашуви бугунги кунда хавфсизликнинг янги тизимини ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Мазкур тизимни ишлаб чиқиш ва унинг самарали фаолиятини таъминлаш хавфсизлик борасидаги қараш ва йўналишларнинг ўзаро ўхшашлигига боғлиқдир. Бироқ илмий адабиётлар таҳлили хавфсизлик борасидаги концептуал фикр ва қарашларнинг хилма-хиллигини кўрсатмоқда. Бу ҳолат эса давлатлардан ўз миллий манфаатлари ва хавфсизлик тизимларини қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам мавжуд таълимот ва қарашларни ўрганиш, улар орасидаги умумийлик ва фарқларни белгилаш ҳамда улар асосида замонавий концепциялар яратиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Маълумки, хавфсизлик жуда кенг қамровли ва кўп маъноли тушунча бўлиб, аксарият мутахассисларнинг [2] таърифига кўра, у шахс, ижтимоий гуруҳлар, давлат ва жамият кадрқиммати, шаъни, яшаш муҳитининг, умуман олганда, цивилизациянинг ҳимояланганлик ҳолатидир. Хавфсизлик ижтимоий-фалсафий категориялар тоифасига мансуб бўлиб, фанлараро комплекс ҳолатда кўриб чиқишни талаб қилади. У ўзининг мантикий моҳиятини аниқ объектлар ёки инсон фаолияти доирасида бўладиган мулоқотда акс эттиради. Шунинг учун ҳам хавфсизликка берилган таърифларнинг барчасида муайян даражада умумийлик ва ўзаро фарқлар мавжуд. Жамият хавфсизлиги кенг маънода кишиларнинг ижтимоий ва моддий муҳофазасини таъминлайдиган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий чоратадбирлар мажмуини англатади. Тор маънода эса жамият хавфсизлиги деганда жамият аъзоларининг ёши, саломатлиги, ижтимоий аҳволи, тинч ва хотиржам турмуши учун яратилган шарт-шароитлар, ёрдамга муҳтож фуқароларга ғамхўрлик қилиш механизмининг шаклланганлиги назарда тутилади. Унинг асосий мақсади жамият аъзоларининг муносиб турмуш даражасини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини муттасил ошириб бориш, турли аҳоли қатламларининг меҳнат, маданият, таълим соғлиқни-сақлаш соҳаларидаги имкониятлардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Хавфсизлик муаммоси инсоният ва давлат шаклланиши билан юзага келган бўлиб, унинг назарияси бир қанча тарихий босқичларини босиб ўтган. Инсониятнинг хавфсизликка интилиши натижасида олдин бир жамиятда, сўнг давлатда, охир-оқибат халқаро миқёсда хавфсизлик тизими шаклланади. Шу боис ҳам бир қатор олимлар [3] томонидан миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги эътироф этилган ҳолда уни “ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” нуқтаи назаридан кўриб чиқиш таклиф қилинган. Унда миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик энг муҳим омили сифатида кўрсатилиб, улар орасидаги ўзаро муносабатлар таҳлил этилади.

Тадқиқот ишида “миллий хавфсизлик” категориясига алоҳида аҳамият қаратилди. Зеро, миллий хавфсизлик минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимида алоҳида ўрин эгаллаган ҳолда, унинг асосини ташкил этади ва қолган категориялар билан ўзаро боғлиқликда бўлади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, илмий адабиётларда “миллий хавфсизлик” тушунчасига нисбатан келтирилган мукамал таъриф йўқ. Қолаверса, ҳозирги кунга қадар ушбу ибора ўрнида “давлат хавфсизлиги”, “миллий давлат хавфсизлиги”, “умуммиллий хавфсизлик” каби атамалар қўлланилган. Бу эса давлатлар ижтимоий-сиёсий тарихининг турли босқичларида “миллат” тушунчаси турли маъно-мазмунни англатганидан далолат беради. Тадқиқот натижасида “миллат” тушунчаси изоҳи бўйича икки йўналиш мавжудлига маълум бўлди.

Биринчиси, коммунистик давр таълимоти оқибатида ҳосил бўлган йўналиш бўлиб, у миллатни аниқ бир халққа боғлайди.

Иккинчиси эса маълум бир даврга тегишли ижтимоий умумийлик ҳисобланиб, у муайян ҳудуддаги халқлар томонидан шаклланган давлатни ифода этади.

Замонавий халқаро муносабатлардаги вазият “миллий хавфсизлик” тушунчасини давлат хавфсизлиги сифатида кўрувчи тор ва бир томонлама қарашларнинг ўзгаришига олиб келди. Бугунги кунда миллий хавфсизлик нафақат бир миллат хавфсизлиги, балки шу ҳудудда яшайдиган халқлар, миллатлар хавфсизлигидир. Шу нуқтаи назардан миллий хавфсизлик иборасини кўпмиллатли давлатларда, хусусан, Ўзбекистан Республикасида қўлланилиши жамиятнинг барча қатлам ва соҳаларини қамраб олишга ёрдам беради. Унинг бугунги кундаги хусусияти шахс ва жамият манфаатларининг давлат манфаатларига нисбатан янгича муносабатида намоён бўлмоқда. Шу маънода, миллий хавфсизлик шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳамда халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли ва мустақил иштирокини таъминлашда, суверен ва прогрессив ривожланишида, ички барқарорликни сақлашда ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир. Бизнинг фикримизча, миллий хавфсизликка берилган ушбу изоҳ унинг ижтимоий табиатини кенгроқ қамраб олган бўлиб, шахс, жамият, давлат хавфсизлигининг умумийлик диалектикасини ҳисобга олган ҳолда миллий хавфсизликнинг минтақавий ва глобал хавфсизлик билан ўзаро боғлиқлигини очиқ беради.

Минтақавий хавфсизлик – минтақа давлатларининг ҳаётий муҳим манфаатларига таҳдид солаётган ташқи ва ички хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш бўйича тизимли ёндашувлар ёрдамида ўзаро ҳамжиҳатликка асосланган саъй-ҳаракатлар йиғиндисидир. У глобал, халқаро хавфсизликнинг таркибий қисми бўлиб, минтақа давлатлари ўртасидаги алоқаларда уруш ва беқарорлик таҳдидини солаётган омиллардан холи бўлиш ҳисобланади. Минтақавий хавфсизлик маълум бир геосиёсий муҳитда жойлашган ва бири-бири билан тарихан бевосита боғлиқ бўлган халқлар, миллатлар, давлатлар ҳаётий муҳим манфаатларининг ички ва ташқи таҳдидлардан давлатлараро ҳамкорлик асосида ҳимояланганлик ҳолатидир.

Глобал (халқаро) хавфсизлик – дунё давлатларининг ўзаро ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ҳамкорлигига, суверенитети ва мустақил ривожланишига таҳдид солаётган муносабатларни самарали ҳал қилиш механизмлари шаклланганлигини англатади. Халқаро хавфсизлик ҳар бир даврда халқаро алоқаларнинг ривожланиш тенденцияси ва хусусияти, цивилизация даражаси, моддий ва маънавий маданият каби кўплаб омилларга боғлиқ бўлади. Ушбу жараёнда шахс, синф, жамоат ташкилотлари ва халқаро ташкилотларнинг

онгли равишда олиб бораётган фаолияти катта роль ўйнайди. Бугунги кунда дунё ҳам-жамиятида халқаро сиёсий ва ижтимоий кучларнинг янги жойлашуви вужудга келмоқда. Бу, ўз навбатида, бутун инсоният манфаатлари йўлида халқаро хавфсизликни таъминлаш муҳимлиги билан изоҳланади.

Жамият хавфсизлиги миллий хавфсизлик учлигининг ўзига хос объекти сифатида мамлакатимиз ва хорижда мутахассислар тамонидан анча кенг тадқиқ қилинган. Жумладан, хорижий илмий манбаларда жамият хавфсизлигининг мазмуни ва таркибини очиб беришга, уни таъминлаш шарт-шароитларини аниқлашга унга нисбатан юзага келадиган таҳдидлар моҳиятини ифодалаб беришга ҳаракат қилинса [4], мамлакатимизда тайёрланган илмий ишларда кўпроқ хавфсизликнинг турли аспекти моҳиятини ёритишга, давлат ва ижтимоий институтларнинг ижтимоий хавфсизликни таъминлашдаги ролини таҳлил қилишга, уларнинг фаолияти самарасини ошириш йўллари белгилашга эътибор қаратилади [5].

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот натижасида хавфсизликка берилган ягона таъриф мавжуд эмаслиги, адабиётларда берилган изоҳлар давр ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда конкрет (аниқ) хусусиятларни таҳлил этиш натижасида берилганлиги маълум бўлди. Шунга қарамадан, уларнинг барчасида маълум даражада умумийлик ва ўзаро фарқлар мавжуд. Бунинг асосий сабаби хавфсизликнинг инсон ҳаётининг барча соҳаларини ўзида акс эттирган комплекс тизимни ташкил этишидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 384 б.
2. Митрохин В.И. Концептуальные основы стратегии национальной безопасности России // Полис. 1995. – №3. – С. 18-27.
3. Возжеников А.В. Национальная безопасность: теория, практика, стратегия. – М: Модуль, 2000.
4. Шумов В. Государственная и общественная безопасность. Моделирование и прогнозирование. – М.: URSS, 2006.
5. Абдулқосимов Х. Иқтисодий хавфсизлик. – Тошкент: Академия, 2006.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган асосий омиллар таснифлаб берилган. Муаллиф жамият хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган омилларни аниқлашга уринган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрываются основные факторы, угрожающие общественной безопасности. Автор делает попытку определить основные факторы и меры обеспечивающие общественную безопасность.

SUMMARY

The article reveals the main factors threatening public safety are classified. The author makes an attempt to determine the main factors and measures that ensure public safety.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

CULTURAL DWELLING, ITS CONTENT AND PECULIARITIES

Sunatov. D.H. (NUU)

Keywords: *place, dwelling, cultural dwelling, biosphere, surroundings, social surroundings, subjective surroundings, natural surroundings, artificial surroundings, subcultures, human, society.*

Таянч сўз ва иборалар: *жой, макон, маданий макон, биосфера, атроф-муҳит, ижтимоий муҳит, предметли муҳит, табиий муҳит, сунъий муҳит, субкультуралар, шахс, жамият.*

Ключевые слова: *место, жилище, культурное жилище, биосфера, окружение, социальное окружение, субъективное окружение, естественное окружение, искусственное окружение, субкультуры, человек, общество.*

Human tries to change, renovate and improve his surroundings, cultural dwelling since he has been come into existence. Meanwhile, it is necessary to make clear the notions of time, dwelling, cultural dwelling, surroundings and subjective surroundings. The notion of dwelling is differently interpreted in philosophy. According to some viewpoints, it is the order or category of comprehending things, dwelling-expressive form of properties of existence of substance like extensiveness, constituency and its mutual influences. "Place – the bound of dwelling and the solidarity of certain capacity which it included. In particular, the mode of existence characterized by dwelling extensiveness, homogeneity and multidimensionality"[2]. It is one-sided comment. Therefore, it requires an analysis of the concept of "dwelling" in conjunction with the concept of "time". In the history of philosophy, people have been thinking about the essence of dwelling and time at an early stage of their development, and many thinkers of the past have sought to determine their nature. This was primarily due to the development of human practice and knowledge. After all, they needed to be expanded and improved, and a clearer and deeper understanding of these categories. Special attention is paid to astronomical observations of time, as well as from the point of view of the immortality of the universe and the speed of human life. Interest in the categories of "dwelling" and "time" has never diminished. There has been numerous issues related to them. One of the most important of these is: Is dwelling and time independent of meaning, or do they just depend on something? In this connection it is possible to distinguish two important and completely different directional-substantial and relational directions formed in the history of philosophy.

"Substantially, dwelling and time were viewed as independent essences which are not connected with substance and consciousness. Democritus (according to problem of dwelling) and Plato (in approaches with respect to time), the founders of the substantial conception, interpreted dwelling and time as independent entities are not connected with substance."[6]

Democritus has proposed the existence of a moving cavity in the atoms. He thinks that atoms without space are unable to move. Democritus and Epicurus imagined space as a place of atoms and equated it with space. Dwelling is absolute, homogeneous, and time is assumed to flow smoothly. According to Democritus, Epicurus and Lukretsiy Kar, the dwelling is objective, homogeneous, and infinite, where the atoms located. Time can be compared to eternity, it consists of pure continuity that runs smoothly from past to future. Time is a place where events occur. The ideas of ancient Greek philosophers dividing substance, motion, dwelling and time into independent substances were later developed in Newtonian mechanics. But F.Hegel, a dialectical thinker, firmly rejected such approaches. He said that dwelling cannot be independent.

"The second relativistic (from Latin relativus-relative) direction relates to the understanding of dwelling and time as separate relationships between objects and processes in the real world, rather than as independent entities. According to Aristotle, space is constrained by the sphere of motionless stars, behind which is an immortal, immovable, divine heaven that lies beyond dwelling and time and moves anything."[7]

These two concepts of dwelling and time, that is, the interpretation of Dwelling and time as an independent, objective and independent source of substance, have since developed. The first substantive concept was valid for more than twenty centuries. Newton's idea of a motionless, and identical three-dimensional dwelling in which matter is essentially the same as Democrit's idea of dwelling. According to Newton's conception, dwelling is absolute and has infinite dimensions. Therefore, it absorbs all substances in itself and does not depend on various processes. According to this concept, time is also absolute and is an equal periodicity, independent of any change. In it all things come and go. In a nutshell, Newton understood dwelling and time as independent not connected with substance and motion.

In a special theory of relativity, described by A. Einstein in 1905, it was found that the geometric properties of dwelling and time depend on the distribution of gravitational masses in them. In this view, near the heavier objects, the geometric properties of dwelling and time begin to move away from the principles of Euclidean geometry, while the passage of time slows down. A. Einstein (1916), with his general theory of relativity, struck not only the substantive concept of dwelling and time, but also the subjective a prioristic interpretations of dwelling and time. He showed that the properties of dwelling and time depend on the movement and interaction of material systems. Explaining the essence of his theory, A. Einstein noted: "In the past, somehow a miracle occurred, believing that dwelling and time would remain when all material things suddenly disappeared. According to the theory of relativity, both dwelling and time are lost along with everything else." [3].

A more complex picture of the dwelling can be seen in the social structures. It is appropriate to speak about the cultural dwelling that has been historically linked to the specifics of human activities and practices in relation to the world. It has a special human meaning and is located simultaneously at the level of the biosphere, the planet and the universe, as well as man-made infrastructure, developed areas, the oceans of water and space, and the vast expanses of space. At the same time, large-scale structures do not appear chaotic in themselves, but are the product of objective processes of society evolution and reflect the life and culture of certain peoples, their economic and social development, and the spirit of time. All of this is reflected in the relevant architecture, the changed landscape, and so on, which eventually make up the "double nature".

Now, let us return to the philosophical explanation of cultural dwelling and surrounding: the cultural dwelling is an environment that is interconnected and interacted by many cultural events. These include cultural events and entire cultural world-national cultures, intercultural communities and civilizations. The three main meanings in the content of social data can be distinguished in three dimensions:

- knowledge;
- values;
- regulators.

Using such a three-dimensional cultural space, it is possible to distinguish structural "layers" of different cultural forms:

- spiritual culture;
- culture of social life or social culture;
- technological culture.

It is important to remember that the image of culture that exists in the real world is the most complex and intertwined. The boundaries between them are vague and relative.

The surroundings is the natural and social world that surrounds the human being, the emotional, intellectual assimilation of the universe by human. The surrounding consists of natural and social surroundings, "the social surrounding is the economic, spiritual, and social conditions that surround a person and the formation, survival and, functioning of a human being." [5]. Human life is inseparably linked with the natural environment that surrounds it. The social surrounding in which people live has influence on the well-being and longevity of people, their health. Human displays his own personality and behavior in this social surrounding. It can be accommodations, enterprises and organizations, educational institutions, cultural and leisure facilities.

Objective surroundings are part of the social surroundings, encompassing the world of man-made objects. The social surroundings contributes to the cultural dwelling, and the cultural dwelling, in turn influences the social surroundings. the cultural dwelling is a human-created infrastructure, a developed territory, a place where it lives and operates, and it does not appear chaotic and in its own right, but it is probably the product objective processes of society evolution, and it reflects the lives and culture of certain peoples, the level of economic and social development. The cultural dwelling can be geographically understood in narrow and broad meaning. In the broadest meaning, as mentioned above, the area that the person has mastered is the whole of humanity, and in short terms the housing, the neighborhood, the village and the city. The reason we incorporate the geographical surrounding in which a person lives is enriched by the products of human creative activity.

At every level of the dwelling, the lifestyle, customs, desires, and needs of a person are reflected. The cultural dwelling is the result of human creativity, encompasses the being mastered and changed social surrounding by human. It is a factor that generates, preserves and transmits values to generations.

Formation of human artistic and aesthetic culture takes place in the cultural dwelling in which the person lives. There is much to be said about the fact that our ancestors lived long ago and paid attention to the beauty and comfort of the place where they live. This is stated in the “Avesto” quote. “Where is the second place in the world where the Earth is happier?” Ahura Mazda replied: “Such a place is the one that Ashawan has restored.” [1]. That is, much attention is paid construction, improvement and prosperity in Zoroastrianism. Consequently, housing, work, creativity, prosperity and well-being, care for future generations have always been the essence of human life.

The basic principles of cultural dwelling formation are as follows:

- The existence of many subcultures that reflect the aspirations and interests of particular groups of the population;
- Presence of common ground that unites a particular culture;
- On the one hand, the tendency of retention, ethnic culture and their basis, on the other hand, the impact of intercultural convergence, identification ICT, mass culture and globalization processes due to the opposite trend;
- The existence of significant links between ethnic cultures and subculture, which allows the cultural environment to be relatively stable.

When it comes to the impact of personality and society in the cultural dwelling, it is primarily about the individual’s ability to act as a cultural dwelling creator, not to focus on social life and culture, but to his natural abilities, actions, feelings, and intelligence and cultural attitudes.

A person changes not only the nature and the society, but also his personal “nature” following cultural norms. Culture becomes the content of the person’s inner world and his “second nature”. It is then that the person appears as a “worker” of the cultural dwelling.

According to a number of scholars, the cultural dwelling can be conditionally divided into universal, common and unique features[4].

The universal features of cultural dwelling are common to all mankind.

Common features of cultural dwelling belong to a number of societies and people. This feature can also be called as a regional cultural dwelling.

Unique features of cultural dwelling are unusual, not widely accepted values, norms and ideas. They add an unique identity to a particular cultural dwelling.

The relationship between personality and cultural dwelling is manifested in the following areas:

- First, an individual is formed in a particular cultural dwelling and absorbs that culture;
- Second, it acts as a holder and representative of cultural values in particular cultural dwelling;
- Third, it develops cultural dwelling as a subject of cultural creativity.

The essential features, criteria and content of cultural dwelling development are determined by the social strata of society.

Summarizing the above, it is worth noting the following:

- First, cultural dwelling is a product of society, an essential component of social life. Just as there is no society without cultural dwelling, the cultural dwelling does not exist apart from society. The distinctive feature of the cultural dwelling as a complex social reality is that it reflects the work, knowledge, and worldview of human ancestors, and constantly enriches and preserves them. The cultural dwelling collects values that exist in the forms of social life that are passed on to future generations.

- Second, cultural dwelling as a component of social life depends on the nature of the phenomenon in society and the characteristics of the social being under analysis.

- Third, the culture society and the human relationships that make up the cultural dwelling require a holistic understanding of one and the other. The interconnectedness and harmony of human, society and culture create a cultural dwelling.

- Fourth, the subject-spatial surroundings can be conventionally described as a cultural dwelling. Because it is the dual nature created by human and the subjective surroundings is created in accordance with the appearance of the cultural dwelling and cannot be isolated from the cultural dwelling.

- Fifth, human life, activities, and the material world that surrounds it have always been interconnected. The organization of cultural dwelling also depends on economic and social patterns.

References

1. Abdullayeva N. Design and artistic aesthetic culture. Monograph. –Tashkent: Turon-Iqbol, 2016. – P. 78-79.

2. Abdullayeva N. The role of design in the cultural dwelling. Healthy lifestyles are the foundation of a spiritual mature generation: Proceedings of the Republican scientific-practical conference. –Tashkent, 2014. – P 156-158.

3. Einstein A. Physics in the life of my time. –M., 1963. – P. 53.

4. Kottak Conrad Philip. Anthropology: the Exploration of Human Diversity. –New York, 1994. – P 46-47.

5. Nurmatova M. N. Abdullayeva. Ethical and aesthetic culture. Methodical guide. –Tashkent, NUU, 2013. – P. 122.

6. Shemuhamedova N. Philosophy. Educational methodical complex. –Tashkent: Noshir, 2012. – P 255-256.

SUMMARY

In the article, the object and main point of the notion of cultural dwelling, social, natural, and artificial surroundings as well as the peculiarities of cultural surroundings are analyzed in detail of scientific basis.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада маданий макон тушунчасининг моҳияти, предметли ва ижтимоий муҳит, табиий ва сунъий муҳит ҳамда маданий макон хусусиятлари илмий асослантирилиб атрофлича таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В настоящей статье обосновывается и всесторонне анализируется сущность понятий культурное пространство, предметная и социальная среда, естественная и искусственная среда, а также особенности культурного пространства.

Recommended for printing by prof. A. Erkayev

ЎЗБЕК ХАЛҚИ МЕНТАЛИТЕТИ ВА НИКОҲ МАРОСИМЛАРИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Комилов Р.Р. (СамДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *менталитет, маънавият, урф-одатлар, ахлоқ, оила, моҳият, маросим, фалсафий тафаккур, никоҳ, миллий қадриятлар.*

Ключевые слова: *менталитет, духовность, обычаи, нравственность, семья, сущность, ритуал, философское мышление, брак, национальные ценности.*

Keywords: *mentality, spirituality, customs, morality, family, essence, ritual, philosophical thinking, marriage, national values.*

Мамлакатимизда демократик ислохотларнинг чуқурлаштирилиши ва фуқаролик жамиятини ривожлантирилиши натижасида ҳозирги кунда кишилар ҳаётида туб сифатий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, ўзбек халқи никоҳ муносабатлари ва унинг қадриятли моҳиятини сақлаб қолиш бўйича ҳуқуқий, маънавий ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбек миллий менталитетининг демократик характери никоҳ ва оила масаласида ҳам ўз аксини топган. Никоҳ маросимларини ташкил этиш, тузиладиган оиланинг аввало, соғломлиги, ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармаслик сингари шартларни ва ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олади. Ўзбек халқининг миллий никоҳ маросимлари турли эстетик категорияларда ифодаланадики, уларни гўзал ахлоқий қадриятлар, этномаданий, этноэстетик жараёнлар билан боғлаймиз. Бугунги кундаги соғлом ҳаёт, турмуш эстетикаси – эстетиклашган никоҳ ва оилавий муҳитнинг асоси ҳам бўлиб қолмоқда.

Ўзбек халқининг оила ва никоҳ борасидаги қарашлари тарихан шаклланган ўзига хос фалсафий дунёқарашга асосланган. Унда ўзбекларнинг миллий менталитети, маънавий ва мафкуравий эътиқодлари, ахлоқий ва эстетик дунёси акс этган. Биз бу жараёнда никоҳга доир ажодларимиз қолдирган бой ҳуқуқий ва ахлоқий меросдан оқилона фойдаланиб, ёш авлодни вояга етказишимиз даркор. Ота-боболаримиз миллий ўзига хосликлар узок даврни бошидан кечирган, ўтмишдаги ахлоқий, ижтимоий, маънавий, сиёсий, эстетик ва табиий мослашув, миллатлараро ҳамжиҳатлик, симбиоз, ассимиляция жараёнлари, турли динга мансуб аҳолининг бир ҳудудда яшаб, айнан шу этногенез натижасида вужудга келган халқларнинг маънавий-руҳий қарашлари асосида қадимий маданият, миллий анъаналар, замонавийликка йўғрилган урф-одатлар ва маросимлар ривож топди. Шу жараён аста-секин миллий менталитетнинг вужудга келишига асос бўлади.

Миллий ўзига хослик, идентликни ўзида жамлайдиган менталитет тушунчаси инсон ҳаётини қандай қамраб олади?

Фалсафа энциклопедик луғатида айтилишича, “Менталитет” (лот. *mentalis* -ақлий), “айрим киши ва ижтимоий гуруҳга хос ақлий қобилият даражаси, маънавий салоҳият. Индивидуал ва ижтимоий онгнинг ички қатламларида жойлашган бўлиб, муайян тайёргарлик, йўл-йўриқ ва мойиллик асосида индивид ёки ижтимоий гуруҳларнинг иш тутиш усули, фикр юритиш, дунёни идрок этиш ва фаҳмлашнинг маълум тарзидир” [1: 181].

Миллий-этник шаклланиш, миллий менталитет ва миллий ўзига хосликни шаклланишнинг этномаданий масалаларининг турли хил ракурсада ўрганилганини кўриш мумкин.

Олима Ш.Мадаеванинг фикрича, “... Менталитет атамасининг XX аср илм-фанида қайтадан ҳаёт бошлаши ўтган асрнинг 80-йилларига тўғри келади. Ана шу даврдан бошлаб менталитет атамаси ижтимоий-гуманитар фанларда оммавийлашиб, “маданий стереотип” иборасини сиқиб чиқара бошлади ва фанга дастлабки кириб келган даврдан кўра кўпроқ вазифани, мазмун-маънони ўз зиммасига олди” [2: 24].

Ўзбек халқининг миллий менталитети ривожланиши қадимдан шаклланган фалсафий-эстетик дунёқарашга асосланган. Унда шу ҳудудда яшаган миллат ва элатларнинг мақсад-муддаолари, интеллектуал салоҳияти, бой маънавий мероси, ақлий имкониятлари, асрлар давомида шаклланган руҳий дунёси ўзига хос хусусиятларни вужудга келтирган.

Миллат характерида содир бўлган ўзгаришлар ўзбек халқининг маънавий қадриятлари, бой тарих сабоқлари, анъана ва урф-одати, миллий маросимлари бир бўлиб юртимизнинг қадимий цивилизациясини ташкил этган. Бу жараёнда халқимизга хос миллий менталитет вужудга келиб, одамларнинг ички имманентлик хусусиятлари шаклланган. Халқимиз менталитетида ўзаро алоқадорликка асосланган эстетик идеаллар жамиятдаги этник бирлик ва диний қарашлар таъсири асосида “.....4 та катта диний-мафкуравий босқични (зардўштийлик, буддавийлик, ислом, коммунистик) ўз бошидан кечирганлиги ва ҳар бир мафкуравий-диний таъсирлар даври тугагунча неча авлодлар алмашганини ва бу жараёнларнинг миллат феъл-атворида ўчмас из қолдирганини унутмаслик керак” [3: 25].

Миллий менталитет атамасига файласуф Қ.Хоназаров таъриф бераркан, – миллатнинг тарихий илдишлари, илк моддий ва маънавий негизлари асрларга чўзилган ҳаётий тажрибаси асосида шаклланган турмуш қоидалари, ақл-фаросати, ароф-борликка ёндашиш усуллари дур[4: 21], деган таърифни беради. Зеро, халқимиз менталитетидаги ҳудудий яхлитлик ва бир-бирига яқинлик, тарихан шаклланган маданиятлар чорраҳасидаги бирлашиш, фалсафий ва эстетик тафаккур дурдоналари, маънавий олами ва ахлоқий идеалининг мустаҳкам бўлиши содир бўлган, деб таъкидлайди.

Юртимизда миллий менталитет мустақиллик йилларидан янада ривож топиб, ўзига хос эстетик омиллар ва ахлоқий тамойиллар шаклланишига олиб келган. Бу эса, биринчи навбатда ҳар бир элат ва уруғнинг ижтимоий манфаатлари давлат томонидан қўллаб-қувватланишига, кучли ижтимоий ҳимоя механизмининг шаклланишига олиб келди. Ҳар бир фуқаронинг эстетик тафаккурида инсонпарварлик, ватанпарварлик, адолатлилик, камтаринлик, меҳнатсеварлик, андишалилик, ҳаёлилик, иболилик, меҳмондўстлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, оғир дамларда моддий ва маънавий қўмаклашиш, биродарлик сингари фазилатлар ҳамда хусусиятларни шакллантирган. Иккинчидан, ҳар қандай ҳудудда яшаб келаётган миллат ва элатлар ривожидан иқтисодий шарт-шароит, мафкуравий курашлар, табиий иқлим ва миллий жараёнлар ўзининг бевосита таъсирини ўтказиб келган.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир шахснинг тафаккурида миллий менталитетни кучайтириш, халқимизнинг эстетик маданиятига хос миллий хусусиятларни ўзида ифодалаган ҳолда ўтмиш меросимизнинг чуқур илдишларини “Авесто”дан тортиб мустақиллик даври фалсафасининг қон томирларига сингдириш лозим. Мана шундай жараёнда жамиятнинг оила ва никоҳ борасидаги дунёқарашини теварак-аторфимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар асосида ўзимизнинг маънавий онгимизга сингдириш, воқеликнинг инсон маънавий дунёсига таъсирини кучайтиришимиз даркор. Бундай менталитетга асосланган эстетик фаолиятга моддий ва маънавий бойликларни яратиш, ишлаб чиқариш ва илм-фан ютуқлари, оила-турмуш эстетикаси, таълим тизими, умуминсоний маданиятларни ўрганиш, завқли ҳордиқ чиқариш ва ҳоказолар киради.

Азалдан халқимизнинг эстетик маданиятини миллий тилимиз, динимиз, ривоят ва афсоналаримиз, бадиий-эстетик ёдгорликларимиз бойитиб, ўзининг қиёфасини хилма-хил тарзда фалсафий тафаккур дурдоналари билан бойитиб келган. Бундай тараққиёт жараёнида ижтимоий-иқтисодий тузумлардаги дунёқараш бир мамлакат билан иккинчи мамлакат ўртасида катта фарқни вужудга келтириб, маънавий маданиятнинг миллий ва умуминсоний хусусиятларини ранг-баранглилига олиб келган.

Юртимизда айни пайтда жадал ривожланаётган замонавий шаҳарсозлик маданияти ва миллий меъморчилик анъаналарининг бой қирралари, бетакрор фольклор санъати дурдоналари, оғзаки ва ёзма маънавий меросимизга муносабат, театр, санъатнинг ривожини, эзуликнинг ғалабасию, ёвузликнинг мағлубияти бизни жаҳонга танитишда катта роль ўйнамоқда.

Халқимизнинг бағрикенглиги ва одамохунлиги, тинчликсеварлиги ва меҳнатқашлиги қабиларда юксак миллий қадриятларимиз намоён бўлган. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида бир-бирига ўхшамайдиган хилма-хил тўй ва тантаналари, маросим ва анъаналари ахлоқий тарбия ва эстетик завқ-шавқ берувчи ҳодиса сифатида қадрланади.

Дунё халқларининг миллий анъаналари билан ҳамнафас ва тенг ҳуқуқли тарзда маънавийтимизни жамиятда янгилаш кўриниш ва қиёфада ривожлантираётган халқимиз, айни пайтда миллий ва тарихий тараққиётни юксак чўкки сари чорламоқда. Бугунги кунда «миллий ривожланишда ҳар бир халқ ўз тили, маданий хусусиятларини ҳисобга олмасдан, кадриятларига бефарқ, лоқайд қараса ва истаган «турмуш тарзи», урф-одат ва кадриятларни ўзи учун қабул қилаверса, ўз тараққиёт йўлини йўқотиб қўяди»[5: 13]. Бундай ҳолат янги асрда барча миллат вакилларининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб бораётганлигини жаҳон оммавий ахборот воситаларидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Бу кўринишдаги қиёфа кўпинча маънавий ҳаётда негатив ҳолатларни ҳам келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Биз оддийгина кийиниш маданиятини ҳам миллий менталитет асосида амалга оширишимиз, маънавий маданиятдан кўра дидсизлик, ахлоқсизлик аломатларига қарши курашишда урф-одат ва анъаналаримизга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Чунки асрлар давомида бойиб келган миллий менталитетимизнинг теран томирлари туркий халқлар билан бирга ривожланган[6:].

Халқимиз менталитетидаги муҳим эстетик жиҳатлардан бири жамиятда яшаётган инсонлар ҳаёти, миллий турмуш тарзидаги урф-одатларнинг замонавийлашиб боришидир. Ҳар бир янги оила вужудга келаётганда анъаналарга амал қилган ҳолда келин ёки куёв танлашда «етти ўлчаб бир кес» мақолига амал қилиш барча жойларда кенг тарқалган. Ота-она ўз кизини куёвга узатар экан ёки ўғлига келин олиб келар экан, аввало, бўлажак оиланинг келиб чиқиши билан қизиқади. Қолаверса, иккала томон ҳам қудаларининг қандай оила эканлиги тўғрисида кўни-кўшни ёки таниш-билишлар орқали ахборот олишади. Бундай жиҳатлар қуриладиган оила учун нақадар муҳим ва эртанги фаровон ҳаётни таъминлаш учун хизмат қилади.

Бугун биз айтишимиз мумкинки, ўзбек халқи оилавий муносабатлари ҳамда улар асосида инсонларимиз онгида шаклланган ахлоқий кадриятлар ўзликимизни намоён этувчи сифатлардир. Биз ушбу оила-никоҳ билан боғлиқ маросимларнинг моҳиятини англашимиз, уни соф ҳолда, трансформацион ўзгаришларсиз авлодларга етказишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фалсафа. Энциклопедик луғат. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2010, – Б. 194.
2. Мадаева Ш.О. Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари: фалс. фан. док. ..дисс. автореф. –Т., 2009. – 235 б.
3. Хоназаров Қ. Мустақиллик ва миллий муносабатларнинг ривожланиши. –Т.: ЎАЖБНТ маркази, 2001. – 218 б.
4. Миллий истиқлол ғояси ва раҳбар фаолияти. – Т.: Akademiya, 2007, –158 б.
5. Аширов А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар. <http://shosh.uz/uzbek-milliy-mentaliteti-haqida-bazi-mulohazalar>

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек халқи менталитети ва никоҳ маросимларининг ўзаро алоқадорлиги ва уларнинг ахлоқий-эстетик моҳиятини сақлаш масалалари хусусида баён этилган. Шу билан бирга миллий ўзига хослик, идентликни ўзида жамлайдиган менталитет тушунчаси ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни фалсафий жиҳатдан ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается взаимосвязь менталитета узбекского народа и свадебных церемоний, вопросы сохранения их нравственно-эстетической сущности. В то же время отражена концепция национальных особенностей и идентичности, которая объединяет в себе ментальность и их роль в жизни человека с философской точки зрения.

RESUME

The article discusses the mentality of the Uzbek people and the interrelationship of weddings and the preservation of their moral and aesthetic significance. At the same time, the concept of national identity, the concept of mentality that unites identity and its role in human life is philosophically reflected.

Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

ОИЛА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АҲОЛИНИНГ ФИКРЛАРИ

Зоҳиров Р. ("Оила" маркази Қашқадарё вилоят бошқармаси)

Таянч сўз ва иборалар: *оила трансформацияси, оилавий қадриятлар, ижтимоий мавқе, ижтимоий сўров, никоҳга муносабат, оила қуриши, жамоатчилик фикрини ўрганиши, миллий анъана ва урф-одатлар, тадқиқот натижалари, ҳаракатлар стратегияси.*

Ключевые слова: *трансформация семьи, семейные ценности, социальный статус, социальный опрос, отношение к браку, брак, исследование общественного мнения, национальные традиции и обычаи, результаты исследования, стратегия действий.*

Keywords: *family transformation, family values, social status, social survey, attitude to marriage, marriage, public opinion research, national traditions and customs, research results, action strategy.*

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида – "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси"да оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, оилаларга таъсирчан услубий, маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда дунё миқёсида ҳар соҳада шиддат билан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Глобаллашув жараёнида оила институти жиддий ўзгаришларга дуч келмоқда ва баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ҳаттоки инқирозга дучор бўлмоқда.^[1] Оила тузилмаси қайта ташкил топди, унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг табиати ўзгарди, оилавий ўзаро муносабатлар тизими қайта ташкил этилди.

Шунга кўра "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Республика маркази ҳамда «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан замонавий оилани ривожлантириш масалаларини комплекс ўрганиш доирасида оилавий, шахслараро муносабатлар, эр-хотин, ота-оналар ва болалар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатлар ўрганилди ва бу тадқиқот республиканинг барча ҳудудларида ўтказилди, тадқиқот 18 ва ундан юқори ёшдаги шахар ва қишлоқ аҳолиси, эркаклар ва аёллар, турли миллат вакиллари, турли соҳа ва тармоқларда фаолият юритаётган турли ижтимоий гуруҳлар фуқаролари томонидан қамраб олинди.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, фуқаролар фаровонлигини ошириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни асраб-авайлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини тасдиқлайди. Сўровлар шуни кўрсатдики, ўзбекистонликларнинг ижтимоий онгида оила "жамият ва давлатнинг асоси" деган ғоя устуворлиги аниқланди. Фуқароларнинг 66,3 фоиз оиланинг асосий мақсади ва ижтимоий функцияси жамият ва давлатнинг яхлитлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш, мамлакатда тинчлик ва фаровонлик учун мустаҳкам пойдевор яратишдир деб ҳисобламоқда. Сўровлар оиланинг асосий вазифаси муносиб авлодни тарбиялашдир, деб ҳисоблайдиган фуқаролар сонининг кўпайишини кўрсатди, чунки оилада жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шахс шаклланади.

Сўровда ўзбекистонликларнинг оила ташкил этишнинг мақбул ёши ҳақидаги фикрлари аниқланди. 49,8 фоиз респондент 24–25 ёшида оила яратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Ҳар учинчи одам 26–27 ёшда оилани яратиши керак деган фикрни билдирмоқда.

¹ Тощенко Ж.Т. Социология. Общий курс. 2-е изд., доп. и перераб. – М.: Прометей: Юрайт. – М, 2001. – С. 157
104

Фуқароларнинг фикрига кўра, қизлар, ёш йигитлардан фарқли ўлароқ, эрта ёшда оила қуришга тайёр: респондентларнинг 58,8 фоиз 21–23 ёш, аёл киши учун энг мақбул ёш деб ҳисобладилар. Тадқиқот шуни кўрсатдики, кишлоқ аҳолиси орасида 26–27 ёшда эркаклар учун оилани ташкил этиш тарафдорлари шаҳар аҳолисига қараганда камроқ: 26,9 фоиз ва 33,5 фоиз.

Сўровда фуқароларнинг таълим даражаси, ижтимоий мавқеи, моддий бойлиги ва иш билан таъминланиш турига қараб, эркаклар учун оила яратишнинг мақбул ёши ҳақидаги тасавурларида сезиларли фарқлар аниқланди. Юқори даромадли, олий маълумотли, нодавлат-нотижорат ташкилотларида ёки чет эл фирмаларида ишлайдиган фуқаролар орасида 26–27 ёшда оилани яратиш яхшироқ деб ҳисоблайдиган респондентлар улуши мамлакат ўртача кўрсаткичидан юқорироғини кўрсатди.

Оилавий ҳаёт тажрибасига эга бўлган, шу жумладан, тадқиқот вақтида ажрашган кишилар, кўпинча бошқа ижтимоий гуруҳларнинг вакилларида фарқлироқ, эркаклар оилани етувроқ ёшда яратиши кераклиги ҳақида фикрлар билдиришди. Аксарият фуқаролар ёшлар оила қуриши учун олдин ҳаёт тажрибасига эга бўлиши, таълим ва касб-хунарга эга бўлиши муҳимроқ деб ҳисоблашмоқда.

Ўзбекистонда миллий анъана ва урф-одатларни, айниқса, оила қуриш масалаларига дахлдор қадриятларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўров натижаларига кўра, мамлакатнинг ҳар учинчи фуқароси оилани шакллантиришга анъанавий ёндашувни қўллаб-қувватлайди. Бироқ сўров натижаларига кўра, никоҳ агентликлари ва ижтимоий тармоқлар ёрдамида танишиш аҳоли орасида кенгрок тарқалишини айтиб ўтишмоқда. Ҳар бешинчи ёш йигит оилани қуришда ижтимоий тармоқлар ҳақиқий ёрдам кўрсатаётганини, ёшларнинг муносиб турмуш ўртоғини топишига ҳисса қўшишига ишонади.

Никоҳ ва оилавий муносабатларнинг барқарорлиги, фуқароларнинг фикрига кўра, ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлик даражасига боғлиқ: 79,9 фоиз респондентлар ёшларни никоҳ, оталик ёки оналикка тайёрлаш зарурлигига ишонч ҳосил қилади. Фуқароларнинг фикрига кўра, йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш нафақат оилаларда, балки таълим муассасаларида (мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари) ҳам ўтказилиши керак. Ушбу дарс жараёнларида ёш авлодни никоҳ институтига муносабати, никоҳ шартномаси, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилани режалаштириш, иқтисодиёт ва бюджетни бошқариш, оилада миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида низоларни ҳал қилиш ва мулоқот маданиятини ўргатиш зарур деб ҳисоблашмоқда.

Фуқароларнинг аксарияти – 97,1 фоиз, никоҳ қураётганларнинг тиббий кўрикдан ўтишни қўллаб-қувватлайди, чунки оила қураётган ўғил-қизларнинг соғлиғи келажак авлодлар соғлиғининг асосий кафолати ҳисобланади.

Сўров давомида фуқароларнинг никоҳ шартномасига бўлган муносабати ўрганилди: фуқароларнинг 42,4 фоизи никоҳ шартномасини мажбурий равишда расмийлаштириш керак, деб ҳисоблайди, чунки у учинчи шахсларнинг оилавий муносабатларга аралашуви, турмуш ўртоқлар ва болалардан бирининг ажрашишидан кейин уй-жой ва маблағларни маҳрум қилиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олади, 29,1 фоиз никоҳ шартномаси томонларнинг тегишли хоҳиши билан тузилиши мумкинлигини таъкидлади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ўзбекистонликлар "шаръий никоҳлари"га салбий муносабатда. Мутлақ кўпчилик 98,4 фоиз никоҳни ФХДЁ идорасидан рўйхатдан ўтказиш тартибини мажбурий деб ҳисоблайди. Бу кўрсаткич барқарор ва юқори даражада бўлиб турмоқда. Фуқароларнинг фикрига кўра, никоҳни расмий рўйхатдан ўтказиш эр-хотин ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Тадқиқот шуни кўрсатмоқдаки, ўзбекистонликларнинг 95,5 фоизи оила қуришда диний "никоҳ" маросимини ўтказишни қўллаб-қувватлайди. Фуқароларнинг фикрига кўра, никоҳ диний қонунлар билан ҳам тузилган бўлса, оила янада мустаҳкам, бахтли ва фаровон бўлади.

Тадқиқот давомида идеал оила ўзбекистонликларнинг фикрича, энг аввало, оила аъзолари ўртасида ўзаро тушуниш, меҳр-мухаббат, қўллаб-қувватлаш ва ҳурмат билан

боғлиқ эканлиги аниқланди. Бахтли оилавий ҳаётнинг асосий таркибий қисми, фуқаролар фикрига кўра, оиланинг асосий кадр-қиммати бўлган, оилавий ҳаётга маъно ва мазмун берадиган, эр-хотин ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайдиган ва уларни бахтли қиладиган оилада фарзандларининг мавжудлиги ҳамда молиявий фаровонлик ва моддий бойликдир деб ҳисоблашмоқда.

Тадқиқотлар шуни тасдиқладики, Ўзбекистонда оила жамият учун ўзининг ижтимоий ва маънавий аҳамиятини сақлаб қолмоқда, оилавий тарбия ва анъаналар тизими устувор кадриятлар бўлиб келмоқда. Сўров натижаларига кўра, оилавий ва никоҳ муносабатларининг анъанавий ва энг кенг тарқалган шакли расман никоҳда бўлган эр-хотиннинг биргаликда яшашидир: сўров иштирокчиларининг 78,8 фоизи турмуш қурганлигини қайд этди. Ҳар бир иккинчи оила (52 фоиз) – нуклеар, яъни эр-хотин ва уларнинг фарзандларидан иборат. Кўп авлодли оилалар улуши ҳам анчагина: респондентларнинг 29,1 фоизи уларнинг оиласи эр-хотин, уларнинг фарзандлари ва кекса авлод вакилларида иборат деб жавоб берди. Катта авлодни ёшлар тарбиясига таъсири беқиёс, хусусан, Қашқадарё “Оила” маркази томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра аҳолининг 57.6 фоиз доимо кексаларнинг кўрсатмаларига риоя қилишини, оиласини қуришда 15.3 фоиз бобо-момосига, 52.4 фоиз ота- онасига тақлид қилганликларини билдиришган.

Сўров натижаларидан кўриниб турибдики, ўзбекистонлик оилаларнинг аксарияти анъанавий бўлиб, унда эркак бошчилик қилади ва унга оиланинг ҳар бир аъзосига тааллуқли асосий масалалар бўйича якуний қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилади. Эркак оила бюджетига асосий ҳисса қўшади, унинг моддий ресурсларини бошқаради, оила аъзолари ўртасидаги низоларни ҳал қилади. Оила аъзоларининг оиладаги вазифаларини тақсимлашда эркак оилани моддий жиҳатдан таъминлайди, аёл болаларни тарбиялайди, оиланинг барча аъзолари учун қулай шароит яратади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мамлакатда оилавий муносабатларни демократлаштириш жараёни давом этмоқда. Оилаларни мониторинг қилиш жараёнида “эгалитар” (тенглар) оилаларнинг сони кўпайганлиги аниқланди, бу муносабатлар оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Эр-хотин оила учун масъулиятни баҳам кўради, биргаликда оила ва унинг аъзолари ҳаётига оид муҳим қарорлар қабул қилади, иккаласи ҳам оилавий бюджетга ҳисса қўшади, уни биргаликда сарф қилиш билан шуғулланади.

Оилаларни ўрганиш жараёнида жамиятда ички зўравонликка йўл қўймаслик, мутлақ кўпчилик бу ҳодисага салбий муносабат билдиришмоқда. Лекин шу билан бирга, жамият бир қисмида зўравонлик ҳолатлари содир бўлган бўлса-да, оилани сақлаб қолиш устувор аҳамиятга эга деган фикрлар ҳам бор. Бу эса ички зўравонликнинг мавжудлиги учун замин яратади, аммо уни йўқ қилиш фақатгина фуқароларнинг ушбу муаммога муносабатини ўзгартириш ва жамиятда зўравонликка мутлақо тоқат қилмаслик шарти билан амалга оширилиши мумкин.

Аҳолининг мутлақ кўпчилиги ажралишларга салбий фикрда эканлигини билдиришмоқда. Шу билан бирга ушбу соҳада олиб бориладиган амалий ишлар натижасида сўнгги йилларда оилалар мустаҳкам ва барқарор бўлиб келаётгани ва ажримлар сонининг камайиш тенденцияси ҳосил бўлаётганлиги қайд этилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик фикри мониторинги – оила, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий ҳаётий кадрияти, жамиятнинг ахлоқий асослари, маънавият ўчоғи, миллий анъана ва урф-одатларнинг васийси ҳамда муносиб авлод тарбияси ва ижтимоий тажрибани етказишни таъминловчи энг муҳим ижтимоий институт бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигига ишонч ҳосил қилиб, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни ва оилани янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича белгиланган мақсадларни амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этишга тайёр.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Тошкент: Адолат. 2017.
2. Убайдуллаева Р.А. Социологические исследования, 2011, – №10. – С. 88.
3. Тощенко Ж.Т. Социология. Общий курс. – М.: Прометей: Юрайт. – М, 2001. – 157 с.
4. Ўзбекистонда замонавий оила (ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича). – Тошкент, 2019.
5. Зоиров Р. Оилада авлодлараро муносабатларни мустаҳкамлаш: анъанавийлик ва замонавийлик. – Қарши: Насаф, 2019.

РЕЗЮМЕ

Дунёда рўй бераётган тарихий-маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар демографик жараёнларга ҳамда оила ва оилавий кадриятларга таъсир килмокда. Туғилиш даражасини пасайтириш, аҳолининг қариши, оиладаги авлодлараро муносабатларнинг йўқолиши ва ёшларнинг дунёқарашининг кескин ўзгариши салбий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларига олиб келиши мумкин. Шунинг учун, оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий кадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. Ушбу ёндашув Ўзбекистоннинг демографик ва тарихий-маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва жаҳон амалиётини ўрганишни тақозо этади.

РЕЗЮМЕ

Происходящие в мире историко-культурные, политические, социально-экономические перемены влияют на демографические процессы и трансформацию семьи и семейных ценностей. Снижение уровня рождаемости, старение населения, потеря поколенческих взаимосвязей в семье и деградация молодёжи могут повлечь за собой негативные следствия как социального, так и экономического характера. Поэтому одной из приоритетных задач, особенно в условиях перехода к инновационному развитию, становится проведение семейной политики, регулирование процессов трансформации института семьи. Такой подход предполагает изучение мировой практики и разработку механизмов укрепления и развития семьи с учётом демографической и историко-культурной специфики Узбекистана.

SUMMARY

Historical, cultural, political, and socio-economic changes taking place in the world affect demographic processes and the transformation of families and family values. The decline in the birth rate, the aging of the population, the loss of generational relationships in the family and the degradation of young people can lead to negative consequences of both social and economic nature. Therefore, one of the priority tasks, especially in the conditions of transition to innovative development, is the implementation of family policy, regulation of the processes of transformation of the family institution. This approach involves the study of world practice and the development of mechanisms for strengthening and developing the family, taking into account the demographic and historical and cultural specifics of Uzbekistan.

Наирузга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Хандамова М. (СамДЧТИ)

Таянч сўз ва иборалар: *фалсафа, ҳикматлар, атомизм, натурфалсафа.*

Ключевые слова: *философия, изречения, атомизм, натурфилософия.*

Keywords: *philosophy, legends, atomism, natural philosophy.*

Жаҳон фани тарихида жуда кўп алломалар ўтган. Улар фаннинг у ёки бу соҳаси ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Айниқса, бу ҳолат Шарқ Ренессанси (IX-XII асрлар) даврида яққол намоён бўлди. Ана шундай алломалар сирасига Абу Райҳон Беруний ҳам киритилган.

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Муҳаммад ал-Беруний замонасининг барча фанларини эгаллаган мутафаккир ҳисобланади. Берунийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар – берунийшуносликни юзага келтирди. 1973 йили Берунийнинг минг йиллиги муносабати билан берунийшунослик соҳасида бир қатор илмий тадқиқотлар нашр қилинди. Булар жумласига П.Г.Булгаковнинг фундаментал монографияси [1], Б.А.Розенфельд [2], У.И.Каримов [3], А.Шарипов [4], А.Расулов ва А.Аҳмедовлар [5] томонидан нашр қилинган Берунийнинг “Сайдана”, “Таҳфим” ва “Қонуни Масъудий” асарларини келтириш мумкин.

Америкалик фан тарихчиси Ж.Сартон Берунийнинг асарларини синчковлик билан ўрганиб, олимга юксак баҳо берган ва XI асрнинг биринчи ярмини “Беруний асри” деб атади ва “Беруний замонасининг улуғ олими бўлибгина қолмай, балки ҳамма замонларнинг ҳам энг улуғ сиймосидир” [6], деб эътироф этган эди.

Абу Райҳон Беруний, шубҳасиз, дунё фани тарихида ёрқин из қолдирган улуғ мутафаккир ва қомусий олимдир. Берунийшунос олимларнинг таъкидлашича, Беруний ўзидан 150 дан ортик асарлар қолдирган. Бу асарларнинг 40 га яқини кўлөзма кўринишида бизгача етиб келган [7].

Берунийнинг фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар соҳалари билан боғлиқ тадқиқ этиш услуби аниқ маълумот ва фактларга асосланиш, уларни умумлаштириш ва идрок этиш, қиёсий таҳлил ва ҳолисона баҳолашдан иборат бўлган. Жумладан, немис олими Э.Захау алломанинг фан соҳасидаги энг йирик ютуқларидан бири сифатида ана шу услубни кўрсатган ва қуйидаги хулосага келган: “Беруний ҳар бир мавзуни Аристотель ва Платон, Птолемей ва Гален ғоялари асосида тарбияланган ақл ҳукмидан ўтказиб унинг айна мавзуларни ҳозирги замон танқидий ёндашув руҳида тадқиқ этиши замондошларимизни, шубҳасиз, ҳайратга солиши муқаррар” [8; 149-150].

Беруний ва Ибн Синонинг ёзишмаларида асосий масала юнон фалсафаси, авваламбор Аристотель натурфалсафасининг муҳим масалаларидан бири – жисмларнинг чексиз бўлиниши бўйича бўлган. Берунийнинг бу борада Ибн Синога қарши чиққанлигини кўрган айрим муаллифлар уни Демокрит атомизмининг тарафдори деган хулосага келганлар. Лекин Беруний томонидан бу масала бирмунча мураккаброқ қўйилади. У бўлиниш муаммосини ҳал этишда шундай йўлни топишга ҳаракат қиладики, унда икки таълимот – атомистик ва чексиз бўлиниш ўзига хос қарама-қаршиликларни ва чекланишларни бартараф этишга интилади. “Нима учун Аристотель бўлинмас бўлакчалар бор деювчиларнинг сўзига қўшилмади? Ҳолбуки, жисм чексиз бўлишни қабул қилади, деганлар сўзига лозим келадиган нарса ундан ёмонроқ эди”, - деган саволни берган Беруний фикрини давом эттириб, “Бўлинмас бўлак бор деювчи одамларга бундан бошқа кўп эътирозлар лозим бўлади, бу эътирозлар геометрия олимлари олдида маълумдир” [8; 151] – дейди. Берунийнинг фикрича, янги сифатнинг юзага келиш муаммоси атомистлар ўртасида қийинчилик туғдирган. Шу муносабат билан у умуман сифат ўзгаришларнинг моҳияти тўғрисидаги масалани кўтариб чиққан. Элементларнинг ўзгармаслиги ҳақидаги концепциялардан фарқли ўлароқ у турли ҳодисаларнинг элементлар заррачаларидаги ўзгаришлар ва уларнинг биридан иккинчисига айланиши билан тушунтиради. Ундан ташқари, Беруний атомистик назариясининг Демокрит атомистик назариясидан фарқи шундаки, Беруний бўшлиқни инкор этса, Демокрит бўшлиқ дунёнинг зарурий ажралмас қисми деб ҳисоблайди. Ҳозирги замон фани Беруний ҳақлигини тўла-тўқис тасдиқлайди.

Беруний ва Ибн Синонинг Аристотел натурфалсафаси билан бевосита шуғулланиши туфайли, уларнинг ўша даврдаги натурфалсафа бўйича қатор масалаларни ҳал этишларига олиб келди.

Мутафаккирнинг “Ҳиндистон” асарида қадимги юнонлар фалсафаси ва ҳиндларнинг жон ва руҳ ҳақидаги қарашларини қиёсий таҳлил этилар экан, ушбу фикрларни билдиради: “Қадимги юнонлар, уларда ҳикмат илми ёйилишидан ва фалсафа илми тозаланиб тарқалишидан илгари ҳиндлар айтганидек эди. Уларга ҳикмат илмини ҳикмат устунлари деб аталган мана шу етти [олим] ёйган: 1. Афиналик Солон, 2. Приенлик Биас, 3. Коринфлик Пери-108

андр, 4. Милетлик Фалес, 5. Лакедемонлик Хилон, 6. Лесбослик Питтак, 7. Линдослик Клеобул”. Фалсафани эса, улардан кейинги етишган донишмандлар тозалаб тарқатганлар 9; 75-83]. Демак, қадимги юнон фалсафасида субстанция (илк ибтидо), инсон тафаккури, натурфалсафа, логос каби фундаментал муаммоларнинг кўйилиши бу илмнинг тозаланишига олиб келди [10; 24-31].

Берунийнинг ҳинд халқи маданияти, фани билан шуғулланиши уни ҳинд илмий адабиётларини чуқур ўрганишига олиб келди ва натижада унинг олдида бутунлай ўзгача маънавий дунё очилди. Шунингдек, у ҳинд фалсафаси билан жиддий шуғулланади. Ҳинд ижтимоий-фалсафий тафаккурининг турли жабҳаларидаги ютуқлар уни ўзига жалб қилди. Бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Мен узоқ муддат ҳиндчадан математиклар ва астрономларнинг китобларини таржима қилиб юрдим, токи шундай китобларгача етдимки, улар энг атоқли ҳинд файласуфлари томонидан қимматбаҳо дурдона деб ҳисобланади ва ҳинд роҳиблари уларда [илоҳларига] ибодат қилиш йўлларини қидирадилар” [11; 165-200].

Беруний бирор бир фалсафий муаммонинг моҳиятини англаш учун у билан боғлиқ бўлган кўплаб ўзига хос қийинчиликларга дуч келган. Чунончи, мутафаккир ҳиндлар билан очиқ муносабатда бўлиш учун уларнинг тилларини пухта ўзлаштириши керак эди. Немис шарқшуноси Э.Захаунинг эътироф этишича, ислом тарқалган мамлакатлардан ташқаридаги мамлакатнинг тилини мусулмон олимнинг ўзлаштиришига интилиши ўша давр учун ақл бовар қилмайдиган жасорат эди [12; XIV].

Берунийнинг ҳинд илмлари билан шуғулланиш жараёни ўзига хосдир. У ҳинд маданиятини ўрганишда эмпирик усулларга эътибор қаратган. Олим илмий фаолиятида кузатиш, суҳбатлар-оғзаки сўрашлар ташкил этган. Қийинчиликларга қарамай, у мамлакат маданияти ва тилини ўрганишда ёрдам беришга рози бўлган ўқимишли ҳиндларни топишга муваффақ бўлган. Албатта, бундай фаолият олим бошлаган ишда муваффақиятга эришишини таъминлаган.

Беруний ҳиндларнинг фалсафий-диний қарашларини ўрганар экан, уларнинг “Гита”¹, “Санкхия”² ва “Патанжала”³ каби асарларидан фойдаланади ва айрим пураналарнинг⁴ (“Вишну-пурана”, “Вишну-дхармоттара”) асарларига мурожаат қилади. Бизнинг фикримизча, ҳинд файласуфларининг мутафаккир билан мулоқоти Берунийнинг фалсафий таълимотларини баён қилиши учун бу китобларни танлаганлигига тўртки бўлган. Берунийнинг ўзи гувоҳлик беришича, ўша йиллар у Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонда ҳиндларнинг фалсафий ва илмий адабиётлари билан тўла танишиш икониятига эга бўлган.

Мутафаккирнинг фалсафий қарашларига чуқурроқ эътибор қаратадиган бўлсак, шунини таъкидлаш лозимки, унинг фалсафий дунёқараши табиий-илмий қарашлари асосида шаклланган. У макон ва замон, қонуният, зарурият ва тасодиф, ҳаракат ва ривожланиш, зиддият, сабаб ва оқибат каби фалсафий муаммоларга катта эътибор қаратди. Берунийнинг асарларида билиш масалалари муҳим мақомга эгадир. Билишга бўлган қизиқишнинг иккита сабаби борлиги, билишнинг иррационал хусусияти– лаззат эканлиги таъкидланиб, билишдан мақсад одамлар эҳтиёжларини қондиришдир. Билиш сезгилар етказиб берган маълумотлардан бошланади ва билишнинг юқори босқичи ақлий билиш учун ўзига хос кўмакчи ва асос бўлиб хизмат қилади. Билимнинг ҳақиқийлиги кузатув ва синов тажриба орқали белгиланади. Яъни, янгилик йўлида изланиш асосан амалиёт, тажриба орқали олиб

¹ “Гита” (Gītā, гīt ā) – Беруний “Бхарата” (Bhāratā, б х ā р с) деб атайдиган машҳур фалсафий поэма, қадимги ҳинд эпоси “Махабхарата”нинг олтинчи китобига кирган “Бхагавадгита”нинг бир қисми; қискартирилган атама “Гита” “Ҳиндистон”да кўп ишлатилади. “Бхагавадгита” (“Эгамнинг куйи”) Қадимги Ҳиндистоннинг анъанавий фалсафасининг энг қимматли ёдгорликларидан ҳисобланади ва у м.а. I минг йилликнинг ўрталарида тузилган ҳисобланади. Кўп асрлар давомида бу асар Ҳиндистонда катта эътиборга эга бўлган ва у ҳинд фалсафасининг кейинги ривожланишига улкан таъсир кўрсатган; “Гита”га кўпроқ вишнуизм диний-фалсафий таълимотига асосланади.

² Санкхия – “Санкхия сутра” (Санкхия ҳикматлари) бизгача етиб келмаган.

³ “Патанжала” (Pātañjala, птнжл, бātнжл) – бу ном билан Ҳиндистонда санкхияга туташувчи йога фалсафий мактаби.

⁴ Пурана – ўн саккиз қисмдан иборат бўлиб, ведаларнинг тафсирига бағишланган асар.

борилади. Беруний таъкидлашича, фақат файласуф бўла туриб, чуқур назарий билимларга эга бўлган ва амалий тадқиқотлар олиб бориб, ўз изланишларида ҳаққоний бўлган кишиларгина ҳақиқий олим номига лойиқдир [13; 11].

Беруний ўзининг “Қонуни Масъудий” [14; 491] асарида астрология санъати асосларининг бўшлигини танқид қилиб, олимлар олдига қаттиқ талаблар қўяди. Унинг бу борадаги мулоҳазалари изчил материалистик руҳда айtilган. Бу борада қадимги юнон файласуфларидан, жумладан, Галеннинг фикрига қўшилиб: “...Фозил табиб [киши], файласуф ҳам бўлиши, яъни ҳикматни [донолик] севиши, уни излаши керак”. Яна ўзи давом эттириб, дейди: “Агар инсон изловчан ва аниқликни талаб қилувчи бўлса, илм тармоқларидан бирор тармоқнинг тўла маъноси ҳақида сўзлай олиши мумкин. Бунинг учун у албатта файласуф бўлиши, ҳамма билимларнинг асосларини эгаллаган бўлиши лозим, чунки илмнинг барча тармоқларини тўла ўрганишга унинг бутун умри ҳам етмайди” [13; 55]. Бу билан Беруний инсон билимининг нисбийлигини эътироф этганлиги маълум бўлади.

Инсон табиат ҳодисаларига бўлган интилишда икки нарсадан илҳомланади. Улардан бири азалдан берилган табиий қизиқиш, барча нарсалар мазмун-моҳиятига етиб боришга интилишдир. Иккинчиси эса, билиш туфайли қўлга киритилган ютуқлардан манфаатдорликдир. Унинг фикрича, “Агар фанга асосланиб бўлмаса, ундан воз кечиш лозим”. Демак фалсафий мулоҳазаларнинг асосида илмий хулосалар ётиши керак.

Беруний “Геодезия” асарида олам яратилиши ҳақида фикр юритиб: “Биз [олам яратилиш] ҳолати ҳақида фақат қараб кузатиладиган, ҳосил бўлиши учун икки тарафдан чегараланган бўлса ҳам, лекин катта муддат керак бўлган қадимги [жараёнларнинг] изларидангина биламиз. Масалан, тошга айланган лой ва кум билан боғланган ва текис, рангли тошлардан таркиб бўлган баланд тоғлар [ўша излардандир]. Агар кимда-ким бу масала ҳақида чуқур ўйласа ва унга тўғри йўл топса, кўрадики, бу тош парчалари ва шағаллар – аслида тошлар бўлиб, тоғларнинг ёрилиши ва [қояларнинг] урилишидаги парчаланиш натижасидир”. “... Бу ҳодисаларнинг ҳаммасига, албатта, микдорини билиб бўлмайдиган узоқ замонлар зарур бўлган ва улар сифати номаълум ўзгаришлар остида юз берган,” деб ёзади [13; 55].

Берунийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганадиган бўлсак, инсон қиёфаси табиат таъсирининг натижаси эканлиги унинг ички қиёфасига чексиз саъй-ҳаракатлар оқибатида тубдан ўзгаришлар бўлиши мумкин. Ҳар бир киши ўз хулқ-атворининг соҳибидир. Жамият тадрижий ўзгаришлар орқали ривожланиб боради. Адолат, фуқаро учун ғам-хўрлик, зулми бартараф этиш, жамиятни ақл ва адолат туғи остида бошқариш мутафаккирнинг идеалидир. Беруний жамиятни бошқаришда жамият подшоҳга хизмат қилмай, подшоҳ жамиятга хизмат қилиши кераклигини тушунган. “Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти балки бошлиқ золимлардан азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бировларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдир. Бу уларнинг оиласини, уларнинг ҳаёти ва мол-мулкни ҳимоя қилиш ва кўриқлаш йўлида бадан чарчашидан иборат”. Ушбу фикрларни давом эттириб, Берунийнинг: “Табиатан бошқаришга мойил” бўлган ҳоким ўз фикри ва қарорларида қатъий бўлиши керак, ўз ишларини амалга оширишда файласуфларнинг қонунларига, Александр Македонский Аристотелнинг фалсафий донишмандлигига амал қилганидек, бўйсунуши лозим: шохнинг ўзи ҳам “яратувчанлик онгига” эга бўлмоғи, айниқса деҳқонлар тўғрисида кўпроқ ғам ейиши керак. “Подшоҳлик деҳқончиликсиз яшай олмайди” [15; 97] деган фикрлари мавжуд.

Буюк мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг асарларида келтирилган фалсафий тадқиқотлардаги фикр ва мулоҳазалар бугунги кунда ҳам маънавий тафаккуримизни бойишига ва қиёсий таҳлил асосида қадимги ҳинд ва юнон фалсафасининг нодир маълумотлари келажакдаги илмий изланишларимизга муҳим манба бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Изоҳлар

1. Қадимги Юнонистоннинг етти донишманди ёки ҳикмат устунлари атамаси билан тарихга кирган Афиналик Солон, Приеналик Биас, Коринфлик Периандр, Милетлик Фалес, Лакедемонлик Хилон, Лесбослик Питтак, Линдослик Клеобул мил.авв. 620-550 йиллар оралиғида яшаган бўлиб, улар чуқур маъноли ҳикматли сўзлари ёки фавкулодда фаолият-

лари билан машхур бўлганлар. Масалан, Солон (тах. м.а. 638-559 йиллар) Афиналикларни тарихда биринчи бўлиб демократияга ўргатган. У м.а. VII аср охирларида қонунлар ёзиб бериб, ўн йилгача подшоҳсиз, қонунлар билан уларни ўзгартирмай яшашларини шарт қилиб, ўзи шу муддатга Шарққа кетган. У ўн йилдан кейин қайтиб келиб, Солон афиналикларнинг подшоҳсиз, фақат қонунлар асосида яшашлари уларга маъқул келганини кўрган. Шундан бошлаб Қадимги Юнонистонда демократия (халқ ўзини ўзи бошқариши) тушунчаси ўрнашиб қолган. Бошқа олти донишманд билан ҳам шу каби ҳодисалар бўлган.

2. “Гита” (Gītā, गीतā) – Беруний “Бхарата” (Bhāratā, ब x ā p c) деб атайдиган машхур фалсафий поэма, қадимги ҳинд эпоси “Маҳабхарата”нинг олтинчи китобига кирган “Бхагавадгита”нинг бир қисми; қисқартирилган атама “Гита” “Ҳиндистон”да кўп ишлатилади. “Бхагавадгита” (“Эгамнинг куйи”) Қадимги Ҳиндистоннинг анъанавий фалсафасининг энг қимматли ёдгорликларидан ҳисобланади ва у м.а. I минг йилликнинг ўрталарида тузилган ҳисобланади. Кўп асрлар давомида бу асар Ҳиндистонда катта эътиборга эга бўлган ва у ҳинд фалсафасининг кейинги ривожланишига улкан таъсир кўрсатган; “Гита”га кўпроқ вишнуизм диний-фалсафий таълимотига асосланади.

3. Санкхия – “Санкхия сутра” (Санкхия ҳикматлари) бизгача етиб келмаган.

4. “Патанжала” (Pātañjala, प ā त न ж л, б ā т н ж л) – бу ном билан Ҳиндистонда санкхияга туташувчи йога фалсафий мактаби.

5. Пурана – ўн саккиз қисмдан иборат бўлиб, ведаларнинг тафсирига бағишланган асар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Булгаков П. Г. Жизнь и труды Беруни. –Ташкент, 1972.
2. Розенфельд Б. А., Рожанская М. М., Соколовская З. К. Абу-р-Райхан ал-Беруни. – М., 1973.
3. Абу Райхан Беруни. Избр. произведения. Т. IV. Фармакогнозия в медицине (китаб ас-Сайдана фи-т-тибб). Исследования, перевод, примечанияи указатели У.И.Каримова. –Ташкент, 1973.
4. Шарипов А. Великий мыслитель Абу Райхан Беруни. Ташкент, 1972.
5. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар, VI, биринчи китоб, Қонуни Масъудий. 1-5 мақолалар, таржимон А.Расулов. Махсус муҳаррир А.Аҳмедов, сўз боши ва изоҳларни муаллифи А.Аҳмедов ва А.Расуловлар тузган. –Тошкент, 1973.
6. Sarton G. Introduction to the history, of science. Volume I, from Homer to Omar Chayyam. Baltimore, 1927, pp. 693, 707.
7. Аҳмедов С.А., Аҳмедова Н.С. Ўрта Осиёда арифметика тараққиёти ва унинг ўқитилиш тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1991. –Б. 28.
8. Хоразм Маъмун академияси. –Тошкент, 2005. – Б. 149-150.
9. Абу Рейхан Бируни. Избранные произведения.Т.II. Индия. / Перевод А.Б.Халидова и Ю.Н.Завадовского. Комментарии В.Г.Эрмана и А.Б.Халидова, Ответ. редактор В.И.Беляев. –Ташкент, 1963. –С. 75-83.
10. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. –Т.: Шарқ, 2002. – Б. 24-31.
11. Oriens, Bd. 9, 1956 – al-Bīrūnī ’s Übersetzung des Yoga-Sūtra des Patañjali, [Hrsg.] von H. Ritter, Oriens, vol. 9, 1956, –S. 165-200.
12. Sachau, India, transl. – Alberuni’s India. An Account of the Religion, Philosophy, Literature, Geography, Chronology, Astronomy, Customs, Laws and Astrology of India about A. D. 1030. An English Edition, with Notes and Indices by Edward C. Sachau, I – II, –London, 1888, p. XIV.
13. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар, III т., Геодезия. Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи А.Аҳмедов. –Тошкент, 1982. – Б. 11.
14. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар, V томлик, иккинчи китоб, Қонуни Масъудий. 6–11 мақолалар. Махсус муҳаррир, сўз боши ва кўрсаткичлар муаллифи А.Аҳмедов, изоҳларни А.Аҳмедов ва Б.А.Розенфельд тузган. –Тошкент, 1976. – 491 б.
15. Маънавият юлдузлари. –Тошкент, 1999. – 97 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Абу Райхон Берунийнинг фалсафий мероси ўрганилиши, шунингдек, унинг қадимги юнон ва ҳинд фалсафасига муносабати тадқиқ этилади. Тадқиқотда Беруний ва Ибн Синонинг ёзишмалари, Аристотель натурфалсафасининг муҳим масалаларига эътибор қаратилди. Мутафаккиринг “Осор ул-Бокия”, “Геодезия” каби асарларидан иқтибослар келтирилиб, фалсафий таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной научной статье рассматриваются философское наследие Беруни, его отношение к древнегреческой и древнеиндийской философии. В исследовании анализируются рукописи Беруни и Авиценны, отводится особое внимание важным вопросам натурфилософии Аристотеля, проводится философское размышление, ссылаясь на такие труды мыслителя, как “Асар аль-Бакия” и “Геодезия”.

SUMMARY

This scientific article examines the philosophical heritage of Beruni, its relation to ancient Greek and Indian philosophy. The study analyzes the manuscripts of Beruni and Ibn Sina, focuses on important issues of the natural philosophy of Aristotle, provides references to such works of the thinker as “Asar al-Bakiya” and “Geodesy”.

Наирузга фалс.ф.д. С. Чориев тавсия этган

ҲОЗИРГИ ЗАМОНДАГИ ТЕРРОРИЗМНИНГ ОНТОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Султонова С. (СамДЧТИ)

Таянч сўз ва иборалар: *террор, терроризм, глобализация, ижтимоий хавф, криминоген, оммавий, диний экстремизм.*

Ключевые слова: *террор, терроризм, глобализация, криминогенность, массовая, религиозный экстремизм.*

Keywords: *terror, terrorism, globalization, social risk, criminogen, global, religious extremism.*

“Терроризм ҳаракатлари инсоният тарихида янгилик эмас. У ҳамма вақт инсоннинг ҳаётига таҳлика ва таҳдид солиб, турли ғаразли мақсадларнинг, ғоялар ва хоҳиш ва ирода-ларнинг тимсоли сифатида яшайди” [2.90].

Терроризм бир неча минг йиллардан бери мавжуд бўлган ва деярли барча халқлар тарихида учрайдиган мураккаб, ўзгарувчан ҳодиса..Бу ҳодиса турли сабабларга, бир қатор жиҳатларга, кўп даражали тузилмага эга. Аммо,тадқиқотчилар В.А.Гуторов ва А.А.Ширинянц таъкидлаганидек, “терроризм “жамоатчилик онгида замонавий сиёсатнинг энг муҳим омили сифатида,...қоида тарикасида”, юзаки ва субъектив равишда қабул қилинади” [1.30].

Тадқиқотчилар В.Д. Путятин ва В.В.Собольников кузатувларига кўра, “дунёнинг кўп мамлакатлари қонунчилигида ҳуқуқий таърифлар мавжуд.Терроризм, уларнинг таърифларида турлича ва ўзига хос характерга эга”[7.40]. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, тадқиқотчи А.С. Макарычев ёзишича, “тадқиқот камчилиги... қайси соҳада кўзга ташланса- гап ҳозирги замон терроризмининг концептуал феноменини (пост) ўрганишда” [4.143-147]. Терроризм таърифларининг юзаки ва объективлиги, ўзбошимчалик ва номувофиклиги, шунингдек, терроризмга оид концептуал ишларнинг йўқлиги терроризмнинг онтологик асосларини нотўғри баҳолаш билан боғлиқдир. Терроризм ҳодисасининг мавжуд бўлишининг барча шакллари тавсифлашгина улардан қайси бири эпистемологик, аксиологик ва табиатда прахеологик эканлигини аниқлашга имкон беради. “Терроризм” тушунчасининг таърифи атрофида ҳозирги замон олимлари ўртасида мунозаралар давом этмоқда.Улардан энг жиддийлари ”террор” ва ” терроризм” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги билан боғлиқ. Қийинчилик шундан иборатки, улар этимологик жиҳатдан бир хил бўлса ҳам (иккаласи ҳам лотинча террор сўзидан олинган- “кўркув” ”дахшат”), аммо улар турли хил маъноларда ишлатилади, бу эса террорчилик таҳдидларига қарши курашиш учун меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш учун қонуний фаолиятда чалкашликлар келтириб чиқаради. Ушбу тартибсизлик, шунингдек, терроризм ҳодисасининг онтологик асосларини олдини олади. Ушбу муамоларни бартараф этиш мақсадида рус тадқиқотчилари С.Ю.Каргапольцев ва И.Ю.Лапина “террор” ва “ терроризм” атамаларининг семантик таркибини ҳимоя қилдилар,тадқиқотчи М.Ф. Мусаеляна эса “террор” ва “терроризм” атамалари семантик таркибига эга”деб ҳисоблайди [5.57].

Тадқиқотчилар С.Ю.Каргапольцев ва И.Ю. Лапинанинг таъкидлашишича, “террор ҳам, терроризм ҳам бир хил ҳодисадир- инсонга нисбатан зўравонлик” [3.14].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Терроризм бутун дунёда тинчликни таъминлаш йўлидаги асосий ғов, тўсиқдир. XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро миқёсда ўзини очиқ намоён этаётган хатарли воқеликлардан бири, турли шиорлар билан ниқобланган терроризм минтақалар ва мамлакатлар ҳаётида бирдек таҳдид солмоқда. Кенг қўлам ва хилма хил кўринишлар касб этаётган ушбу иллатга қарши кураш бутун дунё учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда” [11.230].

Терроризм бу – XXI асрнинг вабоси ва глобаллашувни келтириб чиқарадиган ҳодисадир. XX аср бошларидан бошлаб дунё цивилизациясининг ривожланишидаги экстремал ҳолатлар, анъанавий этник ва этник гуруҳларнинг йўқ қилиниши, глобал ва маҳаллий даражадаги кескин ижтимоий зиддиятлар, ижтимоий ва шахсий, ижтимоий ва хусусий фуқаролик ва давлатнинг ҳал этилмайдиган қарама-қаршиликлари, замонавийлик мажбурий характерга эга ижтимоий йўналтирилган мавжудотнинг нақд пул усулида “мавжуд бўлиш”, “нарсалар тартибини” ўзгартириш миссияси устунлик қилганида чексиз, ноқонуний зўравонлик йўли билан ва ҳар бир киши ушбу жараённинг потенциал қурбонига айланмоқда. Терроризмнинг характерли томонларидан бири унинг сиёсатга йўналтирилганлигидир. Ҳар бир террор жараёнининг асосида ҳозирги даврда муайян сиёсий мақсадларни амалга ошириш ётади. У ёки бу шахс устидан зўравонлик, куч ишлатиш эса, ушбу мамлакатдаги сиёсатни сақлаш ёки ўзгартириш воситаси сифатида намоён бўлади. Сиёсий курашнинг бу усули маълум жамиятда, мамлакатда яшовчи фуқаролар орасида қўрқув ва даҳшат тарқатишга асосланади. Терроризмнинг яна бир хусусияти ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан ҳал қилишга интилишда кўринади. Терроризм ўта мураккаб жиной ҳодиса бўлганлиги сабаб, деярли барча давлатларнинг қонунлари билан ҳимояланган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилмоқда. Бундай сиёсий масалалар ўз навбатида худудий, этник, диний ёки бошқа шаклу шамоийлик касб этиши мумкин. Терроризм ва экстремизмнинг ижтимоий хавфини биз дунёда содир бўлаётган террорчилик ва қўпоровчилик ҳаракатларининг рақамларида ҳам кўришимиз мумкин, жумладан 2015 йилги “Глобал терроризм индекси” келтирган рейтинг маълумотларга кўра, 2014 йилда дунёнинг 93 мамлакатада террорчилик ҳаракатлари содир этилган бўлиб, бунинг натижасида 32659 нафар инсон қурбон бўлган. Таъкидлаш лозимки, қурбон бўлганларнинг 78 фоиз бешта давлат, яъни Афғонистон, Ироқ, Нигерия, Покистон ва Сурия фуқаролари ҳисобланади [8.40].

Терроризмнинг келиб чиқиши учун нафақат объектив, балки муайян типдаги шахсларнинг, сиёсий зўравонлик ва мутаасиблик (фанатизм)нинг ўзига хос анъаналари асосида шаклланадиган муайян типдаги онгнинг пайдо бўлиши каби субъектив шарт шароитлар ҳам керак. Бунда объектив шарт-шароитлар ҳал қилувчи, аммо ҳар доим ҳам етарли бўлмаган омилдир. Чунки “бу шарт-шароитлар кўпчилик мамлакатлар учун умумий бўлиши мумкин, ўз-ўзидан юзага келадиган” сиёсий терроризм эса уларнинг айримларидагина келиб чиқади” [9.44].

Ўзбекистонда терроризмнинг сабаблари мажмуини уларни ташкил қилувчи детерминантларнинг ўзаро боғлиқ гуруҳлари мажмуи сифатида қараб чиқиш лозим. Унда мамлакатимизда терроризмга жиддий таъсир кўрсатувчи диний ва бошқа шу турдаги хусусиятлар киради. Булар анча барқарор, ҳар ҳолда узоқ вақт оралиғида амал қилиб келаётган, одатда кам сонли ва амалда сунъий таъсир кўрсатиб бўлмайдиган фундаментал, муайян маънода “абдий” детерминантлар гуруҳи бўлиб, бир қатор аниқ криминоген омилларни камраб олади. Бундай сабабларни белгиланган вақтда портлайдиган милага қиёслаш мумкин. Улар амалда мустақил мавжуд бўлади ва мамлакатда барқарор ижтимоий иқтисодий ва сиёсий вазият бўлганида ушбу сабаблар яширин бўлади ҳамда тутаб ётган, аммо исталган вақтда ёнғин чиқариши мумкин бўлган ўчоқлар хусусиятига эга бўлади. Улар одатда қандай қулай шароитлар(сиёсий инқирозлар, иқтисодий ва ижтимоий ларзалар ва ш.к.), яъни иккинчи даражадаги детерминантлар юзага келганида пайдо бўлади.

Терроризмнинг ижтимоий ва сиёсий манбалари муайян яхлитликни ҳосил қилади ва бир биридан ажралган ҳолда кўриб чиқилиши мумкин эмас. Улар жуда жўшқин бўлиб, у ёки бу жамият ҳаётида ривожланишнинг муайян босқичида кечадиган мураккаб жараёнлар билан боғлиқ [6.27].

Терроризмнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) террористик ҳолатларни амалга оширишнинг муайян усуллари ва воситалари яратилди. Буларга портлатиш, қотиллик. Ўт қўйиш, заҳарлаш, гаровга олиш каби усуллар ҳамда бомба, пичок, ханжар, тўппонча, милтик, турли заҳарли ва порох каби воситалардан фойдаланиш киради;

2) терроризм ўз мафқурасини яратди, натижада терроризмнинг турли кўринишлари пайдо бўлди(сўл ва ўнг, ижтимоий ва сиёсий, миллатчилик, дунёқараш, инқилобий ва бқ.)

3) терроризмнинг ижтимоийлашуви рўй берди, яъни у аҳолининг турли қатламлари орасида, маргиналлардан тортиб то аристократларгача ўз ижтимоий базасига эга бўлди;

4) терроризм институционаллашиб, ўзининг доимий ташкилотларини яратди ва халқаро характер касб эта бошлади;

5) терроризм оммавий характер касб эта бошлади, яъни у тобора кўпроқ қурбонлик талаб қилиб, қўрқув ва таҳликага сола бошлади;

6) террористлар одамларни саросимага ва даҳшатга солишнинг замонавий усуллари – газ, бактериологик воситалар масофавий ва космик алоқа, интернет ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга ўтдилар. Гаровга олинганлар ҳаётига, ернинг сунъий йўлдошлари ва ҳатто ядровий арсеналларга нисбатан ҳам реал хавф пайдо бўлди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, халқаро терроризмнинг ижтимоий хавфлилиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

а) ушбу жинойтлар натижасида ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида, яъни иқтисодий, маънавий, сиёсий, молиявий, бошқарув ва бошқа соҳалардаги муносабатларга салбий таъсир ўтказишида;

б) бундай тоифадаги жинойт фаолиятнинг уюшганлиги, алоҳида тайёргарлик асосида амалга оширилиши, бир вақтнинг ўзида бошқа кўпгина жинойтларнинг содир этилишида;

в) диний экстремизмнинг муросасизликка асосланганлиги миллатлар ўртасида можароларни, диний миллий камситишларни вужудга келтириши, барқарор ҳаётни издан чикаришида;

г) жамиятда барқрорликни издан чиқаришга, жамият аъзоларига келтираётган жисмоний, моддий, маънавий, руҳий зарар билан инсонларда ишончсизлик, гулгула уйғотишда, мустақкам фикрга эга бўлмаган шахсларни жинойт ҳатти ҳаракатларда чорлашда, унга қарши курашиш учун катта ҳаражатлар сарф қилинишида;

д) турли хил кўринишдаги ва катта миқдорда зарарларнинг етказилишидадир.

Шу мақсадда халқаро терроризм ва жинойт зўравонлик миқёсининг туб сабабларини, жумладан, шахснинг маънавий юксалишига салбий таъсир этаётганлиги, унинг муаммолари ва оқибатларини ижтимоий- фалсафий таҳлил қилиш, илмий ижтимоий фалсафий муамолардан бири ҳисобланади. Зероки, халқаро терроризм ҳозирги кунда глобаллашган муаммо ҳисобланади. Шунинг учун, терроризмга қарши кураш унинг турли сабабларини танқидий излаш, етук фикрлаш, оқилона исботлаш, терроризм мафқурасининг асосий позицияларини ўрганиш ва тадқиқ этиш, шунингдек терроризм даврида шахс ўзини ўзи ривожлантиришининг шахсий моделини ва усуллари ишлаб чиқиш, ижтимоий фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.”Зўравон экстремизм ва терроризм таъсирида бўлганларнинг ўзига хос ёндашишлари бор. Шунинг учун минтақалар нуқтаи назаридан миллий дастурлар ва стратегияларни ишлаб чиқиш орқали бу таҳдидга қарши биргаликда курашиш керак. Ҳозирги кунда 15 дан ортиқ мамлакатлар миллий ҳаракат дастурларини ишлаб чиқдилар ва келгусида бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади”[10.79].

Халқаро терроризмга қарши изчил кураш олиб бориш мамалакатимиз ташқи ва ички сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев халқаро террорчиликка қарши ҳамкорликда кураш

олиб боришнинг амалий масалалари бўйича ҳам, турли халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб, Ўзбекистон ҳукуманинг таклифлари билан чиқди. Муаммога бундай ёндашув Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши халқаро ҳамжамият билан ҳамкорликда кураш олиб боришга тайёр эканлигидан далолат беради. "Ҳозирги пайтда халқаро терроризм ўз тажовузкорлик фаолиятида диний фундаментализм "ғоя"ларидан ҳам "маънавий" озик олаётганлиги туфайли унга қарши самарали ғоявий кураш олиб боришнинг муҳим масалаларидан бири диний фундаментализмнинг сохта ва риёкорона мафкурасини фош қилиш бўлмоғи зарур"[12]деган хулосага келиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, терроризмнинг олдини олиш, унинг криминологик жиҳатларини чуқур илмий жиҳатдан ўрганиш, терроризм жиноятларини содир этувчи шахсларнинг хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда ушбу салбий иллатга қарши курашиш учун керакли махсус билимларга эга бўлиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гуторов В.А., Ширинянц А.А. Терроризм как теоретическая и историческая проблема: некоторые проблемы интерпретации // Полис: Политические исследования, 2017. – № 3. – С. 30.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 90 б.
3. Лапина И.Ю., Каргапольцев С.Ю. Государство и терроризм: единство и борьба противоположностей // Клио: журнал для ученых, 2016. – № 5. – С. 14.
4. Макарычев А.С. Терроризм: энциклопедия, археология, грамматика // Индекс Безопасности, 2007. – Т. 13. – № 2. – С. 143-147.
5. Мусаелян М.Ф. Понятие «терроризм» и его соотношение с понятиями «террор» и «террористический акт» // Журнал российского права, 2009. – № 1. – С. 57.
6. Раджапова М. Диний экстремизм ватеррорчилик. – Т., 2000. – 27 б.
7. Собольников В.В., Путятин В.Д. Терроризм как юридико-психологическое явление: проблемно-психологический анализ и перспективы противодействия // Российский следователь, 2016. – № 10. – С. 40.
8. Сафарова Н. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил). – Т.: NOSHIR, 2009. – 40 б.
9. Убайдуллазода Н.Т. Терроризмнинг олдини олишни ҳуқуқий ва ташкилий таъминлаш. – Т., 2012. – 44 б.
10. Фуқаролик жамияти // Умумназарий, ижтимоий сиёсий, ҳуқуқий журнал, 2018. – №3(55). – 79 б.
11. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий услубий рисола. – Т.: Маънавият, 2017. – 216 б.
12. <http://rambler.ru.Evropa.chu.by>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада жамият ривожининг ҳозирги босқичида халқаро терроризмнинг онтологик ва ижтимоий-маънавий таркибий қисмлари, ижтимоий хавфи ва глобаллашувни келтириб чиқарган ҳодиса эканлиги ҳақида фикр юритилган. Шу билан бирга, терроризмнинг асосий хусусиятлари ижтимоий фалсафий таҳлил этилган бўлиб, ушбу салбий иллатга қарши курашиш учун шахс ўзини ривожлантиришнинг шахсий моделини яратиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются вопросы онтологические и социально-духовные составляющие современного терроризма, социальные опасности международного терроризма и явления вызывающие глобализацию на данном этапе развития общества. Кроме того, анализируются основные черты терроризма как социально- философского и подчеркивается важность создания персональной модели саморазвития для борьбы с этим злом.

SUMMARY

This article discusses the issues of ontological and socio-spiritual components of modern terrorism, social dangers of international terrorism and the phenomena causing globalization at this stage of development of society

In this article provides the sociological philosophical analysis of the main features of terrorism, in order to combat against failing negative it is important creating a personal model of self-development.

Наирга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

ТЕХНОКРАТИЯНИНГ САМАРАСИЗ ВА ЗАРАРЛИ ҲОЛАТИ

Тоғаев Ш. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: техника, технократия, ижтимоий ҳаёт ва технократия, технократик ёндашув ва муносабат, антисциентистик қарашлар, технократия ва демократия, технократия ва маънавият, муқобил тушунча, янги тушунчага эҳтиёж, “технократия” тушунчаси, технократия ва “технократия” алоқадорликлари, тушунчани қўллаш зарурияти, тушунчанинг илмий-амалий аҳамияти.

Ключевые слова: техника, технократия, общественная жизнь и технократия, технократический подход и отношение, антисциентистические взгляды, технократия и демократия, технократия и духовность, альтернативное понятие, потребность в новом понятии, понятие “технократия”, взаимоотношение технократия и “технократия”, необходимость применения понятия, научно-практическое значение понятия “технократия”.

Keywords: technology, technocracy, social life and technocracy, technocratic approach and attitude, anti-scientific views, technocracy and democracy, technocracy and spirituality, alternative concept, the need for a new concept, the concept of “technocracy”, the relationship between technocracy and “technocracy”, the need for use of the concept, the scientific and practical significance of the concept “technocracy”.

Инсоният тарихий тараққиётининг ҳозирги босқичини барча ижтимоий муносабатларнинг технократиялашуви билан характерлаш мумкин. Чунки сўнгги асрлар давомида моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнларини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишда қўлланилган технократик ёндашув ва тамойиллар, эндиликда барча ижтимоий муносабатларда, ҳатто онг, тафаккур ва дунёқарашда ҳам ҳукмронлик қилмоқда. “Натижада... одамзод ҳаёти ва фаолиятининг техника иштирок этмаётган биронта жабҳаси қолмаяпти” [1]. Бироқ, бу: бир томондан, инсонларнинг турмуш шароитлари ва имкониятларини мислсиз даражада ошираётган бўлса, бошқа томондан, бугунги ижтимоий ҳаётнинг барча босқич, соҳа, йўналишларида турли зиддият ва муаммоларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда. Яъни бунда ҳозирги ижтимоий муносабатларда амал қилаётган технократиянинг ўзига хос мазмундаги самарасиз ва зарарли бўлган ҳолати яққол кўринмоқда.

Умуман, мазкур ҳолатнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий-тарихий асослари, унинг инсон ва жамият ҳаётига салбий таъсири дунёдаги илмий ва ижтимоий фикрда маълум даража ва кўринишларда изоҳлаб келинмоқда. Буни кўплаб антисциентистик мазмундаги адабиётларда, айрим диний таълимотларда, қисман Техника фалсафасида ҳам яққол кўриш мумкин. Мавжуд адабиётларда у билан боғлиқ қатор объектив ва субъектив ҳолатлар, бу борадаги долзарб муаммо-масалалар таҳлил қилиниб, ғоят қимматли фикр-мулоҳазалар (баъзан эса ўта радикал қарашлар) илгари сурилган ва улар илмий жамоатчиликка маълум. Бироқ, бу ўринда айтиш мумкинки, шу пайтгача мазкур қарашларга етарлича эътибор берилмаяпти, деб бўлмайди. Аксинча, ҳозирги даврда ижтимоий ҳаётдаги барча муносабатларнинг ўзига хос ва мос номдаги техника ва технологиялари ўйлаб топилиб, амалиётга кенг жорий қилиш билан технократия янада кучаймоқда. “Бугунги кунда фан ва техника органик ва ноорганик табиатга ўз ҳукмини ўтказмоқда. Ноорганик материя соҳасида – бу қурилиш техникаси, электроника, иссиқлик техникаси, физик-кимёвий техника, энергетик техника ҳамда технология ва ҳоказо. Органик табиат соҳасида эса, бу қишлоқ хўжалиги техникаси, шунингдек, техника предмети доирасига бутун биологияни киритиш имконини берувчи биотехнология. Айни вақтда, фикрлаш, баҳслашиш, ўрганиш, хотира техникаси (“мнемотехника”), рассомлик, мусиқий асбобларни чалиш техникаси, шунингдек, одамларни, ишлаб чиқаришни, давлатни бошқариш техникаси ҳам мавжуд” [2]. Айни пайтда фанда, санъатда, спортда, сиёсатда бўлгани каби, таълимда (педтехнологиялар), маданиятда ва кишилар ўртасидаги индивидуал муносабатларда ҳам турли шакл-кўринишдаги техника ва технологиялар амал қилмоқда. Масалан, эр билан хотин, қиз билан йигит, бошлиқ билан ходим, катталар билан болалар ва умуман ҳар хил одамлар ўртасидаги муомала ёки муносабат техникалари, шунингдек, ахлоқ-одоб, юриш-туриш, кийиниш, китоб ўқиш ва ҳатто,

қандай ўйлаш ёки фикрлаш бўйича ҳам тегишли технологиялар ишлаб чиқилиб, жорий қилинмоқда. Буларнинг бари муайян фан ютуқларига мувофиқ илмий асосланиб, ўша ҳолат ва муносабатлардаги тараққиёт белгиси сифатида тавсифланмоқда. Бирок бу жараёнларнинг ижтимоий онг ва тафаккурга таъсири қандай бўлаётгани етарлича ўрганилаётгани йўқ.

Шундай қилиб, эндиликда бутун оламни, ундаги “табиат-жамият-инсон” муносабатлари ҳамда мавжуд дунё тартиботи билан боғлиқ барча ижтимоий жараёнларнинг бугунги ва келгуси тараққиётини тушунишда ҳам технократик ёндашувлар устувор бўлиб қолмоқда. Кейинги даврларда оламнинг илмий манзараси ёки инсоният ижтимоий тараққиёти тўғрисида яратилган ғоя, назария ва таълимотларнинг аксарияти технократик мазмунда бўлиб, улар сўзсиз эътироф этилиб, кенг тарғиб-ташвиқ қилинмоқда. Бунга ҳозирги “Постиндустриал жамият”, “Ахборот жамияти” ёки “Ўта индустриал цивилизация” ва бошқа соф технократик мазмундаги назария ва таълимотлар мисол бўла олади. Бирок бугунги кунда барча ижтимоий муносабатларнинг фақат технократияга асосланиши мумкин эмаслиги, бу борадаги кўплаб илмий концепция, назария ва тамойилларнинг тараққиёт талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлмоқда. Яъни кейинги даврларда инсоният ҳаётида турли даража ва кўламдаги муаммоларнинг камайиш ўрнига, тобора кўпайиб бораётгани, масалан, 2008 йилнинг кузида АҚШда бошланиб, бутун дунёни қамраб олган глобал молиявий инкироз ёки 2019 йил декабрь ойидан тарқала бошлаган Коронавирус эпидемияси туфайли юзага келган ҳолатлар ҳам аслида технократик тартибларнинг амал қилиш натижаси бўлиб, бу барча ижтимоий муносабатларни фақат технократик ёндашув ва тамойилларга асосланиб ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг самарасиз, зарарли ва ҳатто хатарли ҳам эканлигини кўрсатмоқда. Афсуски, бундай ҳолатни инсоният ҳаётидаги барча ижтимоий муносабат шаклларида, ҳам индивидуал, ҳам глобал масштабларда амал қилаётган технократик тартибларда яққол кўриш мумкин. Масалан, ҳозирги дунёдаги демократик жараёнларда технократиянинг самарасиз ва зарарли ҳолати қуйидагича намоён бўлмоқда:

Маълумки, демократияда ҳокимият халқ хоҳиш-иродасига кўра шаклланади. Бу эса демократик сайловлар орқали амалга ошади. Яъни сайлов йўли билан халқ ўз сафидан энг етук, мукамал одамларни (ёки гуруҳларни) танлаб, ҳокимият бошқарувига қўяди. Хуллас, демократик сайловлардаги асосий масала - жамият ичидан энг мукамал одамларни танлаб, ҳокимиятга қўйиш. Бирок ҳозирги даврда (дунёнинг қатор мамлакатларида, ҳатто, демократия энг ривожланган минтақа ва давлатларда ҳам) амал қилаётган демократик сайловлар, жамиятдаги энг мукамал одамларни тўғри аниқлаб, ҳокимиятларга келтиришига ишончли кафолат бўлмайётганини кўриш қийин эмас. Бу ўринда гап технократик тартибда ўтказиладиган ҳозирги сайловларда ишлатиладиган сайлов технологиялари билан мутлақо номукамал одамларнинг ҳам сайланиб, ҳокимиятга кела олишидир. Чунки бугунги сайлов технологияси исталган одам ёки гуруҳни, айнан демократик сайлов йўли билан, ҳокимиятга чиқариши ҳам, ундан тушириши ҳам мумкин. Буни айнан сайлов техникаси - технологияси ҳал қилади. Фақат бунда жараён ҳам, натижа ҳам албатта сохта бўлади. Бугунги глобал масштабдаги қатор муаммо ва муносабатларнинг технократик мазмуни ва мақоми ҳам шу билан изоҳланади.

Бу ўринда, айтиш мумкинки, кейинги даврларда демократияга нисбатан муносабатларнинг жиддий ўзгараётгани, унга доир турлича қарашлар юзага келиб, булар тобора кўпайиб, умуман демократия ҳақидаги аслида содда, ҳамма учун тушунарли бўлган билимларнинг ўта мураккаблашиб, оддий одамлар англаши қийин бўлган “илмий масала”га айланиб бораётгани ҳам айни шу ҳолатлар билан боғлиқ. (Қолаверса, бу ўринда 2002 йили “Гэллуп Интернешнл” ташкилоти томонидан дунёнинг 47 мамлакатда ўтказилган тадқиқот натижалари янада жиддий мулоҳазаларга ундайди. Ундаги маълумотларга кўра, ҳозирги даврдаги одамларнинг аксарияти ўз мамлакатларида демократиянинг энг асосий тамойили – халқ ҳокимияти амал қилмайди, деб ҳисоблашаркан. Ҳатто, сўровда қатнашган, демократия кенг ривожланган деб ҳисобланувчи, АҚШ ва Канадаликларнинг 52 фоизи, Европа Иттифоқига кирувчи Ғарбий Европа давлатларидаги аҳолининг 61 фоизи ўзлари

яшаётган жамиятларда ҳокимият халқ хоҳиш-иродасига мувофиқ бошқарилмайди, деган фикрда экан[3]. Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотларга кўра мазкур ҳолат янада чуқурлашиб, эндиликда жаҳон аҳолисининг ярмидан кўпи амалдаги демократияга умуман ишонмаслиги маълум бўлмоқда. Бунга сўнгги вақтларда интернетдаги қатор сайтларда эълон қилинаётган нуфузли илмий тадқиқот натижалари хусусидаги маълумотлар, яъни: “Демократияга ишончсизлик тарихий максимумга етди. Буни сўровлар натижалари кўрсатмоқда” <https://kun.uz> 29.01.2020 й.; “Демократия касал”. Нима учун унга нисбатан ишонч пасайиб кетди?” <https://Cof/uz> 30.01.2020 й.; “Дунё: Демократия ишламаяпти – норозилик тарихий чўққига чиқдимиз”. [https://www.bbc.com/uzbek ёки: https://correspondent.Uz](https://www.bbc.com/uzbek/ёки/https://correspondent.Uz) 03.02.2020 й.; Одамларнинг демократияга ишончсизлиги ортиб бормоқда. www.Najot.org 30.01.2020 й.; Янги авторитар дунё. info.islom.uz 9.05.2014 й.; “Современная демократия теряет популярность. Ее все чаще используют диктаторы». <https://meduza.io> 12.11.2010 й.; <https://ru.euronews.com> 1.02.2018 й.; “Как вернуть доверие к демократии?” <https://caa-network.org> 19.07.2016 й. “Контрдемократия: политика в эпоху недоверия” www.perspektivy.info 06.11.2012 й. ва яна бошқа кўп мақола ва маълумотлар яққол мисолдир). Фикримизча, туб мазмун-моҳиятига кўра, инсоният ҳаётида шу пайтгача шакллланган энг мукамал ижтимоий тузум намунаси бўлган демократиянинг кейинги даврларда ўта технократиялашиб кетгани ва шу туфайли уни ҳаётга жорий қилишнинг жуда қийинлашиб, баъзан эса умуман мумкин бўлмай қолгани учун ҳам бу борада турлича қарашлар ва таълимотлар келиб чиқмоқда. Бирок эндиликда ушбу ғоя ва таълимотларнинг туб мазмун-моҳиятини тушуниш ва тушунтиришда ҳам баъзан мавжуд ижтимоий тараққиёт қонуниятларига эмас, балки амалдаги ғарбча демократиянинг технократик мазмундаги тавсифидан келиб чиқиб, технократик ёндашув ва тамойиллар асосида талқин қилиш, шу тариқа бу борадаги эзгу интилишларга тўсқинлик қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Яъни инсоният ҳаётида ҳукмрон бўлган технократик тартиб ва тамойиллар кейинги даврларда юзага келаётган ҳар қандай илғор демократик ғояларнинг рўёбга чиқишига халакит бермоқда. Жумладан, буни мамлакатимизда қарор топаётган ўзига хос демократик жараёнларга нисбатан ғаразли қарашлар ва муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Бинобарин, демократия деганда, унинг мазкур технократик мазмуни тушунилиб, яна уни ўша ёндашувлар асосида ўрганиб, миллий мафкурада тавсифлаш мумкин эмас. Чунки демократия ҳақидаги бундай тавсифлар сунъий ва сохта бўлиб, унга одамларни ишонтириб бўлмайди. Қолаверса, бу борада намуна қилиб кўрсатиладиган мамлакатлардаги одамларнинг кўпчилиги ишонмайдиган демократияга биз нега ишонимиз керак?!

Айни пайтда, инсоният ҳаётидаги технократик тартибларнинг самарасиз ва зарарли ҳолати фақат юқоридагилар билан чекланмайди. Ҳозирги даврда бундай ҳолат ва муносабатларни кўплаб муассаса-ташкilotларда тегишли ишларни ташкиллаштириш, бошқариш ҳамда назорат қилишда амал қилаётган қуруқ расмиятчиликларда ва умуман бугунги дунё ижтимоий ҳаётидаги турли босқич, соҳа, йўналиш, даража ва кўламлардаги жараёнларда яққол кўриш мумкин. Масалан, бундай ҳолат ҳозир биздаги фан ва таълим тизимида жорий қилинган ортикча қоғозбозликда, хусусан илмий тадқиқот ёки ўқув жараёнларини (диссертация ҳимоя қилиш ва дарсларнинг ўтилишини) ташкиллаштиришда асосий эътибор ил-

* Шунинг учун ғоявий-мафкуравий ишларда, демократия ҳақида гапирилганда, шу пайтгача ҳаммага намуна (эталон) бўлиб келаётган ғарбона демократиянинг ҳозирги ҳолати, нафақат биздаги шарт-шароитга, балки, умуман бугунги тараққиёт талабларига тўғри келмай қолаётганига ҳам жиддий эътибор қаратиш жоиз. Масалан, бу ўринда, Шарқона демократияни нуқул Ғарбона демократиядан келиб чиқиб баҳолайвермасдан, энди Ғарбона демократияни ҳам Шарқона демократиядан келиб чиқиб баҳолаш ва тушунишга ҳаракат қилиш лозим. Бунда ғоят чуқур маъно бор. Жумладан, бу: инсоният ижтимоий тараққиёти ва унинг истиқболига доир янги демократик ғоя, назария ва таълимотларнинг юзага чиқишига; бугунги Ўзбекистондаги давлат ва жамият қурилишининг мазмун-моҳиятини конкретлашувига; миллий мафкурамизнинг дунёдаги бошқа халқлар учун ҳам тушунарли бўлишига; кишиларимизда ижтимоий онг, тафаккур ва дунёқарашни ижобий ўзгартириб, уларда мустақил ҳаётий позицияни шакллантиришга ва албатта, биздаги ғоявий кураш самарадорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилиши мумкин.

мый натижа олиш ёки билим беришга эмас, кўпроқ уларни баҳолаш ва назорат қилишга қаратилган технократик тартиб ва талабларда ҳам намоён бўлмоқда. Айтиш жоизки, уларнинг айримлари ўқув сифати ва самарасини ошириш учун мутлақо кераксиз, ҳатто, зарарли ҳамдир. Хуллас, бугунги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига технократик тартибларнинг кенг жорий қилиниши туфайли, бутун инсоният тараққиёти учун зарарли бўлган, ҳатто баъзи технократлар ҳам маъқулламайдиган, шундай салбий ҳолат ва иллатлар намоён бўлмоқдаки, эндиликда буни турли иш-ҳаракат ёки муносабатларда аниқ кўриш, билиш ва ҳис қилиш қийин эмас. Шунинг учун ушбу ҳолатни фанларда янгича илмий-фалсафий ёндашувлар асосида чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлиб, фикримизча, унинг тугал мазмун-моҳияти ва амал қилиш хусусиятларини ўзига хос ном билан атаб, масалан “Тухнократия” (ёки “Тухлокротия”) деб, тўғри изоҳлаш мумкин.

Зеро, ҳар бир нарса ёки ҳодисанинг мазмун-моҳияти, унинг асосий хосса-хусусият ва белгилари конкрет тушунчаларда намоён бўлади. Шунга кўра, тушунча аниқ бўлса, ўша нарса ёки ҳодисани тўғри билиш ва унга таъсир ҳам ўтказиш мумкин. Профессор О.Файзуллаев ёзганидек: “Дарҳақиқат, оламда нарсалар бор, уларнинг сон-саногии йўқ, лекин уларнинг номлари, тушунчалари бўлмаса, аввало, сўз, жумла, мантиқ бўлмайди, бинобарин тафаккур ва фикр бўлмайди. Шуни ҳам айтиб ўтайликки, ҳар бир тушунча бошқа тушунчалар орқали таърифланади. Дунёда бошқа тушунчаларга боғлиқ бўлмаган биронта ҳам тушунча йўқ. Масалан, “одам” тушунчасини таърифлашнинг хилларидан бири: “одам – жонзотлар ичида энг ақлли зот”. Бу фикрнинг том маъносига етиш учун, энди “жонзот”, “ичи”, “энг”, “ақл”, “зот” тушунчаларини англаш шарт”[4]. Айни пайтда, атоқли олим, нисбийлик назариясининг асосчиси А.Эйнштейн ҳам: “бирор нарсани билиш – бу ўша нарсанинг моҳиятини англаб, унга доир илмий тушунча ҳосил қилиш демакдир!”[5], - деб ҳисоблаган. Демак, объект бор бўлса (ёки янгиси юзага келса), уни ўзига хос тушунча билан ифодаб, илмий тавсифлаш мумкин ва лозим. Бизнингча, юқорида айтилган ҳолатни ана шундай объект сифатида олиб, илмий таҳлил қилиш, бунда, аввало, унинг фанда ва ижтимоий турмушда қандай юзага келиб, амал қилишини ўрганишга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Дарҳақиқат, фанларда тегишли муаммо-масалалар объектив илмий-фалсафий тамойиллар асосида ўрганилиб, бу борада ҳосил бўлган билим, тушунча-қарашлар баъзан нотўғри тасаввур ва талқин қилиниб (ёки маълум сабабларга кўра ўзгартирилиб), сўнг улар назарияга айланмирилиб, шу асосда қайси муаммо-масала (ҳодиса, жараён ёки тушунча-категория) – объект ва предмет таҳлил қилинса, ўша предмет ва у ҳақдаги тушунча-қарашлар тухнократиялашади. Буни табиатшуносликда сунъий ёки табиий йўл билан ҳосил қилинган, табиати ҳали тўла маълум бўлмаган бирор организм(лар) олинмиб, унинг асосида шундай организм – мутантлар яратилишига ўхшатиш мумкин. Бу ўринда мазкур жараён ҳам, ҳосил бўлган натижа ҳам тухнократикдир: жараён – тухнократик жараён, мутант эса тухнократиядир. Ҳар қандай табиий ёки ижтимоий шароитда мутант қандай ҳолат ва ҳаракатда бўлса, тухнократия ҳам онгда, тафаккурда, билишда ва умуман ижтимоий-маънавий ҳаётда худди шундай ҳаракат ва ҳолатда бўлади.

Шу нуқтаи назардан, технократиянинг тухнократик мазмуни, унинг ижтимоий ҳаёт ва фаолиятга зарар етказётган ҳамда умуман маънавиятга зид бўлган ҳолати билан изоҳланади. (Чунки технократияда маънавият эътибордан четда, мутлақо бегона бўлиб, маърифат эса фақат техник билим-малака билан чекланади. Шунинг учун у /технократия/ маънавиятга “аралашган” ҳар қандай ҳолатда юқорида айтилган мутантга айланади. Айни пайтда, технократик талқин ва тасаввурда, маънавият ҳам сохталашади). Яъни, фақат техник билимларга асосланган тартиб ва тамойиллар ижтимоий-маънавий муносабатларга қанчалик зид келиб, зарар етказса, шу қадар тухнократиялашиб боради.

Шу маънода, тухнократия – маънавиятсизлик билан жаҳолатнинг замонавий шаклидир. Ундаги ҳамма ҳолат, мазмун ва муносабатлар ҳамиша ўзгариб туради, фақат унинг маънавиятга зид (самарасиз ва зарарли) хоссаси ўзгармайди. У амал қиладиган шароитда бир муаммонинг ҳал этилиши жараёнида яна бошқа янги муаммолар келиб чиқаверади; барча муносабатлар сохта, юзаки тус олади; ҳатто, технократик назарияларни асослаб,

илгари суришда фойдаланиладиган техник-технологик билим, ёндашув ва усул-воситаларнинг жозибаси, таъсирчанлиги сўниб, назарий ва амалий аҳамияти пасайиб, салбий мазмун касб этади. Шунга кўра, уни технократиянинг ўзига хос “бузук” кўриниши, маълум маънода, унга зид бўлган ҳолат сифатида ҳам тавсифлаш мумкин*. Яъни, бу маънода, у: технократиянинг айнан ўзи эмас, балки унинг ўзгарган, сохталашган ҳолатидир; унинг туб ижтимоий мазмунида, технократиядаги каби фан-техниканинг ҳукмронлиги эмас, балки конкрет одам (ижтимоий гуруҳ, миллат ёки давлат)ларнинг ундаги ютуқларни қўллаб, ҳамма нарса ва ҳодисаларни тотал назорат қилиш ғояси асосий ўрин тутаети. Бу ўринда ҳукмронлик ва назорат учун илм-фан ютуқлари объектив асос ёки қоида эмас, ғаразли усул-восита, кўп ҳолларда эса ниқобдир.

Шу нуқтаи назардан, технократия фан-техника тараққиётига доир маълум билимларга асосланиб, уларни мутлақлаштиришдан келиб чиқса, тухнократия умуман илмсизлик ёки илмий усул-ёндашувларнинг ноўрин қўлланиши туфайли юзага келаети. Масалан, табиатшунослик ва техника фанларидаги илмий ёндашув ва тамойиллар билан шу соҳаларга тегишли муаммо-масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш мумкин, бироқ уларни инсон ва жамият ижтимоий-маънавий ҳаётидаги ишларда қўллаб, бирор ижобий самарага эришиб бўлмайди. Чунки биринчи ҳолатда уларнинг қўлланиши ўринли бўлса, иккинчи ҳолатда ноўрин; биринчи ҳолатда илм, иккинчи ҳолатда илмсизлик амал қилаети. Бунда илмийликнинг (илмий усул-ёндашувларнинг) функционал мазмуни ўзгариб, илмсизликка айланади. Шу тариқа бажарилган иш ва унинг натижалари ҳам самарасиз, юзаки, сохта ва зарарли (технократик) мазмун касб этади. “Аминманки, – деган эди бунини теран англаган буюк олим А.Эйнштейн, – ҳозирги вақтда табиий фанларнинг аксиомаларини инсон ҳаётига қўллашдек кенг тарқалган удум нафақат бутунлай хато, айни пайтда маълум эътирозга ҳам лойиқдир”[6]. Демак, инсоният ҳаётидаги ижтимоий-маънавий ҳодисаларни табиатшунослик ёки техника фанларидаги қонун-қоидалар билан тушунтириш ва бу борадаги ишларни шу асосда ташкиллаштириш, бошқариш ҳамда назорат қилиш нотўғри бўлиб, ҳозирги даврда ҳар қандай фаолият айнан ўша соҳанинг ўзига тегишли илмий-услубий асосда амалга оширилиши зарур. Акс ҳолда, барча ишлар самарасиз – тухнократик мазмун касб этади. Бунга ҳозирги ижтимоий-маънавий ҳаёт соҳаларидаги технократик усулда амалга ошириладиган ишлар ва уларнинг натижаларидан исталганча мисоллар келтириш мумкин.

Бинобарин, тухнократия деганда, умуман технократиянинг, хусусан ундаги усул, ёндашув ва тамойилларнинг турли ижтимоий муносабатларда амал қилишидаги сўник (сўнган, ўчган), сунъий (сохталашган), самарасиз ва зарарли ҳолатини тушуниш мумкин. Бу маънода, технократия фан-техника тараққиётига муносабатлардаги ўзига хос ҳолат бўлса, тухнократия ижтимоий-маънавий ҳаётда амал қилаетган иллатдир. Шунинг учун, ушбу тушунча билан ҳозирги инсоният ҳаётининг барча соҳаларида ҳукмронлик қилаетган технократик оқим, назария ва таълимотларнинг айнан ўзи ёки фақат уларга тегишли маъно эмас, балки бугунги маънавий-маърифий ишларда технократик усул-ёндашувларнинг кўр-кўрона қўлланилиши билан юзага келаетган салбий ҳолат ва иллатлар ифодаланиши мумкин. Яъни у бевосита одамлар фаолияти билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир. Унинг келиб чиқиш сабаблари ва намоён бўлиш хусусиятлари айнан фан-техника тараққиётининг ўзида эмас, балки уларда эришилган ютуқларни инсоният ҳаётида қўллашда амал қилает-

* Бу ўринда, технократияда оқиллик ва объективлик, тухнократияда эса субъективлик ва сохтакорлик устувор, дейиш мумкин. Шу маънода: технократия рационал билимларга, тухнократия эса билимсизликка асосланади; технократияда техникага, техник билим-малака ва тараққиётга меҳр-садоқат, тухнократияда ҳам-масига бефарқлик – лоқайдлик мавжуд; технократия – жараёни рационаллаштиришга, тухнократия – мураккаблаштиришга хизмат қилаети, Яъни тухнократияда содда масалалар мураккаблашиб, осон ишлар қийинлашади; технократияда – манфаат ва самара, тухнократияда – жараён ва фойда муҳим; технократия – муаммоларни ҳал қилишга киришиб, ундан кўпроқ фойда олишга интилса, тухнократия – муаммоларни ҳосил қилиб, уни ечиш жараёнидан наф кўришга қаратилаети ва ҳок. Бироқ, бу ўринда, уларни бир-биридан батамом ажратиб мумкин эмас. Чунки тухнократия, ҳар қандай ҳолатда, технократияга таянади.

ган *технократик муносабатлардадир*. (Бу ўринда, айрим антисциентистик ёки иррационалистик таълимотларда кўрсатилганидек, кейинги даврларда намоён бўлаётган турли муаммо ва иллатларнинг туб сабаблари бевосита фан-техника тараққиётида эмас, аввало инсонларнинг ўзида, уларнинг /маънавий-маърифий/ сифатларида, мавжуд ижтимоий тузумлар ва улардаги муносабатларда эканлигини; мазкур муаммо ва иллатлар аслида фан-техника ривожланиши туфайли эмас, аксинча, ижтимоий ҳаёт ва фаолиятда уларни нотўғри қўллаш, хусусан айрим кишилар, ижтимоий гуруҳлар ёки давлатларнинг улардан нотўғри фойдаланиши сабабли келиб чиқаётганини эътиборга олиш жоиз). Ушбу ҳолат ва муносабатларнинг ижтимоий моҳиятини белгиловчи асосий сабабларлардан бири, бу – бугунги жамиятларда инсоният келажагига доир аниқ позитив тасаввур-қарашларнинг йўқлиги, кишиларнинг истиқболни билмаслиги ва шунга интилмаслиги, дейиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва амал қилиш хусусиятлари, кўп жиҳатдан, ғоявий-мафкуравий мазмунга ҳам эга бўлиб, бу эса бевосита ижтимоий-гуманитар фанларга тегишли эканлигини эътиборга олиш ва тухнократия деганда, кўпроқ, айтиш мумкин, шунинг соҳаларидаги муаммо-масалалар тўғри ҳал қилинмаслиги туфайли юзага келаётган ҳолат ва иллатлар назарда тутилиши жоиз. Демак, технократия – инсоният ҳаёти ва фаолиятининг турли соҳаларида кузатилаётган ўзига хос салбий ҳодиса сифатида: фақат табиатшунослик ва техника фанларида эмас, балки кўпроқ ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида; жамиятдаги биргина моддий ишлаб чиқариш жараёнларида эмас, балки маънавий муносабатларда намоён бўлаётган иллатдир. Шунга кўра, бирор табиий-техник фан соҳасига доир билимлари билан маънавий-мафкуравий масалаларни ҳал қилиш мумкин, деб ҳисобловчи ва шунга интилувчи киши технократ дейилса, ўз соҳасидаги барча ишларни технократик тартибда бажарувчи ижтимоий-гуманитар фан вакили – тухнократдир. Бу маънода, “тухнократия” аниқ фанларга эмас, ижтимоий-сиёсий фанларга тегишли; “тухнократ” эса, табиатшунослик ёки техникада эмас, ижтимоий-гуманитар соҳада саводсиз фаолият юритаётган кишиларга мос ном.

Бу ўринда тухнократиянинг асосий мазмунида сохтакорлик алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш жоиз. Яъни ундаги энг муҳим хосса-хусусият ва белгилар сохтакорликда – сохта, юзаки ва самарасиз иш-ҳаракатларда намоён бўлади. Шундан келиб чиқиб, умуман ижтимоий ҳаёт ва фаолиятда, хусусан, ҳар қандай иш-ҳаракатда, фикрлаш, сўзлаш ва (кўз)қарашларда ҳам амал қиладиган сохта, юзаки, қалбаки ва бемаъни ҳолатларни тухнократия, деб аташ мумкин ва лозим. Уни инсон ва жамият ҳаётидаги турли иш-ҳаракатларда, жумладан, ҳозирги даврдаги маънавий-мафкуравий масалаларга бағишланган бирор китоб, рисола, мақола ёки илмий-амалий тадбирга қараб, куйидаги усулда билиш мумкин. Бунинг учун уларнинг ҳар бирига: “Мана бу китоб (рисола, мақола ёки тадбир) бўлмаганда, шу соҳадаги ишлар ривожланмай қолармиди?” - деган саволни қўйиш керак. Агар: “Мазкур китоб (рисола, мақола ёки тадбир) бўлмаганда ҳам шу соҳадаги ишлар ривожланишдан тўхтаб қолмасди!”, деган жавоб чиқса, демак ўша иш самарасиз – шунчаки хўжақўрсинга бажарилган, сохта, юзаки ва ҳатто зарарли – тухнократик ишдир. Фикримизча, ушбу усул универсал характерга эга бўлиб, у билан ҳар қандай соҳадаги иш-ҳаракат, ҳолат ёки муносабатларни аниқ баҳолаш мумкин. Масалан, сиёсат соҳасида: “ЛДПР – Россия Либерал демократик партияси” бўлмаганда, мазкур давлатда сиёсат ривожланмай қолармиди?”, деган саволга, агар “ушбу партия бўлмаганда, Россияда сиёсат ривожланмай қоларди”, деган жавоб чиқса, демак ўша партия ва унинг фаолияти тухнократия эмас. Ёки адабиёт ва санъат соҳасида: “Дайди қизнинг дафтари” бўлмаганда, ўзбек адабиёти; “Суперкелиңчак” (ёки “Ишқалчи ошиқлар”, “Бу антика, антика фильм” ва ш.к.) фильми бўлмаганда, Ўзбекистонда кино санъати ривожланмай қолармиди?!” ва ҳ. к.

Хуллас, бизнингча, тухнократия тушунчаси ҳозирги инсоният ҳаётида технократик тартиб ва тамойилларнинг амал қилиши натижасида юзага келиб, турли соҳаларда реал намоён бўлаётган ва юқорида қисман айтиб ўтилган ҳолатларни тўла ифодалайди. Шунинг учун у етарлича тавсифланса: биринчидан, ҳозиргача технократиянинг ёмон томони сифатида изоҳлаб келинаётган мавжуд ҳолатларнинг номи аниқ бўлиб, уларни илмий ўрганиш

ва бартараф қилиш имконияти ошади. Иккинчидан, технократиянинг мазмун-моҳиятини, ундаги ёндашув ва тамойилларнинг салбий ва ижобий томонларини фарқлаб, тўғри тавсифлашга эришилади. Учинчидан, жамиятда амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишларда технократиянинг ўрни ва аҳамияти маълум бўлади. Тўртинчидан, ижтимоий муносабатлардаги маънавийсизлик ва жаҳолатнинг технократик асослари, уларнинг манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучи аниқланади. Бешинчидан, бу – техника ва техник билимларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли объектив тушуниладиган технократик нуқтаи назарларга зид келмайди. Ва ниҳоят, бу – умуман: технократия билан маънавий ўртасидаги муносабатларда зохир бўлаётган қонуниятларни аниқлаб, барча ижтимоий ҳаёт соҳаларини ривожлантиришга доир ўзига хос янгича фалсафий қарашларни, назарий-методологик ёндашув ва тамойилларни шакллантиришга; бу борадаги ишларга тўсик бўлаётган омилларни илмий ўрганиш ҳамда бартараф қилишнинг самарали йўллари, усул-воситаларини ишлаб чиқишга; айни пайтда, бугунги дунёнинг ўзига хос мазмундаги технократик қиёфасини, яъни ҳозирги даврдаги ижтимоий олам манзарасини тўғри тавсифлаб, янгича дунё тартиботи ҳақидаги ғояларни ривожлантиришга ҳам хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. – Т.: Шарқ, 2004. –305 б.
2. Саифназаров И., Қосимов Б., Мухторов А., Никитченко Г. Фаннинг фалсафий масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007. – Б. 91.
3. Левинская В. Проблемы и вызовы развития современной западной демократической системы // «Шахс ва жамият» фанини ўқитишнинг долзарб масалалари» мавзuidaги илмий-амалий конференция Материаллари. 2008 йил 24-25 декабр. – Т.: 2009. – Б. 114.
4. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – Б. 38-39.
5. Грибанов Д.П. Философские основания теории относительности. – М.: Наука, 1982. – С. 43-44.
6. Эйнштейн А. Собр. научных труды. Т. 4. – М., 1967. –160 с.

РЕЗЮМЕ

Мақола бугунги инсоният ҳаётида амал қилаётган технократик ёндашув ва муносабатларнинг мазмун-моҳиятини, уларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни, роли ва аҳамиятини таҳлил қилишга бағишланган. Унда мавжуд технократик тартиб ва тамойилларнинг инсоният ижтимоий-маънавий ҳаётида ҳукмронлигига нисбатан муҳолиф қарашлар кўрсатилиб, фан-техника ютуқларини ижтимоий ҳаётда қўллашнинг салбий оқибатлари, бугунги дунёда юзага келаётган қатор муаммо ва иллатларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда уларни бартараф этишга доир фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена раскрытию содержания и сущности технократических подходов и отношений, которые практикуются в жизни современного человечества, анализу их места, роли и значения в жизни человека и общества. В ней показаны альтернативные взгляды на доминирование существующего технократического порядка и принципов в социально-духовной жизни человечества, негативные последствия применения научно-технических достижений в общественной жизни, изложены мнения о причинах возникновения целого ряда проблем и конфликтов в современном мире, а также суждения по их преодолению.

SUMMARY

The article is devoted to the disclosure of the content and essence of technocratic approaches and relations that are practiced in the life of modern mankind, the analysis of their place, role and significance in the life of man and society. It shows alternative views on the dominance of the existing technocratic order and principles in the socio-spiritual life of mankind, the negative consequences of the application of scientific and technological achievements in public life, sets out opinions on the causes of a number of problems and conflicts in the modern world, as well as judgments on overcoming them.

Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ АНАЛИЗА
БЕЗОПАСНОСТИ КАК ФАКТОРА УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ
СОВРЕМЕННОГО ОБЩЕСТВА

Авазов К. (НУУз)

Таянч сўз ва иборалар: таҳдид, жамият, барқарорлик, тинчлик, сиёсий жараён, таҳдид-бардош жамият, глобаллашув, геосиёсат, илмий асос.

Ключевые слова: угроза, общество, стабильность, мир, политический процесс, угрожающее общество, глобализация, геополитика, научная база.

Keywords: threat, society, stability, peace, political process, threatening society, globalization, geopolitics, scientific basis.

В настоящее время в общественном мнении и в социально-философских, политических исследованиях происходит осознание жизненной важности исследования проблемы «угрозоустойчивости общества». Проблема угрозоустойчивости общества сегодня чрезвычайно актуальна, так как решение данной проблемы современности позволит открыть новые перспективы в политической науке, в том числе социальной философии, а также в смежных дисциплинах. Решение данной проблемы весьма важно для расширения возможностей прогностической функции философии, политологии и социологии. Не случайно эта проблема оказалась в центре внимания на всемирном форуме, проходившем в «1992 году в Рио-де-Жанейро, и посвященном вопросам взаимодействия природного окружения и среды и задачи выбора модели общественного развития на обозримое будущее. Названная проблема чаще всего обсуждается в рамках модели коэволюции, то есть совместного сбалансированного развития природы и общества».

Политический анализ проблемы угрозоустойчивости социальных структур государства является одним из важнейших направлений в изучении закономерностей общественной жизни. Очевидно, что политический анализ проблемы угрозоустойчивости общества может способствовать нахождению ответов на вопросы выживания общества в эпохи глобализации. Так, Указ Президента «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и принятая на его основе «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годы» значительно интенсифицирует реформы и процессы обновления во всех сферах жизни нашего народа.

В этом плане особое значение приобретают Послание Президента Шавката Мирзиёева членам Сената и депутатам Законодательной палаты Олий Мажлиса «посвященное итогам проделанной в 2018 году работы и важнейшим приоритетам социально-экономического развития Республики Узбекистан в 2019 году»¹ от 29 декабря 2018 года. «угрозоустойчивости общества» в настоящее время обусловлена тем фактом, что современный этап развития человечества изобилует кризисами различной природы и различных масштабов. Также обострению данной проблемы на современном этапе, несомненно, способствует увеличение влияние техногенеза на общества, на всю структуру социальных отношений. Для понимания и прогнозирования негативных направлений общественного развития необходимо осуществить всесторонний анализ формирования кризисных тенденций.

Проблема «угрозоустойчивости общества» приобрела особую остроту в конце XX - начале XXI веков. Связано это с несколькими социально-политическими и экономическими причинами. Основной причиной, видимо, возникновения новых угроз против человечество геополитические соперничество разных точках мира. Также резко повысился жизненный уровень большинства стран мира, чему способствовал небывалый прорыв в производственной и научной отраслях человеческого существования. Вспомним также, о

¹ <http://uza.uz/ru/society/poslanie-prezidenta-perspektivnye-zadachi-razvitiya-nasashey-s-29-12-2018>

чем говорит Ясперс: "Сегодняшний мир, постепенно в ходе длительного процесса, идущего с XVI в., благодаря развитию техники, фактически стал единой сферой общения". Процессы, происходящие, в одном обществе обязательно влияют на весь остальной мир и порождают в нем новые проблемы. Одной из таких проблем, например, является "встречный характер" техники, когда в артефактах наряду со свойствами, заданными человеком, сосуществуют свойства, не входившие в программу изобретателя. Наступление эпохи «глобализация через устойчивое развитие» сопровождается усилением «старых» угроз, рисков и конфликтов благосостоянию общества и возникновением «новых». Это указывает на важность дальнейшего развития теории угрозоустойчивости общества для создания политических условий устойчивого развития, проведения анализа политических основ концепции устойчивого развития. Формирования «угрозоустойчивого общества» включая предотвращение столкновений значительных социальных слоев (этносов, классов, религиозных общин и т.п.) - является одной из ключевых задач политик обеспечения национальной безопасности любого государства. Несмотря на то, что проблема устойчивости общества, в общем, носит общенаучный характер, современные кризисные условия жизни общества требуют создания комплексной науки о безопасности, ориентированной на формирование «угрозоустойчивого общества» с стабильным и устойчивым развитием, концептуальную основу, которой составят знания отдельных наук. К пониманию «угрозоустойчивости общества» и человека в целом приходит в результате анализа, своей деятельности, в процессе которой наблюдается выявление качественных изменений опасностей и угроз. Сказанное позволяет определить «угрозоустойчивости общества» как противоречивый и крайне сложный процесс, включающий политические, экономические, социальные, культурные, научно-технические, военные и экологические компоненты. Угрозоустойчивость любого общества предполагает осуществление целого ряда проектов и мероприятий, сориентированных на преодоление кризисных явлений, решение назревших проблем, обеспечение целостности и безопасности общества, создание условий для достойной жизни людей.

В международной политической жизни уже достаточно давно были выработаны и апробированы формы и методы сохранения мирных социально-экономических, социально-политических, межэтнических и межконфессиональных отношений, а также способы предотвращения внутренних конфликтов. Вместе с тем, многие современные государства, несмотря на весь имеющийся у них арсенал средств и методов предупреждения и предотвращения подобных столкновений, нередко проигрывают в борьбе за сохранение внутри страны политической стабильности своим противникам в лице экстремистских, социально-политических, этнических и религиозных организаций. Не случайно в Узбекистане Властями «именно проблемам социальной, экономической, экологической, духовной, молодежной политики отводится значительное место, как в официальных документах, так и в исследованиях». Власть в любом обществе должна обеспечивать основные ценности. Теперь попытаемся более подробно рассмотреть эту проблему. Властными структурами в любом обществе двигают, как правило, личные интересы представителей элиты общества, поэтому проблема угрозоустойчивости непосредственно касаются властей хотя бы потому, что любые социальные потрясения неблагоприятно отражаются на имидже властных структур общества. Поэтому задача власти в любом обществе - обеспечивать его угрозоустойчивость. И реализовать его можно только одним способом, поддерживая и укрепляя основные ценности общества.

Но есть внутреннее и внешние факторы угроз, при оставлении их без внимания ослабление системы государственного регулирования и контроля, несовершенство правовой базы и отсутствие сильной государственной политики в социальной сфере, снижение духовно-нравственного потенциала общества, тотальная коррупция властных и коммерческих структур в итоге приведет:

– увеличение масштабов терроризма и организованной преступности, обострение борьбы за власть на основе групповых и этнонационалистических интересов;

– глубокое расслоение общества на узкий круг богатых и преобладающую массу малообеспеченных граждан, увеличение удельного веса населения, живущего за чертой бедности, рост безработицы;

– кризис систем здравоохранения и социальной защиты населения, рост потребления алкоголя и наркотических веществ, резкое сокращение рождаемости и средней продолжительности жизни в стране, деформация демографического и социального состава общества, подрыв трудовых ресурсов как основы развития производства, ослабление фундаментальной ячейки общества – семьи, снижение духовного, нравственного и творческого потенциала населения.

В современном мире доверия населения, по мнению Ш.И.Пахрутдинова к властным институтам обеспечивает как гарант «угрозоустойчивости общества и его общественного развития». Доверие выступает основой формирования приверженности к институтам государственной или политическим акторам, служит базой для конструирования национальной идентичности, решает проблему одобрения деятельности институтов власти населением и легитимации правящего режима.

Ш. И. Пахрутдинов полагают, что «угрозоустойчивость политической системы означает ее равновесие, баланс на «входе» катализатор и на «выходе» стабилизатор, т.е. соответствие политических решений и действий требованиям общества. Нарушение данного баланса в виде «недогрузки», т.е. недостаточного реагирования на требования, или «перегрузки» – чрезмерного, избыточного реагирования на запросы общества - порождает нестабильность политической системы, которая может привести к кризису в других сферах. Именно нарушение ее внутри государство означает появление в ней дестабилизирующих процессов, которые не поддаются управлению и приводят к дезинтеграции взаимодействия ее элементов. Возможные случайные трансформации могут приводить к частичной утрате устойчивости системы, а также могут быть предпосылкой для целенаправленного развития самоорганизующихся систем, к классу которых относят и политические системы. Асимметричность влияния факторов на «угрозоустойчивость политической системы» выражается в том, что интенсивность их воздействия на нее будет существенно отличаться как степенью зависимости от действующих факторов, так уровнем рассматриваемой политической системы.

Таким образом, формирования угрозоустойчивого общества обусловлена явным возрастанием *рисков, угроз и конфликтов особенно* в сфере духовной жизни общества, которые теперь не менее значимы, чем военно-политические и экономические угрозы.

Особенно это актуально в условиях существующего в человеческом обществе духовного (нравственного, интеллектуального, эстетического) кризиса, к настоящему времени фактически перешедшего в стадию регрессирующей эволюции, поскольку в обществе пока не преодолены идеологические и социально-экономические противоречия.

Литературы

1. Горшков В. Г. Физиологические и биологические основы устойчивости жизни. – М.: Наука, 1995. – 167 с.
2. Указ Президента Республики Узбекистан Ш. Мирзиёева “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”. – Т.: Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017. – № 6. – С. 70.
3. Ясперс К. Смысл и назначение истории. – М.: Республика, 1994. – 527 с.
4. Пахрутдинов Ш.И. Опыт Узбекистана по предотвращению угроз: Факторы и критерии создания устойчивого общества // Вопросы политологии, 2017, – № 6. – С. 12-20
5. Пахрутдинов Ш.И. Угрозоустойчивость общества как фактор развития государства и общества // Вестник современной науке, 2016, – № 4. – С. 148.
6. Нажмудинов Г.М., Палатников Д.Е. Синергетический подход к анализу социальнополитической среды общества // Вестник Ярославского государственного университета им. П.Г. Демидова. Серия: Гуманитарные науки, 2009. – № 1. – С. 82-85.

РЕЗЮМЕ

Мақолада барқарор ривожланиш учун сиёсий шарт-шароитларни яратиш, барқарор ривожланиш концепциясининг сиёсий асосларини таҳлил қилиш учун жамиятда таҳдидларга қаршилик кўрсатиш назариясини янада ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье изучаются и анализируются важные аспекты дальнейшего развития теории угрозы устойчивости общества для создания политических условий устойчивого развития, проведения анализа политических основ концепции устойчивого развития.

SUMMARY

The article studies and analyzes some aspects of the importance of the further development of the theory of threat resistance in society for creating the political conditions for sustainable development, analyzing the political foundations of the concept of sustainable development.

Рекомендовано к печати д.филос. н. С. Чарыевым

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ҒОЯНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Равшанов У.Р. (ТДПУ)

Таянч сўз ва иборалар: *мустақиллик, миллий ғоя, мафкура, маънавият, ислом дини, технология, сиёсий маданият, бунёдкор ғоя, вайронкор ғоя, маънавий маданият, жадиждчилик, ренессанс.*

Ключевые слова: *независимость, национальная идея, идеология, культура, религия, технология, политическая культура, творческие идеи, разрушительная идеология, нравственная культура, джититизм, ренессанс.*

Keywords: *independence, national idea, ideology, culture, religion, technology, political culture, creative ideas, destructive ideology, moral culture, jititism, renaissance.*

Бугун жаҳон халқлари тамаддуннинг янги миқдорий ва сифатий ўзгаришлари кузатилаётган янги босқичда яшамоқда. Мафкуравий муаммолар асосий миллий ва умуминсоний кадриятларни аста-секин кундалик истеъмолдан чиқараётгани, вужудга келаётган маънавий инқироз ўзлигини сақлаб қолишга интилаётган кўплаб жамиятларга салбий таъсир ўтказмоқда. Таҳлилчилар фикрича, янги мингйилликда асосий муаммо – жамиятнинг маънавий юксалтириш бўлади.

Шунингдек, глобал ўзгаришлар шароитида миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, хусусан, жаҳоннинг айрим минтақаларида тобора кучайиб, илдиз отиб бораётган ғоявий-мафкуравий ва маънавий таҳдидлардан халқимиз маънавиятини асраш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгига миллий ғояни синдириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев парламентга йўллаган мурожаатномасида олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарурлигини алоҳида қайд этди. Хусусан, миллий ўзлгимизни англаш, ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта ҳолисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур [1: 6].

XXI асрга келиб кишилик жамиятида мисли кўрилмаган хавф-хатар пайдо бўлди: глобаллашув, асл кадрият ва ўзга маданиятни йўққа чиқариш, шу тариқа миллатни ўз илдиздан узиб, манкуртга айлантириш, «оммавий маданият»ни ёйиш ҳаракати авж олди. Миллатнинг ўзлигини, ўзига хос фазилатларини йўқ қилиш учун кураш кескинлашди. Бугун худудларни мустамлака қилиш учун миллатлар ўзлигини, қиёфасини ислоҳ қилиш, асл илдиздан, тарихдан, асл сарчашмалардан узиш, мамлакатларни маънавий «мустамлака» қилиш оддий ҳодисага айланди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бу мудҳиш хатардир.

Бизга маълумки, Ўзбекистон халқини бирлаштираётган миллий ғоя ўзининг чуқур илдилари ва тарихий тараққиёт йўлига эга. Халқимиз миллий давлатчилиги тарихида тўпланган тажрибалар, шу билан бирга тарихий жараёнлардаги юксалиш ва инқироз сабоқлари натижасида шаклланган миллий ғоя халқимиз қўлга киритган мустақилликни мустаҳкамлашда, миллий тарбиявий қадриятларни тиклаш ва ёшларни баркамолликка етказишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдири отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз” [2:71], деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон жамиятининг мафқураси ҳисобланган миллий ғоя бунёдкор ғоялар асосида яратилди. Халқнинг ўзига хос ахлоқий меъёрлари негизида шаклланган уч минг йилликдан ортиқ тарихий тараққиётни ўз ичига олган бунёдкор ғоялар ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, тарбиявий мақсадларни ўзида мужассам этиб, изчил тизим сифатида ҳақиқий миллий мафқурага айланди, десак хато бўлмайди.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликда мамлакатимиз ҳудудида Бактрия, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиёна, Паркана, Парфия, Зарафшон каби ўлкаларда сак-массагетлар, сўғдиёналиклар, хоразмийлар, бохтарлар, парканлар яшаган. Аждодларимизнинг мафқурасини дастлаб афсона ва ривоятлар воситасида ифода этилган мифологик қарашларда кўриш мумкин эди. Бу даврга оид маълумотлар кам бўлса-да, ўша даврда яшаган аждодларимизнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлиги йўлидаги интилишлари қадимги эртақ, ривоят, дoston ҳамда эпосларда тарбиянинг ўзига хос шакли сифатида акс этган. Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида шарқий Эрон элатлари орасида кўп ривоятлар мавжуд бўлган. Аммо улар бирон бир ёзма ҳужжатларда қайд қилинмаган. Бу ривоятлар оғзаки тарзда бахшилар томонидан тарқатилиб келинган аждодлардан авлодларга ўтиб, халқ руҳи, орзу-умидлари, қарашларини ифодалаган.

Геродот, Страбон, Плутарх, Полиэн, Элианларнинг тарих, география, санъат, фалсафа, ахлоқ ва таълим-тарбияга оид қарашларини ўз ичига олган асарларидаги ривоят ва маълумотлар халқимизнинг тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Уларда жасорат ва мардликка интилиш, тенглик, истибдод ва зулмга қарши курашда эркесвар қабилаларнинг курашлари баён этилган.

Қадимдан аждодларимиз таълим-тарбияни жамият тараққиётининг зарур шарт сифатида баҳолаганлар. Шунинг учун ҳам ўша даврлардаёқ болалар ва ёшлар таълим-тарбиясига қатъий талаблар қўйилган. Уларда мардлик, камтарлик, жасурлик, ватанпарварлик, халқпарварлик асосий фазилят сифатида шакллантирилган, шунингдек, отда чопиш, камонбозлик, найзобозлик, қиличбозлик, жанг санъати, ов қилиш, чорвачилик билан боғлиқ кўникмалар ёшларга ҳаёт кечирининг асосий талаблари сифатида сингдирилган.

Антик давр тарихчилари Геродот, Эфор ва Ктесийнинг маълумотларига кўра, милоддан аввалги VIII – VI асрларда Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қabila ва элатлар Мидия ва Эрон босқинчиларга қарши ватан озодлиги йўлида матонат билан кураш олиб борганлар. Бунда Зарина, Спаретра, Тўмарис каби халқ қахрамонига айланган аёлларнинг юрт тинчлигини таъминлаш йўлидаги жасорати улуғланади. Юнон тарихчиси Полиэннинг “Ҳарбий хийлалар” асарида сак қабиласининг вакили (чўпон) Широқнинг ўткир зехни, удабуронлиги ва ватанига бўлган чексиз муҳаббати юксак ахлоқий қадрият сифатида баён қилинган [3:69].

Аждодларимиз томонидан яратиб қолдирилган мардонавор Рустам ва Сиёвуш ҳақидаги эпосларда, Алпомиш, Байси-Бейрек, Баён-Сулув, Козу-Керпеч ҳақидаги эпик дostonлар ва ривоятларда ҳам халқ эркинлиги, юрт тинчлиги йўлида курашган ёш йигит ва қизларнинг маънавий-ахлоқий хислатлари тараннум этилади.

Миллий ғоя тарихини ўрганишда бизгача етиб келган зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да акс эттирилган қарашлар, шак-шубҳасиз, жуда қимматли манба

бўлиб хизмат қилади. Асарда зардуштийлик ғояси учта муҳим кўрсаткич: фикр, сўз ва иш бирлиги билан белгиланган. Унда “агар киши ўз ҳаётида хурсанд ва бахравар бўлса, ер юзасини обод этса, жаҳонга ва жаҳон аҳлига фойда етказса, ана шулар ҳаммаси худога тоат қилишнинг энг яхши кўриниши бўлар эди”, деб таъкидланади. Зардушт “Хуш ва хуррам яшашлик, ҳаётнинг яхшиликларидан баҳра топишлик беҳиштда яшамоқ, демакдир”, “ерни жаннатга айлантириш керак” [4:18], деган ғояни илгари суради.

Ислом динининг таркиб топиши ва тез орада катта ҳудудга ёйилиши халқларнинг маънавий-маърифий ҳаётига ижобий таъсир кўрсатган. Маънавий ҳаётда юз берган ўзгаришлар тез орада нафақат диний, балки дунёвий илм-фаннинг тараққий этишига замин яратган. Ренессанс даври сифатида тарихда қолган бу давр халқимизнинг миллий уйғониш даври сифатида намоён бўлган. Фалсафа, астрономия, математика, физика, геометрия, тиббиёт, тарих, адабиёт, сиёсат каби фанлар ривож топишида чуқур из қолдирган қомусий олимларнинг етишиб чиқиши, жаҳон илм-фани ривожига муҳим ҳисса қўшиши билан бирга бизнинг бугунги миллий мафкурамизга тамал тоши бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг бобоколонимиз Абу Наср Форобий ҳам фалсафанинг умумий муаммолари, билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари ва турли туркумлари, инсон билиш фаолиятининг фалсафий жиҳатлари, яъни билишнинг шакллари, босқичлари ва усуллари, мантиқ ва мантиқнинг турли муаммолари, аниқ илмларнинг бошланғич нуқтаси, предмети, мазмуни ва мавзусига доир, материянинг макон ва замон билан боғлиқ муносабатлари, унинг хоссалари, турлари, ноорганик табиатнинг, ҳайвонлар ва инсон жисмининг хусусиятларини текширувчи, табиий фанлар, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, ижтимоий тузумнинг ўзига хос хусусиятлари, давлатни бошқариш масалалари, ёшлар ахлоқи ва унинг ўзига хос кўринишлари каби масалаларга бағишланган асарларида дунёвий билимларнинг ривожланишига доир илғор илмий назарияларга асос солган.

“Шарқ Ренессанси” даврида ижод қилган қомусий олимлардан Абу Райҳон Беруний ўз асарларида астрономия, география, тил ва адабиёт, фалсафа, геодезия, физика, тиббиёт, доришунослик, математика ва минералогияга оид тадқиқотларни амалга ошириш билан бир қаторда, ёшлар камолоти, уларнинг ақлий тафаккурини юксалтириш, ахлоқий, жисмоний, маънавий тарбияга оид ғояларни илгари сурган.

Абу Али ибн Сино тиббиёт фанига асос солиш билан бир қаторда, жамият тараққиётига доир ғояларни ижтимоий-фалсафий, сиёсий қарашлари билан боғлаб ифодалаган. Ўз қарашларида ёшлар тарбиясига алоҳида ўрин ажратган буюк олим ҳар бир инсон жамиятда ўз ўрнини топиши учун билим олиши зарур, деб эътироф этади. У илм-фан сирларини эгаллаш асосида шахснинг ақл-идроқи юксалиши, ақлий тарбиянинг инсон тараққиётида муҳим ўрин эгаллаши сўз юритар экан, “Эй биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан кўркмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг кўркоғидир,”– дея таъкидлаган [5:15].

Худди шу даврда туркий тилда юксак савияли асарлар яратилди. Юсуф хос Ҳожибнинг 1069 йилда ёзиб тугалланган “Қутадғу билиг” достонида туркий халқларнинг яна қайта бирлашиши, яқдил бўлиши хусусида фикр билдирилган. У ўз ғояларида инсон ҳаётда фақат билим орқали ўз йўлини топиши, қадр-қимматга эришиши моҳирона очиб берилган. Унинг фикрича инсонга салоҳият, билим ва заковат берилиб, ақл, онг ва сўзлашиш қобилияти ато этилгани боис дунёдаги энг асил мавжудот ҳисобланади. Инсон билим орқали улуғликка эришади ва чигал жумбоқларни ечиш имконини топади. Шу туфайли билимнинг буюклиги ва заковатнинг улуғлигини англаш зарур деган илғор фикр дostonнинг асосий ғояси ҳисобланади [6:89].

Йирик тилшунос ва қомусий олим Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асарида юртга, Ватанга муҳаббат, олимларга чуқур ҳурмат, илм олишга интилиш, хушхулқлик, меҳмондўстлик, мардлик каби тарбиявий ғоялар тарғиб этилган. Шунингдек, молпарастлик, манфаатпарастлик, бахиллик, хиёнат каби салбий сифатлар қораланган.

Жумладан, асарда биргина ҳайвон ҳаракатланиши учун арпа қанчалик зарур бўлса, халқ ва миллат учун ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва иттифоқ бўлиш шунчалик аҳамиятли

эканлиги очиб берилган. “Арпасиз от ошумас, арқасиз алп черик сийумас” (“Арпасиз от (қир) ошмас, ёрдамчисиз алп енголмас”) мақолида, шунингдек, “Бир қарға бирла қиш келмас”, “Ялғиз ғоз учмас”, “Якка ғознинг товуши чиқмас”, “Эт тирноқдан айрилмас” сингари мақолларда миллий ғоялар тизими билан боғлиқ эканлиги ўзининг теран ифодасини топади [7:74].

Шунингдек, Амир Темур даврига қадар Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғинович, Унсурул-Маолий Кайковус, Абулқосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замаҳшарий, Умар Хайём, Аҳмад Югнакий, Шайх Нажмиддин Кубро ва бошқа кўплаб алломалар қолдирган асарларда ҳам ёшларни камол топтириш, миллий бирлик, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик каби умумбашарий илғор бунёдкор ғоялар улуғланган.

Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ижтимоий воқеликни чуқур ҳис этган ҳолда ҳаракат қилиши лозим. Бугунги ёшлар маънавий-мафкуравий таҳдидлардан ўзларини ҳимоя қилиш, воқеликка ҳаққоний муносабат билдиришда, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини амалга оширишда мустаҳкам ғоявий эътиқодга эга эканликларини намоён эта олишлари керак. Бунинг учун ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботини кенг кўламда амалга ошириш эҳтиёжи вужудга келди. Худди мана шу эҳтиёжни қондириш ёшлар орасида миллий ғоя тарғиботининг узлуксиз тизимини яратиш ва уни амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 29 декабрдаги Парламентга Мурожаатномаси. <https://www.xabar.uz/ siyosat/ shavkat-mirziyoyevning-murojaatnomasi-toliq-matn>.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Тешабоева Л. Миллий ғоя тарғиботи усулларини замонавийлаштириш зарурияти. / Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2008 йил 2 май. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. 2008.
4. Йўлдошев Ж., Ҳасанов С. «Авесто»да ахлоқий-таълимий қарашлар. Ак. И.О.Обидов таҳрири остида. –Т.: Ўқитувчи, 1992.
5. Раҳмонов.Н.Қадимий ҳикматлар. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
6. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга элтувчи билим). Ҳозирги ўзбек тилига ўгирувчи ва сўзбоши муаллифи Б.Тўхлиев. –Т.: Юлдузча, 1990.
7. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит-турк. –Т.: Маънавият, 2008.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистонда миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаклланган миллий ғоя мамлакатимиз тараққиётининг объектив зарурати, жамиятимиз ривожининг қонуний асоси сифатида мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларини ўз атрофига бирлаштирадиган, ҳар бир фуқаро, ҳар бир шахснинг эзгу мақсади ва орзу-интилиши бўлган рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи мафкура сифатида шаклланганлиги очиб берилган ҳамда унинг тарихий асослари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются особенности формирования и развития национальной идеи в Узбекистане. В этой статье национальная идея, выработанная в Узбекистане за годы независимости, является объективной необходимостью для развития нашей страны, как правовой основой развития нашего общества. и их историческая справка.

RESUME

The article discusses the features of the formation and development of the national idea in Uzbekistan. In this article, the national idea developed in Uzbekistan over the years of independence is an objective necessity for the development of our country, as the legal basis for the development of our society. and their historical background.

Нашрга фалс. ф. д. С.Чориев тавсия этган

МУСУЛМОН МАМЛАКАТЛАРИДА ИСЛОМ ОМИЛИ ВА СИЁСИЙ ФАОЛИЯТ

Пўлатов А.М. (ЎЗМУ)

Таянч сўз ва иборалар: дин, ислом дини, ислом омили, араб давлатлари, шариат, конфессия, дин арконлари, диний қадамжолар, ислом ҳуқуқий тизими.

Ключевые слова: религия, исламская религия, исламский фактор, арабские государства, шариат, конфессии, религиозные колонны, религиозные святыни, исламская правовая система.

Keywords: religion, islam religion, islamic factor, arab states, sharia, religious confession, religious pillars, religious shrines, islamic legal system.

Ҳозиргача ислом дини кўпчилик араб давлатларининг сиёсий-ғоявий мақсадини амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутган. Бу бир тарафдан, сиёсий тузумларнинг барқарорлигига олиб келса, иккинчи томондан, айрим тафовутларни юзага келтирмоқда.

Ислом дини энг авваламбор, мамлакат, давлат ва дин бирдамлик тимсоли сифатида намоён бўлмоқда. Миллий-озодлик урушлари ва сиёсий мустақилликка эришиш даврида ислом омили муҳим аҳамият касб этган. Қонуншуносларнинг таъкидлашича, конституцияларда исломни жамият ва давлат асоси сифатида эътироф этишга интилиш кўп кузатилган. Қуръон ва шариат қоидалари ҳуқуқий нормаларнинг асоси ҳисобланади, улар қайсидир кўринишда конституциявий актлар ва қонунларнинг асосидир.

Анъанавий ислом сиёсий концепциясига мувофиқ ҳукмдорнинг асосий вазифаси – дин ҳамда диний этика ва амалий шартларни жам этган шариатни сақлаш ва ҳимоя қилиш муҳимдир.

Мазкур моделнинг классик мисоли сифатида Саудия Арабистони давлати келтирилади. Давлатда ислом нафақат давлат дини, балки давлат ва ижтимоий-иқтисодий тузумни, барча давлат органларини, уларнинг ташкил этилиши ҳамда фаолиятини, шунингдек, фуқароларнинг мажбуриятларини белгилаб берувчи асосий қонун ҳамдир. Диний ва дунёвий мансаблар ҳам мазкур давлатда ўзаро боғлиқдир. Зеро, 1992 йилда қабул қилинган “Давлат тизимининг асоси” номли дастурнинг 1-моддасига кўра, “Саудия Арабистони Подшоҳлиги — мустақил араб давлатидир. Унинг дини – ислом, Дастури (Конституцияси) – Қудратли Аллоҳнинг китоби ва унинг пайғамбарининг суннасидир”¹. Ушбу ҳужжатда ислом динини тарғиб қилиш ва бошқа диннинг фаолиятига тўсқинлик қилиш қатъий белгиланган. “Давлат тизимининг асоси”нинг 48-моддасида қиролликда шариатнинг ўрни аниқ белгиланган: “Суд ишлари кўрилиш маҳалида Қуръон ва суннага, шунингдек, ҳукмдорнинг қарорларига асосланган ҳолда иш юритишлари лозим”².

Диний таълимотни омма ичида бажартириш яхшиликни ёйиш ва ёмонликка чек қўйиш (Ал-амру бил маъруф ва наҳйи аън Ал-мункари) кўмитаси томонидан амалга оширилади. Мазкур кўмита деярли барча аҳоли пунктларида фаолият юргизиб, “давлат ислом динини муҳофаза қилиши, унинг ўрнатилиши, гуноҳларга йўл қўйилмаслиги ҳамда исломнинг тарқатилиши устидан назорат ўрнатади” (“Давлат тизимининг асоси”, 23-модда) деб конституциявий ҳуқуққа асосан иш юритади³.

Таъкидлаш жоизки, араб давлатларида, айниқса, Форс кўрфазидидаги монархияларда ислом омили фақат сиёсий фаолият билан чекланмайди. Аксинча, давлат омма орасида ислом ғояси, маданияти, этикасини тарғиб қилиш бўйича кўп ишларни амалга оширади. Зеро, талаблар ушбу давлатларнинг конституцияларида зикр этилган. Ислом ўзлиги энг авваламбор, оилада ва умумтаълим муассасаларида тарғиб қилинади. “Давлат тизимининг асоси”нинг 9-моддасида шундай дейилади: “Саудия жамиятининг асосини оила ташкил этади.

¹ دار العدالة والقانون العربية: دستور المملكة العربية السعودية

// <http://www.justice-lawhome.com/vb/showthread.php?3573->

² دار العدالة والقانون العربية: دستور المملكة العربية السعودية-3573 // <http://www.justice-lawhome.com/vb/showthread.php?3573->

³ Ўша жойда.

Унинг аъзолари ислом дини асосида, айниқса, Қудратли Аллоҳ ва Унинг расулига бўлган садоқат ва бўйсунуш руҳида тарбияланмоқликлари лозим. Улар қонунларни ҳурмат қилиши ва бажариши, ўз Ватани ва унинг тарихини севиш ва ардоқлашлари лозим”. Мазкур модда оиладаги муҳитни фақат ислом дини асосларига қуришни талаб этади. Шунингдек, қиролликдаги таълим ҳам шу йўналишдадир: “Таълимнинг мақсади – ўсиб келаётган ёш авлодга ислом динининг тамойилларини сингдиришдир”¹.

Албатта, шу ўринда араб мамлакатларидаги қонун-қоидаларни ўзаро солиштириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Баҳрайн давлати конституциясининг 22-моддасига кўра, “Давлат диннинг дахлсизлигини, диний қарашларнинг эркин танланишини, диний қадамжоларнинг дахлсизлигини, шунингдек, мамлакатда амалда бўлган урф-одатларга асосланган ҳолда дин арконларига амал қилиш ва диний йиғинларда қатнашиш ҳуқуқини кафолатлайди”. 18-моддага кўра, “барча шахслар ирки, келиб чиқиши, тили, дини ва қарашларидан қатъи назар, қонун олдида ўз ҳуқуқ ва бурчларини бажаришда тенгдирлар”².

Қонунда судларнинг уч поғонаси назарда тутилган: қуйи поғона судлари, юқори турувчи апелляция судлари ва шикоят аризаси судлари. Судлар иккига ажратилган: фуқаролик ва жиноят судлари ҳамда шариат судлари (шахсий ишлар бўйича). Суннийлар ва жаъфарийлар ишлари бўйича Шариат судлари никоҳ, ажралиш, ворислик, ғамхўрлик ва бошқа шунга ўхшаш ишлар билан шуғулланади. Шариат судлари конституцияда келтирилган виждон эркинлиги тамойилларига асосан, мурожаат қилганлар шахсий масалаларини уларнинг қайси ҳуқуқий мактабга тегишлилигини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқадилар. Мусулмонлар ўртасидаги баҳсли вазиятлар шариат судлари томонидан, ҳар хил дин вакиллари ўртасидаги вазият фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилади³.

Шариатга келадиган бўлсак, Қувайт (2-модда), Баҳрайн (2-модда), БАА (7-модда), Уммон (2-модда) конституцияларида у қонунчиликнинг “асосий”, “фундаментал” манбаи ҳисобланади⁴.

Араб монархияларида сиёсий партияларнинг тақиқлангани ҳам дин билан боғлиқ. Зеро, улар мусулмон жамоаси (умма)нинг бирлигига салбий таъсир кўрсатади.

Исломнинг конституциявий тартибга солиниши ҳам ҳар хил кўриниши мавжуд. Авваломбор, барча араб давлатларининг конституциялари исломни давлат дини деб тан олади. Аммо Ливан бу ҳолатдан мустаснодир. Ҳозир Ливанда 17 хил диний конфессиялар мавжуд бўлишига қарамай, ислом ва христиан асосий динлар ҳисобланади. 1998 йилги Судан конституциясига бироз тўхталсак, унда ҳам эҳтиёткорона таъриф берилган: “Судан давлати миллий ва маданий тенглик ва диний бағрикенглик давлатидир. Ислом кўпчиликнинг дини ҳисобланади, христианлик ва миллий динлар кўп тарқалган” (1-модда)⁵.

Баъзи араб давлатларида конституциявий ҳолатлар жиноят кодекси билан тўлдирилган. Хусусан, Сурия Жиноят кодексининг 307-моддасига биноан, ҳар қандай диний ёки душманлик, жамоалар ва табақалар ўртасида ғайриликка олиб келишни мақсад қилувчи ҳаракат, оғзаки ёки ёзма чақирик олти ойдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, 200 фунтгача жарима ва сайланиш ҳамда давлат мансабини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазоланади.

¹ Яковлев А.И. Исламский фактор в политике Саудитов в 90-е годы XX в. // Ближний Восток: проблемы региональной безопасности (сборник статей). – М., 2000. – С. 67-71.

² Дастур Мамлакатул ал-Баҳрайн // <http://www.shura.bh/LegislativeResource/Constitution/Pages/default.aspx>

³ Ўша жойда.

⁴ Дастур Мамлакатул ал-Баҳрайн // <http://www.shura.bh/LegislativeResource/Constitution/Pages/default.aspx>

Дастур ли Давлат Катар // <http://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ar/qa/qa009ar.pdf>

Дастур ли Давлат Ал-Кувайт // http://www.constitutionnet.org/files/constitution_of_kuwait_1962_-_arabic.pdf

Дастур ли ал-Давлат Ал-имароот ал-арабийя ал-Муттаҳида // <http://uaecabinet.ae/ar/UAEGovernment/Pages/UAE-Constitution.aspx>

Дастур ли Султанат Оман // <http://www.omanlegal.net/vb/showthread.php?t=639>

⁵ Дастур ал-Жумхурия ал-Судан // <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>

Баъзи давлатларда (Марокаш, Ливия, Иордания, Миср ва б.) ҳозиргача мусулмон ҳуқуқларига амал қилиниб, ҳуқуқ манбаи сифатида Қуръон тан олинади. Кўпчилик конституциялар давлат қонунчилиги ислом тамойиллари асосида тузилади.

“Ислом давлат динидир, ислом ҳуқуқий тизими эса қонунчиликнинг асосий манбаидир”, – дейилади 1991 йилги Яман конституциясининг 2-моддасида¹. Судан конституциянинг 55-моддасида қонунчиликнинг асоси сифатида қуйидагилар белгиланган: “ислом ҳуқуқи ва консенсус, референдумдаги халқ хоҳиши, конституция ва одат”².

1971 йилги Миср конституцияси исломнинг жамият ривожига муҳим ролини эътироф этади. Шариат қонунларига риоя қилиш – нафақат диний ва шахсий, балки мусулмон фуқароларнинг ҳуқуқий мажбуриятлари ҳамдир. Ислом давлат динидир, мусулмон ҳуқуқи тамойиллари қонунчиликнинг асосий манбаидир (2-модда), белгиланган давлат структуралари (Маслаҳат кенгаши) ислом маданиятини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Конституциянинг баъзи қисмлари ислом ҳуқуқини акс эттиради. Хусусан, фуқароларнинг давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилишлари, аёлларнинг оила ва жамият олдидаги мажбуриятлари шулар жумласидан. Сиёсий ҳуқуқлар Миср конституциясида тўлиқ баён этилишига қарамадан, ижроси ахлоқ тамойилларига мос келиши зарурлиги таъкидланади. 1980 йилги “Қадриятларни парокандаликдан асраш ҳақида”ги қонунга асосан раҳбарлик лавозимларини “илоҳий қонунлар”ни рад этувчилар эгаллаши тақиқланади.

Мисрда 2010-2013 йиллар давомида юз берган расмий ҳокимият ва муҳолифат ўртасидаги курашлар бартараф этилганидан сўнгра янги конституцияда ҳам 1971 йилги каби исломнинг жамият ривожига муҳим роли эътироф этилади. Ислом давлат динидир, мусулмон ҳуқуқи тамойиллари қонунчиликнинг асосий манбаидир, деб 2-моддада белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, янги конституцияга мамлакатда истиқомат қилувчи христиан ва яҳудий жамоалари мақоми билан боғлиқ баҳсли масалаларни улар ўз қонун қоидаларига мувофиқ ҳал этишлари ҳуқуқини берадиган модда қўшилди.

Ливияда давлат дини сифатида ислом, қонунчилик асоси сифатида шариат тан олинади. 1977 йилда қабул қилинган “Халқ ҳокимиятини ўрнатиш тўғрисидаги декларация”нинг 2-моддасига асосан: “Муқаддас Қуръон Ливия социалистик халқ араб жамаҳириясининг конституциясидир”. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, диний омил Ливия давлат механизмнинг асосий унсурларидан бўлган. Ливия монархи сенусийлар орденининг (тахминан 30% Ливия мусулмонлари сенусийлар ордени таълимотларининг тарафдорлари эди) бошлиғи бўлган. Монархия даврида кўпчилик уламолар ҳудудий вакилликларда ва судларда муҳим лавозимларни эгаллашди. 1969 йилда давлат тепасига келган М.Каддафи ҳам давлат органи тизимларини яратишда уларнинг ислом характерига эътибор берди. М.Каддафининг “Яшил китоби”да шундай дейилади: “Ўзида одатларни жам этган дин табиийлик қонунининг исботидир. Дин ёки урф-одатларга асосланмаган қонунлар бир инсон томонидан иккинчи инсонга қарши тузилган бўлади ва шунинг учун кучга эга эмасдир. Зеро, улар табиий манбага – одат ва динга асосланмагандир”. Ислом дини Ливияда (бошқа араб давлатлари каби) турли қатлам вакилларини (шаҳарлик, қишлоқ, ўтроқ, кўчманчи) боғловчи халқа сифатига хизмат қилган.

Ислом давлат қонунларида акс эттирилишининг яна бир жиҳати – унинг олий давлат органлари ва давлат бошқарувида асос деб эълон қилинишидир. Биринчи ўринда, бу ҳолат барча давлат тизимлари учун жуда муҳим бўлган институт – давлат бошлиғига (монарх ёки президент) алоқадордир. Мусулмон назариясига биноан давлат раҳбари лавозимини эгаллашнинг асосий шартларидан бири унинг ислом динидалигидир. Бундан фақат Ливан конституцияси истиснодир. Давлатнинг бошқарувида маронийлар (католик араблар), шунингдек, проваслав, сунний, шиа, друз, юнон-католик конфессиялари вакилларини ҳам учратиш мумкин. Араб мамлакатларида давлат тизимини диний конфессиялар асосида

¹ Дафтурсулт ал-Жумхурият ал-Яман// <http://www.yemen.gov.ye/portal/الجمهوريةاليمنية/الدستور اليمني/tabid/2618/Default.aspx>
http://www.ndc.ye/constitution_draft.pdf

² Дафтурсулт ал-Жумхурият ал-Судан// <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>

ташқил этишга бўлган уринишлар кўп кузатилади. Хусусан, Сурия ва Ироқда 50-йилларгача депутатлар палатасига ҳар хил конфессия вакилларида тенг миқдорда депутатлар олинган. Ироқда эса олтига ўрин христианлар учун ажратилган. 1949 йилги Суриянинг сайлов қонунига кўра, депутатлар палатасига 86 та мусулмон, 15 та христиан, битта яҳудий ва олтига бадавий вакиллари сайланган. Аммо, ҳозиргача фақатгина Ливанда мазкур ҳолатнинг классик кўриниши сақланган.

Ливандаги давлат тизимининг умумий тамойиллари француз мандати даврида шаклланди. Аҳолини рўйхатга олишда берилган маълумотларга кўра, 1932 йилда христианлар аҳолининг 52 фоизини, мусулмонлар эса 48 фоизини ташқил этган. Христиан аҳоли кўплиги учун Франция ва Ливан (айниқса, маронийлар) христианлари ўртасида ўзаро яқин тарихий алоқалар шаклланди. Франция аҳолининг айнан шу қисми учун кўпроқ ваколатлар бериб, Ливаннинг кейинги ички ва ташқи сиёсатига таъсир ўтказишни режалаштирганлар. Катта буржуазия вакиллари бўлган христианлар мазкур ҳудуддаги Сурия, Иордания ва бошқа мусулмон давлатларнинг таъсиридан хавотирга тушиб, мамлакатда конфессиялар тизим ўрнатилиши тарафдори бўлганлар. Уларнинг фикрига кўра, Ливан давлатининг конфессиялар асоси христианлар мақсадларининг таянчи бўлиши лозим эди. Конфессиялар тизим 1926 йилдаги Ливан конституциясида (95-моддага кўра, “давлат ва вакиллик органларида жамоаларнинг адолатли нисбатда вакиллари бўлиши”¹ лозим) ҳам 1943 йилдаги Миллий пактга кўра ҳам мосдир. Мазкур пакт республиканинг биринчи президенти, христиан-мароний бўлган Бишар ал-Хури ва унинг биринчи бош вазири, мусулмон сунний бўлган Риёд Солих ўртасидаги келишуви бўлиб, амалда мамлакатнинг ёзилмаган конституция кучига эгадир². Унга кўра, давлат аппаратида турли хил жамоаларнинг ўзаро адолатли вакилликлари таъминланди. Конституцияга кўра, катта ваколатларга эга мансаб – президентлик энг катта христиан жамоаси маронийларга, бош вазир – суннийларга, парламент раислиги – шиаларга, бош вазир ва парламент раиси ўринбосарлари – проваславларга берилган³.

Сурия (2-модда), Мавритания (23-модда), Жазоир (73-модда), Тунис (40-модда) ва бошқа давлатлар конституциясида президентликка номзод мусулмон бўлиши шартлиги кўрсатилган⁴. Ундан ташқари, давлат раҳбари лавозимига ўтиришдан олдин расмий қасам қилинади. Қасам қилиш конституциянинг махсус бўлими сифатида берилади. Қасам қилишда куйидаги кўринишга эга бўлиши мумкин: “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм” (“Меҳрибон ва Раҳмдил Аллоҳ номи билан бошлайман”) ўз мажбуриятларимни виждонан бажаришга, конституцияни ҳимоя қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қасам қиламан.

Бошқа давлат мансабларига келсак, мусулмон қоидаларига кўра, уларда бошқа дин вакиллари бўлиши мумкин. Ҳатто халифалик даврида ҳам вазир ва ҳукмдорлар лавозимига бошқа дин вакиллари қўйилган ҳолатлар тарихдан маълум. Аммо замонавий қонунчиликда истисно ҳолатлари учраб туради. Баъзи давлатларда давлат раҳбарининг қасам қилишга ўхшаган қасам матнини унинг олдида келтирилиши талаб қилинади. Хусусан, 1990 йилги Ироқ конституциясининг 59-моддасига кўра, нафақат президент ёки вице-президент, балки вазирлар маҳкамасининг барча аъзоларидан қасам қабул қилдириш талаб қилинади. Хусусан, Сурия конституцияга кўра (116-модда), Вазирлар кенгашининг раиси, унинг ўринбосарлари, вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари ҳам келтиришлари лозим. Миср Миллий йиғилишининг депутатлари (90-модда) ҳам ўз вазифаларига киришар экан, куйидагича қасам қилади: “Ватан дахлсизлигини сақлашга ва республика тизимини ҳимоя қилишга,

¹ Дастур ал-Лубнаний // http://www.tayyar.org/NR/rdonlyres/A57332DA-B8BF-4246-8650-475BA0BB3713/0/constitution_ar.pdf

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Дастур ал-Жумхурият ал-Жазаирийа ад-Демократийа аш-Шаъбиййа // <http://www.e-lawyerassistance.com/LegislationsPDF/algeria/ConstitutionAr.pdf> Дастурли Жумхурият ат-Тунис // <http://www.tunisie-constitution.org/>

халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишга, конституция ва қонунларни ҳурмат қилишга Қодир Аллоҳ номи билан қасамёд қиламан”.

Яна бир исломнинг конституциявий таъсир омили кўпгина араб давлатларида (хусусан, республикаларда ҳам) махсус маслаҳат-келишув органларининг (одат давлат бошлиқлари қошида) тамомила исломнинг анъанавий тамойилларига асосланган ҳолда тузилишидир. Масалан, Жазоир конституциянинг 171-моддасига кўра, республика президенти қошида Олий ислом кенгаши ташкил этилади ва унга кўйидаги ваколатлар берилади: “Ижтиҳоднинг ривожланишини қўллаш; президент томонидан топширилган масалалар бўйича ўзининг диний фикрларини билдириш; ўзининг фаолияти тўғрисида президентга доимий ҳисоботлар бериш”¹. Жазоирнинг Олий Ислом кенгаши 15 аъзодан иборат бўлиб, унинг раиси президент томонидан тайинланади (172-модда)².

Худди шундай хусусиятларга эга бўлган маслаҳат кенгаши Мисрда ҳам амал қилади.

1991 йилги Мавритания конституцияси ҳам шахсан президент томонидан тайинландиган ва 5 кишидан иборат президент қошидаги Олий ислом кенгаши ташкил этилишини назарда тутди. Президент талабига кўра, мазкур кенгаш президент томонидан киритилган ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришлари лозим. Шу алфозда Олий ислом кенгашининг мавқеи президент қошидаги бошқа кенгашлар, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашлардан ҳам юқори туради.

Яна бир ислом тамойилларининг конституцияда акс этилиши бу фуқароларнинг ўзига хос ҳуқуқ ва эркинликларидир. Энг муҳими, шахснинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми тенглик тамойилидир. Мазкур тамойилга кўра, араб давлатларининг конституцияларида фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги кўрсатиб ўтилади. Фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларида тенгдирлар, деб эълон қилинади. Улар орасида жинси, ирқи, танасининг ранги, этник келиб-чиқиши, тили, иш фаолияти, ижтимоий ҳолати ва дини бўйича чекловларга ва таҳқирларга йўл қўйилмайди (Яман конституцияси, 27-модда). Баъзи конституцияларда барча фуқаролар ўзларининг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари ҳеч қандай чекловларсиз тенглиги эътироф этилади (Ливан конституцияси, 7-модда). Иордания конституциясида бу ҳолат сал эҳтиёткорлик билан белгиланади. 6-моддасига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари жинси, тили ва дини асосида чекланиши мумкин эмас. Сурия конституциясида фуқароларнинг қонун олдида тенглиги кўзда тутилади. Улар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича тенгдирлар, шу ўринда давлат улар учун бир хил имкониятлар яратди. Худди шу тенг имкониятлар тамойили Ироқ конституциясининг 19-моддасида ҳам акс этади.

Юқоридагилардан яққол кўриниб турибдики, исломга конституциянинг асосий манбаи сифатида қаралади ва ислом қонун-қоидаларига амал қилиш конституция даражасига кўтарилган. Турли конституциялар мазкур ҳолатга турлича ёндашган бўлсалар-да, конституцияга исломнинг шу даражада таъсири давлатларнинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми, давлат органлари тизими, олий ҳокимият органлари ва давлат бошлиғи ва давлат аппарати ўз-ўзидан ислом омилига асосланади. Ислом ўзининг конституцион ва кенг оммага таъсири натижасида у бутун таълим ва тарбия тизими, шунингдек, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва оилавий муносабатларни белгилаб бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дастур ал-Жумҳурият ал-Жазаирийа ад-Демократийа аш-Шаъбиййа// <http://www.e-lawyerassistance.com/LegislationsPDF/algeria/ConstitutionAr.pdf>
2. Дастур ал-Жумҳурият ал-Судан// <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>
3. Дастур ал-Жумҳурият ал-Судан// <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>
4. Дастур ал-Жумҳурият ал-Яман// <http://www.yemen.gov.ye/portal/الجمهوريةاليمنية/الدستوراليمني/tabid/2618/Default.aspx> http://www.ndc.ye/constitution_draft.pdf

¹ Дастур Ал-Жумҳурият Ал-Жазаирийа Ад-Демократийа Аш-Шаъбиййа// <http://www.e-lawyerassistance.com/LegislationsPDF/algeria/ConstitutionAr.pdf>

² Ўша жойда.

5. Дастур ал-Лубнаний // http://www.tayyar.org/NR/rdonlyres/A57332DA-B8BF-4246-8650-475BA0BB3713/0/constitution_ar.pdf.
6. Дастур ли ад-Давлат Ал-имароот ал-арабиййа ал-Муттахида // <http://uaecabinet.ae/ar/UAEGovernment/Pages/UAE-Constitution.aspx>
7. Дастур ли Давлат Ал-Кувайт // http://www.constitutionnet.org/files/constitution_of_kuwait_1962_-_arabic.pdf
8. Дастур ли Давлат Қатар // <http://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ar/qa/qa009ar.pdf>
9. Дастур ли Жумхурият ат-Тунис // <http://www.tunisie-constitution.org/>
10. Дастур ли Султанат Оман // <http://www.omanlegal.net/vb/showthread.php?t=639>
11. Дастур Мамлакатул ал-Бахрайн // <http://www.shura.bh/LegislativeResource/Constitution/Pages/default.aspx>
12. Яковлев А.И. Исламский фактор в политике Саудитов в 90-е годы XX в. // Ближний Восток: проблемы региональной безопасности (сборник статей). – М., 2000. – С. 67-71.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мусулмон араб давлатлари ҳуқуқий тизими ва давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-ҳуқуқий ва сиёсий муносабатларни тартибга солишда ислом динининг ўрни ҳамда ислом қонунчилиги амалиёти масалалари таҳлил қилиниб, турли араб давлатларидаги ислом ҳуқуқи қўлланиши ва диннинг давлат бошқарувида таъсири ўрганилади. Исломи дини кўпчилик араб давлатларининг сиёсий-ғоявий мақсадини амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутиши, давлат ва диннинг бирдамлик тимсоли сифатида намоён бўлиши, шу билан бирга, мусулмон давлатларидаги замонавий дин сиёсати хусусиятлари қиёсий таҳлил асосида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются правовая система и управление мусульманскими арабскими государствами, роль ислама в регулировании социально-правовых и политических отношений и практика исламского права, применение исламского права в различных арабских странах и влияние религии на государственное управление. В статье обсуждается роль ислама в политических и идеологических целях большинства арабских стран, проявление государства и религии как символа солидарности, а также проводится сравнительный анализ особенностей современной религиозной политики в мусульманских странах.

SUMMARY

The article analyzes the legal system and governance of Muslim Arab states, the role of Islam in the regulation of socio-legal and political relations, as well as the application of Islamic law in various Arab countries and the impact of religion on public administration. The article discusses the role of Islam in the political and ideological goals of most Arab countries, the manifestation of the state and religion as a symbol of solidarity, as well as a comparative analysis of the features of modern religious policy in Muslim countries.

Наирузга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК: ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Қаноатова Ф. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *гендер, тенглик, ҳуқуқ, қонун, конвенция, қонуности ҳужжатлари, сиёсий фаоллик, ижтимоий фаоллик, бошқарув, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоялаш.*

Ключевые слова: *гендер, равенство, закон, право, конвенция, подчиненные документы, политическая деятельность, социальная активность, управление, защита прав и свобод.*

Keywords: *gender, equality, law, law, convention, subordinate documents, political activity, social activity, management, protection of rights.*

Аввало “Гендер тенглик ўзи нима?” деган саволдан бошласак, чунки бугунги кунда бу тушунча баъзилар томонидан бироз нотўғри қабул қилинаётгандек.

БМТ томонидан айни йўналишда қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, 1954 йилда қабул қилинган “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”,

1958 йилда маъқулланган “Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги Конвенция”, “Аёлларга нисбатан қўлланиладиган дискриминациянинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш ҳақидаги Конвенция” каби ҳужжатлар бугунги кунда дунё мамлакатларининг соҳага оид ҳуқуқий ислоҳотларига асос бўлиб келмоқда.

Ўзбекистонда ҳам аёллар ҳуқуқлари йўналишида қонунчилик асослари пухта ишлаб чиқилган. Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар” [1;17] – деб аниқ кўрсатиб ўтилган. Қолаверса, аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга доир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Жамиятда, жамоада аёлларга қатор қулайликлар берилган. Аёллар оғир ишларга жалб қилинмайди, уч ёшгача фарзанд тарбиялаётган, ногирон боласи бор аёлларнинг иш вақтлари қисқартирилган. Жамоа шартномалари орқали берилаётган имтиёзлар аёллар манфаатдорлигини янада кенгроқ таъминламоқда. Ҳатто жиноят содир қилган аёлларга ҳам енгилликлар берилган. Бир хил жиноят содир қилган эркек ва аёлга нисбатан бир хил жазо қўлланилмайди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон гендер тенглиги бўйича барча МДҲ давлатларидан ортда қолган. Савол туғилади: нега? Қонунда ҳеч қандай тўсиқ йўқ бўлса.

2014 йил маълумотларига кўра, жаҳондаги 143 давлатнинг Конституциясида эркеклар ва аёллар тенглиги қафолатланади. Буни яна 52 мамлакат амалга ошириши керак. Мавжуд ҳуқуқий меъёрларга қарамасдан, гендер тенглиги соҳасида дефакто ҳолат сақланиб қолмоқда.

Масалан, Ўзбекистонда олима, муҳандис, дастурчи, жарроҳ (ва ҳоказо) аёллар кам. Ушбу соҳаларда аёлларнинг кўпайишига эса эҳтиёж мавжуд. Шундай шароитда қизларни ушбу йўналишларга кўпроқ жалб қилиб ўқитиш, бунинг учун уларга алоҳида шарт-шароитлар яратишни тақозо этмоқда. Бизнинг мамлакатимизда касб танлашда, бошқарув соҳасида аёллар учун ёзилмаган чекловларнинг борлиги жамиятда носоғлом рақобатни вужудга келтиради. Халқаро нуфузга эга ташкилотлар эълон қилаётган индексларда кучли ўнталikka кирган давлатлар парламенти ўрганиб чиқилганда сиёсий бошқарувнинг тенг ярмида хотин-қизлар иштирок этаётгани кўринади. Бизда эса бундай аёллар санокли.

Таққослаш учун, 30 йилдан бери тинчлик буткул ўрнатилмаган Афғонистонда аёлларнинг 12 фоизи ўқиш ва ёзишни билади. 5 та вазир аёл, 7 та элчи аёл (масалан, Афғонистон Ислom Республикасининг АҚШдаги элчиси ҳам аёл дипломат), Бамьян вилоятининг губернатори аёл киши.

Мамлакатимизда 17 миллион аёл бор, шунинг ярмини болалар, шунча миллион аёлдан бор-йўғи 1405 нафари аёл раҳбарлик лавозимларида ишлайди. Уларнинг ҳам 82 фоизи – тиббиёт, 72 фоизи – фан, таълим ва маданият ва 45 фоизи – қишлоқ хўжалик соҳасида банд. Бу раҳбар аёллар улушининг жуда камлигидан далолат беради. Жамоат ташкилотлари раҳбарлари орасида эса аёллар сони талайгина бўлгани билан умумий ҳисобда кўрсаткичлар барибир кам, бунинг сабаби нимада?

Бу йилги сайловда, албатта, Олий Мажлис қуйи палатаси депутатларининг 30 фоизини сиёсатчи ва ташаббускор аёлларни сайлаш учун тарғибот олиб борилаёпти. Лекин фақат ташвиқот билан шуғулланадими? Аҳолининг асосий қисмида, айниқса эркекларда шаклланган аёл сиёсатчи ва раҳбарларга беписанд қарашни енгиб ўтиш осон эмас, лекин сайланмайдиган, балки тайинланадиган мансаблар ҳам талайгина. Ижроия ҳокимият идораларида аёллар сонини кўпайтириш мумкин ва жоиздир.

Республикаимиз хотин-қизларининг қарийб 80 фоизи асосан, икки ижтимоий соҳа – таълим ва соғлиқни сақлашда фаолият юритади. Энди сиёсатчи, дипломат ва вазир каби давлат бошқарувидаги аҳамиятга эга лавозимларда уларнинг сонини кўпайтириш лозим.

«Гендер тенглиги» фақат аёлларнинг муаммоси эмас, бу масалага жиддийроқ ёндашмоқ лозим. Худдики, гендер тенгликка доир қонун тасдиқланса, давлатнинг жиловли аёлларнинг қўлига ўтиб кетармиш, ваҳимага тушаётганлар ҳам йўқ эмас, ёки аёллар фақат уй-ишлари, бола тарбияси билан шуғулланиши керак, деган фикрлар ҳозиргача мавжуд. Чунки Гендер тенглик тушунчаси мамлакатимизга эндигина кириб келяпти, бизда хотин-

қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ёки таълим олиш, меҳнат ҳуқуқи, шунингдек, кафолатлар ва имкониятлар ҳақида гапирилса-да, гендер сўзига эътибор берилмас эди.

БМТнинг барча ҳужжатларида, жумладан, хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатларда бу тушунчага жуда яхши таъриф берилган.

Сенат томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига қаратилган бир қанча ташаббуслар қўллаб-қувватланди, масалан, “Хотин-қизларни тазйиқлар ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун маъқулланди. Ушбу қонунда тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш учун жабрланувчиларга ҳимоя ордери берилиши кўзда тутилган. Бу нима дегани? Мисол учун, эр ва хотин уришиб қолса, эр хотинга нисбатан куч ишлатса ёки тазйиқ қилса ва бу исботланса, эрнинг аёл билан бевосита ёки билвосита алоқасини чеклаб қўйиш мумкин бўлади. Энди эрнинг асабига бемалол тегаверасиз, эр жаҳл устига чиқса ва куч ишлатса, эрни хотиннинг олдига бормайдиган қилиб қўясиз. Бу нима дегани, бу ишлар турмуш тарзимизга ёт, ғарбнинг таъсири эмасми? Давлатнинг оила ишларига ҳадеб аралашаётгани ҳаммага ҳам ёқавермаса керак. Балки кейинчалик яна бошқача чекловчи ва таҳқиқловчи ордерлар ҳам маъқулланиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, аслида тазйиқ ва зўравонликларни келиб чиқишининг сабабини ўрганиб чиқиб, ана ундан кейин кимга қанақа чеклов қўйилиши ҳал қилиниши, жазолашдан олдин энг аввало жинойтнинг олдини олишни, профилактик фаолият доирасини кенгайтиришимиз зарур. Нимага эр-хотин уришяпти? Нега оилалар ажрашяпти? Ичкиликданми, тарбияданми, хирс ёки ҳасадданми? Қайнота - қайнонанинг муносабатиданми? Билимсизлик ёки уқувсизликми. Нима сабаб?

Аслида аёлларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик ҳамма вақт қораланган. Масалан, Ислонда ҳам аёлларга нисбатан куч ишлатиш тажовуз ҳисобланади, уларга нисбатан ҳеч қандай зўравонлик, уриш, калтаклаш мумкин эмас. Насиҳат қилиш, у қор қилмаса, секин туртиб огоҳлантириш, у ҳам қор қилмаса, ётоқларида тарк қилиш кўзда тутилган.

Фақат аёлларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва аёлларга улар истаганчалик шароит яратиш беришни гендер тенглиги эмас, уни гендер имтиёзи деб аташ керак.

Аслида, гендер тенглик деганда, эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар берилиши тушунилади, на қонунчилигимизда, на амалиётда аёлларни камситувчи нормалар йўқ, лекин бу алоҳида бир масала сифатида қонун доирасида кўриб чиқилмаган эди. Бу эса Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳамда эркаклар ҳуқуқлари тенглигини таъминлай оладиган мукамал ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатга эҳтиёж борлигини билдирди. Ҳозирги кунда шу мазмундаги қонун ишлаб чиқилди ва 2019 йил 2-сентябрдан эътиборан кучга кирди [2].

“Гендер” тушунчасининг киритилиши шунингча англашга ёрдам берадики, жамиятдаги эркаклар ва хотин-қизлар ролларини ижтимоий жиҳатдан фарқлайди ва белгилайди. Гендер концепциясига мувофиқ, ривожланиш бўйича фаолиятда “Хотин-қизлар ривожланишида” (Women and Development) шиоридан “Гендер ва ривожланиш” (Gender and Development) шиорига ўтиши амалга оширилади.

Гендер тенглиги – аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқлилик, бунинг орқасидан масъулият, имконият, кадрият ва натижалар юзага чиқади. Гендер тенглиги эркаклар ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам англайди. Чунки жамият ҳар икки жинсдан гендер нормалари ва стан-дартларига мувофиқ ҳаракат қилишни кутади. Тенглик аёллар ва эркаклар бир хил бўлиб қолишини билдирмайди. Лекин уларнинг ҳуқуқлари, масъулияти ва тенглиги ўзлари қиз ёки ўғил бола бўлиб туғилганларига боғлиқдир. Гендер тенглигида ҳам аёлларнинг, ҳам эркакларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари ва устуворликлари ҳисобга олинади.

Айрим мамлакатларда, жумладан, Ҳиндистон, Португалия ва Эстонияда хотин-қизлар бир йилда эркаклар билан солиштирилганда 50 кун кўп ишлаши маълум бўлди. Бироқ бунинг тескариси кузатиладиган мамлакатлар ҳам бор. Масалан, Япония ва Нидерландия-

да аёлларнинг уйда ишлашлари инobatга олинган тақдирда ҳам эркаклар 30 дақиқа улардан кўпроқ ишлар экан [3].

Буюк Британиядаги молиявий тадқиқотлар Институти эълон қилган ҳисоботга қараганда, эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқ маош олар экан. Бироқ бу рақамларга шубҳа билан қаровчилар ҳам бор. Чунки иш берувчилар эркак ва аёлларга тенг маош берилишини айтишади [3]. Бу ерда ким қанча вақт ишлаши ва қандай ишларни бажариши ҳақида кетмоқда. Яъни, эркаклар ярим аср аввал бўлганидек, ҳозир ҳам раҳбарлик лавозимларида, аёллар эса оддий ходим сифатида ишламоқда.

Шуни назардан қочирмаслик керакки, бозор иқтисодиётининг ўзининг шартлари бор, яъни гендер тенгликни яратамиз деб фуқароларнинг ҳуқуқларига зиён етказмасликни эътиборда тутиш лозим. Масалан, гендер тенгликка эришиш, аёлларни қўллаб-қувватлаш учун уларнинг ойликлари сақланган ҳолда иш кунларини бир соатга қисқартириш ғоясини олайлик. Бундан аёллар ютадиларми? Албаттга йўқ, сабаби, энди иш берувчи кўпроқ эркакларни ишга олишга ҳаракат қилади, чунки кам ишлаб кўп ойлик оладиган ишчи унга керак эмас ва бу борада у ҳақ. Аёлнинг ўша ишламаган бир соатини ким тўлайди? Шу масалани адолатли ечмай туриб аёлларга иш вақтидан имтиёз бериш мақсадга мувофиқ эмас.

Ишлаётган аёллар ва эркаклар ўртасидаги фарқни таҳлил қиладиган бўлсак, ўртача маош бўйича эркаклар кўпроқ бўлиб чиқади. Аёллар кам маош тўланадиган ишларда фаолият юритишади. Бу борада миллий анъаналар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни, айрим мамлакатларда аёллар бажарадиган ишларни эркаклар, эркаклар бажарадиган ишларни аёллар қилмайди.

Худди шундай 2005 йилдан бошлаб гендер тенглиги масаласида Шри-Ланка, Мали, Хорватия, Македония ва Тунисда бир қатор ютуқларга эришилди. Гендер тенглиги масаласида биринчи бешталикка Исландия ва Скандинавия мамлакатларини киритиш мумкин. 6-ўринда эса Никарагуа туради. Бунга аёлларнинг сиёсатда иштирок этиши ва соғлиқни сақлаш тизимида қўлга киритилган ютуқлар сабаб бўлади. Бироқ иқтисодий, айнан маошлар борасида бу каби фикрларни айтиб бўлмайди.

Шундай экан, гендер тенглик фақат ҳуқуқий майдонда ечим топадиган масала эмаслигини тан олишимиз керак.

Бугунги глобал замонда аёлларнинг ўрнига етарлича баҳо бериш жуда ҳам зарур. Чунки аёллардаги иш қобилияти ва энергияси мамлакатларни янги босқичга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этади. Тарихда аёлларнинг ҳокимиятда бўлиши билан боғлиқ ҳодисаларга алоҳида эътибор қаратиш керак. “Нозик жинс” вакиллари мураккабликлар ва муаммоларни ҳал қилишда эркаклардан қолишмаган ҳолда ҳаракат қилганларига тарих гувоҳ. Таҳлилчиларнинг фикрича, сиёсатдаги аёлларнинг роли жамиятда қарор топган дунёқарашдан келиб чиқади.

Давлат ташкилотлари, жамоат хизматларида аёллар кенг фаолият юритмоқда. Аёлларга кўп ҳолларда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот вазирликларида ишлар ишониб топширилади. “Аёллар масаласи” ни аёллардан бошқа ким ҳам ҳал қила олади?

Тадқиқот натижаларига қараганда, гўзал жинс вакиллари иш ўринларидан айрилиб қолишдан ҳадиксираган ҳолда ишлашар экан. Хотин-қизлар эркакларга нисбатан бир йилда 39 кун кўпроқ ишлар экан. БМТ Болалар Жамғармаси (ЮНИСЕФ) тадқиқотларига қараганда эса, қизлар ўғил болаларга нисбатан бирор ишни бажаришда 40 фоиз кўп вақт сарфлар экан. Маълум бўлишича, аёллар бир кунда эркакларга қараганда 50 дақиқа кўпроқ ўз вақтини ишхонада ўтказади. Шу сабабли ҳам таҳлилчилар сайёрамизда ҳамон гендер тенглиги амал қилинмаётганини айтишади [3;]. Бу, ўз навбатида, турли касалликларга мубтало бўлишларига, маънавий ва жисмонан толиқишларига сабаб бўлади.

Аёллар билан боғлиқ вазият қуролли низолар давом этаётган ва беқарор мамлакатларда аянчли эканини ҳаммамиз биламиз. Бундай мамлакатларда хотин-қизларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётга жалб қилишнинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Биздачи, хотин-қизларимизнинг кўпчилиги меҳнат биржаларига бориб, ҳисобга турмайди. Бўш иш ўринларига ярмаркалар эълон қилинса, боришмайди. У ерга кўпроқ йигитлар, эркаклар боради. Ўзбек аёлларида уятчанлик бор. Кейинги йилларда ишсиз аёллар, яъни аслида ишлаш хоҳиши бўлган, лекин баъзи сабабларга кўра ишламаётган аёллар сони ортиб борди. Илгари ҳатто “аёллар ишлаши мумкин бўлмаган касблар рўйхати” ҳам бўларди, мамлакатимизда бундай рўйхатлар янги қонун орқали бекор қилинди. Атрофимизда бўлаётганларни кўриб, эшитиб минг шуқур қилишимиз, мана шу жаннатмаконда яшаётганимиз, ишлаётганимиздан, ватан равнақи учун озми-кўпми ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсанд бўлмоғимиз керак.

Бугун Ўзбекистонда аёллар депутат, мураббий, шифокор сифатида эркаклар билан ёнма-ён фаолият юритаётгани, тадбиркорлар учун жорий этилган имтиёزلардан кенг фойдаланаётгани, ўз шахсий бизнесига, мол-мулкига эга бўлаётганининг барчаси аёлларимизга яратилаётган имтиёзлар, шароитлар туфайлидир.

Бутун дунёдаги хотин-қизлар манфаатлари, ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида асос солинган Бирлашган Мил-латлар Ташкилотининг Гендер тенглиги ва аёлларнинг ҳуқуқ ва имко-ниятларини кенгайтириш (“БМТ-Аёллар”) ташкилоти 2010 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида гендер масалалари бўйича бир қатор лойиҳа ва ташаббусларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

«Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонуни маиший, иш жойидаги ва таълим муассасаларидаги тазйиқ ва зўравонликлар турлари, ваколатли органларнинг вазибалари ва функциялари билан бир қаторда тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек, бундай қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик, судгача ва суд жараёнида тазйиқ ва камситишларга дучор бўлган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган процессуал кафолатларни ўз ичига олган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 17 б.
2. «Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. – hht. lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 1 октябрь – ўқитувчилар байрами муносабати билан ўтказилган байрам йиғилишидаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил 2 октябрь.
4. Жаҳон Иқтисодий форуми Ҳисобот (The Global Gender Gap).

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳозирги замонда гендер тенглик масаласи нафақат мамлакатимизда, балки дунё бўйича ҳам кенг мулоҳазаларга сабаб бўлиб келаётганлиги, бу масала мамлакатимизда ҳам касб танлашда, бошқарув соҳасида аёллар учун ёзилмаган чекловларнинг борлиги жамиятда носоғлом рақобатни вужудга келтираётганлиги ҳақидаги долзарб масалала ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается проблема гендерного равенства в нашей стране сегодня, где она наиболее распространена в просвещенном мире, и в ситуации, которая возникает здесь, при хорошем выборе по отношению к нашей стране по этому вопросу, в исследованиях, которые не подходят для женщин с лучшими результатами. из-за его существования это приводит к нездоровому положению дел в обществе или к другим ситуациям.

SUMMARY

The article discusses the problem of gender equality in our country today, where it is most prevalent in the enlightened world, and in the situation that arises here, with a good choice in relation to our country on this issue, in studies that are not suitable for women with better results . due to its existence, this leads to an unhealthy state of affairs in society or to other situations.

Наишга доц. А.Эркаев тавсия этган

НАҚШБАНДИЯ ТАЪРИҚАТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Сабинова Н.Р. (Тошкент кимё-технологиялари институти)

Таянч сўз ва иборалар: дин, ислом, Марказий Осиё, маданият, тасаввуф, ҳудуд, мактаб, нақшбандийлик, ижтимоий тариқат, тараққиёт, мерос.

Ключевые слова: религия, ислам, Центральная Азия, культура, мистицизм, территория, школа, шаблон, социальная секта, развитие, наследие.

Keywords: religion, islam, central asia, culture, mysticism, territory, school, pattern, social, sect, development, heritage.

Марказий Осиёнинг ижтимоий–сиёсий, иқтисодий, диний–маънавий жиҳатдан юксалишида ислом динининг ўрни айниқса бекиёсдир. Шу ўринда дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган Марказий Осиё маданий ҳаётини ўрганишда ислом тарихини илмий асосда тадқиқ қилиш муҳим ўрин тутди. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “...қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз–авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади”¹, – дея бежиз таъкидламаган. Маълумки, ислом таълимотининг ажралмас қисми саналган тасаввуф мактабларининг ўрта асрлардан бошлаб Марказий Осиё минтақаси ижтимоий–сиёсий ҳаётида тутган ўрнини илмий жиҳатдан ўрганиш, тадқиқ қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Тасаввуф мактаби ўз тараққиёти давомида маҳаллий урф–одатлар ва маданиятга исломий меросимизни мослаштириш ҳамда сиёсий ҳаётда етакчилик қилишдек босқичларни босиб ўтди. Ислом динининг Марказий Осиёга кенг кириб келиши ва тарқалиши маҳаллий аҳоли ҳаётини тубдан ўзгартирди. Бу эса ўзига хос маданиятнинг шаклланишига замин яратди. Натижада турли диний оқимлар ва қарашлар, шу жумладан, сўфийлар қатлами юзага келди. Бу эса азалдан комил инсон тушунчаси асосий эътиборда турган шарқона урф–одат ва қонун–қоидаларни янада мустаҳкамлади.

Ислом маданиятига йирик тасаввуф алломаларини етказиб берган Марказий Осиё мактаби фаолияти XII асрдан то XX аср бошларигача ўлка ижтимоий ҳаётида ўзининг юкори мавқеини сақлаб қолаганлигини таъкидлаш жоиз. Бу мактаб ўз тараққиёти давомида пайдо бўлиш, маҳаллий маданият билан уйғунлашиш, ижтимоий–сиёсий жараёнларда етакчилик қилишдек босқичларни босиб ўтди. Мовароуннаҳрда ислом дини мустаҳкам мавқега эга бўлгач, бир томондан, турли диний таълимотлар, хусусан, калом мактаблари юзага келди, IX–XII асрларда Марказий Осиёда асосий эътибор тафсири, ҳадис ва фикҳ илмларига қаратилди, иккинчи томондан эса исломий илмлар ривожига мазкур ҳудудда тасаввуф оқимининг юзага келиши ва кенг тарқалиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилди. Мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб борган тасаввуф таълимоти фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. XI асрдан бошлаб Шарқнинг деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва олимлари тасаввуфдан озикланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар. Бу ҳақда атоқли олим Е.Э.Бертельс: “Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас, бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин”², дея алоҳида таъкидлаб ўтади.

Тасаввуф таълимотини ҳар томонлама пухта ўрганиш орқали Ўрта асрларда Марказий Осиё халқлари маънавий меросини тўлиқроқ, аниқроқ тасаввур қилиш имконини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

² Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1995. – С. 54.

беради. Тасаввуф аҳли (мутасаввифлар) орасидан ўзларидан араб, форс, турк ва бошқа тилларда кўплаб бадий, фалсафий, илоҳиётга оид асарлар яратган алломалар етишиб чиққан.

Тасаввуф яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятида энг кенг тарқалган оқимларддн бири бўлган. Шунинг учун мусулмон олами халқларининг ижгимой–фалсафий фикрини ўрганшда тасаввуф тўғрисидаги масала долзарб аҳамиятга эга. Мустақиллик туфайли жамиятда дин, маънавий ҳаёт тарихини ёритишга янгича муносабат вужудга келди. Ўтган давр мутафаккирларининг, жумладан, мутасаввуфларнинг маданий–маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш учун қулай шароит яратилди. Таъсирчан диний–фалсафий йўналиш сифатида тасаввуфни ўрганиш Шарқ мусулмон халқи фалсафасининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнини янада аниқроқ ёритиш имконини беради. Тасаввуф – узоқ асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилиб келган диний ва дунёвий қарашлар уйғунлигидан иборат таълимотдир. Маънавий ҳаёт тараққиётининг хусусиятлари, ўрта асрлардаги мусулмонларнинг ҳаёти, тафаккури тўғрисида академик М.В.Пиотровский шундай ёзади: “Дунёвийлик ва динийликни ажратишнинг илоҳи йўқ эди. Оламда нимаики рўй берса – буюк воқеалардан турмуш икир–чикирларигача – барчаси диний мазмунга эга эди, шунинг учун булар ҳаммаси маънавий соҳага тааллуқли эди. Тасаввуф – диний–фалсафий таълимот сифатида ўз ғояларининг мураккаблиги, зиллиятлиги билан, манбаларининг ва ижгимой заминининг хилма–хиллиги билан ажралиб туради”¹. Тарихимизда халқимизни таркидунёчиликка эмас, балки ижтимоий фаол ҳаёт тарзига даъват этган ғоялар ва қарашлар тараннум этилган нодир асарларни илмий тадқиқ этиш ҳамда юзага чиқариш шарқшунос–исломшунослар олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Зеро, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ҳам Баҳоуддин Нақшбандийнинг муборақ сиймоси ва унинг ҳаётдан узилмаган таълимоти ҳақида алоҳида тўхталиб: «Ота–боболаримиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос қўйиб, уни «Баҳоуддини Балогардон» деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин», деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно–моҳиятини ёрқин ифодалаб, худди шу бугун айтилгандек жаранглайди»², – дейди. Тасаввуф таълимоти Мовароуннаҳр маданияти ва адабиёти илми таъсирида тараққий этган ва янги халқ ғояларининг шаклланишига туртки бўлган. Шунга қўра, Мовароуннаҳрнинг ислом маданиятида тасаввуфнинг тутган ўрни беқиёсдир. Шу пайтга қадар тасаввуф таълимоти, тарихи ва илгари сурган ғоялари ҳақида кўплаб маҳаллий олимлар томондан тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, шарқшунослар Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Ориф Усмон, С.Ғаниева, Б.Назаров, Б.Бобожонов ва бошқа бир қатор тадқиқотчиларнинг илмий ишлари бу борада айниқса диққатга сазовордир. Марказий Осиёга тасаввуф таълимотининг кириб келиши тариқатлар тарихини ёритиш аънанасига қўра ўз даврининг сўфий алломаси Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048–1141) номи билан боғлиқ. Юсуф Ҳамадоний мактабида илму ирфон сабоғини олган Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолиқ Ғиждувонийлар минтақада тасаввуф тараққиётининг кейинги босқичларида муҳим ўрин тутди ва икки мустақил тариқат: Яссавия ва Хожагон–Нақшбандия (кейинчалик Нақшбандия–Мужаддия) тариқатларига пойдевор қўйганлар.

Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний диний оилада, исломий тасаввуф ва урф–одатлар қуршовида ўсган. Ғиждувоний китобларида Юсуф Ҳамадонийнинг «тўртинчи халифаси» сифатида тилга олинади. Айрим тадқиқотчилар Хожагон тариқати Юсуф Ҳамадонийдан бошланган (В.Бартольд) десалар, айримлар кейинчалик «нақшбандийлик» номи билан машҳур тариқатининг яратувчиси (Тримингэм) сифатида Абдуҳолиқ Ғиждувонийни тилга олади³.

¹ Қаранг. Очерки истории обществено-философской мысли в Узбекистане. – Т., 1977. – С. 169-170.

² Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 39.

³ Ислоҳ тасаввуфи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 112.

Абдухолиқ Ғиждувонийдан бизга қадар «Рисолаи соҳибия», «Рисолаи шайхушшуюх Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний», «Маноқиби Хожа Юсуф Ҳамадоний», «Аз гуфтар Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний» каби бешта буюк асар ва «Васиятнома» каби пандномаси мерос бўлиб қолган. Бу улуғ зот таълимотининг асосини қисмат – тақдири азалга ишониш, ҳар бир мўминнинг, жумладан, солиқнинг илм ўрганиши (зоҳирий ва ботиний билимларни, бирон–бир касб–хунарни эгаллаши, ҳалол меҳнат билан ризқ топиб яшашга даъват этиши ташкил эгади). Нақшбандия номини олган тариқатга асос солган, унинг саккизта рашҳасини – қонун–қоидасини ишлаб чиққан Абдухолиқ Ғиждувонийдир. Унинг васиятлари ва саккизта тамойили кейинчалик нақшбандия тариқатининг ғоявий асоси бўлди. Амир Кулол (1287—1372)га шогирд бўжан илк пайтларда Нақшбандга ал–Ҳамадонийнинг давомчиси Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний (1103—1179)дан бошланган ўзининг маънавий шажарасининг 6 та аъзоси дилига аён бўлади. Бу намойиш унинг «иккинчи бағишлови» бўлиб қолди, чунки Ғиждувоний руҳлари ҳазрат Баҳоуддинни тарбия қилган ва унинг биринчи муршиди Амир Кулол ва унинг издошлари риюя қилган зоҳирий ёки жаҳрий овоз чиқариб бажариладиган зикр қилишнинг акси бўлган хафий (овоз чиқармай бажариладишн) зикр қилишни буюрган эди.¹

Хожагон тариқати XIV асрга келиб, Баҳоуддин Нақшбанд томонидан янада такомиллаштирилди. Бу эса Марказий Осиёда мўғуллар ҳукмронлигидан кейинги диний–маънавий ҳаётнинг янгича йўналишда шаклланишига асос бўлди. Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор, Абдурахмон Жомий (1414–1492), Алишер Навоий каби йирик шахсларнинг фаолияти эса Хожагон–Нақшбандия тариқатининг кейинги вакилларига ижобий таъсир қилди ва ижтимоий–сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун туртки бўлди. Бу табарруқ заминда исломий илмларнинг барча тури ривожланиб, дунёга машҳур назарий тадқиқотлар яратилган, ўзига хос мавқега эга илмий мактаблар шаклланган. Жумладан, инсон қалбини поклаш, уни руҳий–маънавий жиҳатдан юксалтиришни мақсад қилган тасаввуф таълимоти ҳам юртимизда кенг тараққий этган. Дунёга машҳур уч буюк тариқат – яссавия, кубравия, нақшбандия тариқатларининг Марказий Осиёда пайдо бўлгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Айниқса, Нақшбандия тариқати бу борада эл орасида алоҳида обрў–эътиборга сазоввор бўлиб, унинг таъсири Марказий Осиёдан ташқарида ҳам сезилиб турган. Нақшбандиянинг Ҳиндистон, Малазия, Филиппин, Эрон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Россияда яна кўплаб тармоқ силсилалари бор. Ҳатто ғарбий Европа ва АҚШда ҳам бу тариқат тарафдорлари бор. Бунинг боиси, биринчи навбатда, тариқат асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг шахсияти, у яратган таълимотнинг ҳаётийлиги ва қулайлигидир. Лекин шуни қайд этиш керакки, хорижда яшовчи «нақшбандий»ларнинг бир қисми асл Нақшбанд тариқатидан узоқлашиб қолганлар. Нақшбанд зикри хафий (сокин зикр) тарафдори, у киши суҳбатни тарбиянинг асосий куролига айлантириб, хилватнишинликни ҳам, самоу рақсни ҳам қабул қилмаганлар. Балки ботиний оламни ривожлантириш, шариатдан узоқлашмасдан сўфийлик мақомини эгаллашни талаб қилдилар. Нақшбанд ҳазратлари амал қилган «Сафар дар ватан», «Хилват дар анжуман», «хуш дар дам», «назар дар қадам», «дил ба Ёру даст ба кор» шиорлари одамни ҳам маънавий юксалишга қўмаклашади ва ҳам жамиятда баҳамжиҳат яшаб ўзаро бир–бирига ёрдам бериш, меҳнат, бунёдкорлик билан юртни обод қилишга сафарбар этади. Тариқатлар исломий ғояларни тарқатиш, Худога бўлган муҳаббат орқали тақво ва тавҳидни чуқурроқ англаш, уни гўзал ахлоқ нормасига айлантириш, нопок ишлар, ёмон ахлоқ ва баднафсликка қарши курашиш билан шуғулланиб келганлар.²

XV—XVIII асрларда савдо ва хунармандчилик билан шуғулланадиган шаҳар аҳолиси ҳамда кўчманчи чорвадор аҳоли орасига кенг ёйилди. Нақшбандия таълимотининг асосида «кўнгил худога бўлсину, қўл иш билан банд бўлсин» («дил ба ёру, даст ба кор») шиори ётади. Бу қоида инсоннинг шу фоний дунёда қандай яшамоғи кераклиги тўғриси-

¹ Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки Етти пир. – Т.: Ёзувчи, 1993. – Б. 11–13.

² Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – Б. 7.

даги — Куръон ва ҳадисларда баён этилган қоидаларга жуда ҳам мос тушади. Нақшбандия тариқати инсонларни ҳалол меҳнат қилиб, қалбидаги нуқсонларни йўқотиб, Аллоҳни унутмасдан, доим Унинг зикрида бўлиб ҳаёт кечиришликни тарғиб қилиб келган. Мутаасибчилик, дарвишчиликни, узлатга чекиниб, оила, бола-чақани боқишдан узоқлашиб юришликни танқид остига олади. Одатда бу қоидани кўл меҳнатда бўлиши керак, дил Аллоҳ ёди билан бўлиши керак, деб жўн тушунадиганлар ҳам бор. Аслида булар иккаласи ўртасидаги алоқани ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак, яъни Аллоҳни ёд этиб бирорта иш қилинадиган бўлса, бу иш баракотли бўлади, ривож топади. Тарихчи олим Зокиржон Қуттибоевнинг қуйидаги гаплари билан қўшилмасдан иложимиз йўқ: —Нақшбандия тариқатнинг яна бир қоидасига Хожа Аҳрор доимо риоя қилди. У ҳам бўлса, —Даст ба кору, дил ба ёр!, яъни қўлинг иш билан, қалбинг Аллоҳ билан бўлсин! тамойили. Тариқатнинг мана шу тамойили Хожа Аҳрор томонидан янада ривожлантирилди, чунки Аллоҳни ёд этиб қилинган ишда ривож, барака ва самара бўлади¹.

Дарҳақиқат, Аллоҳни дилда сақлаган ҳолда, доимий ёд қилган ҳолда меҳнат қилиш нақшбандия тариқатининг энг муҳим нуқтаси ҳисобланади. Бундай мақомга оддий меҳнаткашлар ҳам етиши мумкинлиги мазкур тариқатни оммалаштириб юборди ва унинг яшовчанлигини таъминлади. Нақшбандияда пиру муридлик қоидалари хийла осонлаштирилган, сиртдан туриб эътикод қўйиш, имон мустаҳкамлиги, Ҳақ таолога сидқидилдан итоат этиш, ихлос ва маънавий камолот асосий ўрин эгаллайди. Расм-русумлар, одатларни кўр-кўрона адо этиш, риё, сохта диндорлик қораланади. Шу ўринда уламолар Муҳаммад Мурод Ўзбекининг Нақшбандия тариқати ҳақида айтган қуйидаги гапларини ривоят қиладилар: «У саҳобаи киромларнинг асл ҳолича, зиёда ҳам, нуқсон ҳам бўлмай қолган тариқатидир. У ботинда ҳам, зоҳирда ҳам барча ҳаракат ва саканотларда суннатга ва азийматга комили илтизом қилган, бидъат ва рухсатдан батамом четда бўлган ҳолда ибодатда бардавом бўлишдан иборатдир».² дейдилар. Мазкур тариқатда ахлоқий поклик, қаноатли, сабрли бўлиш, ихтиёрий фақирлик билан Аллоҳга интилиш юксак фазилат ҳисобланади. Нақшбандияда одамнинг қадри, мансаби, бойлиги билан эмас, маънавий комиллиги билан ўлчанади. Унда ҳунар, касб эгаллаб, ўз меҳнати билан ҳалол лўкма еб яшаш талаб қилинади, тиланчилик, дарбадарлик билан кун кечириш суфий учун иснод саналади. Маълумки, нақшбандия тариқатининг энг муҳим талабларидан бири ҳалолликдир. Бу бошқа тариқатларда ҳам мавжуд. Бироқ нақшбандияда бу масала юксак даражада тараннум этилади. Ҳалоллик тариқатнинг кейинги босқичлари учун пойдевор вазифасини ўтайди. Кейинги барча қоидалар мана шу пойдевор устига қурилади. Бу ҳақда Амир Кулолнинг машҳур гаплари бор: —Билгинки, дил ва тилнинг поклиги лўкмаи ҳалолдандир. Одамнинг ошқо-зони худди ҳовуз кабидир, унга тоза сув қуймоқ лозимдир. Бу пок сув ва тупроқдан ҳосил бўлган ҳар бир гул ва мева, албатта, пок ва фойдали бўлур. Амир Кулолнинг мазкур сўзларини шарҳлар экан, М. Раҳмонова шундай деб ёзади: —... бу ерда мутасаввиф — дил ва тилнинг поклиги лўкмаи ҳалолдандир³ — деб таъкидлаш билан лўкмаи ҳалол инсон маънавий ва ахлоқий поклигининг белгиларидан бири, деб ҳисобламоқда. Иккинчидан, пок сув ва тупроқдан ҳосил бўлган ҳар бир гул ва мева фойдали бўлади, деб ҳалол лўкма инсонни жисмоний жиҳатдан ҳам покиза этишга ишора қилмоқда. Учинчидан, фақат лўкмаи ҳалол истеъмоли билан кун кечирган инсонлардагина қалб кўзи очилиши имконияти бўлишини таъкидламоқда. Қул, хизматкор сақлаш, ўзганинг меҳнатидан фойдаланиш ҳам ман этилади. Нақшбандиянинг юқоридаги шиори таркидунёчиликка, текинхўрликка қарши қаратилган. Нақшбандияда манманлик, суфий, шайхман деб керилиш, шовкин-сурон кўтариб зикру самоъ билан одамлар диққатини ўзига қаратиш қораланади. Нақшбандияда асосий талаб — қалбни дунё ғуборларидан тозалаш, ўз нафси билан курашиб руҳда чаро-ғонлик

¹ Қуттибоев З. Хожа Аҳрор Валий маънавияти. — Т.: Фан, 2007. — Б. 193.

² Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Нақшбандия: вазифалар, зикрлар. китобидан

³ Раҳмонова М. Хожагон — Нақшбандия тасаввуфий таълимотида — ҳалол тушунчаси // —Ориф Деггароний — Марказий Осиё тасаввуф таълимотининг буюк валийси республика илмий-назарий конференция мате-риаллари. — Навоий, 2007. — Б. 140.

топиш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаб бориш усуллари ишлаб чиқилган. Зикри хуфия (яширин зикр тушиш) шунга хизмат қилган. «Ташқаридан халқ билан, ичкаридан Ҳақ билан бўлиш», ҳар бир нафасни Худо ёди билан чиқариш, қадамни савоб ишлар, эзгу-амаллар сари қўйиш, юрт кезиб, азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, ғофилларни хушёр этиш, ҳар қандай ҳолатда қалб огоҳлигига эришиш – Нақшбандийнинг асосий маънавий тарбия усули ҳисобланган. Юқорида келтириб ўтганимдек, Нақшбандия таълимотида зикри хуфия жорий қилинган эди. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари шундай дер эдилар: –Ҳазрати Азизондан икки хил зикр нақл қилинади. Унга Аллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин. Бири – жаҳр ва бири – хуфя. Хуфя зикри кучли ва авло бўлгани учун биз уни их-тиёр қилдик¹. Мурид исми зот (Аллоҳ)ни ва нафйи исботни (ло илоҳа иллаллоҳ)ни дилида хуфя ҳолда, нафйи исботни тоқ сонда айтиши кераклигини Абдуҳолиқ Ғиждувоний ҳазратларига Хизр алайҳиссалом таълим берган эди. Бироқ кейинги пирларимизда қайтадан зикри жаҳрияга ўтилган эди. Ҳатто Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ўз пири Амир Саййид Кулолдан зикри алониядан воз кечишни сўраганда, рад жавобини олади. Бу ҳақда филология фанлари доктори, профессор Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ шундай маълумот беради: – Нақшбандия амалиётининг асосий қисми ичида, яъни қалб билан махфий зикр қилиш (Аллоҳ номини эслаши, такрорлаш)дир. Бу тариқатнинг кўпчилиги афзал ҳисоблайдиган овоз чиқариб (жаҳрий) зикр қилишдан фарқ қилади. Махфий зикрни пайғамбар ғорда бирга бўлганлари Абу Бакрга ўргатганлар, овоз чиқариб зикр қилишни эса Ҳазрати Алига айтганлар, шунинг учун нақшбандиянинг баъзи жамоаларида бу кейингисига ҳам йўл қўйилади. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ўз даврида зикри хуфияни жорий қилди. Бунинг устун томонлари шунда эдики, инсонлар меҳнат қилаётганда ҳам, ўтирганда-турганда ҳам, бир жойга тўпланмаган ҳолда ҳам, шовкин сурон кўтармасдан, рақсу самоъ қилмасдан исми зот (Аллоҳ), нафйи исбот (ло илоҳа иллоллоҳ) ни хуфия айтиши мумкин эди. Бошқача айтганда, мусулмонлар доимий зикрда бўлиш имкониятига эга бўлдилар.²

Нақшбандия тариқатидаги бу қоида ҳам таълимотни яшовчан қилиб қўйди ва омма орасида кенг тарқалишига сабаб бўлди. Нақшбандияда пир ва мурид орасидаги маънавий орифона суҳбатга катта эътибор қилинган. Нақшбандияга кўра, суҳбат – анжуман ичра бўлиш, билмаганни билиб олиш, юксалиш, кароматлар сиру асрори, илоҳиёт олами нурларидан баҳрамандлик бўлса, бунинг акси – хилват эса кишини билимдан, маърифатдан маҳрум қилади. *Нақшбандишунос олима Гулчехра Наврўзованинг тадқиқот ишларида келтирилишича*, Нақшбандияда ўзини ўзи назорат қилиб бориш, олган билимларини дилда мустаҳкамлаш, умрнинг ҳар бир дамини савоб ишга, ҳар бир нафсни маънавий камолот учун сарфлаш лозим дейилади. «Вуқифи замоний» (муайян вақтда тўхтаб ўзини текшириш), «вуқуфи ададий» (ишларини сарҳисоб қилиб текшириш), «вуқуфи қалбий» (қалб амаллари қандай бўлаётганлигини тўхтаб, текшириб бориш) каби шиорлар («қудсий сўзлар») ҳам ана шу назорат усулига киради. Нақшбандияда, шу тариқа, тасаввуфни ислом шариати ва пайғамбар суннати билан янада мустаҳкамроқ боғлади. «Урватул вуско», яъни барча ишда пайғамбар сўзлари ва ишларига суяниш Нақшбандия шиорларидан бирига айланди. Нақшбандияда суфийлик истеъдодига ҳам эътибор берилган, яъни баъзи кишиларнинг мен фалон силсиладанман, насл-насабим фалон-фалончиларга бориб тақалади, деган гапларига қарши Баҳоуддин Нақшбанд «гап силсилада эмас», гап Аллоҳнинг жазбасида» деб айтади. Жазба бўлмаса, суфийликда мақоматларга кўтарилиш қийин.³ Нақшбандия Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлигидаёқ кенг шуҳрат қозонган. Уни назарий жиҳатдан ишлаб чиқишда Муҳаммад Порсо, Алоуддин Аттор хизматлари катта бўлди. Бу тариқатга фақатгина оддий халқ эмас, балки Бухоро ва Самарқанд уламолари, Амир Темур авлодидан

¹ Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон / Таҳрир хайъати: А.Рустам ва бошқ. Форсийдан тарж. Сўз боши ва луғат муаллифи Маҳмудхон Маҳдум Ҳасанхон Маҳдум ўғли. – Т.: Ёзувчи, 1993. – 208 б

² Х.Алимов. Нақшбандия тариқати асосий тамойилларининг методологик жиҳатлари. “Педагогик маҳорат” илмий-назарий ва методологик журнал, 2018/2

³ *Гулчехра Наврўзова. Бухоро мавжлари» журнали, 2008/4*

бўлган шоҳ ва шахзодалар кира бошладилар. XV асрдаёқ Нақшбандия Эрон, Афғонистон, Миср, Ҳижоз, Шом, Кавказ, Туркияга тарқала бошлади. Айниқса, «ҳазрати Эшон» унвонига мушарраф бўлган Хожа Аҳрор валий – Носириддин Убайдуллоҳ фаолияти туфайли тариқатнинг обрў–эътибори яна ҳам ошди. Баҳоуддин Нақшбанд замонида мансабдор шахслар, шоҳу амирлардан узоқ туриш лозим дейилган бўлса, Хожа Аҳрор валий даврида Нақшбандия сиёсий доираларга кириб борди. XIV асрда Марказий Осиёда пайдо бўлган Нақшбандия таълимоти Афғонистон орқали Ҳиндистонга ва бошқа ислом юртларига шиддат билан тарқала бошлади. Нақшбандия таълимоти Темурнинг мўғуллар истелосига қарши кураш, мустақил давлат барпо этиб, унда маданий-маънавий ривожланишни таъминлашга интилишда, темурийлар даври маданий юксалишида ҳам катта ижобий аҳамият касб этади. XV асрининг кўп олиму-фозиллари, давлат арбоблари, санъаткорлари Нақшбандия таълимотидан кенг фойдаландилар, унга ўта ижобий муносабатда бўлдилар.

Захриддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) даврида, ундан кейинги даврлар XVI – XVII асрларда бу жараён анча тезлашди. Нақшбандия тариқати XVI асрда Хўжа Муҳаммад ал-Бокий Кобулий (вафоти 1605) Ҳиндистонга боргандан сўнг, Ҳинд тупроғида ҳам бу авж олади. Бу машҳур мутасаввуф олими Афғон ва Ҳинд юртларида Хўжа Сирхиндий (1563–1624) эса Нақшбандия таълимотини XVII асрда Ҳиндистонга ёйилишида ва уларнинг маънавияти ва маданиятига катта таъсир қилган. Айниқса, Аҳмад Сирхиндий у ерда суннийлик йўналишини мустаҳкамлаш учун Нақшбандиядан унумли фойдаланган. Тариқатни Туркияда ёйилишида Мулла Абдуллоҳ Симавий (1490 й. в. э.), Аҳмад Бухорий ва бошқа шахсларнинг хизмати катта. Нақшбандия XVI–XVII асрларда Эроннинг Нишопур, Исфохон, Язд шаҳарларига тарқалиб, шулар орқали Фаластин, Ироқ, Иорданияда кўплаб тарафдорларга эга бўлган. Ҳиндистон орқали у Индонезия, Малайзия, Цейлонга тарқалди. Кейинги асрларда Россия, Босния ва бошқа Европа мамлакатларига ёйилган. Ҳозирда АҚШ, Канада, Австрияда Нақшбандия марказлари, хонақолари, жамғармалари бор¹. Шундай қилиб, бизнинг табаррук пиримиз ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд тамонидан асосланган Нақшбандия таълимоти Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жудда катта ўрин эгаллайди. Нақшбандияда савдосотик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, бадиий адабиёт, мусиқа, илм-маърифат, хаттотлик, наққошлик, минатюра санъати, қурувчилик каби бирча фойдали ва хайрли юмушлар билан шуғулланишга даъват этганлар. Шунинг учун ҳам ўз давридаги илм-маърифат ва адабиётнинг йирик намоёндалари бўлмиш Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хушхонхон Хатак, Аҳмад Шоҳ Дурроний, Маҳтумқули Фироғий сингари юзлаб улкан тарққийпарвар, инсонпарвар шоирлар ва мутафаккирлар Нақшбандия йўлини танлаганлар. Ҳаётни ва инсонни авжи баланд пардаларда куйлаб, тинмай баракали ижод этганлар.

Баҳоуддин Нақшбандни Марказий Осиё халқлари жуда юксак қадрлашади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси ва унинг ҳаётдан узилмаган таълимоти ҳақида алоҳида тўхталар экан: “2020 йилда буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг 700 йиллик таваллуд айёмини юқори савияда ўтказишимиз керак,” деб таъкидлаган эди.² Бинобарин, Президентимиз фикрига кўра, Баҳоуддин Нақшбанднинг меросини ўрганиш, ҳар тамонлама тадқиқ этиш ҳозирги кунда аҳамият касб этади. Зеро, бугунги кунда маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа сифатида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолияти йўлга қўйилди³. Ушбу ташаббусларнинг аҳамияти шундаки, илм-маърифат, маданият маскани бўлган диёримизда маърифий ислом ғоялари тарқалиши, муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик таълимотларини ёйиш бўйича Мова-

¹ “Манавият юлдузлари”. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент. 1999 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <http://uz.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамидаги нутқи. <http://uz.uz/oz/society/yangilanish-me-r-o-ibat-va-farovonlik-ayyemi-21-03-2018>

роуннаҳрда шаклланган тарихий мактаблар анъанасининг давом этиши, “Жаҳолатга қарши – маърифат билан курашиш” да муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда тасаввуф таълимотидаги “Яссавия”, “Қубровия” ва “Нақшбандия” каби тариқатлар ўлкамизда вужудга келиб, эндиликда мустақил республикамиз шароитида ҳам ҳар тамонлама чуқур ўрганилмоқда. Хожа Баҳовуддин Нақшбанднинг поклик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, адлу инсоф, иймондорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби илғор умумбашарий фикрлари давримизга ҳамоҳанг бўлиб, келажак учун хизмат қилади. Бу буюк зот маърифат йўлида одамларнинг қалбига чуқур кириб бориш орқали уларда эзгу интилишлар, орзу-умидлар уйғотиш мумкинлигини исботлаб берди. Шу боис Нақшбандия таълимотига бўлган қизиқиш ҳозир тобора кучайиб, ушбу таълимотни янада ривожлантириш ўз навбатида халқимиз маънавиятини юксалтиришга муҳим аҳамият касб этади.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада Нақшбандия тариқатининг Марказий Осиё халқлари маданиятида тутган ўрни илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада ислом дини таълимотининг ажралмас қисми саналган тасаввуф мактабларининг Марказий Осиё минтақаси ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрнини ўрганишга эътибор қаратилган. Нақшбандия тариқатининг илмий жиҳатдан ўрганиш, тадқиқ қилишда тасаввуф мактаби ўз таракқиёти давомида маҳаллий урф-одатлар ва маданиятга исломий меросимизни мослаштириш ватанни севиш, юртни ардоқлаш борасидаги фикрлар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье научно анализирует роль секты Накшбанди в культуре народов Центральной Азии. Статья также посвящена роли мистических школ в общественно–политической жизни региона Центральной Азии, которые являются неотъемлемой частью исламского учения. Научное исследование секты Накшбанди, школы мистики в ее развитии отражает идеи адаптации нашего исламского наследия к местным традициям и культуре, любви к Родине, уважения к стране.

SUMMARY

This article scientifically analyzes the role of the Naqshbandi sect in the culture of the peoples of Central Asia. The article also focuses on the role of mystical schools in the socio–political life of the Central Asian region, which are an integral part of Islamic teaching. The scientific study of the Naqshbandi sect, the school of mysticism in its development reflects the ideas of adapting our Islamic heritage to local traditions and culture, love of the motherland, respect for the country.

Наишга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ЗАРУРИЯТИ

Сирожов О.О. (Тошкент кимё-технологиялари институти)

Таянч сўз ва иборалар: *глобаллашув, ҳамкорлик, минтақа, Марказий Осиё, кўп томонлама ҳамкорлик, яхши қўшничилик, хавфсизлик, барқарорлик, зарурият.*

Ключевые слова: *глобализация, сотрудничество, регион, Центральная Азия, многостороннее сотрудничество, добрососедство, безопасность, стабильность и необходимость.*

Keywords: *globalization, cooperation, region, Central Asia, multilateral cooperation, good neighborliness, security, stability and necessity.*

Глобаллашув шароитида Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни таъминлаш зарурияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бу борада хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишда яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ташаббуси муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга оширилаётган мазкур ташаббуслар мамлакат барқарорлигини таъминлашда янги даврни бошланишга замин яратди. Хусусан, минтақада глобал миқёсда хавфсизлик ва бар-

қарорликка нисбатан раҳна солишга интилаётган диний экстремизм, терроризм таҳдидларига нисбатан доимо дахлдорлик туйғусини ҳис этиш борасида Ўзбекистон Республикаси томонидан алоҳида ташаббус кўрсатилмоқда. Айниқса, мазкур омиллар Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”¹ги Фармонига биноан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши бўйича Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш, давлатимиз мустақиллиги ҳамда мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришни тақоза этади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев қайд этганидек: “Бугун биз мамлакатимизни ҳар томонлама модернизация қилиш, таркибий ўзгаришлар ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш бўйича улкан ишларни бошлаган эканмиз, уларни амалга ошириш ташқи омилларга ҳам боғлиқ эканини яхши тушунамиз”². Айнан мазкур омиллар Ўзбекистонни нафақат минтақада, балки дунёда глобал миқёсда тинчлик, барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш орқали юрт равнақи ва Ватан тараққиётини амалга оширишдаги стратегик мақсадлар учун замин яратади. Зеро, бугунги кунда глобаллашув жараёни ўзининг ижобий натижалари ва салбий оқибатлари билан тобора кенг қамровга эга бўлиб бормоқда. Афсуски, глобаллашувни дунёда универсаллашуви кўпроқ ривожланган давлатлар учун наф келтираётганлиги намоён бўлмоқда. Зеро, глобаллашувни халқаро муносабатлар нуктаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, глобаллашув кўпроқ етакчи давлатлар манфаатларига хизмат қилиб, давлатлар ўртасида табақаланишга, кескинликка, халқаро тартиботда икки қутбли ёки бир қутбли дунё шаклланишига кўпроқ хизмат қилади.

Глобаллашув инсониятнинг хоҳиш ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган сайъ-ҳаракатлар меваси бўлиб, объектив жараён ҳисобланади. Лекин ана шу жараёндан турли кучлар, давлатлар ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, қолганларни ўзлари ортидан эргаштиришга интилишлари натижасида салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Глобаллашувнинг салбий оқибатларини бартараф этишнинг самарали йўллари билан минтақавий ҳамкорлик ҳисобланади. Жумладан, профессор С.Отамуратов глобаллашув интеграциялашув таъсирида амалга ошсагина, барча соҳаларда тенглик, табиийлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларининг амал қилиши мумкин бўлишини XXI асрга келиб мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги “интеграциялашув”да амал қиладиган табиийлик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик ўрнини тараққий қилган мамлакатлар манфаатларининг ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қиляётган “глобаллашув” жараёни эгаллаётганлигини таъкидлайди³.

Ана шундай шароитда яъни жаҳоннинг жадал суръатларда глобаллашуви шароитида минтақада жойлашган мамлакатларнинг ўзаро яқинлашуви мумкинми, ундан кимлар наф кўради ва, умуман, бу жараённинг истиқболи борми, ташқи кучлар таъсирини енгиб бўладими, минтақа яхлитлигига мойиллиги кучли бўлмаган мамлакатларни бу ҳамкорликка жалб қилишнинг имкониятлари мавжудми – ана шу мураккаб ва, айни замонда, ўта долзарб саволларни илгари суриб, уларга жавоб топиш мазкур йўналишда изланаётган олимлар ва мутахассисларнинг теран тадқиқотлар олиб боришга ундамоқда. Бунда гап аждодлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasini-yanada-rivozhlantirish-b-yicha-arak-07-02-2017>

² Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyevning-zbekiston-respubl-31-08-2017>

³ Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Т.: Ўзбекистон 2018. – Б. 32.

азалдан бир заминда яшаган, ота-боболаридан мерос қолган аҳил, дўстона яшашдек қадриятларни асраб авайлаш, ҳар бир давлатнинг суверенитетини сақлаш ва фаровон яшашга эришиш ҳақида бормоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, минтақада жойлашган мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлиги шу даражада долзарбми, деган савол устида тўхталиб ўтсак. Бизнингча, улар қуйидагилар билан изоҳланади:

Биринчидан, ҳар қандай эзгу мақсадлар йўлидаги ҳамкорлик, шубҳасиз, тараққиётга хизмат қилади. Ҳатто, энг қудратли, иқтисодий юксалган давлатлар ҳам ўзга мамлакатлар билан ҳамкорликка киришмасдан ривожлана олмайди. Чунки қайсидир мамлакат бошқасига нимадир беради ва олади ёки ундан икки томон ҳам манфаат кўради. Шу маънода олганда, Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига объектив жараён ва эҳтиёж сифатида қараш лозим.

Иккинчидан, Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлиги нафақат уларнинг иқтисодий ривожланиши ва сиёсий барқарорликнинг амал қилишига, шу билан бирга, минтақа бойликларининг ўзга мамлакатлар томонидан талон-тарож қилмаслигига, улардан шу замин манфаатлари йўлида фойдаланишга имкон беради.

Учинчидан, юқорида таъкидланганидек, Марказий Осиё минтақасига дунёнинг тараққий этган кўплаб давлатлари кўз тикиб турибди. Улар ўртасида минтақа устидан ўз назоратини ўрнатиш, бойликларига эгаллик қилишга нисбатан рақобат авж олмақда. Бу рақобатда ким ўз мақсадини амалга оширишидан қатъи назар, бунинг минтақа давлатларининг суверенитетига нисбатан хавфи ҳам кучаяди. Агар буни минтақа халқлари ҳозирдан англаб етмаса, эртага кеч бўлиши мумкин. Ана шу ташқи таҳдидларни бугунги авлод бар-тараф этмас экан, улар келгуси авлод тақдирида чуқурроқ асорат қолдиради. Бу ўта мураккаб, айни пайтда, сиёсий лидерлардан бошлаб шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаро англаб етиши зарур бўлган ҳақиқатдир. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, минтақадаги давлатларга ташқаридан кўрсатилаётган ҳар қандай “ёрдам” уларнинг тараққиётига маълум даражада хизмат қилади. Аммо ана шу ҳомийлик ёрдамлари замирида маълум манфаатлар яшири-ниб ётади. Яъни ҳар бир давлат бундан ўз манфаатини кўзлайди ва фаолиятини шунга қаратади. Шу маънода олганда минтақа мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги бугун ва истикболда ҳам уларнинг барқарор ривожланишидаги муҳим омил бўлиб қолаверади. Демак, ҳар қандай “ёрдам”га эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга тўғри келади. Ўз навбатида, минтақа давлатлари бир-бирига суяниб, кўмаклашиб фаолият юритишса, ташқи ёрдамларга эҳтиёж камаяди.

Тўртинчидан, минтақада бугунги кунда мавжуд бўлган экстремистик ҳаракатлар, турли диний оқимлар, одам савдоси, наркотик моддаларнинг кенг тарқалаётганлиги ҳам мазкур заминда яшаётган халқлар хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда. Бу таҳдидларни минтақадаги мамлакатлар ўзаро ҳамкорлигисиз енгиб бўлмайди.

Бешинчидан, минтақа улкан табиий ер ости ва ер усти ресурсларига эга. Уларни ўзлаштиришда техник ва амалий ёрдам, сармоя киритиш, мутахассислар тайёрлаш борасида ҳамкорлик барча мамлакатларнинг манфаатларига хизмат қилади. Шундай экан, энг аввало уларни асраб-авайлаш, минтақада яшаётган ҳар бир инсон манфаати йўлида самарали фойдалана олсак, шу заминда яшаётган халқларнинг фаровон ҳаёт кечириши таъминланади ҳамда минтақада бугун долзарблигини сақлаб қолаётган ишсизлик муаммосини ҳал қилиш имконияти туғилади.

Олтинчидан, аждоқларимиз асрлар мобайнида улкан моддий-маънавий бойликларни яратиш, бугунги авлодларга мерос қолдирган. Бугун жаҳонда “оммавий маънавият” кенг тарқалиб, халқлар ва миллатларни ўзлигидан бегоналаштириб бормоқда. Бу салбий ҳолат минтақамизга ҳам кириб келди. Глобаллашув таъсири минтақада яшаётган барча элатлар, миллатлар ҳамда халқлар ҳаётида намоён бўлмоқда. Минтақа халқлари мавжуд меросларни биргаликда асрашлари, уларни бугунги ёш авлод онги ва қалбига сингдириб, миллий-маънавият ва ахлоқий қадриятларни сақлаб қолиш орқали ёшларнинг миллий ўзлигидан бегоналашувининг олдини олиши мумкин. Бу минтақа мамлакатлари ва уларда яшаётган

барча миллатларнинг барқарор ривожланиши, дунё тамаддунини асрашда ўзга халқлар билан тенг иштирок этишга эришишга қафолат беради.

Еттинчидан, глобаллашув жараёнлари ҳақида дунёнинг кейинги тараққиёти билан боғлиқ илмий башоратлар ҳам кишини ўйлантириб, минтақавий ҳамкорликни объектив зарурият эканлигини англаб етишга туртки беради. Масалан, дунёнинг шаклланиш жараёни икки йўлдан бориши мумкинлиги ҳақида тадқиқотчилар башорат қилиб:

биринчиси, яхши бошқарилмайдиган, турли кучлар ўртасидаги келишмовчилик йўли, бу йўлдан бориш оқибатида инсониятни дунёвий ҳалокат кутади;

иккинчиси, янги дунёвий тузилмаларни шакллантира бориш орқали инкирозларни бошқариш, бу йўлдан бориш тараққиёт давомийлигини таъминлаш имконини беришини эътироф этишади¹. Демак, бундай натижаларга ўзаро ҳамкорлик орқалигина эришиш мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, халқлар, миллатларнинг ўзаро ҳамкорлиги объектив жараён, унга амал қилмаслик тараққиёт ва миллий манфаатларга мос келмайди. Бу омилнинг минтақамизда жойлашган давлатлар учун ўта муҳимлигини бугунги шитоб билан ўзгараётган замонда содир бўлаётган иқтисодий инкироз, ижтимоий-сиёсий беқарорлик, миллий-маънавий қашшоқлашув, миллатларнинг ўзлигидан бегоналашуви кучайганлигидан ҳам билиб олиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг: “Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг ҳамкорликка самимий интилиши ва умумий келажак учун маъсулиятни ҳис этиши минтақамизнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлигининг мустаҳкам қафолатидир,”² – дея таъкидлаши айни ҳақиқатдир. Зеро, глобаллашув шароитида Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни амалга оширишдан кўзланган зарурият, энг аввало, минтақада тинчлик ва барқарорликка раҳна солувчи, ўзида ёвуз ва бузғунчи ғояларни намоён этувчи экстремизм ва терроризм таҳдидларидан доимо огоҳ, хушёр ва сезгир бўлиш ва унга қарши курашда дахлдорлик ҳисси билан яшашни такоза этмоқда.

РЕЗЮМЕ

Мақолада минтақавий ҳамкорлик мураккаб жараён бўлиб, аввало унинг заруриятини асослаш, бунинг натижасида нималарга эриша олишни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этиши, шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги глобаллашув шароитида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш зарурияти таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье региональная сотрудничество является сложным процессом и с начало необходимо обосновать необходимости этого процесса. Из ходя этого в этом статье анализируется необходимость регионального сотрудничество в процессе глобализации.

SUMMARY

This article analyzes the belief that today's fast-growing partnerships in Central Asia provide the basis for further cooperation to achieve regional integration. The article also emphasizes the meaning of regional integration and the need for scientific analysis.

Наирга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

¹ Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. Под ред. М.М. Лебедевой. – М.: МОНФ, 2015. – С. 44.

² Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва кежаги фаравон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 347 б.

ЖАҲОН ЎҚУВ ЛУҒАТЧИЛИГИДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР УЧУН
ЯНГИ АВЛОД ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАСИ

Раҳматова З. Х. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *ўқув лугати, ўқув лугатчилиги, менинг биринчи лугатим, антропоцентрик лугат, оламнинг лисоний манзараси.*

Ключевые слова: *учебный словарь, учебная лексикография, мой первый словарь, антропоцентрический словарь, языковая картина мира.*

Keywords: *educational dictionary, educational lexicography, my first dictionary, anthropocentric dictionary, linguistic picture of the world.*

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ баркамол авлод тарбияси масаласи мамлакат раҳбари томонидан энг долзарб ижтимоий-сиёсий масалалар қатори кун тартибига олиб чиқилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам ўз фаолиятларининг дастлабки кунларидаёқ давлат аҳамиятига молик вазифалар қаторида ушбу масалага диққатларини қаратиб: “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, – дея таъкидладилар [1].

Шу боис, мамлакатимиз раҳбари 2017 йил 30 сентябрда “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолади ва ушбу ҳужжатга кўра, Ўзбекистонда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Президент Ш.Мирзиёев мазкур тарихий сана муносабати билан ўтказилган йиғилишда сўзлаган нутқида: “Келажакни ўйлаб, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол ёш авлодни тарбиялашни мақсад қилган ҳар қандай давлат ва жамият, энг аввало, замонавий таълим-тарбия тизимини шакллантириши керак. Бироқ мамлакатимизда йиллар давомида таълим-тарбиянинг энг муҳим бўғини – мактабгача таълим тизимига маблағ ажратишни энг охирги масала деб ҳисоблаб келингани сабабли ушбу тизим жуда оғир аҳволга тушиб қолгани бугун ҳеч кимга сир эмас”, – деб яқинга қадар узлуксиз таълимнинг бу бўғинига эътибор суёт бўлиб келганини тилга олдилар.

“Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонда илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш, оламни теран идрок қилиши учун шарт-шароитлар яратиш, миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирувчи ва болалиқдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар билан таъминлаш асосий вазифалар қаторида саналади.

Бугунги кунда оламнинг лисоний манзараси – борликни лисон асосида идрок қилиш замонавий тилшуносликнинг фундаментал масаласига айланган. Бу тилшуносликнинг психология, когнитология, педагогика, маданиятшунослик, социология, фалсафа, мантик фанлари билан ҳамкорлигининг чуқурлашуви ва замонавий ҳамкор фанларнинг (психоллингвистика, лингвокультурология, лингвокогнитология, социоллингвистика, когнитоллингвистика, лингвопедагогика, лингводидактика) оламнинг лисоний тасвири масаласини ўзларининг ўрганиш объекти ва предмети нуктаи назаридан турлича номлашларига олиб келди. Натижада “оламнинг лисоний манзараси” тушунчаси ёндашувларнинг ҳар хиллиги ва йўналиш ҳамда мактаблар концепцияларининг турли-туманлиги билан боғлиқ “оламнинг манзараси”, “оламнинг лисоний модели”, “оламнинг нутқий манзараси”, “оламнинг тасвири”, “оламнинг образи”, “оламнинг концептуал тасвири”, “оламнинг миллий образи”, “оламнинг лисоний матричаси”, “концептуал тизим”, “оламнинг этник манзараси”, “индивидуал когнитив тизим” каби ранг-баранг ном ва тушунчалар билан ассоциация ҳосил қилди.

“Олам манзараси” тушунчаси биринчи марта XVII асрда яшаб ўтган голланд файласуфи Спинозанинг “Қадимги яхудий тилининг грамматикаси” (“*Compendium Grammatices Linguae Hebraeae*”) асаридан учрайди. XVIII асрга келиб Жеймс Харрис ҳар бир тилда дунёнинг ўзига хос тасвири мавжуд эканлиги ҳақидаги қарашларини илгари сурди. Кейинчалик В.фон Гумбольдт, А.А. Потебня, Л. Вайсгербер, Л.Витгенштейн, В.Г. Наумов, А.Вежбицкая ва бошқаларнинг ишларида оламнинг лисоний манзараси масаласи турли даражаларда ёритиб берилди. Умуман, В.фон Гумбольдт даврдан тортиб бугунги кунга қадар “оламнинг лисоний манзараси” тушунчаси жаҳон тилшунослари ва психологлари томонидан кенг ўрганиб келинмоқда[2]. Ҳар бир инсон илк ёшларидан оламни, аввало, ўз она тили воситасида қабул қилади, тафаккурида акс эттиради. Ҳар бир тилда оламнинг умуминсоний лисоний манзарасини шакллантирувчи воситалар мавжуд бўлиб, улар бошқа бир тилда айнан такрорланмайди. Анна Вежбицкая “Япон маданияти сценарийлари: психология ва маданият “грамматикаси” асаридан: “Тилни тавсифлашни унинг луғати ва грамматикасини тавсифлашдан бошлаш керак. Маданиятни тавсифлаш муаммосига турлича ёндашиш мумкин, аммо менимча, уни ҳал қилишнинг энг самарали ва маъқул усулларида бири бу – лингвистик моделларга асосланган ҳолда маълум бир жамият учун муҳим бўлган маданий концептларни ўзида мужассам этган “калит сўзлар” ва мавжуд меъёрларга асосланган “маданият грамматикаси”ни тавсифлашдир”, деб ёзган эди[3]. Айни пайтда жаҳон лексикографиясида луғатларнинг оламнинг миллий лисоний манзарасини ўзида акс эттириши масалаларига қизиқиш ортиб бормоқда. Муайян миллат, унинг тили, маданияти, дини, тарихи, иқлими, турмуш тарзи, кадриятлари луғатда намоён бўлади. Демак, луғатда оламнинг миллий лисоний қиёфаси акс этади. Тил концептуал воқеликни ифодалашнинг энг муҳим воситаси, шу боис луғатларда оламнинг лисоний образини акс эттирадиган энг зарурий умумий тушунчалар қамраб олинади.

Ўзини қуршаб турган оламнинг миллий лисоний манзарасини тўла англаш ва у билан мулоқотга киришиш “тиллашиш” ҳаракати боланинг илк ёшларидан бошланади. Дунёнинг тараққий этган кўпгина давлатларида боланинг нутқий тараққиёти устида амалга оширилган аксарият тадқиқотлар психологлар (Л.С.Вьготский, Д.Б.Эльконин, А.Р.Лурия, А.В.Запорожец, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн), педагоглар (К.Д.Ушинский, Е.А.Флёрна, О.С.Ушакова, Е.И.Тихеева, О.И.Соловьева, А.М.Леушина, М.М.Кониная) томонидан олиб борилгани ҳолда, нутқ ўстириш воситаларини яратиш ишига тилшунослар, лексикологлар (Ф.А.Сохин, А.Н.Гвоздев, Л.А.Введенская ва б.) етакчилик қилганлиги кузатилади.

XIII асрдан инглиз тили аънаналари негизида Америка луғатчилиги ажралиб чиқа бошлайди [4]. Америкада ўқув лексикографияси дастлабки яратилган луғатлардан уларнинг ҳозирги замонавий кўринишларигача бир неча босқичда тараққий этганини кузатиш мумкин.

Ҳар қандай мамлакатда бола нутқига, умуман, тилга эътибор жамият тараққиётининг энг гурқираб ўсган даврига тўғри келади. Болалар учун яратилган ҳар қандай китоб, аввало, унинг нутқини ўстиришга қаратилган бўлади. Тарихан ёндашадиган бўлсак, ўқув лексикографияси тараққий этган кўпчилик давлатлар, хусусан, Буюк Британия, АҚШ, Германия, Франция, Испания, Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларда XX аср бошларидан нафақат айнан мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларини яратиш, балки уларни нашрга тайёрлаш, нашр этиш, оммалаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, китоб савдоси билан шуғулланадиган фирмалар учун тадбиркорлик объектига айланганини кузатиш мумкин. Биргина Буюк Британияда юқори сифатли ва катта тиражли нашрлари билан дунёга машҳур бўлган – “Collins”, “Macmillan”, “Longman”, “Harper”, “Oxford” каби нуфузли нашриётларнинг инглиз тилини инглиз тилида сўзлашувчи болалар, қолаверса, бошқа миллат болаларига илк ёшларидан тезкор ўргатиш учун хизмат қилувчи “Менинг биринчи луғатим”, (“My First Dictionary”), “Болалар луғати” (“Children’s dictionary”, “Learning dictionary”), “Болалар учун луғат” (“Dictionary for kids”) рукнлари остида сон-саноксиз ўқув луғатларини[5] нашрга тайёрлаш ва нашр этиш билан шуғулланиб келаётгани фикримизни далиллайди. Умуман, юқорида тилга олинган мамлакатлар-

нинг аксариятида болаларнинг интеллектуал ривожланиши учун хизмат қиладиган бундай компаниялар давлат томонидан кучли назоратга олинган. Ушбу компаниялар орасида ҳозирги вақтда ҳам болалар учун мўлжалланган луғатлар бизнесида кучли рақобат муҳити мавжуд. Масалан, уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз:

“Коллинс” (Collins) – 1819 йилда Буюк Британиянинг Глазго шаҳрида ташкил қилинган бўлиб, дастлаб христиан динига оид муқаддас китоблардаги маъноси тушунарсиз сўзлар изоҳига бағишланган луғатлар яратиш билан шуғулланган. Кейинчалик ўз камровини Шекспир асарлари, умуман, турли бадий асарлар асосида луғатлар чоп эта бошлаган. XX аср бошларидан нашриёт Австралия, Янги Зеландия, Шимолий Африка, Америкада филиалларини очиб, асосан, болалар учун луғат яратиш ва уларни чоп этиш билан шуғулланади. Бугунги кунда ушбу нашриёт халқаро мақомга эга бўлиб, дунёнинг кўпгина давлатларида ўз филиалларини очган.

“Макмиллан” (Macmillan Publishers Ltd) – 1843 йилда шотландиялик ака-ука Даниэл ва Александр Макмилланлар томонидан ташкил этилган, дунёнинг 80 дан ортиқ мамлақатида ўз филиалларига эга бўлган Англиядаги яна бир машҳур компания. Нашриёт инглиз тилини ўргатишга қаратилган юқори сифатли академик ва ўқув луғатлари билан танилган. “Macmillan”нинг биринчи офиси 1869 йилда АҚШда Ж.Бретт томонидан очилади. Компания 2001 йилда Россияда ўз тармоғини ташкил этган ва рус мактаблари учун ўқув адабиётлари нашр этишда етакчиликни қўлга олган.

“Мерриам-Вебстер” (Merriam-Webster) – Америкадаги болалар учун луғатлар ва маълумотномалар нашири билан шуғулланадиган халқаро компания. Компания Америка, умуман инглиз луғатчилиги тараққиётида муҳим ўрин тутган, Қўшма Штатларда номи “луғат” сўзининг маънодошига айланган таниқли тилшунос, лексикограф, педагог Ной Вэбстер номи билан боғлиқ. 1843 йил Вебстернинг ўлимидан сўнг унинг луғатларини нашр этадиган компанияга ака-ука Жорж ва Чарльз Мерриамлар ворислик қилишади. Улар илк иллюстрацияли (расмли) луғатларини нашрга чиқарадилар.

1996 йилда компания ўз луғатларидан онлайн фойдаланиш имконини берувчи биринчи веб-сайтини ишга туширади. 2007 йилда Merriam-Webster дунёда биринчи бўлиб янги авлод луғатлари – ёзма нутқ меъёрлари, тилнинг луғат бойлиги, синонимлар ҳақида маълумот олиш имкониятини берадиган мобил луғатни ишга туширганини эълон қилди.

“Дуден” (Duden) – Германиядаги 1880 йилда Конрад Дуденом томонидан асос солинган немис тилини ўргатиш учун хизмат қиладиган луғатлар нашири билан шуғулланадиган ноширлик уйи. 1880 йилдан 1996 йилгача нашр этилган 12-жилддан иборат ўқув муассасаларида немис тили меъёрларини ўқитиш учун хизмат қиладиган “Кичик Дуден” (Der kleine) ўқув луғати ва немис тилидаги турли изоҳли, имло, этимологик, грамматик, стилистик характердаги босма ва электрон луғатлари билан машҳур бўлган.

“Клевер” (Clever) – Россиядаги катта тиражли босма ва электрон луғатлари билан танилган халқаро болалар нашриёти. Дунёнинг бир қанча йирик давлатлари, жумладан, Қозоғистон, Ўзбекистонда ҳам ўз тармоқларига эга. Болалар учун мўлжалланган турли сериялардаги рангли, безакли луғатлари билан машҳур. Бугунги кунда компанияга тегишли луғатларни интернет магазинлар орқали харид қилиш, мобил вариантларидан онлайн фойдаланишда катта имкониятлар яратилган.

“Харпер” (Harper) – Нью-Йоркда жойлашган 1817 йилда ака-ука Жеймс ва Жон Харперлар томонидан асос солинган халқаро болалар нашриёти. XIX аср охирларида Harper номи АҚШда нашриёт ишларининг синонимига айланади. Компания луғатлар бизнеси бўйича Нью-Йорк фонд биржасида энг катта миқдордаги акцияга эга бўлган.

1989 йилда Harper нуфузли халқаро болалар нашриёти Collins компанияси акцияларини сотиб олади ва Harper&Collins бренди билан маҳсулотлар чиқара бошлайди. Дунёнинг бир қанча давлатларида ўз тармоқларини очган. “Harper&Collins Children’s Books” болалар учун бренди остида нашр этиладиган луғатлари дунё бўйлаб тарқалган.

Компания томонидан нашр этилган луғатлар каталоги 200 мингдан ортиқ, шундан 100 минггасидан электрон форматда фойдаланиш имкони берилган. Harper&Collins 120 та

китоб импринтига (бренд, товар ёрлиги) эга. Уларнинг аксарияти АҚШда жойлашган бўлиб, бир тилли ва икки тилли луғатлар нашрига ихтисослашган.

Собиқ шўро даврида, қолаверса, айна пайтда ҳам мактабгача ёшдаги болалар учун луғатлар яратиш ишлари бўйича Европа мамлакатлари ичида Россия нисбатан илгарилаб кетганини эътироф этса бўлади. Москвада сўнгги йилларда биргина машҳур халқаро болалар нашриёти “CLEVER” томонидан мактабгача ёшдаги болалар учун бир неча брендлар остида чоп этилган ўқув луғатларининг янги авлодлари фикримизни далиллайди. Хусусан, “Мой первый английский. First words”, “Удивительные энциклопедии”, “Энциклопедия в картинках”, “Твоя первая энциклопедия”, украинларда “Міні – підручник для дошкільнят” каби брендлар остида нашр этилган луғатларни том маънода ўқув луғатларининг янги авлоди деб баҳоласа бўлади.

Айна пайтда нафақат Европа, балки Марказий Осиёда ҳам мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш масаласи давлатнинг муҳим устувор ижтимоий-сиёсий масаласи каторида ҳал этилаётганини кузатиш мумкин. Марказий Осиё давлатлари ичида Қозоғистонда болалар нутқини ўстириш, умуман, қозоқ тилини ўргатишга эътибор юқори эканини алоҳида қайд этса бўлади. Мисол сифатида ижтимоий тармоқда ўз интернет магазинларига эга бўлган биргина “Ақылды балапан” ноёб интерфаол ўқув мажмуасига мансуб нутқ ўстириш воситаларини келтириш мумкин. Қозоғистон Республикаси Давлат таълим стандарти талабларига мос яратилган ушбу замонавий интерактив-инновацион нутқ ўстириш воситаларидан мактабгача таълим муассасалари, мини-центрлар, махсус мактабларда юқори даражада фойдаланилмоқда. Луғатлар замонавий ўқув луғатларига қўйилган талаблар даражасида тайёрланган бўлиб, электрон ва босма шакллари билан онлайн ишлаш имконияти мавжуд. Шунингдек, “Ең алғашқы сөздік” (Энг биринчи луғат), “Мама, қазақша сөйлеші” (Она, қозоқча сўзлаш) каби брендлар остида нашр қилинаётган сон-саноксиз нутқ ўстириш воситалари ҳам мактабгача ёшдаги болаларнинг интеллектуал ривожланиши учун муҳим манба ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳон ўқув лексикографияси амалиётида мактабгача ёшдаги болалар учун яратиладиган луғатларнинг махсус сериялари, рукнлари ҳам юзага келган бўлиб, уларни луғатчилик тараққий этган кўпгина тилларда учратиш мумкин. Мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган энг асосий нутқ воситаларидан бири “**Менинг биринчи луғатим**” сериясида яратилаётган луғатлардир. Дунё луғат хазинасида мавжуд бўлган “My first dictionary”, “Collins first school dictionary”, “Macmillian first school dictionary”, “Merriam Webster’s first dictionary”, “Scholastic children’s dictionary”, “Dictionary for kids”, “Kindle Edition”, “Vooculchacha”, “Ақылды балапан”, “Ең алғашқы сөздік” каби мактабгача ёшдаги болалар учун яратилган луғатларнинг аксарияти шу серияга мансуб луғатлардир.

Луғатчиликнинг тадрижий тараққиёти ҳақида гап кетар экан, кўп ўринларда таржима луғатлари – лингвистик луғатлар – қомусий луғатлар – таълимий (ўқув) луғатлар – электрон луғатлар кетма-кетлиги келтирилади. Жаҳон тилшунослигида луғатчилик тарихи юзасидан олиб борилган тадқиқотлар луғатларнинг илк кўринишлари таълимий мақсадларда яратилгани – илк луғат намуналари аслида мактаб учун яратилган ибтидоий ўқув қўлланмалари бўлгани, аниқроғи, ибтидоий мактабларда луғатлар дарслик вазифасини ўтаганини кўрсатмоқда.

Маълумки, Қадимги Шарқ дунёси Шимолий, Шимоли-Шарқий Африка, Олд Осиё, Эрон, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Корея ва Жанубий – Шарқий Осиё ҳамда булар орасидаги турли табиий муҳитга эга бўлган ҳудудларни ўз ичига олган улкан майдонни қамраб олиб [6], дунё цивилизациясида ўзига хос ўринга эга бўлган. Илк мактаблар, дастлабки ўқув қўлланма, дарсликлар, хусусан, антик мактаб дарсликлари вазифасини дастлабки луғатларнинг ватани ҳам Қадимги Шарқ мамлакатларидир. Аммо Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам, Европада ҳам илк ёзма адабиёт тарихи, асосан, луғатларга бориб тақалса-да, луғатчилик тарихи у қадар узокқа бормади. Манбаларда келтирилишича, амалий лексикография бундан 4 минг йил олдин глосслар, глоссарий ва вокабулярийлар кўринишида юзага келган [7]. Дастлабки луғат намуналари Шумер маданиятида (мил. авв.

XXV аср), Хитойда (мил. авв. XX аср), Қадимги Мисрда (мил. авв. XVIII аср), Японияда (мил.авв. VIII аср) ва бошқа мамлакатларда изоҳли луғат типиди иероглиф ёзувида яратилганининг гувоҳи бўлиш мумкин. II-III асрларга тегишли Ю.Поллуксининг “Ономастикон”и, санскритча “Амаракоша” луғати, Аристофан Византийскийнинг идеографик характердаги луғатлари фикримизни далиллайди [8].

Рус ўқув лексикографиясининг асосчиларидан бири П.Н.Денисов “Тарихий манбалар ўқув луғатларининг умумий луғатлардан олдин пайдо бўлганига гувоҳлик бермоқда. Хитой луғатчилиги анъаналарини ҳисобга олмаганда ҳажми ва вазифасига кўра умумийликка эга бўлган изоҳ тарзидаги луғатларнинг пайдо бўлиши Европада миллий тилларни шакллантириш даврига тўғри келади. Масалан, Курск Академиясининг итальянча луғати (1612), Россия академияси луғати (1789-1794) ва б.к. Таълимий мақсадда яратилган мазкур луғатларга грамматик топшириқлар, саволлар, машқларнинг илова қилиниши асрлар давомида уларга нисбатан бегона тилларни ўқитишга мўлжалланган қўлланма, дарслик сифатида қараб келинишига сабаб бўлди. Ўқув луғатлари табиий равишда ўзга тилларни ўқитишга аралашиб кетди, аслида уларнинг тарихий матнлар, грамматика билан тарихий алоқаси 40-45 асрлар олдинга бориб тақалади [9]”.

Лексикографияга тарихий-маданий нуқтаи назаридан ёндашув луғатларга турли давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий юксалиш давридаги “ижтимоий буюртма”си билан боғлиқ бўлганини кўрсатади. Аниқроғи луғатга эҳтиёж туғдирадиган маданий, ижтимоий, иқтисодий муҳитнинг пайдо бўлиши турли мамлакатларда турли даврларга тўғри келган.

Хўш, бизнинг мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари учун яратилган қандай ўқув адабиётлари мавжуд? Хусусан, боланинг айнан ўз она тилисидан луғат бойлигини ошириш, сўзни таниш, танлаш, ўринли қўллаш, тўғри талаффузга ўргатишга хизмат қилувчи муҳим восита – махсус ўқув луғатлари яратилганми? [10].

Бугунги кунда Ўзбекистонда жаҳоннинг кўпгина тараққий этган давлатлари тажрибаси асосида таълим олувчиларнинг ёши, дунёқараши, миллий қадриятлари, яшаш жойи ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда турли мавзувий ўқув луғатларини яратиш, уларни талаб даражасида нашр этилишини таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони.
2. Словарь культуры и языковая картина мира. <http://www.ahmerov.com/book>
3. Вежбицкая А. Понимание культур через посредство ключевых слов. – М.: Языки славянской культуры, 2001. – 288 с.
4. Лебедева С.В. Учебные словари различных типов в культурологическом аспекте (на материале британских справочников). Автореферат дисс. ...канд. филол. наук. – Иваново. 2005.
5. My First Dictionary. Ages 4-5 (Collins Easy Learning Preschool). Anderson Sandra, Ferguson Kerry, Gilmour Lorna. Harper Collins UK, 2014.; Collins First School Dictionary: Learn with words (Collins Primary Dictionaries) Paperback. 2018. Тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: <https://www.labyrinth.ru/books/> [https://www.sapnaonline.com/books/collins-first-dictionary.](https://www.sapnaonline.com/books/collins-first-dictionary)
6. Кабиров А. Қадимги шарқ тарихи. – Т., 2018. – 405 б.
7. Берков В.П. Вопросы двуязычной лексикографии: Словник. – Л., 1973. – С. 3.
8. Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб. Пособие. – М.: Наука: Флинта, 2008. – 432 с.
9. Денисов П.Н. Об универсальной структуре словарной статьи. В. кн.: Актуальные проблемы учебной лексикографии. Сост. В.А.Редкин. – М.: Русский язык, 1977. – 320 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада айни пайтда жаҳон ўқув лексикографиясида мактабгача ёшдаги болалар нутқини ўстириш воситаларини яратишнинг қай даражада аҳамиятга молик эканлиги ёритилади. Шунингдек, ривожланган давлатларда яратилаётган янги авлод ўқув луғатлари таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье также подчеркивается важность создания своеобразные особенности развития речи у дошкольников в мире образовательной лексикографии. Также анализируется новое поколение образовательных словарей, создаваемых в развитых странах.

SUMMARY

Different dictionaries have been created for the children of preschool age during the progress of world lexicography. In this article it is spoken about the investigations that they have been leading in the sphere of Uzbek linguistics.

Наширға доц. Б.Бахриддинова тавсия этган

МЕТАФОРНИ ТАСНИФИЙ ЎРГАНИШ АСОСЛАРИ

Суярова Н.Ю. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *метафора, сифат метафоралар, атрибутив метафора, лисоний (статик) метафоралар, нутқий (динамик) метафоралар.*

Ключевые слова: *метафоры, качественные метафоры, атрибутивные метафоры, лингвистические (статические) метафоры, речевые (динамические) метафоры.*

Keywords: *metaphors, quality metaphors, attribute metaphors, linguistic (static) metaphors, speech (dynamic) metaphors.*

Бугунги кунда метафорани таснифий ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Дунё тилшунослигида уни мавзувий ўрганиш, услубий типларини аниқлаш, грамматик разрядларини ажратиш борасидаги ишлар алоҳида эътиборга молик. Бу масалада ўзбек тилшунослигида ҳам арзигулик ишлар амалга оширилмоқдаки [2,85], уларни шаклланаётган лингвокультурология, лингвокогнитология, структур семантика каби йўналишларнинг ютуқлари сифатида эътироф этмоқ лозим. Бироқ метафоранинг грамматик разрядлари масаласида ўзбек тилшунослигида олиб борилаётган тадқиқотлар етарли эмас. Шу боисдан дарслик ва қўлланмаларда метафора ҳодисасининг таълимига доир мавзулар доирасида асосан от ва сифат метафоралар берилаётганлиги, бошқа туркум доирасидаги метафоралар, унинг грамматик тадқиқи амалга оширилмаганлиги ва бу борада лингвистик база шаклланмаганлиги сабабли, четлаб ўтилаётганлигининг гувоҳимиз.

Сифат метафоралар концептуал метафоралар тизимида концепт (предмет/ходиса) нинг нофаол белгисини ифодалайди ва унинг шаклланиш сценарийси замирида қиёслаш ва ўхшатиш ётади.

Белгини англатувчи метафораларни тавсифий метафоралар ҳам дейиш мумкин. Шу билан бирга, номлаш ва ажратиш вазифалари бундай метафораларда яхлитланади. Предмет/ходисани англатувчи метафоралар субстанциал метафоралар бўлса, белги англатувчи метафораларни атрибутив метафоралар деса бўлади. Атрибутив метафора мазмун мундарижаси мувофиқ келадиган субстанциал метафора билан, одатда, параллел равишда намоён бўлади. Бу диалектиканинг атрибутдан холи субстанциянинг, субстанциядан холи атрибутнинг мавжуд бўлмаслиги ҳақидаги аксиоматик характерли методологик асос билан далилланиши мумкин.

Лисон ва нутққа муносабати жиҳатидан сифат метафораларни икки гуруҳга ажратамиз:

– лисоний (статик) метафоралар;

– нутқий (динамик) метафоралар.

Лисоний (статик) метафора ижтимоийлашган метафора, уларнинг узвал моҳият касб этганлиги, изоҳли луғатларда махсус пометалар билан берилганлиги, кўп ўринларда *қўчма* белгисидан холи ҳолда тавсифланиши кабиларни фикримизга далил қилиб келтиришимиз мумкин.

Нутқий (динамик) метафора турғунлашмаган ва ижтимоийлашмаган, вужудга келишидан жараён билан боғланган, бунда унинг ҳосил қилиниши ва қўлланиши фақат якка индивид билан боғлиқ, статиклашмаганлиги эса асосий белгиловчи хусусияти.

Нутқий метафора – муаллиф нутқини индивидуаллаштирувчи муҳим воситалардан. Белги англатувчи метафорани семантик таҳлил қилиш борлиқнинг лисоний картинасига қуйидагилар асосида баҳо беришга имкон яратади:

- ҳосила семемадан семантик силжишни аниқлаш;
- валентлик ўзгариши ва воқеланишларини муайянлаштириш;
- сўзловчининг кайфиятини англаш;
- муаллифнинг интенциясини уқиш;
- тилдаги руҳиятни ҳис этиш ва б.

Метафора нутққа кирар экан, иккита вазифани бажаришга йўналтирилади:

- 1) матн ҳосил қилиш ва яхлитлаштиришда қатнашади;
- 2) матннинг таъсир кучини оширади.

Асос маъноси “предмет” бўлган лексемалар ҳам кўчма маънода қўлланиб, белги англатишга ўтиши мумкин. Бунда белги англатиш лисонийлашган бўлиши ҳам, нуткий даражада қолган бўлиши ҳам мумкин. “Предмет” маъносини англатувчи сўзнинг “белги” маъносини ҳам ифодалаш туркий тилларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Тадқиқотчи Нилуфар Ширинова таъкидича, тилнинг борлик–тафаккур алоқасини ўзига хос система сифатида акс эттиришига қарамай, борликдаги “предметлик” ва “белги-хусусият” қоришмаси тилда ҳам намоён бўлади; тилда “предметлик” ва “белги-хусусият” маъноларини алоҳида-алоҳида ифодаловчи воситалар ҳам, уларни қоришиқ ҳолда ифодаловчи воситалар ҳам, бир вақтнинг ўзиде гоҳ унисини, гоҳ бунисини кучайтирувчи воситалар ҳам мавжуд [3,38].

Метафорик маъно, унинг эмоционал-экспрессив вазифаси, баҳолаш қийматини метафоризациялашмаган маънодан айрича талқин қилиб бўлмайди. Хуллас, бундай маъно гарчи зотан, табиатан метафорик бўлса-да, айна дамда метафорик маъно сифатида баҳоланиши мақсадга мувофиқ эмас. Метафорик маънонинг ўз хусусиятини йўқотиши ва етакчилашуви босқичларини қуйидагича тизимлаштириш мумкин:

- асос маънонинг пассивлашиши;
- ҳосила маънонинг фаоллашуви;
- асос маънонинг сўниши;
- ҳосила маънонинг асосийлашуви.

Метафорик маънонинг асосий маъно мақомига эга бўлиши унинг метафорик эмоционалликдан маҳрум бўлиши эвазига юз беради [1,124].

Метафорик маънода валентлик ўзгаришининг семантик асоси. Валентлик синтактик алоқа, эркин нуткий бирикувчилар сифатида намоён бўлар экан, бу семантикадаги ўзгаришлар асосида кечади. Лексема семемасидаги сифатий ёки микдорий ўзгаришлар бирикувчилар сони ва сифатини ҳам ўзгартириб юборади. Айрим мисоллар келтирамиз.

Ўзбек тилида *бўш* сўзининг бош маъноси “физик жиҳатдан қаттиқ таъсир этмайдиган хусусиятга эга” маъноси ҳозирги кунда ҳам етакчи, асосий маъно. Бу маъносида у фақат предмет маъноли сўзлар билан бирикувлар ҳосил қилади: *бўш ер*, *бўш ёғоч каби*. Бўш одам бирикмасида ҳам бу валентликнинг сон жиҳатдан ўзгармаганлиги, сифат жиҳатдан янгиланганлигини кўрамиз. Ҳолбуки, у бу бирикувда ҳам биологик, ҳам психологик сифатларни намоён қила олади ва икки маъноли ҳисобланади: “жисмоний жиҳатдан хом”; “фёъл-атвори қатъиятли бўлмаган”: тез нобуд бўладиган: 1. *Бу-ку мол, териси қалин; жони бўш қўй, эчкиларимиз ҳам чўп тишлаб, тупроқ ялаб, қишни ҳавода ўтказишди* (“Мустум”); 2. *Бу орада Викторга ўхшаган жони бўшлар эса қуён бўлишди* (Ш.Ғуломов, Чўл бетида). 3. *Хотин кишининг кўнгли бўш бўлади, ичида сир ётмайди, деб қўрққан эди* (С.Аҳмад, Уфқ). *У анча ишонувчан, итоатсўй, кўнгли бўш қизга ўхшайди.* (“Ёшлик”). Шу метафорик маъно асосида ибора ҳам шаклланади: 1. *Унинг оғзи бўш, сир айтиб бўлмайди унга.* 2. *Катталарнинг кўзи менинг чумчуқдай ўғлимга, яна бир қанча оғзи бўш камбағалларга тикилибди* (Ойбек, Танланган асарлар).

Лексема метафорик қўлланишда ҳаракатнинг тарзини билдириши мумкин ва бунда унинг валентлиги ҳам сифат, ҳам микдор жиҳатидан ўзгаради. Мисоллар: 1. *Сухсур деган қуш бўлар, Тортсам, пати бўш бўлар* (“Оқ олма, қизил олма”) 2. *Унинг бир қисм гўзаси сувдан қолиб, қатқалоқ босган экан, юзига солиб: –Ўзингиз хўб пишиқ деҳқонсиз-ку, одамларга бўш қарабсиз-да.. – деб ёмон изза қилди* (Х.Назир, Маёқ сари). 3. *Сан бўш хаёл қилма, Ман ҳеч бир вақт сандан ажралмам* (Ҳамза). Унинг бу валентлиги асосида қўшма феъллар ҳам шаклланади: 1. *Қурашда қайтади деб ўйлайсанми, ахир, биз ҳали бўш келадиган йигит-*

лардан эмасмиз (М.Қориев, Ойдин кечалар) 2. Лекин энди Тўрткўз ҳам бўш келмади (С.Анорбоев, Ҳамсухбатлар). 3. Одатда офтоб билан ошно киши унча-мунча касалликларга бўш келмайди.

Феъл билан тобе-ҳоқимлик муносабатига киришганда бўш лексемасининг фақат метафорик маъносига “белги” семаси “предмет/ходисанинг” эмас, балки “ҳаракатнинг” семаси билан ҳамкорлик қилади.

Қаттиқ белги сифати ҳам ўз ва кўчма маъноларда қўлланиб, от билан ҳоқим-тобелик муносабатига киришганда ўз ва кўчма маъноларда, феълга тобеланганда эса фақат метафорик кўчма маъноси намоён бўлади. От билан боғланишидаги бош маъноси воқеланишига мисоллар:

1. Қаттиқ жисмнинг кристалл панжарасида атом ёки ион бўлмаган бўш тугунлар ҳосил бўлади (“Политехника луғати”). 2. Вольфрам – юқори ҳароратда эрийдиган, оғир, жуда қаттиқ оч кулранг металл, Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент.

3. Вольфрам нўлатларни легирлашда, ейлишига чидамли ва иссиқбардош қаттиқ қотишмалар олишида кенг қўлланади (“Политехника луғати”). 4. Мол гўштида эса бирлашма тўқима кўп ва дағал бўлгани учун қаттиқ ва ҳазм бўлиши қийин (Н.Исмоилов, Касалларни парвариш қилиш).

5. Далабон қаттиқ тирикдан беш-олти метр оламан, деди Хўжараҳмон (А.Убайдуллаев, Ҳаёт оқими). Берилган мисолларнинг барчасида қаттиқ лексемаси қотмоқ феълнинг деривати сифатида физик хоссани билдиради. “Ташқи физик таъсирга чидамлилиқ” қўлланган сўзларнинг барчасининг умумий моҳиятини ифодалайди. Бироқ, мисолларга эътибор қилинса, 5-гапта қўлланган қаттиқ сўзининг маъноси бирикувчининг хусусияти билан боғлиқ равишда бошқача англашилади. Зеро, газмолнинг қаттиқлиги металлнинг қаттиқлигидан фарқланади. Газмол металл, тош, қотишмалар каби “эгилмас-букилмас” даражада “қаттиқ эмас”. Бунда қаттиқлик “физик чидамлилиқ” мазмунида намоён бўлган. Худди шу маъно “қаттиқ” лексемасининг бош ва метафорик кўчма маъно оралиғидаги бўғиндир. Шу нуктада микдорий ўзгаришлар сифат ўзгаришига ўтади.

Айтилганлардан маълум бўладиги, метафоризация, аввало, инсон ва тил, тил ва борлиқ, борлиқ ва борлиқ диалектикасининг намоён бўлишидир. Бу алоқадорлик объектив равишда мавжуд бўлиши ҳам, инсониятнинг миллий нигоҳи асосида субъектив тусда намоён қилиниши ҳам мумкин. Бу алоқадорлик предмет ва белги, белги ва предмет, предмет ва предмет, белги ва белги алоқадорлиги кўринишида намоён бўлиб, “белги” маъносини ифодаловчи бирликларнинг метафорик белги ифодалашини, “предмет” маъноли бирликларнинг метафорик “белги” ифодалашини турларида ҳам воқеланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Клобуков П.Е. Метафора как концептуальная модель формирования языка эмоций // Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей / Ред. В.В. Красных, А. И. Изотов. – М.: Филология, 1997. Вып. 2. – 124 с.

2. Хўжамқулов А. Ўзбек тилида метафоранинг таснифланишига доир. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20-йиллигига бағишлаб чикарилган илмий мақолалар тўплами. Лингвист. 2-китоб. – Т.: Академнашр, 2011. – Б. 85.

3. Ширинова Н.А. Ўзбек тилида белги-хусусият ва предметлик маъноларининг фарқланишида градуонимик қаторлар. – Тошкент, 2010. – 38 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада метафора ва унинг шаклланиш тарихи, метафорани таснифий ўрганиш ва уни тадқиқ этиш масаласи ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются история метафоры и ее формирование, классификация метафоры и вопрос ее изучения.

SUMMARY

The article discusses the history of metaphor and its formation, the classification of metaphor and the question of its study.

Нашрга доц. Б.Баҳриддинова тавсия этган

“ДЕВОНИ МИРЗО” ДА ҚЎЛЛАНГАН СИНОНИМЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жумаева К.Т. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: синоним, абсолют синоним, синонимик қатор, лисон, нутқ, термин, тилшунослик, сема, идеографик сема, морфема, дихотомия.

Ключевые слова: синоним, абсолютный синоним, синонимический ряд, язык, речь, термин, лингвистика, сема, идеографическая сема, морфема, дихотомия.

Keywords: *synonym, absolute synonym, synonymic series, language, speech, term, linguistics, seme, ideographic seme, morpheme, dichotomy.*

Тилшунослигимизда синоним бирликларга берилган таърифни икки гуруҳга бўлиш мумкин: тилшуносликнинг фаҳмий босқичида синонимияга муносабат ва тилшуносликнинг идрокий босқичида синонимияга муносабат. Фаҳмий ёндашувда лисон ва нутқ изчил фарқланмаганлиги, шунингдек, бирликларнинг семантик таркиби тизимли таҳлил этилмаганлиги сабабли уларда синонимларга берилган таърифлар ўз замонаси талаблари даражасида эди. Анъанавий тилшуносликда синонимларга “шакли ҳар хил, маъноси бир хил ёки бир-бирига яқин бирликлар” деб берилиши тилшунослигимиз учун илк таъриф бўлиб, бу таъриф таълимнинг ҳамма бўғинлари учун трафарет бўлиб келди. Ўтган асрнинг ўрталарига келиб бундан ўзгачароқ, нисбатан моҳиятга яқинроқ берилган таърифлар пайдо бўла бошлади. Масалан, А.Ҳожиевнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати”да: “Синонимлар (*грек.* *synonymos* – бир номли) денотатив маъноси бир хил, коннотатив маъноси (қўшимча маъно оттенкаси, стилистик бўёғи) ва бошқа хусусиятлари фарқли сўзлар. Масалан, *одат, расм, удум, таомил, урф, анъана* синонимлари бир хил маънога эга бўлиш билан бирга, турли жиҳатдан ўзига хосликларга эга,” дейилган.¹ Ундан кейин юзага келган таърифлар моҳиятни анча тўлиқ ифодаласа ҳам оммалашиб кетмади. Бунга сабаб лексема семемасининг семалари ҳақидаги тушунчалар ҳали тилшунослигимизга кириб келмаган эди. Машҳур тилшунос олим Ш.Раҳматуллаев бу борада бир қадам олдинга кеганлигини унинг 2006 йил “Университет” нашриётида чоп этилган “Ҳозирги адабий ўзбек тили” дарслигидаги таърифда кўриш мумкин: “Идеографик семалари тенг, бир ёки бир неча жихати ўзаро фарқли лексемалар лексик синонимлар дейилади. Масалан, *ялқов, дангаса* лексемалари ҳозирги ўзбек адабий тилида айна бир идеографик семалар йиғимига эга, айна бир лексик маънони (меҳнат қилишни ёқтирмайдиган) англатади ва айрим белги-хусусияти билан фарқланиб туради, шунга кўра бу лексемалар ўзаро синоним дейилади.”² Шунингдек, Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев, М.Қурбонова ва бошқа муаллифларнинг 2005 йилда “Университет” нашриётида чоп қилинган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида: “Синоним лексемалар семемаларидаги аташ ва вазифа семалари айнан бир хил, ифода семалари фарқланади” деган таъриф дастлабки формал-функционал ёндашув асосидаги синонимларнинг моҳиятини тўғри ёритувчи таъриф эди.³ Бу дарсликларга киритилган, унда аслида “Ўзбек тили систем лексикологияси асослари” ўқув қўлланмасидаги фикрларга таянилган эди.⁴

Таъкидланганидек, синонимлар тилшуносликда кенг ўрганилган бўлишига қарамай, мунозарали масалалар кўп. Айтиш мумкинки, синонимлар таърифи, классификацияси, синонимик қатор ва синонимияга хос бошқа хусусиятлар нафақат туркологияда, балки тилшуносликдаги энг ўткир муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, абсолют, идео-график ва стилистик синонимларнинг синонимиядаги ўрнини ҳанузгача чегаралаб бўлмайд-ди. Бир қатор олимлар тилда умуман абсолют синонимлар йўқ дейишса, айрим тадқиқот-чилар

¹ Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – Б. 75.

² Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Т.: Университет, 2006. – Б. 73.

³ Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Қурбонова М. ва бошқ. Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Т.: Университет, 2005. – Б. 120.

⁴ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари: олий ўқув юрти талабалари учун қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 78-114.

"... тилда абсолют синонимларнинг мавжудлиги – объектив ҳодисадир" деб қарамокдалар.¹ Бироқ бундай муаммоларни бартараф этишда масалага қайси жиҳатдан ёндашишни белгилаш лозимдир. Чунончи, аввало тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлаш орқали аниқ хулосаларга келиш мумкин.

Бу масалага муайян асар тилига – “Девони Мирзо” асарида қўлланган синонимларга муурожаат қилиб кўрайлик: *сулувсоз* – *дилбар* синонимик қаторига тил элементи сифатида ёндашсак, улардаги "мутлақ тенглик" маъноси бўлмаслигига амин бўламиз.

*Бекаси зор қолғимиз фурқатингизда ул сифат,
Дард-аламдин ўзга йўқ ёр ила гамгусоримиз (16-варақ, 2-бет).*

*Дилбарининг нозиға кўзу кўнгулда ер бериб,
Ҳасратида кўздин уйқунинг гамға орзимас (17-варақ, 2-бет).*

*Тавсиф қилманглар манга даҳр жафосини дилбардин,
Бордурур манга ул кирпики ўқ, сарвқад дилдор бас (17-варақ 2-бет).*

Чунки тилда тенг маъноли морфемалар бўлиши мумкин эмас. Қисман бўлса-да, мавжуд бўлган фарқлар шундай лексемаларнинг тилда яшашига имкон беради. Келтирилган мисолларга нутқ элементи сифатида қараладиган бўлса, (ушбу ўринда Мирзо нутқи) унда *сулувсоз* – *дилбар* синонимияси тенг қўллана олади ва бир-бирининг ўрнини алмаштирганда маъно бузилмайди. Худди мана шундай тенг қўллаш уларни тенг маъноли сўзлар сифатида (тўлиқ синонимлар ёки сўз-дублет) таърифлаш имконини беради. Албатта, бизнинг кузатишларимиз бундай йирик, баҳсли масалани очиб бера олмайди. Чунки бу мунозара алоҳида тадқиқот мавзудир. Иккинчидан, шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, тил-нутқ дихотомиясида) *сулувсоз* ва *дилбар* сўзлари турли хил ўрин олади, *сулувсоз* туркий, сўз асл сифатида маълум бир ЛМГ курилиши (структураси)дан ўрин олса, (яъни тил бирлиги бўлса), *дилбар* унинг куршовини, нутқ бирлигини ташкил этади.

"Девони Мирзо" даги синонимларни белгилашда сўзлараро маъноларнинг ўзаро мос келишига, сўзлар айна бир денотатни (предметни) аташи ёки атамаслигига таянилди. Шу билан бирга, сўзларнинг матндаги аниқ маънолари ҳам эътиборга олинди. Чунки академик А.Ҳожиев таъкидлаганидек, "... икки ёки ундан ортиқ сўзнинг синонимлигини белгилашда маънога асосланиш тўғри йўлдир."²

Асардаги синонимларни кузатиш шуни кўрсатадики, синоним сўзларнинг асосий қисмини тенг маъноли сўзлар – тўлиқ синонимлар (сўз дублетлар ёки абсолют синонимлар ташкил қилади. Бунинг сабаби шундаки, Мирзо турли туркий шеваларнинг материалларидан, Алишер Навоий асос солган эски ўзбек адабий тили материалларидан кенг фойдаланиш билан чегараланиб қолмасдан, эски ўзбек адабий тилида мавжуд бўлган аънаналаридан ҳам, араб ва форс тили унсурларидан ҳам, ўз замонасининг фарзанди сифатида янги ўзбек тили далилларидан ҳам кенг фойдаланган. Натижада асар тилида синонимик қаторлар сони анча тараққий этган.

Асар тилидаги синонимларни келиб чиқиш манбаига кўра бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) арабча – туркий сўзлар синонимик қатори:
а. *гулузор* – *сулувсоз*:

*Гулузорим қоматингга сарви бўстоним фидо,
Хушкаломингга қилди пайдо ва ниҳоним фидо (3-варақ, 2-бет).*

*Солур бўйнига тавқи қуллуқингни сарви қамардек,
Равон қадингни ногаҳ айлар эрсанг сулувсоз, эй шўх (10-варақ 1-бет). (21)*

¹ Бафоев Б.. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 112.

² Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1974. – Б. 14.

II) форс-тожикча – туркий сўзлар синонимик занжири:

а) ёш (13;2) - ашк, (19;2); тупрақ (12;1) – хок (44;1); қариндаш (24;2) – хеш (15;1).

*Ҳажринг аро етмай оқар Мирзо кўзидин **ашки** хун,
Ул сайлга таскин ўтур васлинг била эъжоз этиб (4-варақ, 2-бет).*

*Ҳолима назар қилмай, он пари тағофил кард,
Кўз **ёшим** оқиб ҳар ён як азими туфон шуд (11-варақ, 2-бет).*

б) юз – чехра18 (18;2), қаро – сиёҳ (7;1).

*Меҳрдек юз бирла гулимни мунаввар қилмаса,
Ҳажр шоми толеъ ўлган моҳи анвардин не суд (12-варақ 2-бет).*

*Куйи ичра **чехраи** олий намудор ўлмаса,
Даҳр богида очилган дурри аҳмардин не суд (11-варақ 2-бет).*

*Кўнглимиз ичра солғали зулфи **сиёҳингиз** кўра,
Доғи аён ўлуб қаро айлади рўзгоримиз (16-варақ, 2-бет)*

*Кўнглимиз ичра солғали зулфи **сиёҳингиз** кўра,
Доғи аён ўлуб **қаро** айлади рўзгоримиз 12-варақ, 2-бет). (38)*

Демак, “Девони Мирзо”да муаллиф синонимларни катта истеъдод билан ишлатади. Чунки маънодош сўзларни назм талаби билан ўзига хос стилистик маҳорат билан қўллаш шеърнинг ифода имкониятларини кенгайтириб, сўзнинг серкирра жилоларини нутқий воқелантириш учун асосий омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – 124 б.
2. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Т.: Университет, 2006. – 302 б.
3. Сайфуллаева Р., Менглиев Б. Қурбонова М.ва бошқ. Ҳозирги адабий ўзбек тили. –Т.: Университет, 2005. – 354 б.
4. Неъматов Ҳ. Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари: олий ўқув юрти талабалари учун қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.
5. Бафоев Б.. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 158 б.
6. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1974. – 326 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада “Девони Мирзо” асаарида қўлланган синонимларнинг ўзига хос хусусиятлари тасниф этилган, шунингдек, янги ўзбек тили даврида сўзларнинг семантик муносабатлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье классифицируются особенности синонимов, использованных в произведении «Девони Мирзо», а также рассматриваются семантические отношения слов в период нового узбекского языка.

SUMMARY

The article classifies the features of synonyms used in the production of "Devoni Mirzo", and also considers the semantic relations of words in the period of the new Uzbek language.

Наширға доц. Б.Бахриддинова тавсия этган

**БЎЛГУСИ МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МАВЗУНИНГ ЎҚУВ
МАТЕРИАЛИНИ МАНТИҚИЙ-МАТЕМАТИК ТАҲЛИЛИНИ БАЖАРИШГА
ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ**

Жўраева М.Н. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *математик тушунча, таъриф, теорема, математик масала, мантиқий-математик таҳлил, методика.*

Ключевые слова: *математическое понятие, определение, теорема, математическая задача, логико-математический анализ, методика.*

Keywords: *mathematical concept, definition, theorem, mathematical problem, logical and mathematical analysis, methodology.*

Республикамызда сўнгги йилларда фан ва таълимни ривожлантириш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинди [1,2]. Бу қарорларда таълим тизимининг барча босқичларида фанларни, хусусан математикани ўқитиш сифатини янги босқичга кўтариш, эгалланган билим, кўникма ва малакалар, компетенцияларни баҳолашнинг замонавий шакл, воситаларини қўллаш бўйича аниқ вазифа ва топшириқлар белгилаб берилган.

Математика фанини ўқитиш сифатини ошириш методик таъминот билан бир қаторда математика ўқитувчисининг методик тайёргарлигига бевосита боғлиқ. Математика ўқитувчиси ўз амалиётида касбий фаолиятнинг ҳар хил турларини бажаришга тўғри келади. Бундай фаолият турларидан бири мактаб математика курси мавзусининг ўқув материални мантиқий-дидактик таҳлилни бажаришдан иборат. Агар мавзунинг таҳлили бажарилмаса, у ҳолда кейинги ишларнинг самараси паст бўлади. Чунки мазмунни таҳлил қилмасдан дарс режасини ишлаб чиқиш, ўқитиш воситаларини танлаш мумкин эмас. Бу ҳақида математика ўқитиш методикаси фани бўйича ёзилган ўзбек тилидаги адабиётларда [3,8] ёзилган бўлса ҳам, айнан мавзунинг мантиқий-дидактик таҳлили ҳақида, уни бажариш бўйича маълумотлар келтирилмаган, Шу фаннинг ўқув дастурида [6] аниқ ёзиб кўрсатилмаган. Шу сабабли математика ўқитувчиларини, талабаларни мавзунинг мантиқий-дидактик таҳлили, уни ташкил этувчи асосий компоненталари ҳақидаги маълумотлар билан таништириш, мантиқий-дидактик таҳлилни бажариш бўйича кўрсатмалар, тавсиялар билан таништириш муҳим методик масала ҳисобланади. Ушбу мақолада [4,5] адабиётларга асосланган ҳолда 6-синф дарслигининг [7] “Сонларнинг 10 га, 5 га ва 2 га бўлиниш белгилари” мавзусидаги математик масалаларни мантиқий математик таҳлили билан таништирамиз.

Дастлаб асосий тушунчалар ҳақида маълумот берамиз.

Мавзунинг мантиқий-дидактик таҳлили – бу шартли равишда учта (мақсад қўйиш; мантиқий-математик таҳлил; методик таҳлил) блокга бирлаштирилган ҳаракатлар кетма-кетлиги.

Ўқув материали мазмунида иккита йирик блок ажратилади: 1) назарий материал; 2) математик масалалар.

Математик материал қуйидагилардан ташкил топган: а) математик тушунчалар ва уларнинг таърифлари; б) тасдиқлар (теорема-хоссалар; теорема-аломатлар; леммалар; натижалар; мавжудлик ва ягоналик теоремалари); в) алгоритмлар (қоидалар; формулалар); г) математик методлар (аксиоматик; координаталар; вектор; тенгламалар ва тенгсизликлар ва бошқ.).

Математик масалаларни ўқув жараёнида фойдаланишига кўра катта икки гуруҳга ажратишади. Биринчи гуруҳга математикани ўқитишда восита сифатида фойдаланиладиган масалалар киритилади. Улар тушунчаларни шакллантиришда, ўрганилган тасдиқларни бевосита фойдаланишни ўргатишда, алгоритмларни мустаҳкамлашга, математик методларни тушунтириш ва бевосита татбиқ этишда фойдаланилади.

Иккинчи гуруҳга мактаб даражасида ўқувчиларнинг математик фаолиятини ташкиллаштириш мумкин бўлган масалалар киради. Ўқувчиларнинг математик фаолияти қуйидагилардан иборат: масалани қўйиш ва уни қабул қилиш; ечимни излашни ташкиллаштириш (масала шартини таҳлил қилиш; маълум математик фактлар ва масала шартини қарама-қарши қўйиш, ечиш стратегиясини ишлаб чиқиш; масалани ечиш режасини тузиш) ечиш режасини амалга ошириш; ечиш натижаларини танқидий англаш ва бошқ [5].

Ўқув материални юқоридаги каби талқин қилиш дарсликнинг ихтиёрий бўлимида математик тушунчаларни ва уларнинг таърифларини, тушунчага келтирилаётган объектларни, уларнинг мантиқий тузилишини ва уларнинг келиб чиқиш генезисини таҳлил қилишга имкон беради. Худди шунингдек, теорема ва алгоритмларни ўрганишга ҳам ёндашиш мумкин.

Мавзунинг мантиқий-математик таҳлили деганда унинг қуйидаги компененталарининг таҳлилинини тушунамиз [5]:

- 1) тушунчалар ва уларнинг таърифларининг мантиқий-математик таҳлили;
- 2) тасдиқларнинг (аксиомалар, теоремалар, хоссалар, аломатлар ва бошқ.,) ҳамда теорема ва унинг исботи билан ишлашнинг умумий усулларининг мантиқий-математик таҳлили;

- 3) алгоритмлар (қоидаларнинг) мантиқий математик таҳлили;

- 4) математик масалаларни классификациялаш ва уларни систематизациялаш.

Одатда тушунчалар ва уларнинг таърифларининг мантиқий математик таҳлили деганда қуйидагилар назарда тутилади:

1. Таъриф тузилишининг (структураси) мантиқий математик таҳлили атамани (термин), яқин жинсни, жинс-тур фарқларни ва муҳим хоссаларнинг мантиқий алоқаларини ажратиш; турли кўринишдаги таърифлар структураларининг мантиқий таҳлили (объект таърифидаги ҳар бир сўзнинг мантиқий ва мазмун вазифаларини ажратиш, таърифдаги ортикча сўзларни излаб топиш ва бошқ.)

2. Конкрет математик объектларни тушунча таърифига келтириш бўйича харақталарни бажариш:

- 2.1. Таърифдаги барча муҳим хоссаларни ажратиб олиш;

- 2.2. Жинс ва тур фарқлари орасида мантиқий алоқани ўрнатиш;

- 2.3. Таърифга келтирилаётган объектда ажратилган муҳим хоссаларнинг мавжудлигини текшириш;

- 2.4. Объектнинг таърифда тайинланган тушунчалар синфига тегишли эканлиги ҳақида хулоса чиқариш.

3. Таъриф берилган объектлар синфига тегишлилик фактидан натижалар чиқариш;

4. Объект таърифини унга эквивалент таъриф билан алмаштириш; баъзида бу харақат таърифни қайта баён қилиш деб айтилади. Битта объектга берилган турли таърифларни таққослаш (қиёслаш).

5. Таърифда айтилган объектга аниқ мисол келтириш;

6. Келтирилган “таърифлардаги” мантиқий ва мазмун хатоларни топиш.

Тасдиқларнинг мантиқий математик таҳлили қуйидагилардан таркиб топган [4,5]:

1. Тасдиқнинг структурасининг мантиқий математик таҳлили:

- 1.1. Тасдиқнинг тушунтирувчи қисмини, шарти ва хулосасини ажратиш;

- 1.2. Тасдиқнинг содда ёки мураккаб эканлигини ўрнатиш;

- 1.3. Теоремани ифодаланган шаклни ажратиш; берилганга тесқари, берилганга қарама-қарши, қарама-қаршига тесқари тасдиқларни ифодалаш (уларнинг қайси бири тўғри эканлигини аниқлаш).

2. Исботнинг ташкилий қисмларини: тезис, аргумент, намойишни ажратиш.

3. Исботнинг ёзилиш намунаси

- 3.1. Исботнинг структуравий схемаси.

- 3.2. Исбот методи (тўғри, билвосита).

Исботлаш ғоясини кўра билиш ва ажратиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Қоидалар (алгоритмларни) мантиқий математик таҳлили алгоритмларнинг мантиқий таҳлилидан иборат []:

1. Берилган қоидада алгоритмга хос хоссаларнинг (массивлиги; қадамларнинг элементар ва дискретлиги; аниқлиги (корректлиги); натижавийлиги) мавжудлигини текшириш.
2. Берилган қоидада амаллар ва мантиқий шартлар кетма-кетлигини ажратиш;
3. Алгоритм (қоиданинг) бошқа билимлар билан алоқасини аниқлаш.

Мавзу материалининг мантиқий математик таҳлили асосида математик масалалар таҳлил қилинади. Математика ўқитиш воситаси сифатида масалалар уч тизимга ажратилади [4,5]:

1. Тушунча ва уни таърифни ўзлаштириш бўйича масалалар тизими.
2. Теорема ва уни исботини ўзлаштириш бўйича масалалар тизими.
3. Қоида (алгоритмларни) ўзлаштириш бўйича масалалар тизими.

Мақсади математик фаолиятга ўргатиш бўлган масалалар алоҳида қаралади.

Математик масалалар классификациясини қуйидаги жадвалда бериш мумкин:

1-жадв.

Ўқитиш воситаси сифатидаги масалалар			Математик фаолиятга ўргатувчи масалалар
Тушунча ва уни таърифни ўзлаштириш бўйича масалалар	Теорема ва уни исботини ўзлаштириш бўйича масалалар	Қоида (алгоритмларни) ўзлаштириш бўйича масалалар	

Мақтабнинг 6-синфи Математика дарслигида [7] “Сонларнинг 10 га, 5 га ва 2 га бўлиниш белгилари” мавзусида келгуси тасдиқлар берилган: 1) йиғиндининг бўлиниши, 2) айирманинг бўлиниши, 3) кўпайтманинг бўлиниши, 4) 10 га бўлиниш белгиси, 5) 5 га бўлиниш белгиси, 6) 2 га бўлиниш белгиси, 7) 10 га бўлинадиган соннинг 2 га ҳам, 5 га ҳам бўлиниши. Бу тасдиқлар исботланмаган, мисолларда текширилган, тушунтирилган. Шу мавзуда жуфт ва тоқ сонларга таърифлар берилган, мисоллар келтирилган.

Мавзуда 18 та мисол берилган, мисоллар классификацияси

Ўқитиш воситаси сифатидаги мисоллар			Математик фаолиятга ўргатадиган мисоллар
Тушунча ва унинг таърифни ўзлаштириш бўйича мисоллар	Теорема ва унинг исботини ўзлаштириш бўйича мисоллар	Қоида (алгоритмларни) ўзлаштириш бўйича мисоллар	
54, 55,		53,57, 59, 62, 63, 67, 68, 69, 70	56, 58, 60, 61, 64, 65, 66

“Сонларнинг 10 га, 5 га ва 2 га бўлиниш белгилари” мавзуси мисолларини мураккаблик даражалари бўйича ажратиш

Мисол №	Даража	Мисол №	Даража	Мисол №	Даража
53	А	59	В	65	В
54	А	60	С	66	В
55	В	61	А	67	С
56	В	62	В	68	С
57	А	63	А	69	В
58	В	64	С	70	В

Ушбу материаллар билан математика таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларни таништириш мақсадида “Математикани ўқитиш методикаси” фани семинар машғулотларида ва мустақил таълимда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун муайян мавзунинг мантиқий-дидактик таҳлилини талабаларга намуна сифатида бериш ва бошқа мавзуларни таҳлилини мустақил бажаришга бериш лозим. Кейинчалик бу таҳлил натижаларидан дарс ишланмаларини яратишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4387-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги "Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4623-сон Қарори.
3. Алиханов С. Математика ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. –Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. – 304 б.
4. Иванова Т.А., Перевощикова Е.Н., Кузнецова Л.И., Григорьева Т.П. Теория и технология обучения математике в средней школе. Учебное пособие для студентов математических специальностей педагогических вузов. – Нижний Новгород. НГПУ, 2009. – 355 с.
5. Лабораторные и практические работы по методике преподавания математики. Учебное пособие для студентов физико-математических специальностей педагогических институтов / Под ред. Лященко Е.И. – М.: Просвещение, 1988. – 223 с.
6. Ўзбекистон Республикаси ОўМТВ 2018-йил 25-августдаги 744-сон буйруғи билан тасдиқланган математикани ўқитиш методикаси фан дастури.
7. Мирзааҳмедов М.А., Раҳимқориев А.А., Исмаилов Ш.Н., Тўхтаходжаева М.А. Математика
6. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2017. – 240 б.
8. Тожиев М., Баракаев М., Хуррамов А. Математика ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2017. – 328 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада талабаларга мактаб математика дарслигидаги ўқув материални мантикий-математик таҳлил қилиш методикасига ўргатиш мазмуни баён қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье излагается содержание методики обучения студентов логико-математическому анализу учебного материала школьного учебника математики.

SUMMARY

The article describes the content of methods of teaching students the logical and mathematical analysis of educational material of a school textbook of mathematics.

Нашрга нед. ф. д. Р. Шодиев тавсия этган

ЗАМОНАВИЙ ВИЗУАЛ ДАСТУРЛАШ МУҲИТИ «JAVA ANDROID STUDIO»ДА АСОСИЙ КУТУБХОНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Эргашев Н.Ф. (ҚарМИИ)

Таянч сўз ва иборалар: *Java, Android Studio, Визуализация, визуал компонента, Standalone applications, Web Applications, Enterprise Applications, Mobile Applications, GSON, RETROFIT, EventBus, ACTIVE ANDROID, PICASSO.*

Ключевые слова: *Java, Android Studio, визуализация, визуальный компонент, автономные приложения, веб-приложения, корпоративные приложения, мобильные приложения, GSON, RETROFIT, EventBus, ACTIVE ANDROID, PICASSO.*

Keywords: *Java, Android Studio, Visualization, Visual Component, Standalone Applications, Web Applications, Enterprise Applications, Mobile Applications, GSON, RETROFIT, EventBus, ACTIVE ANDROID, PICASSO.*

Визуализациялаш лотинча visualis сўзидан келиб чиқади - кўз билан кўриладиган, кўргазмалли. Адабиётда визуализация атамаси турли хил талқин қилинади. Визуализация (умумий маънода) - уларни тушуниш қулайлигини ошириш учун маълумотларни тасвир шаклида бериш жараёни; ҳар қандай тасаввур қилинадиган объектга, предметга, жараёнга ва бошқаларга кўринадиган шаклни бериш; тасвир(образ)ни механик тарзда пайдо қилиш; техник воситалар ёки фикрларни шакллантириш (фикр шакллари) ёрдамида тўғридан-

тўғри онгингизда (ақлий визуализация) ёрдамида ҳар қандай мураккаблик ва ўзига хосликнинг (ҳақиқатан ҳам мавжуд ва муаллифнинг онгида яратилган) аниқ, барқарор ва ёрқин тасвирларни яратиш.

Ахборот визуализацияси мавҳум маълумотларнинг катта ва мураккаб турларини интуитив визуал шаклга айлантириш жараёни сифатида изоҳланади.

Энг уйғун қуйидаги таъриф ҳисобланади: “маълумотни визуализация қилиш – ассоциатив фикрлаш ва тузилишга асосланган визуал маълумот, ҳодиса, факт, ҳодиса ва бошқалар асосида билимларни олиш ва умумлаштириш усули”. Бироқ уни бошқа таърифларда кўтарилган бир қатор жиҳатлар бўйича кенгайтириш керак.

Тармоқ технологияларининг ривожланиши тармоқ қурилмалари ва уларнинг дастурий таъминотини такомиллаштириш заруриятини ҳам юзага келтиради. Мобиль алоқа технологияларининг ҳозирги вақтда барча қурилмалардан кўра кўпроқ фойдаланилиши, уларнинг дастурий таъминотини ҳам такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. *Android* операцион тизими *Linux* тармоқ операцион тизими ядросида ишлайдиган мобиль операцион тизим эканлиги кўпчиликга маълум. Мобиль электрон қурилмалар *Android ОС* остида ишларкан, *Android ОС* қўллаб қувватловчи *.apk форматдаги Андроид иловаларни ҳам кўплаб яратиш ва такомиллаштириш зарур бўлади. Мобиль иловаларнинг такомиллашиши эса ахборотларни вузуал намоиш этиш имкониятини янада оширади.

Ҳозирги кунга келиб *Android* иловаларни яратишда *Java* дастурлаш тили ҳамда *Android Studio* муҳити энг қўлланиладиган илғор восилардан бўлиб келмоқда. Қуйида биз *Java Android Studio* дастурлаш муҳити билан ишлашда қўллаш учун энг зарур бўлган кутубхоналар ҳақида фикр юритамиз.

Јаванинг синтаксиси *C++* дастурлаш тилига асосланган. Шунинг учун *C++* тилини билиш орқали Јавани осон ўзлаштириш мумкин. Лекин ундаги кўпчилик хусусиятлар соддалаштирилган. Масалан: *Pointer*(кўрсаткич)лар билан тўғри ишлаш, яъни Јавада алоҳида кўрсаткич тушунчаси йўқ. Операторларни қайта юклаш ҳам мавжуд эмас. Яна энг муҳими, ишлатилмайдиган хотира (*unreferenced objects*) автоматик тозаланади. Буни Јавадаги *Garbage Collector* (*GC* - чиқинди йиғувчи) амалга оширади. *C++* да бу деструкторлар орқали қўлда (*manual* – механик тарзда) қилинган. Бундан ташқари *Java* ҳар бир янги версияда бундан қулай имкониятларни қўшиб келмоқда. Јавада дастурлар асосан 4 типда ёзилади:

1. *Standalone applications* – *Linux*, *Mac* yoki *Windows*га ўрнатиб, кундалик ишлатадиган дастурларимиз: mp3 плеер, офис, антивирус кабилар. Улар *AWT*, *Swing* ёки *JavaFX* технологиялари орқали тузилади.

2. *Web Applications* – тармоқ орқали ишловчи ихтиёрий дастурлар. Эслатма: *web* дастурлар икки қисмдан, сервер томон ҳамда клиент томон (*браузер*) дан иборат. Јавада фақат сервер томони учун ёзилади. Бунда *servlet*, *jsp*, *jsf* каби фундаментал технологиялардан бошлаб *Spring*, *Play* каби *freemwork*лар қўл келади. Умуман олганда, *браузер* учун *HTML*, *CSS* ҳамда *Java Script*дан бошқа тилда ёзиб бўлмайди.

3. *Enterprise Applications* – бу дастурлар йирик салмоққа эга бўлиб, одатда катта соҳаларда ишлатилади. Банклар, ташкилотлар ёки астрономия ишларида. Улар юқори хавфсизлик, юкломани серверларга тенг тақсимлаш (*load balancing*) ёки кластерлаш (*clustering* – катта тизимдан худди ягона объект сифатида фойдаланиш) каби сифатларни талаб қилади. Јавада бу имкониятлар бор.

4. *Mobile Applications* – Мобиль қурилмаларга мос дастурларни ҳам Јавада ёзиш мумкин. *Android*дан бошлаб, *Java ME* (*JME* – *Java Micro Edition*) гача. *JME*га мисол қилиб, *Nokia* телефонларимиз учун ишланган *JAR* ўйинларни мисол келтириш мумкин.

Java дастурлаш тилидан фойдаланадиган ҳар бир дастурчи агарда у *Android Studio* муҳити билан ишлайдиган бўлса, билиши керак бўлган муҳим 5 та кутубхона(*library*) мавжуд. Ҳозирги кунга келиб, *Android* дастурлашни *Android Studio*сиз тасавур қилиш қийин бўлиб қолди. Бундан ташқари биз ҳар доим фойдаланадиган жуда муҳим бир неча очик

кутубхоналар бор. Лекин биз керакли кутубхона деб ҳисоблаган 5та асосийси билан ишлашни кўриб чиқамиз.

GSON.

GSON шундай java кутубхонасики, у билан биз json форматини java объектига ўгиришимиз ва қайта ўгиришимиз мумкин. Asosan API (Application Programming Interface – дастур яратиш интерфейси) орқали келган маълумотларни таҳрирлашда ишлатишга жуда қулай. JSON(JavaScript Object Notation- оддий маълумотлар алмашиш формати, ҳам одам, ҳам компьютер томонидан ўқиш ва ёзиш учун қулай)ни кўп ишлатилишига сабаб уни кам ҳажмлиги ва XML дан кўра анча қулайлигида.

1. // Serialize
2. String userJSON = new Gson().toJson(user);
3. // Deserialize
4. User user = new Gson().fromJson(userJSON, User.class);

RETROFIT.

API билан ишлайдиган проект учун энг оқилона танланган кутубхона ҳисобланади. API га юбориладиган сўров методи ва URLлар аннотация қилиб ёзилади, бу ёзилаётган дастурнинг содда ва тушунарли бўлишига ёрдам беради.

API га мурожаат синхрон бажарилади ёки асинхрон юбориш мумкин, яни сўров юборилгандан кейин натижа муваффақиятли(success) ёки хатолик бўлиб (failure) тарзда қайтади.

1. public interface RetrofitInterface {
2. // asinxron callback natija qaytaradi
3. @GET("/api/user")
4. User getUser(@Query("user_id") int userId, Callback<User> callback);
5. // sinxorn post qilish
6. @POST("/api/user/register")
7. User registerUser(@Body User user);}
8. // masalan
9. RetrofitInterface retrofitInterface = new RestAdapter.Builder()
- 10..setEndpoint(API.API_URL).build().create(RetrofitInterface.class);
- 11.// id si 2048 ga teng userni qaytaradi
- 12.retrofitInterface.getUser(2048, new Callback<User>() {
- 13.@Override
- 14.public void success(User user, Response response) { }
- 15.@Override
- 16.public void failure(RetrofitError retrofitError) {
- 17.} });
- 18.User user = getUser();
- 19.retrofitInterface.registerUser(user);

Retrofit Gson кутубхонасини default ҳолатда ишлатиб jsonга ўгириши ёки қайтиб java объектига қайтаради.

EventBus.

Eventbus кутубхонаси дастурни турли қисмларини боғланишларни соддалаштиради. Масалан, Servicenі ишга тушириш учун Activity орқали нимадир юбориш ёки фрагментларни бир-бирига ўзаро таъсир ўтказиши. Тушунарли бўлиши учун агар интернет узилиб қолганда activityда чиқаришни мисол тарикасида кўрамиз:

1. public class NetworkStateReceiver extends BroadcastReceiver {
2. // internet yo'q bulganda post junatadigan evet
3. public void onReceive(Context context, Intent intent) {
4. super.onReceive(context, intent);
5. if(intent.getExtras()!=null) {

```

6. NetworkInfo ni=(NetworkInfo) intent.getExtras().get(ConnectivityManager.EXTRA_NETWORK_INFO);
7. if(ni!=null && ni.getState()==NetworkInfo.State.CONNECTED) {
8. // demak internet bor
9. } else if(intent
10. .getBooleanExtra(ConnectivityManager.EXTRA_NO_CONNECTIVITY,Boolean.FALSE)) {
11. // demak internet yo'q, internet holatini jo'natamiz
12. EventBus.getDefault().post(new NetworkStateChanged(false));
13. }
14. // Hodisa (event)
15. public class NetworkStateChanged {
16. private mIsInternetConnected;
17. public NetworkStateChanged(boolean isInternetConnected) {
18. this.mIsInternetConnected = isInternetConnected;
19. public boolean isInternetConnected() {
20. return this.mIsInternetConnected;
21. }
22. public class HomeActivity extends Activity {
23. @Override
24. protected void onCreate(Bundle savedInstanceState) {
25. super.onCreate(savedInstanceState);
26. setContentView(R.layout.activity_main);
27. EventBus.getDefault().register(this); // EventBus ni registratsiya qilish
28. }
29. @Override
30. protected void onDestroy() {
31. super.onDestroy();
32. EventBus.getDefault().unregister(this); // EventBus ni registratsiyadan o'chirish(bu app
yopilganda eventbus ni ham eshitib turishini o'chiradi)
33. }
34. // qayerdandir NetworkStateChanged hodisasini post qilinganda ishga tushadigan
metod
35. public void onEventMainThread(NetworkStateChanged event) {
36. if (!event.isInternetConnected()) {
37. Toast.makeText(this, "No Internet connection!", Toast.LENGTH_SHORT).show();
38. }
}

```

ACTIVE ANDROID.

ActiveAndroid бу Android учун ORM ҳисобланади. Sqlite билан ишлашнинг анча сод-далаштиради яни сиз sql сўровларсиз ҳам sqlite билан ишлаш имкониятини беради. Activeandroid дан нусха(extends) олган модель object маълумотлар базасига шу кўринишда сақлайди: user.save(); Яъни сиз узундан-узун sql сўров ёзишдан қутиласиз:

```

INSERT INTO Users (Ism, Familya, Address, Shahar, Davlat) VALUES ('Toshmat', 'Eshmatov', 'Bodomzor 5', 'Toshkent', 'Uzbekistan');

```

Barcha userlarni bazadan olish uchun:

```
List<User> users = new Select().from(User.class).execute();
```

Яъни sqlдаги кўриниши:

```
SELECT Ism, Familya, Address, Shahar, Davlat FROM Users;
```

Universal Image Loader(UIL)

UIL бу асинхрон расмларни юклаш ва кешлашни осон ечим. Ишлатишга ҳам жуда қулай ҳисобланади. `imageLoader.displayImage(imageUri, imageView);`

PICASSO.

PICASSO ҳам анча қулай ҳисобланишига қарамай, унда соzлашда камчиликлар бор. UIда соzлаш қурилмаси мавжуд, у ҳар қандай расмни юклашни ёки кешлашни айниқса катта ҳажмдаги расмлар билан ишлай олади(Picasso катта ҳажмдаги расмлар юклай олмайди).

Юқорида кўриб чиққан кутубхоналаримизни Android studioда юклаш қуйидагича:

1. dependencies {
2. compile 'com.google.code.gson:gson:2.2.4'
3. compile 'com.squareup.okhttp:okhttp:1.3.0'
4. compile 'com.squareup.retrofit:retrofit:1.3.0'
5. compile 'de.greenrobot:eventbus:2.2.+'
6. compile 'com.nostra13.universalimageloader:universal-image-loader:1.9.1'}

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мобилъ технологиялар ривожланиши билан бирга мобилъ иловалар имкониятлари ҳам ўсиб бормоқда, шу жумладан, Android OS учун мобилъ иловалар ҳам. Ахборотларни визуал намойиш этиш имкониятларини ошириш учун эса мобилъ иловаларни яратувчи дастурларнинг ҳиссаси катта. Шунинг учун ушбу мақолада мобилъ иловаларни яратувчи дастурлар ва уларнинг имкониятларини ошириш усуллари ҳақида тўхталиб ўтдик. Бу орқали мобилъ илова дастурларини яратиш ва фуқционалиги(кўп имкониятлилиги)ни ошириш ҳамда ахборотларни юқори даражада визуал намойиш этишга эришишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Голощяпов А.Л. Google Android. Программирование для мобильных устройства (Профессиональное программирование). – Санкт-Петербург: «БХВ – Петербург», 2011. – 438 с.
2. Java в примерах справочник учебное пособие к книге “Java. справочник” Девед Фленаган, Санкт-Петербург-Москва, 2003.
3. Java: The Complete Reference, Seventh Edition, Herbert Schildt, New York Chicago San Francisco, 2007.
4. Di Marzio J.F. Android A Programmer’s Guide – 2008. McGraw-Hill Education - Europe, New York, NY, United States.
5. Chris Haseman Android Essentials – 2008. Apress United States by Springer-Verlag New York, Inc., 233, ISBN: 9781430210641.
6. Mark Murphy —Beginning Android 2, Apress United States by Springer-Verlag New York 1st ed. edition (March 19, 2010), ISBN-10: 1430226293.
7. Jeff Friesen —Learn Java for Android Development, Apress United States; 3rd ed. edition (February 6, 2014), ISBN-10: 9781430263227.

Интернет ресурслар:

1. www.ilyarm.ru/uz/create-an-application-for-android-programs-for-creating-android-applications.html.
2. www.java.sun.com/javase/downloads/index.jsp;
3. www.developer.android.com/sdk/index.html;
4. play.google.com/store/apps/details;
5. <https://cspsid-gelios.ru>

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада замонавий визуал дастурлаш тиллари имкониятларидан фойдаланиш, Java дастурлаш тили имкониятлари, Android Studio визуал дастурлаш муҳити ва уларда фойдаланиладиган энг асосий кутубхоналар ҳамда улардан фойдаланиш учун мисоллар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье приводятся примеры использования современных языков визуального программирования, функций языка программирования Java, среда визуального программирования Android Studio и основных используемых в ней библиотек.

SUMMARY

This article provides examples of using modern visual programming languages, Java programming language features, Android Studio visual programming environment, and the main libraries used in them.

Наширға н.ф.д. Р.Шодиев тавсия этган

МЕДИАТАЪЛИМНИНГ ТАРИХИЙ-СИЁСИЙ КОНТЕКСТДАГИ ТАҲЛИЛИ

Қаршиев Б.Э. (*А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти*)

Таянч сўз ва иборалар: *медиа, медиатаълим, жамият, ахборот, истеъмолчи, ОАВ, маданият.*

Ключевые слова: *медиа, медиаобразование, общество, информация, потребитель, медиа, культура.*

Keywords: *media, media education, society, information, consumer, media culture.*

Инсон биологик ва ижтимоий мавжудот. XX-XXI асрларда ахборотларнинг мисли кўрилмаган даражада ортиши ва тезлашиши, инсон айнан шу ахборотлар уммонида чўкиш хавфи пайдо бўлганда ёрдамга медиатаълимнинг келиши айна ҳақиқатдир. Аслида медиатаълим тушунчаси анча илгари пайдо бўлган бўлиб, аввало ахборотни тушуниш, саралаш, қайта ишлаш ва онгли равишда зарурини қабул қилишни англатади. Ҳар бир жамиятнинг ижтимоий тараққиёти асрлар давомида ўзгаради, такомиллашади ёхуд салбий ахборотлар таъсирида жамият аъзоларининг фикри ўзгариши оқибатида регрессияга учрайди.

Шу сабабли бугунги кунда медиатаълимнинг нима эканлиги, унинг мақсади ва вазифалари глобал микёсда ўрганилаётганлиги, унинг жамият хавфсизлигига таъсири кун сайин долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз “медиа таълим” категориясини ёритишдан олдин “медиа нима?” деган саволга жавоб беришимиз лозим.

“Медиатаълим” категорияси икки сўз “медиа” + “таълим” сўзларининг бирикувидан ижтимоий ҳаётимизга кириб келган мураккаб мезонлар йиғиндиси ҳисобланади. Сабаби, медиа категорияси умумий маънода виртуал борлиқда ҳаракатланишидан қатъий назар шаклланаётган ахборотларнинг мажмуасини ташкил этса, таълим эса виртуал борлиқда ҳаракатланаётган ахборотларни тўғри саралаш, қайта ишлаш ва қабул қилувчининг ўзида ахборот маданиятини шакллантириш қобилияти десак, муболаға бўлмайди.

“Медиа” - оммавий ахборот воситаларига (газета, журнал, телевидения, интернет, радио, умуман, шакли ва мазмунидан қатъий назар ахборот тарқатувчи барча воситалар ва бошқ) айтилади. Медиа категориясини педагогика фанлари доктори, профессор М.Қуронов қуйидагича изоҳлайди: “Медиа – маънавий маҳсулотларнинг виртуал бозори ҳисобланади. Бу бозорда ҳеч ким «молим ёмон», демайди. Бузғунчи, жиноятчи, жоҳиллар ҳам ўз ғоя-маҳсулотини «энг яхши буюм», дейди. Виртуал оламда бунёдкорлик, тараққиёт учун зарур манбалар ҳам кўп. Гап одамнинг ана шу бозор таклиф этаётган маҳсулотларни харид қилишда адашмаслигига бориб тақалади. Бугунги тилда айтганда, гап медиамаданиятни тўғри эгаллашида¹ деган таърифни беради. Агар сиёсий контекстда масалага бошқача ёндашсак, жаҳон сиёсий тизимида медиабозорда тайёрловчи, ахборот (маҳсулот) етказиб берувчи ва истеъмолчи иштирок этади деган қараш ифодаланади. Тайёрловчи бу-ғоя муаллифидир. У материалларни тўплайди, таҳлил қилади, медиаматнни тайёрлайди, узатади. Маҳсулот (ахборот) – матн, белги, сурат ва рамзларда ифодаланган маълумот. Етказувчи (канал) – ахборотни узатиш воситаси (медиа). Истеъмолчи - ахборотни олувчи, ўрганувчи, талқин қилувчи шахс. Мазкур хусусиятлар умумий комплекс йиғиндиси медианинг таркибий мезонларини ташкил этади.

Сиёсий нуқтаи-назардан “таълим” деганда биз – сиёсий мавжудотнинг (фуқароларнинг) ҳаёти давомида унга керак бўладиган, ҳамда ушбу билимлардан фойдаланиладиган ахборотлар мажмуасидир.

Биз бу ҳақда фикр юритганимизда, Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли

¹ Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. – Т.: Академия, 2008.

сўзларини эслашимиз лозим. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари ўтган аср бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади”¹. Муаммонинг бугунги кундаги долзарблиги ахборот асри хусусиятлари билан изоҳланади. Демак, медиатаълим бу – медиатарбия десак муболаға бўлмайди.

“Википедия” электрон қомусида берилишича, медиатаълим – оммавий ахборот воситалари - матбуот, телевидение, радио, интернетни ўрганишдир. Бу борадаги билимлар нафақат шу соҳа учун етук кадрларни етказиб бериш учун, балки ахборот технологияларига мурожаат этадиган ҳар бир инсонда медиасаводхонлик – медиаматнларни таҳлил этиш, баҳолаш ва яратиш кўникмасини шакллантириш учун хизмат қилади деб таъриф берилади. Таниқли канадалик олим Герберт Маклюэн “медиа – бу инсон ҳиссиётларининг асосидир”²-деган хулосани беради

Медиатаълим термини тор мазмунда таълимнинг умуммаданий таркибий қисми сифатида қўлланилади. У умумий таълимнинг мақсадларига мувофиқ келади. Медиатаълим сўзининг синоними сифатида педагогикада медиамаданият ва ахборий маданият сўзлари ҳам қўлланилади. Медиатаълим-таълимнинг янги, замонавий йўналиши, бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот ва коммуникация соҳасидаги таълимдир. Бошқача айтганимизда, медиатаълим – ўқувчиларнинг оммавий коммуникациялар орқали таълим олиши, деб таърифлаш мумкин.

1982 йилда ЮНЕСКО “Медиатаълим декларацияси”ни қабул қилган. Унга кўра, “Медиатаълим медианинг барча турлари (босма, график, овозли, экранли ва бошқалар) ва турли технологиялар билан чамбарчас боғланган. У инсонларга оммавий коммуникациядан ижтимоий онгда қандай фойдаланишни тушуниш, бошқа одамлар билан коммуникация пайтида медиадан фойдаланиш кўникмасини ўзлаштириш каби билимларни беради. Шунингдек, уларда қуйидаги малакалар ҳам шакллантирилади:

- Медиаматнларни таҳлил этиш, танқидий қараш ва яратиш;
- Медиаматнларнинг манбаларини, контекстда уларнинг сиёсий, ижтимоий, тижорий ёки маданий қизиқишларини аниқлаш;
- Медиа тарқатаётган медиаматнлар ва уларнинг аҳамиятини изоҳлаш;
- Ўз шахсий медиаматнларини яратишга мувофиқ келувчи ўзга медиаматнларни танлаш ва унга қизиқувчи аудиторияни топиш;
- Медиага очик кириш йўли имкониятини қўлга киритиш”³.

Медиатаълим шахснинг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқининг бир қисми ҳисобланади. ЮНЕСКО томонидан медиатаълим дунёнинг барча мамлакатлари таълим тизимлари миллий ўқув режаларига жорий этишни тавсия этилади. Ҳозирги кунда Европа давлатлари, АҚШ, Австралия ва Россия сингари мамлакатларда медиатаълим мажбурий фан сифатида таълим тизимида киритилган.

Оксфорд энциклопедиясида берилишича, “Медиатаълим медиани ўрганишдир. Медиатаълим яратилаётган ва тарқатилаётган медиаматнлар билан боғланган. Таълим олувчиларда медиаматнларнинг мазмун-моҳиятига изоҳ ва баҳо бериш учун таҳлил қила олиш қобилиятини шакллантиради. Медиани ўрганиш одатда амалий тарзда, яъни медиаматнлар яратиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Медиатаълим медиани ўрганиш орқали медиасаводхонликни оширишга хизмат қилади”⁴. ЮНЕСКОнинг таърифи эса қуйидагича: “Медиатаълим замонавий оммавий ахборот воситалари бўйича билимларнинг назария ва

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2013. – Б. 62.

² Маклюэн Г. Понимание медиа: внешние расширения человека. 2-нашр. – М.: Кучково поле, 2008.

³ UNESCO [Recommendations Addressed to the United Nations Educational Scientific and Cultural Organization UNESCO. In: Education for the Media and the Digital Age. Vienna: UNESCO, 1999, p.273-274. Reprint in: Outlooks on Children and Media. Goteborg: UNESCO & NORDICOM, 2001, –P.152].

⁴ Dorr, A. (2001) MediaLiteracy. In: InternationalEncyclopediaoftheSocial&BehavioralSciences. Vol. 14 / Eds. N.J. Smelser&P. V.Baltes. Oxford, 2001, pp.9494-9495.

амалиётини ўрганишдир”¹ деб таъриф берилади. Агар масаланинг ёритилишига ҳудудий манфаатлар асосида қараганимизда МДХ давлатлари, хусусан Россиянинг “Педагогик қомусий лугати”да “Медиатаълим – мактаб ўқувчиларига оммавий коммуникацияни ўргатувчи педагогиканинг бир йўналиши” дейилади.²Юқорида келтирилган таърифларнинг ҳеч бирида фаннинг моҳияти ўзгармаслиги, фақатгина медиатаълим медиамаданиятни ўрганишга асосланган эканлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабли, медиатаълим (инг. “media education”) категорияси мураккаб ҳисобланганлиги сабабли, уни мураккаб маънога эгаллигига кўра фарқлаб олиш зарур ҳисобланади. Бу борада биз А.А. Журиннинг тадқиқотини айтишимиз даркор. У медиатаълимнинг фарқли жиҳатларини уч гуруҳга бўлади:

1. Оммавий ахборот воситаларининг болалар ва ўсмирларга таъсирини ўрганувчи ва назарий масалаларини ишлаб чиқувчи, таълим оловчиларни ОАВ дунёси билан учрашувга тайёрловчи педагогик фан сифатида;

2. Болалар ва ўсмирларни оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, медианинг дунёдаги ролини тушунишга тайёрловчи ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги амалий фаолияти эканлигида;

3. Таълимнинг оммавий ахборот воситалари ёрдамида маданият ва дунёни тушунишдаги роли ҳақида билим берувчи ва медиа ахборотлари билан самарали ишлаш кўникмасини шакллантирувчи қисми ҳисобланишида деб таъкидлайди.³

Шундай экан, медиатаълим ОАВ ва коммуникациянинг педагогик аспектдаги бир қисми саналади. Унинг назарий асосларини педагогика ва медиа ҳақидаги фанлар мажмуаси ташкил этади. Бизнинг назаримизда, амалий жиҳатдан эса унинг асосида ўқитувчи ва ўқувчи, талаба фаолияти натижасида медиалашган дунёга инсонни тайёрлаш этади.

Шулардан келиб чиқадиган бўлсак, медиатаълимни қуйидаги асосий йўналишларга(кўринишларга) ажратишимиз мумкин:

1. Медиатаълим матбуот, радио, телевидение, кино, видео ва Интернет оламига бўлғуси профессионаллар – журналистлар, муҳаррир, режиссёр, продюссер, актёр, оператор ва бошқаларни тайёрлайди.

2. Медиатаълим таълим муассасаларидаги медиамаданият курсларини олиб борувчи бўлғуси педагогларни тайёрлайди.

3. Медиатаълим мактаблар, ўрта махсус (касб-хунар) таълим, олий таълим муассасаларида ёки мустақил тартибдаги (махсус, ихтиёрий равишда ўтиладиган, тўгарак ва бошқа) таълим оловчи ўқувчи ва талабалар умумий таълимнинг бир қисмидир.

4. Кўшимча таълим муассасалари ва ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этувчи марказлардаги медиатаълим. (Маданият уйлари, мактабдан ташқари марказ ишлари, эстетик ва бадиий тарбия, турли клублар)

5. Матбуот, телевидение, видео, DVD, Интернет ёрдамида ёши катталар, талабалар ва ўқувчилар учун олиб борилувчи масофавий таълим.

6. Мустақил, узлуксиз медиатаълим⁴. (Бу йўналиш назарий жиҳатдан инсоннинг бутун умри давомида амалга оширилади)

Юқоридагилардан кўринадики, медиатаълимдан кўзланган асосий мақсад медиасаводхонликни шакллантиришдир. Боиси, саводхонликнинг айнан шу тури инсонга ахборий майдонда телевидение, радио, видео, кинематограф, матбуот, интернет, медиамаданиятнинг тилини тушунишга, ахборотларни таҳлил этиш йўли билан қабул қилишга, ахборотлардан фаол фойдаланишга ёрдам беради. Медиасаводхон одам социомаданий, сиёсий контекстдаги медианинг фаолиятини таҳлил этиш, баҳо бериш қобилиятига эга бўлади. Бу борада мисол сифатида 2014 йили ҳар бир америкалик интернетда кунига 7,4 соат ўтириб,

¹UNESCO, 1984. Mediaeducation. Paris: UNESCO. –P. 8.

²Педагогический энциклопедический словарь / Гл. ред. Б.М. Бим-Бад; Редкол.: М.М. Безруких, В.А. Бологов, Л.С. Глебова и др. М.: Большая Рос. энцикл., 2002. – С. 138.

³Журин А.А. Интеграция медиаобразования с курсом химии средней общеобразовательной школы // Медиаобразование. 2005. –№ 1. – С. 32.

⁴Федоров А.В. Медиаобразование и медиаграмотность. Таганрог: Изд-во Кучма, 2004. – 340 с.

медиаконтент билан танишган бўлса, филлипинликлар бунга 9,6 соат, россияликлар 3,6 соат, юртимизда 0,6 соатни ажратишмоқда.¹ Ҳар ойда ўзгариб турадиган мазкур рақамлар бугунги кунда зарур ахборотни кераксизидан ажрата олиш, медиа орқали саводхонликка эга бўлиш заруратини кўймоқда. Ҳўш, медиасаводхонлик нима? Нега бугун унинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда? Сўнгги йилларда ахборот оқимининг бир неча баробар тезлашиши, ижобий маълумотлар билан бир қаторда салбий характердаги ахборотларнинг кўпайиши медиасаводхонликка эга бўлиш заруратини кўйди. Анъанавий тарзда медиасаводхонлик шахснинг адабий асарларни таҳлил эта олиш ва сифатли матнларни яратишдан иборат бўлган. Бугунги медиасаводхонлик эса – бу ахборотнинг нега ва нима учун узатилаётганлигини билиш демакдир². Таниқли ҳинд журналисти Пабак Саркар шуларни инобатга олиб, “медиа саводхонлик сари ташланган илк қадам, бу тўғри савол бера олишдир”³ деб бежизга айтмаган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш керакки, медиатаълимнинг асосий мақсади – замонавий ахборот шароитларида янги авлодни ҳаётга тайёрлаш, турли ахборотларни қабул қилиш, тушунишга ўргатиш, руҳиятга таъсирини англаштириш, техник воситалар ва замонавий ахборот технологиялари ёрдамида коммуникацияларни новербал шакллари асосида муомала усуллариини ўрганиш ҳисобланади.

Медиатаълим = ОАВдан ҳимоя + ОАВни таҳлил қилишга тайёргарлик + ОАВнинг моҳияти ва функцияларини тушуниш + медиамаданиятда онгли иштирок этишдир.



Буларнинг барчаси медиатаълимнинг нафақат ёшлар учун, балки аҳолининг турли гуруҳлари учун ҳам ўта долзарблиги ва зарурлигини белгилаб бермоқда.

Медиатаълимнинг моҳияти ҳақида сўз юритар экан, профессор А.Федоров уни оммавий мулоқот маданиятини шакллантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади. Яъни, бу жараёнда ёш авлоднинг ижодий тафаккурини юксалтириб бориш имкониятлари чексиз эканлигини таъкидлайди. Ўқувчиларнинг медиаматнларни тўлақонли идрок этиши уларнинг билим ва савиясини оширишга хизмат қилади. Ҳар бир ўқувчи медиатеҳника ёрдамида ўз имкониятларини намоён этишида оммавий коммуникация (медиа) воситалари ва материаллари ёрдамида жуда кўп билимларга эга бўлиши мумкин. Фақат, бу ўринда медиасаводхонлик масаласига жиддий эътибор қаратиш зарур. Телевидение, радио, видео, кино, матбуот, интернетни доимо кузатиб борган инсон медиамаданият моҳиятини теранроқ англайди. Бинобарин, медиатаълим кишиларни, айниқса, ёшларни ахборотлашган жамият ҳаётига тайёрлашда бекиёс вазифани бажаради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш керакки, ҳозирги вақтда ОАВда “ахборий босим”, “ахборот хуружлари”, “оммавий маданият” атамалари тез-тез такрорланмоқда. Бу мавзу кўплаб мақолаларда ёритилмоқда. Бузғунчи гуруҳлар саъй-ҳаракатлари билан оммавий ахборот воситалари тажовуз қуролига айлантирилмоқда. Шу йўл билан ўша бузғунчилар томонидан инсон онги ва қалби нишонга олинмоқда. Бундай мафкуравий тажовузларга қарши курашни жадаллаштиришда медиатаълим жуда муҳим ўрин тутаяди. Медиатаълимнинг ривожлантирилиши ёшларнинг бахтли келажагини, жамиятнинг хавфсизли-

¹ Gutierrez Martin, A. (1996) Educacion Multimedia y NuevasTecnologias. Madrid. Ediciones de la Torre, – P.12.

² Jennings Bryant, Susan Thompson, Bruce W. Fundamentals of Media Effects: Second Edition. 2013. – P. 22

³ www.flickr.com/photos/pabak

гини ва давлатнинг барқарор тараққиётини таъминловчи муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада медиатаълим, унинг мақсади ва вазифалари, унинг жамият ҳавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашдаги аҳамияти, ахборот маконида инсоннинг онги ва қалби учун курашда медиатаълимнинг ижобий хусусиятлари ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается медиаобразование, его цели и задачи, важнейшая роль в обеспечении безопасности и устойчивого развития общества, а также позитивные особенности медиаобразования в борьбе за разум и душу человека в информационном пространстве.

SUMMARY

The article discusses media education, its goals and objectives, its most important role in ensuring security and sustainable development of society, as well as the positive features of media education in the struggle for the human mind and soul in the information space.

Нашрга нед.ф.д. Р.Шодиев тавсия этган

БЎЛАЖАК МАШИНАСОЗЛИК БАКАЛАВРЛАРИНИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА КАСБГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

**Раджабов М.Р., Иргашев Д.Б., Боймуратов Ф.Х.,
Мустапакулов С.У. (ҚарМИИ)**

Таянч сўз ва иборалар: *касбга тайёрлаш, тайёрлашнинг йўналишлари, машинасозлик бакалаври.*

Ключевые слова: *профессиональная подготовка, тенденции подготовки, бакалавр машиностроения.*

Keywords: *professional training, tendencies of professional training, bachelors of mechanical engineering.*

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти юқори жадал суръатларда ўсишини таъминловчи энг асосий омиллардан бири бўлажак мутахассисларга боғлиқ эканлиги таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Бугунги кунда автомобиллар ва уларнинг сифатини оширишга бўлган талабнинг ортиши, Ўзбекистон иқтисодиётида импорт ўрнини босувчи автомобиль ишлаб чиқариш учун ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи сиёсатнинг ўзгаришига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу сабабли машинасозлик муҳандисларининг касбий даражасини ошириш ва саноат ишлаб чиқаришида инновацион технологияларни қўллаш йўли билан автомобиль деталларининг ишончлилигини юқори даражада тайёрлаш орқали автомобилларни дунё стандартларига тўла жавоб бера оладиган қилиб тайёрлаш учун автомобилсозлик корхоналарини талабларига жавоб берадиган мутахассисларни таёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги яққол намоён бўлмоқда. Автомобиль ишлаб чиқаришининг айна патдаги ҳолатини ҳисобга олганда машинасозлик бўйича бўлажак мутахассисларни тайёрлаш тизими таълим муассасаларининг тубдан ўзгаришини талаб этади, техника олий ўқув юртлари битирувчиларининг касбий маҳоратига машинасозлик корхоналари раҳбарларининг талаби ўз-ўзидан ортади.

Муаммони ечишнинг йўларидан бири машинасозлик корхоналари ходимлари малакасини ошириш, корхонанинг малака ошириш марказларида ўқитиш ва қайта ўқитиш, ҳамда техника олий ўқув юрти битирувчилари – ёш мутахассисларни жалб этган ҳолда касбий малакасининг даражасини ошириш билан ҳал этиш мумкин, бу эса олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш сифат кўрсаткичлари ҳисобланади. Шундай экан, машинасозлик талабларини ҳисобга олганда ва раҳбарларнинг машинасозлик корхоналари ходимларига кўйиладиган талаблар Олий ўқув юрти битирувчисининг касбий малакаси даражаси ишлаб

чиқариш талабларига мос келиши таълим жараёнини замон талабларига мувофиқ такомиллаштиришни, яъни янгиланишни (модернизация) қилишни талаб этади.


Мамлакатдаги машинасозликнинг замонавий қиёфасини кўздан кечирилганда шундай хулосага келиш мумкинки, машинасозлик янги билим ва инновациялар пайдо бўлиши ва уларни қўллашда марказий соҳа бўлиб ҳисобланади. Замонавий машинасозликнинг ривожланишида асосий интилишлардан:

- ишлаб чиқаришни компьютерлаштириш ва информациялаштириш;
- фойдаланилаётган ускуналарни доимий модернизациялаш; булар корхонанинг ривожланишининг доимий талаби ҳисобланади.

Машинасозлик бакалаврларини тайёрлаш амалиётининг таҳлилидан педагогик технологиялар ва таълим воситаларини қўллаш билан уларнинг доимий ривожланиши ва малакасининг ошириш қобилиятларини шаклланиш даражаси етарлича таъминланмас эканлигини англаш мумкин. Шу сабабли касбга тайёрлашни интерактив услублардан фойдаланган ҳолда ўтказилган тажрибадан олинган натижа билан анъанавий услублардан фойдаланилгандаги олинган натижалар билан солиштирамиз.

1-расм.

Машинасозлик мутахассисларини касбга тайёрлашнинг анъанавий усуллари



XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги даврида (2008 йилгача) педагоглар муҳандисларни тайёрлаш муаммосига алоҳида эътибор қаратишди, ривожланиш даражаси ва машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, ишлаб чиқариш ва ускуналарнинг модернизацияси, компьютер ва информацион технологияларни жадал татбиқ этилиши мос равишда информацион технологиялардан фойдалана оладиган ва янги ускуналарни ўзлаштира оладиган юқори малакали кадрларга бўлган заруратни туғдиради. Машинасозлик мутахассисларини касбий тайёргарлик масаласини ривожлантириш учун олиб борилган тад-

қиқотчиларга Е.А.Крайнова, Е.Е.Руденко, О.А.Тарабрин А.Ф.Мустафин, Н.Н.Савельева, Е.А.Синкина ва бошқалар олиб борган илмий изланишларини таълим жараёнини ташкил этиш асосий методологик асос сифатида фойдаланиб келинмоқда. Машинасозлик саноатида инфор­мацион технологияларнинг жадал қўлланилиши, талабаларда инфор­мацион маданиятни шакллантиришни, касбий фаолиятларида компьютер технологияларидан фойдаланишга бўлган тайёргарликларини оширишиши бўлажак бакалаврларининг чуқур касбий билимга, кўникмага эга бўлишини тасдиқлади. Машинасозлик мутахассисларини касбий тайёрлаш мумаммолари бўйича ўтказилган контент-таҳлил текширишлари методологик асосларни компитентлик, интегратив, фаолиятлилик, тизимлилик, шахсий-мўлжаллиликли ёндашуви кўринишда очиб бериш имконини беради (2-расм). Машинасозлик корхоналари учун ракобатбардош кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш мақсадида машинасозлик бакалаврларини тайёрлаш жараёнида дидактик ва услубий таъминот яъни ўқув-услубий мажмуасини ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилмоқда. Бундай интилишларни жорий этишнинг асосий воситалари бу таълим жараёнига инфор­мацион ва коммуни­кацион технологияларни фаол қўллаш ҳисобланади.

2-расм.

Машинасозлик мутахассисларини касбга тайёрлаш соҳасидаги тадқиқотлар



Машинасозлик бакалаврининг касбий фаолиятини ўзига хослиги ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда алоҳида қарашни тақозо этади, бу эса ўтказилган тадқиқотларда назарда тутилмаган.

Бўлажак машинасозлик бакалаврларини касбга тайёрлаш мазмунини лойиҳалаш, ишлаб чиқаришнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда машинасозлик бакалаврларининг муҳим аҳамиятга эга бўлган касбий хусусиятининг шаклланишига йўналтирилган ўқув (мутахассислик) фанларининг ва оралик курсларнинг янги мазмунини ишлаб чиқиш ва модернизация қилишни тақозо этади. Аммо кўпгина ўтказилган тадқиқотларда муҳандисларни касбга тайёрлашни фақат бир турдаги фаолиятга таянган ҳолда касбий тайёргарлигига тўлиқ урғу бермасдан ўрганилган.

Шундай қилиб, машинасозлик бакалаврларини касбга тайёрлаш соҳасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари ва машинасозлик тараққиётининг замонавий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда уларни тайёрлашнинг асосий йўналишларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

– информацион ва коммуникацион технологияларини фаол қўллаш билан таълимнинг дастурий–услубий таъминотини ишлаб чиқиш;

– машинасозлик бакалаврлари касбий фаолияти учун зарур бўладиган, ёхуд янгича қобилиятларини самарали шакллантириш имконини бера оладиган, касбий ўқув фанларини модернизациялашни ўз ичига олган тайёрлаш мазмунини лойиҳалаш.

Машинасозлик буюмларини ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни татбиқ этиш, ўзгарувчан меҳнат шароитларига мослаша олиш қобилиятига эга бўлган мутахассисларга бўлган талабни оширади, бунга бўлажак машинасозлик мутахассисларини тайёрлаш жараёнида уларда муҳим касбий сифатлар шаклланиши учун замонавий педагогик технологияларни ва усулларни қўллаш орқали эришиш мумкин бўлади.

Машинасозлик бакалаврларини ОТМда касбга тайёрлаш йўналишларини амалга ошириш воситаларининг турли-туманлигига қарамасдан, энг кўп долзарб ва амалий натижа берадигани ўқув жараёнига ахборот ва телекоммуникацион технологияларни татбиқ этиш деб айтиш мумкин, шу жумладан маҳсулдор таълим усулларини қўллаш, қисман изланувчан, тадқиқот ва ижодий ишларни татбиқ этиш. Бироқ таълим жараёнини бундай модернизация қилишда битта далил ҳисобга олинмайди, кўпгина талабаларда мустақил ўқиб билим орттириш кўникмалари йўқлиги туфайли тадқиқот ва ижодий ишларни олиб боришда қийинчилик туғдиради. Бўлажак машинасозлик бакалаврларини касбга тайёрлаш соҳасида олиб борилган педагогик тадқиқотлар энг муҳим илмий аҳамиятга эга, лекин мустақил ўқиб билим ортириш фаолияти талабаларнинг қобилияти шаклланиши масаласи кам ўрганилган.

Шундай экан, машинасозлик бакалаврларини тайёрлаш жараёнини қайта кўриб чиқиш зарурати туғилади, биринчи навбатда, меҳнат шароитларининг ўзгариши ва машинасозлик ишлаб чиқаришининг замонавий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, бўлажак битирувчида билимларни мустақил ўргана оладиган, компитентлик шаклланиши йўналишидаги таълим мақсадини ўзгартиришни талаб этади. Модернизация қилиш на фақат мутахассислик ва касбий фанларнинг мазмунига тегишли бўлмасдан, умумкасбий фанларга, бўлажак машинасозлик бакалаври биринчи курсидан бошлаб ўтиладиган фанларни ҳам қамраб олиши керак бўлади. Умуммаданий ва касбий компитенцияларнинг барчасини шакллантиришни босқичма босқич олиб бориш мантиқий ва самарали ҳисобланади.

Машинасозлик бакалаврларини тайёрлаш йўналишлари ва машинасозлик ишлаб чиқаришининг ривожланишининг замонавий йўналишларини таҳлил натижаларига кўра қуйидаги хулосаларга келамиз: машинасозлик корхоналарига инновацион технологиялар ва модернизациялашган асбоб-ускуналарни самарали татбиқ этиш учун, янги технологиялардан фойдаланиб сифатли маҳсулот ишлаб чиқара оладиган, ўзгарувчан меҳнат шароитларига тез мослаша оладиган, доим ўз малакасини ошириб борадиган, мустақил ўқиб билим орттира оладиган мутахассисларга талаб пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сайидахмедов Н.С., Индиаминов Н.Н. Педагогик махорат ва педагогик технология // Фан ва технология. – тошкент, 2014. – 335 б.
2. Ишмухамедов Р., Абдукодилов А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т. “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 261 б.
3. Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Ҳ., Ниёзов Г. Педагогика. – Тошкент: Фан, 2006. – 282 б.
4. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М. 1996. – 243 с.
5. Ильин М.В. Изучаем педагогику (краткий конспект лекций). – М. РИПО, 1998. – 121 с.
6. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – Анализ зарубежного опыта. – М.: Знание, 1989. – 77 с.
7. Калметов Б. Образовательный комплекс Узбекистана в условиях формирования рыночных отношений: обзор. – Т., 1993. – 180 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада замонавий машинасозлик ҳолати ва унинг ривожланиш йўналишлари таҳлил этилади. Олдин ўтказилган тадқиқот натижалари асосида бўлажак машинасозлик бакалаврларини олий ўқув юртида касбга тайёрлаш йўналишлари кўриб чиқилган. Муаллифлар тамонидан, машинасозлик бакалаврларини касбга тайёрлаш муаммолари таъкидланган бўлиб, машинасозликнинг ривожланиш йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ечимлари таклиф этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется современное состояние машиностроения и тенденции его развития. Рассматриваются тенденции профессиональной подготовки в вузе будущих бакалавров машиностроения, на основе анализа проведенных ранее исследований. Автором отмечаются проблемы профессиональной подготовки бакалавров машиностроения с учетом тенденций развития машиностроения и предлагаются пути их решения.

SUMMARY

In the article the current state of mechanical engineering and tendency of its development is analyzed. Tendencies of professional training in the university of future bachelors of mechanical engineering on the basis of analysis of researches which were conducted earlier are considered. The author notes problems of professional training of bachelors of mechanical engineering in view of tendencies of development of mechanical engineering and ways of their solution are proposed.

Наширға пед. ф. д. Р.Шодиев тавсия этган

МЕТОДИКА ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕРОПРИЯТИЙ ПО БЕЗОПАСНОСТИ ТРУДА В НЕФТЕГАЗОВОЙ ОТРАСЛИ

Нурмаматова Р.Р. (КапГУ)

Ключевые слова: условия труда, охрана труда, экономическая эффективность, социальная эффективность, льготы, компенсации, заработная плата, рабочее время, социальное страхование, жизнь работников, здоровье работников, трудоспособность.

Таянч сўз ва иборалар: меҳнат шароити, меҳнат муҳофазаси, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий самарадорлик, имтиёзлар, компенсациялар, иш ҳақи, иш вақти, ижтимоий сугурта, ишчиларнинг ҳаёти, ишчилар соғлиғини сақлаш, меҳнат қобилияти.

Keywords: working conditions, labor protection, economic efficiency, social efficiency, benefits, compensation, wages, working hours, social insurance, workers' lives, workers' health, ability to work.

Введение

Основная цель мероприятий по охране труда – достижение социального эффекта на рабочем месте. Данная социальная цель оказывает положительное воздействие на результаты труда, повышая его производительность, уменьшая травматизм и заболеваемость.

При улучшении условий и охраны труда получается двойная выгода: социальная и экономическая.

Основная часть

Для оценки социального эффекта от внедрения мероприятий по улучшению условий и охраны труда могут быть использованы следующие социально-экономические показатели:

1. Сокращение числа рабочих мест несоответствующих нормативным гигиеническим требованиям:

$$\Delta K_{сг} = \text{Эсгм} / \text{Чрм},$$

где, Эсгм – социальный эффект от улучшения гигиенических условий труда по всем показателям, определяемый как прирост после внедрении мероприятий числа рабочих мест, на которых условия труда в комплексе соответствуют гигиеническим требованиям;

Чрм - общее число рабочих мест.

2. Сокращение численности работников, находящихся в условиях, несоответствующих гигиеническим нормативам:

$$\Delta \text{Чсг} = \text{Эсгр} / \text{Чр},$$

где Эсгр – социальный эффект от улучшения гигиенических условий труда, рассчитываемый по всем показателям и определяемый как прирост числа рабочих, условия труда которых соответствуют нормативам;

Чр – общая численность рабочих.

3. Увеличение количества машин, механизмов и производственных помещений, приведенных в соответствие с требованиями ССБТ и СНиП и других нормативно-технических требований:

$$\Delta K_{мп} = \text{Эмп} / \text{Чмп},$$

где Эмп – социальный эффект от увеличения количества и удельного веса машин, механизмов, производственных помещений приведенных в соответствие с нормативными требованиями; Чмп – общее число машин, механизмов, помещений.

4. Сокращение производственного травматизма:

$$\Delta K_{ч} = \text{Эч} / \text{Чр}; \quad \Delta K_{т} = \text{Эт} / N_{т},$$

где $\Delta K_{ч}$ – снижение частоты травматизма; $\Delta K_{т}$ – снижение тяжести травматизма;

Эч, Эт – социальный эффект от изменения числа случаев и тяжести травматизма; рассчитывается как разность этих показателей до и после внедрения мероприятий;

$N_{т}$ – число травм в отчетном (базисном) году.

5. Сокращение заболеваемости

$$\Delta K_{сз} = \text{Эз} / \text{Чр}; \quad \Delta K_{тз} = \text{Этз} / N_{сз},$$

где $\Delta K_{сз}$ – уменьшение числа заболеваний с временной утратой трудоспособности из-за неблагоприятных условий труда;

$\Delta K_{тз}$ – снижение продолжительности заболеваний;

Эз, Этз – социальный эффект от уменьшения числа случаев и длительности болезней;

$N_{сз}$ – число заболеваний в отчетном (базисном) периоде.

6. Сокращение числа случаев выхода на инвалидность вследствие травмы или заболевания:

$$\Delta \text{Чи} = \text{Эи} / \text{Чр},$$

где, $\Delta \text{Чи}$ – число лиц, получивших инвалидность;

Эи – социальный эффект, достигнутый за счет сокращения инвалидности (разность относительного числа работников, получивших инвалидность до и после внедрения мероприятий).

7. Сокращение текучести кадров из-за неблагоприятных условий труда:

$$\Delta K_{тек} = \text{Этек} / \text{Чр},$$

где, Этек – социальный эффект, проявляющийся в сокращении числа случаев увольнения по собственному желанию в связи с неблагоприятными условиями труда.

8. Экономия рабочего времени в связи со снижением текучести кадров в расчете на одного работника:

$$\Delta K_{рт} = \text{Эсэк} / \text{Чр},$$

где Эсэк – социально-экономический эффект от сокращения потерь рабочего времени в связи с текучестью кадров.

Для данного предприятия материальной сферы производства дается экономическая оценка социальных результатов улучшения условий и охраны труда по следующим показателям.

1. Прирост объема нормативной чистой продукции, обусловленной сокращением социальных потерь в связи с уменьшением заболеваемости, травматизма, текучести кадров из-за неблагоприятных условий труда:

$$\mathcal{E}_1^M = \sum_{M=1}^H \Delta B_{.M} НЧП_{.M}$$

где $\Delta B_{.M}$ – прирост выпуска продукции м-го вида;

НЧП_{.M} – норматив чистой продукции продукции м-го вида.

$$\Delta B_{.M} = (D1 - D2) V_p,$$

где D1, D2 – общее количество дней, потерянных в связи с заболеваниями, травматизмом и текучестью кадров из-за неблагоприятных условий труда до и после проведения мероприятий соответственно, чел./дни; V_p – средняя выработка на одного рабочего, P – натуральные единицы.

2. Снижение себестоимости и рост прибыли за счет экономии на подготовку и переподготовку рабочих кадров в связи с заменой работников, получивших травмы, заболеваний и вышедших по причине текучести кадров:

$$\mathcal{E}_2^M = Ч_{пп} Q_{пп} + Ч_о Q_о,$$

где, Ч_{пп} – уменьшение числа работников, нуждающихся в переквалификации по причине заболеваний и травм, чел./год;

Q_{пп} – средние по отрасли затраты на переквалификацию работника, P/год;

Ч_о – уменьшение количества работников, принимаемых взамен вышедших и нуждающихся в обучении, чел./год;

Q_о – средние по отрасли затраты на обучение одного вновь принятого рабочего, р.

3. Прирост нормативной чистой продукции (НЧП) обусловленной повышением производительности труда благодаря улучшению его условий:

$$\mathcal{E}_3^M = \sum_{M=1}^H \Delta B_{.M}^P НЧП_{.M}$$

где $\Delta B_{.M}^P$ – прирост объема продукции м-го вида вследствие повышения производительности труда благодаря улучшению его условий.

$$\Delta B_{.M}^P = Ч_{ср} V \Delta П,$$

где Ч_{ср} – среднесписочное число работников, чел./год;

V – годовая выработка продукции за вычетом брака, натуральные единицы/чел.;

ΔП – прирост производительности труда благодаря улучшению его условий.

Экономическая эффективность определяет экономику управления охраной труда. Экономика всегда связана с денежными измерениями. К показателям экономической эффективности относятся также:

- снижение потерь, связанных с авариями, пожарами, утратой трудоспособности вследствие травматизма и заболеваемости;
- прибыль, полученная в результате увеличения производительности труда, связанного с улучшением медико-биологических и технолого-технических условий;
- снижение потерь за счет уменьшения текучести кадров по причине улучшения условий труда;
- экономия сырья, материалов, энергии при эксплуатации оборудования, используемого в качестве коллективных средств защиты;
- снижение издержек, связанных с обеспечением льгот и компенсаций для работающих во вредных условиях труда и т.п.

Использование средств, предусмотренных на улучшение условий труда, разработку и осуществление мероприятий по снижению производственного травматизма и профессиональной заболеваемости, кроме большого социального эффекта дает и экономический результат выражающийся в увеличении периода профессиональной активности трудящихся, росте производительности труда, сокращений потерь, связанных с травматизмом, профессиональной заболеваемостью, уменьшении текучести кадров, сокращении затрат на льготы и компенсации.

Существенным резервом экономии материальных средств, связанным с улучшением условий труда, является сокращение затрат на льготы и компенсации работающим во вредных условиях, которые слагаются из следующих элементов:

- повышение тарифных ставок и должностных окладов с 4 до 24,0%;
- сокращение рабочего дня до 6 часов;
- предоставление дополнительного очередного отпуска от 6 до 36 дней;
- снижение пенсионного возраста на 5 и 10 лет;
- предоставление льгот женщинам и подросткам;
- выдаче бесплатного лечебно-профилактического питания или молока;
- обеспечение средствами индивидуальной и коллективной защиты.

Улучшение условий труда может привести и приводит к сокращению затрат из фонда социального обеспечения за счет:

- уменьшения оплаты по больничным листам;
- снижения расходов на амбулаторное лечение в больницах и учреждениях санитарно-курортного лечения;
- сокращения расходов на выдачу лекарств при оказании первой помощи;
- сокращения расходов на единовременное пособие пострадавшему или его семье, на похороны, на бесплатное протезирование.

Но основной экономический эффект зависит от деятельности самого предприятия, которое может при создании благоприятных условий труда ликвидировать, либо сократить многие потери за счет:

- сокращения простоев технологического оборудования при нетрудоспособности работников;
- уменьшения брака продукции;
- роста производительности труда;
- сокращения различного рода доплат за работу в неблагоприятных условиях и т.д.

Заключение

Обобщая наши научные исследования, можно сделать вывод, что экономический эффект мероприятий по улучшению условий и повышению безопасности труда достигается за счет сокращения предоставляемых льгот и компенсаций, отчислений от заработной платы; уменьшения потерь рабочего времени, повышения работоспособности и производительности работников, а также за счет снижения себестоимости продукции, увеличения дополнительной прибыли, сокращения расходов на социальное страхование. Наиболее значимым является социальный эффект, проявляющийся в конечном итоге в сохранении жизни и здоровья работников, их трудоспособности, повышении удовлетворенности трудом. Экономический эффект в данном случае выступает как критерий наиболее рационального достижения поставленной социальной цели.

Литературы

1. Закон Республики Узбекистан "Об охране труда". 22 сентября 2016 г., ORQ-410.
2. Трудовой кодекс Республики Узбекистан. Глава XIII. 21 декабря 1995 г.
3. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дальнейшем развитии рынка услуг в области охраны труда» г. Ташкент, 27 апреля 2017 г., – № 246.
4. Юлдашев О.Р., Нурмаматова Р.Р. Охрана труда. Учебник. –Ташкент, 2019. – 483 с.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы улучшения условий труда, экономической эффективности мероприятий по охране труда; пособия и компенсации, удержание на работе, потеря рабочего времени, сокращение расходов на социальное страхование, увеличение дополнительного дохода, и это социальная эффективность; защита жизни и здоровья работников, их трудоспособности и повышение удовлетворенности работой.

РЕЗЮМЕ

Мақолада меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг иқтисодий самараси; имтиёзлар ва компенсациялар, иш ҳақидан ушлаб қолиниши, иш вақтининг йўқолиниши, ижтимоий сугурта харажатларини камайтириш, кўшимча даромадларни кўпайтириш, ва бу ижтимоий самарадорлик; ишчиларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, меҳнат қилиш қобилияти ва ишдан қониқишни ошириш келтирилган.

SUMMARY

The article discusses issues of improving working conditions, economic efficiency of labor protection measures; benefits and compensation, retention at work, loss of working time, reduction of social insurance expenses, increase in additional income, and this is social efficiency; protecting the life and health of workers, their ability to work and increasing job satisfaction.

Рекомендовано к печати д.пед.н. Р.Шадиевым

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ОТ-КЎМАКЧИЛАРНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

Ражабова З. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *кўмакчи, от кўмакчи, вазифадош кўмакчи, соф кўмакчи, синтаксис, лисон, нутқ, от, объект, олмош, ҳаракат номи, сифатдош, сифат, сўроқ, морфология, сўз туркуми, лексик-грамматик восита.*

Ключевые слова: *послелог, отыменный предлог, вспомогательный послелог, чистый послелог, синтаксис, язык, речь, имя существительное, объект, местоимение, имя действия, причастие, имя прилагательные, вопрос, морфология, части речи, лексико-грамматические средства.*

Keywords: *postposition, excuse preposition, auxiliary postposition, pure postposition, syntax, language, speech, noun, object, pronoun, action name, participle, adjectives, question, morphology, parts of speech, lexical and grammatical means.*

Ўзбек тили гап қурилишида кўмакчилар муҳим семантик ва синтактик рол ўйнайди. Кўмакчилардаги лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланиши, унда лисоний ва нолисоний омиллар ҳамкорлиги масалаларини ёритиш кўмакчиларнинг келиб чиқиши, ўрганилиш тарихи билан боғланади. Кўмакчи билан боғлиқ айрим назарий масалалар уларни аниқ тасаввур қилиш учун кўмакчиларнинг фақат ҳозирги нутқимиздаги хусусиятига қараб эмас, балки тарихий тараққиётига таянишни талаб этади.

Ўзбек тилидаги кўмакчиларга биринчи бўлиб мукамал таъриф академик А.Н.Кононов томонидан берилди: “Кўмакчилар шундай бир гуруҳ сўзларки, улар от билан ёки объект билан предикат орасидаги курул-восита, мақсад, сабаб, пайт, масофа, йўналиш, ўхшатиш каби муносабатнинг яратилишида хизмат қилади”. (1) Ўзбек тилшунослигида кўмакчиларнинг бевосита ўрганилиш тарихи тилшунос Ш.Шоабдурахмонов тадқиқотидан бошланди. Олим кўмакчига шундай таъриф берди: “Кўмакчи объектнинг объектга ёки объектнинг предикатга бўлган турли грамматик муносабатини кўрсатувчи ёрдамчи сўздир”. (2) Тилшунос Т.Рустамов кўмакчиларни махсус илмий тадқиқ қилган бўлса (3), С.Фузаилов от-кўмакчиларни махсус ўрганди. (4) Олима Д.Лутфуллаева кўмакчиларга замонавий тадқиқ усуллари билан ёндашди. (5)

Шунга қарамай, ҳанузгача ҳозирги ўзбек тилшунослиги ҳамда она тили таълимида кўмакчиларни аниқлаш мезони, таркиби, бошқа сўз туркумларига муносабати каби масала-

лар бўйича мунозарали қарашлар мавжуд бўлиб, узлуксиз таълим бўғинларида кўмакчиларни ўқитиш жараёнида муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу, айниқса, вазифадош кўмакчиларни ўқитиш билан боғлиқ.

Маълумки, умумий ўрта таълим тизимида кўмакчилар 7-синфда ўқитилиб, мавзуга доир билимлар “Кўмакчилар”, “Соф кўмакчилар, “Вазифадош кўмакчилар”, “Кўмакчиларнинг маъно турлари”, “Кўмакчилар ва кўшимчалар маънодошлиги”, “Кўмакчилар билан бирга келган сўзларнинг шакллари” каби дарсларда ўргатишга мўлжалланган. (6, 74-85) Дарсликда кўмакчи “От, олмош, ҳаракат номи ва сифатдошлардан кейин келиб, уларни ҳоким сўзга боғлаш учун хизмат қилувчи билан, учун, каби, сингари, орқали, сайин каби сўзлар кўмакчи ҳисобланади” тарзида қоидалаштирилади. (6, 76)

Вазифадош кўмакчилар орасида от кўмакчилар соф кўмакчиларга қараганда ҳам катта қисмини ташкил қилиб, уларнинг беқарорлиги, яъни ҳали тўла кўмакчилашмагани, ўрни билан мустақил сўз – от сифатида ҳам, кўмакчи вазифасида ҳам қўлланиши, муҳими, кўп ҳолларда на мустақил сўз, на кўмакчига хос белгиларни сақлаган ҳолда нутқда воқеланиши она тили таълимида бир мунча муаммоларни юзага келтиради.

Манбаларда “вазифадош кўмакчи”, “кўмакчи от”, “от-кўмакчи” номлари билан юритилган кўмакчи қандай кўмакчи, у асли қайси сўз туркумига мансуб, узлуксиз таълим бўғинларида уларни ўқитиш билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд?

Вазифадош кўмакчиларнинг катта қисмини кўмакчи отлар ташкил қилади. Биринчи марта “кўмакчи от” жумласи 1957 йилда нашр этилган “Ҳозирги замон ўзбек тили” китобида учрайди. (7) Соф кўмакчилар аташ маъносини тамоман йўқотиб, фақат ўзи бириккан сўзни бошқа сўзга тобелантириб боғлаш учун хизмат қиладиган кўмакчилар бўлиб, урғу олмаслиги, оҳанг томонидан ўзидан олдинги сўз билан бир бутунликни ташкил қилиши, ёзувда ажратиб ёзилиши билан характерланса, вазифадош кўмакчилар асли мустақил сўз экани, нутқда кўмакчига хос вазифа бажариши, яъни мустақил сўроқ қабул қилмаслиги, лексик маъноси кучсизланиши, ўзидан олдин келган сўзни кейинги сўз билан боғлаш вазифасини бажариши билан ундан фарқланади: “Бундай сўзлар кўмакчи вазифасида келганда, аташ маъносини йўқотади, шунинг учун маълум сўроққа жавоб бўлмайди. Ўзи қўшилган сўз билан биргаликда битта сўроққа жавоб бўлади”. (6, 63)

Маълумки, сўз туркумлари орасида мунтазам алоқа мавжуд бўлиб, бу алоқа тил тизимининг доимий ўзгариш, тараққиётдаги жонли жараён эканлигидан далолат беради. От-кўмакчилар аслида мустақил туркумга мансуб луғавий маъноли сўз бўлиб, айна пайтда отдан кўмакчига кўчиш босқичини “бошидан кечираётган” томон, ҳақида, чамаси, мисоли, ҳолда, йўсинда, бўйи, ости, таги, усти, олди, орқаси, ёни, бўйи, ичи, ораси, ўртаси, тепаси, қоши, лаби, ёқаси, оғзи каби сўзлардир. Бундай сўзлар ҳозирги ўзбек тилида йигирмадан ортиқ бўлиб, улар кўмакчи вазифасини бажараётганда фақат грамматик маъно ифодалайди.

Сўз туркумлари орасидаги ўзаро муносабат ва уларнинг бир-бирига кўчиши лексема семемасидаги эволюцион тараққиёт натижасида юзага келиб, кўчишнинг лисонийлашган ва нутқий кўринишлари фарқланади. Кўчиш босқичидаги ва кўчган сўзларни аниқлаш, маълум гуруҳга нисбат бериш, албатта, узоқ тараққиёт босқичини талаб этади. Бир сўзнинг бошқа туркумга кўчиши ва лисонийлашуви асрлаб давом этиши мумкин. Шу боисдан айрим сўзларнинг қайси туркумига мансублиги уларнинг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятлари тегишли тадқиқ усуллари билан тадқиқ қилиш асосида белгиланиши лозим.

От-кўмакчилар лисоний бирлик сифатида ўзига хос грамматик белгиларга эга. От-кўмакчиларда ҳам категориал маъно, ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлган лексик маъно мавжуд. У предмет ёки предмет номини англатмайди, аммо бошқа бир мустақил сўзга бирикиб келиб, икки томонлама синтактик муносабатни юзага келтиради, яъни тобе бўлакка бирикиб, ўша тобе бўлакнинг ҳоким бўлакка тобеланиш муносабатини таъминлаш билан боғлиқ категориал маъно ифодалайди. От-кўмакчининг кўмакчидан фарқи улар турланган ҳолда ўзларидан олдин келадиган от билан қаратқич-қаралмиш алоқасига киришиб, шу от билан бирликда бошқарилади. Кўмакчи морфологик жиҳатдан ўзгармайди, кўмакчи отлар эса эгалик ва айрим келишик шакли олиб турланади, аниқроғи, ўзининг

отлик табиатини намоён этади: *ости, усти, лаби, этаги, устида* каби. Гапда сўзларнинг турли синтактик муносабатини кўрсатади. Баъзилари кўчма маънода ҳам қўлланади: *Иш бошига қўймоқ; қўл остида ишламоқ; дастурхон устида гаплашмоқ* каби.

От-кўмакчининг лексик маъноси ўзи бирикиб келаётган мустақил маъноли сўзнинг лексик маъносига боғлиқ.

От-кўмакчининг асосий нутқий хусусиятларидан бири уларнинг синонимлик хусусияти бўлиб, ҳар қайси кўмакчининг ўзига хос услубий хосланишга эгалигидир. Масалан, *тоғнинг этаги, тоғнинг таги, тоғнинг пасти* ва ҳк. Булардан этак кўмакчиси ўзбек адабий тилига хос бўлиб, қолганлари сўзлашувда кузатилади.

От-кўмакчиларнинг оддан фарқи мустақил лексик маънонинг кучсизланганидагина эмас, балки ундаги лексик маъно қандайдир ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, улар мустақил маъноли сўзларга бирикканидагина пайдо бўлишидадир. Масалан, мақсад, сабаб отлари мақсадида, сабабли морфологик шаклларида кўмакчи категориясига ўтиб, соф кўмакчилардек грамматик хусусиятга эга бўлиб, мақсад, сабаб маъноларини ифодалайди: *Бу шаҳарга ўқши мақсадида келган эдим. Таниганим ва билганим сабабли унга алоҳида хурмат билдирдим*. Айрим кўмакчилар ҳам мустақил маъноли сўзларга бирикиб, сабаб, мақсад маъноларини билдирадилар. Бундай сабаб, мақсад маъноси ўша кўмакчининг лексик маъноси ҳисобланади: *У кўп ўқигани учун кўп билади (сабаб). Сиз билан суҳбатлашиш учун келдим (мақсад)* ва б. (8)

От-кўмакчиларда грамматик маъно ниҳоятда устун бўлиб, унинг лексик маъносини аниқлаш, сезиш қийин бўлгани учун айрим адабиётларда кўмакчиларда лексик маъно бўлмайди деган фикр ҳукмрон. Бундай назарий камчиликларга эга бўлган фикрнинг пайдо бўлишига асосий сабаб кўмакчиларнинг худди келишиқ қўшимчаларидек хусусиятларга эга бўлиши, яъни тобе бўлакнинг ҳоким бўлакка бўлган грамматик муносабатининг яратилишида қўлланишидир. Аммо келишиқ қўшимчалари билан кўмакчиларни мантиқан битта тушунча деб бўлмайди.

Айрим кўмакчилар шакл жиҳатидан от-кўмакчиларга ўхшасалар-да, аслида уларда соф кўмакчиларга хос хусусият бор. Масалан, қошида оти мустақил маъноли сўз бўлганида унда предметликни ифодалаш мавжуд бўлади: Боланинг қошида гард бор эди. Кўмакчи функциясида қўлланганда кўчма маъно касб этиб, ўзи бирикиб келаётган отнинг бошқа бир отга бўлган грамматик муносабатини билдириб, мустақил лексик маъно ифодалаш, яъни предметни билдириш хусусиятини йўқотади: *Университет қошидаги лицей*. Бундай қурилмада *университет қошида* – тобе бўлак, *лицей* – ҳоким бўлак бўлиб, тобе бўлак ҳоким бўлакнинг белгисини, хусусиятини билдиради. Шунинг учун ҳам бундай ҳолда кўмакчи *қошидаги* шаклида ишлатилиши ҳам мумкин. Бу ерда *қошидаги* сифати кўмакчи функциясини бажараётган ёрдамчи сўз бўлиб, *университет* отининг *лицей* отига бўлган грамматик муносабатини таъминламоқда. Қошидаги сифатининг бундай грамматик хусусиятга эга бўлишида асосий сабаб унинг предметни ифодалаш хусусияти йўқолиб, кўчма маъно англата бошлаганидир.

Худди шунингдек, *Китоб стол устида турибди. Пул устида жанжаллашишди. Девор усти қор билан қопланган* гапларида ишлатилган ҳар уч уст оти мустақиллигини йўқотиб, кўмакчи вазифасини бажармоқда.

Кўмакчиларнинг бошқа бир сўз туркумидан ўтиши, лисонийлашуви узок муддатнинг маҳсули бўлиб, ҳар қайси тилнинг ўзининг қонун-қоидасига асосланади. От-кўмакчилар ниҳоятда серқирра моҳиятга эга бўлиб, уларни турли жаҳатларига кўра тасниф қилиш мумкин. Масалан, лексик маънони қисман сақлаши ва бутунлай йўқотиши мумкин бўлган от-кўмакчилар ёки қайси сўз асосида келиб чиқишига кўра томон отидан пайдо бўлган кўмакчилар, бўй отидан пайдо бўлган кўмакчилар, соя отидан келиб чиққан кўмакчилар, қатор отидан келиб чиққан кўмакчилар ва ҳк.

Ҳар қандай тил ўзининг ички қонуниятини асосида ривожланади. Жумладан, тилдаги лексик қатламлар асосида неологизм вужудга келганидек, архаик сўзлар истеъмолдан чиқа бошлайди. Шунингдек, тилда янги кўмакчиларнинг пайдо бўлиши у тилнинг лексик бой-

лигининг ривожланишида, грамматик қурилишининг такомиллашишида катта аҳамиятга эга бўлади. Шундай экан, кўмакчилар нутқимизда грамматик категория сифатида алоҳида ўрин тутди. Ўзбек тилида от-кўмакчиларнинг яратилиши нутқ жараёни, такомилли билан боғлиқ бўлиб, жонли сўзлашув, адабий тил жараёнининг узлуксиз узвий боғланишига таянади. Даврларнинг ўтиши инсоннинг тафаккур қобилиятининг ривожланишини таъминлаганидек, тилда ҳам ривожланиш, ўзгаришни яратади. Натижада тилнинг тарихан ривожланиш жараёнида от-кўмакчиларнинг ривожланиб, такомиллашиб бориши сезилади.

Хуллас, кўмакчилар ўзбек тили гап қурилишида муҳим рол ўйновчи мураккаб лексик-грамматик воситалар бўлиб, уларнинг лисоний имкониятлари ва нутқий хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш бугунги кунда тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. От. Ред. Акад. И.А. Орбели. М. –Л.: Изд. Акад. Наук СССР. 1960. – 446 с.
2. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар: Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. – Тошкент: ЎзФА, 1953.
3. Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. – Тошкент: Фан, 1965.
4. Фузаилов С. Кўмакчи ва кўмакчи отлар ҳақида баъзи мулоҳазалар: Ўзбек тилшунослигининг актуал масалалари: Илм. иш.тўп. – Тошкент. 1988. – Б. 10-17.
5. Лутфуллаева Д. Ўрнига кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1996. - №5. – Б. 46-48.
6. Она тили. 7-синф учун дарслик. Н.Маҳмудов ва бошқ. – Т.: Маънавият, 2013. – 160 б.
7. Ҳозирги замон ўзбек тили. Лексикология. Фонетика. Графика ва орфография. Морфология. Фаҳри Камол таҳрири остида. – Тошкент: Ўзбекистон ССР фанлар академияси нашриёти, 1957.
8. Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада от-кўмакчиларнинг грамматик маънолари турли адабиётлар асосида қиёсан талқин ва таҳлил этилган ҳамда уларнинг ўқитилишини интерфаол методлар билан ташкил этиш усуллари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается сравнительная интерпретация и анализ грамматических значений отыменных послелогов узбекского языка на основе различной литературы и описываются способы организации их обучения с помощью интерактивных методов.

SUMMARY

The article discusses the comparative interpretation and analysis of grammatical meanings of exemplary syllables based on various literature and describes the methods of organizing their learning by interactive methods.

Нашрга пед. ф. д. Р.Шодиев тавсия этган

**КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА
НАНОКРЕДИТЛАШ УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ**

Наврўз-Зода Б.Н. (БухДУ)

Таянч сўз ва иборалар: жамғарма, нанокредитлаш, “80-20” олтин қоидаси, оила бюджет-ти, “50\30\20” усули, «Тўрт конверт» усули.

Ключевые слова: накопление, нанокредитование, золотое правило “80-20” метод, семейный бюджет, метод “50\30\20”, метод “4 Конвертов”.

Keywords: hoarding, nanocrediting, Golden rule “80-20” method, family budget, method “50 \ 30\20”, method “4 Envelopes”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра “мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш” [1] мақсадида инқирозга қарши курашининг самарали воситаларини изчиллик билан амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайишини олдини олишга эришилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида коронавирус пандемияси сабабли 2020 йил 15 мартдан жорий этилган карантин даврида кўп оилалар иқтисодий ночор ҳолатга дуч келдилар. Карантин даврида вақтинча даромадсиз қолганлар ҳақида Gazeta.uz сайти телеграм каналида 2020 йил 7 апрель куни жойлаштирилган сўровнома натижалари бўйича сўровда 150 минг нафар киши ўз иши билан боғлиқ вазиятга муносабат билдирган. Жумладан, 35 минг нафарга яқин респондент масофадан туриб, 43,5 минг киши эса ишга қатнаб ишламоқда. 14,6 минг киши ҳақ тўланадиган меҳнат таътилига чиқарилган. Сўровда қатнашганларнинг 15 минг нафари ўз ҳисобидан меҳнат таътилига чиқарилган, 41,6 минг нафари эса корхона фаолиятини вақтинча тўхтатгани сабабли ишсиз қолмоқда. Иккаласини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, даромадсиз қолганлар сони 56,6 минг кишини ташкил қиляпти. Бу меҳнатга лаёқатли респондентларнинг 39 фоизи дегани [2].

Шунингдек, Xushnudbek.uz телеграм-ботида 2020 йил 5 апрелдан 10 майгача даврда ўтказилган яна бир сўровномада аҳолига “Ойлик ёки кунлик даромадсиз қолгансиз, рўзгорингизни йиғиб қўйган жамғаргангиз билан қанча вақт бемалол таъминлай оласиз?” деган савол билан аҳолига мурожаат қилинган аноним сўровномада, ярим миллиондан кўпроқ респондент иштирок этган. Уларнинг альтернатив жавоблари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадв.

Ўзбекистонда коронавирус пандемияси карантини вақтида фуқаролар шахсий жамғармалари ҳисобидан рўзгорини таъминлаш ҳолати¹

т\р	Шахсий жамғарманинг ўз рўзгорини бемалол таъминлай олиш муддати	Респондентларнинг сони (киши)	Респондентларнинг ҳиссаси (фоиз ҳисобида)
1	10 кунгача	139942	24,1
2	1 ойгача	148815	25,6
3	3 ойгача	42494	7,3
4	6 ойгача	17875	3,1
5	1 йил ва ундан кўпроқ	30974	5,3
6	Жамғармам йўқ	201001	34,6
Жами сўровномада қатнашганлар:		581101	100 фоиз

¹ Манба: 1-жадвал <https://t.me/xushnudbek/5193> сайтидаги сўровнома рақамлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-жадвал рақамларидан кўриниб турибдики, сўралганларнинг қарийб 35 фоизи умуман жамғармасиз ҳаёт кечирар экан, уларнинг чорак қисми ойлик ёки кунлик даромадсиз қолганида, рўзгорини йиғиб қўйган жамғармаси билан атиги 10 кун, яна 25,6 фоизи эса 1 ойгача бемалол таъминлай олишини билдирган. Яъни, сўралган 581101 нафар вантандошларимиздан, афсуски, 86 фоизи ойлик ёки кунлик даромадсиз қолган ҳолатда унча узок даврда ўз-ўзини молиялаштириш қобилиятига эга эмаслиги аниқланди. Бу оилаларнинг турмуш даражалари пасайиб кетиб, улар эҳсон ва молиявий кўмакка эҳтиёжманд бўлиб қолмоқдалар. Оилалардаги бундай салбий молиявий ҳолат, Ўзбекистондаги уй хўжаликларининг истеъмолчилик тамойилида яшашларидан далолат беради. Улар топган даромадларини асосан истеъмол қилишга сарфлашга одатланиб, фақат бугунги кун (жорий ҳаловат) кайфияти билан яшашга ўрганганлар. Лекин коронавирус пандемияси даври ва ундан кейинги даврда жорий ҳузур-ҳаловат билан яшашдан босқичма босқич воз кечиб, янгича – “Топганингдан камроқ сарфлаб, яшаш!” деган турмуш тарзига ўтишни тақозо этади.

Оилалар турли инқироз ҳолатларини олдиндан кўзлаб, ўз “молиявий иммунитетини” мустаҳкамлаш мақсадида, фикримизча, уй-рўзгор хўжалигини юритишда кредитлашнинг инновацион – “нанокредитлаш” усулини қўллаш саъй-ҳаракатларини қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

“Нанокредитлаш” нима?

Бир исрофгар молиявий танг ҳолатга тушиб доно киши олдига бориб “менга бу молиявий танглик ҳолатимдан чиқиш йўлини кўрсатинг”, деб сўрабди. Доно киши унга “ўзингдан қарз ол”, деб маслаҳат берибди. Исрофгар киши донодан яна сўрабди: “ўзингдан қарз олиш” деганинг нимани билдиради? Доно жавоб берибдики, сарф-сарифкорликка ўрғаниб, тежамкор инсон бўлишга интиланг, маблағларингни анча тежамкор бўласан-да, ўз-ўзингни ва ўз ишларингни молиялаштиришинг учун сенда қўшимча молиявий имкониятлар пайдо бўлади. Инсоннинг бундай “ўз-ўзидан қарз олиш” хатти-ҳаракатини биз “нанокредитлаш” атамаси билан ифодалашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

“Нанокредитлаш” деганда биз инсоннинг ўз меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти эвазига қўлга киритадиган соф даромадларидан муайян фоизда маблағларини жамғариб уни капитализациялаш жараёнини тушунамиз. Масалан, киши 3,0 млн.сўм ойлик иш ҳақи олади-ю, ундан 20 фоизини истеъмолга сарфламасдан, жамғаради. У ярим йил ойлигининг 20 фоиз жамғариш натижасида шахсий жамғармасини 3,6 млн сўм (600000 сўм х 6 ой) га етказди. Ушбу маблағини, айтайлик, йиллик 25 фоиз даромади билан омонат очиб, банкка жойлаштирди. Бир йилдан сўнг у банкдан 0,9 млн.сўм (3600000 сўм х 25 фоиз :100 фоиз) фоиз даромадини олиб, ўз уйига, хотинининг уй ишларини енгиллаштириш мақсадида, айтайлик, янги автомат русумли кир ювиш машинасини сотиб олишга сарфлади. Яъни, хонадоннинг бу оила аъзоси **нанокредитлаш** (ўз-ўзидан қарз олиш) йўли билан уй хўжалигининг моддий-техник базасини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эришди.

Нанокредитлаш уй хўжаликлари шахсий ва оилавий жамғармаларининг капитали (даромад келтириш манбаси)га айлантириш саъй-ҳаракатлари натижасида қўлга киритадиган қўшимча даромадлари ҳисобидан оилавий бизнесни молиялаштиришнинг манбаси бўлиб хизмат қилади.

Нанокредитлаш амалиётининг негизида шахсий ва оилавий даромадларни сарфлашнинг **“80-20” олтин қоидаси** туради. Унга кўра индивид ёки оила хазинабони даромадларининг 80 фоизини шахсий ва оилавий истеъмолчилик харажатларига сарфлаб ва қолган 20 фоизини жамғариб, уни қўшимча даромад манбасига айлантириши лозим. Яъни, “хазина қиймати даромад билан эмас, балки буромад билан баҳоланади», деган оқилу доно иқтисодий фикрга мувофиқ, уй хўжалигидаги харажатлар доимо хонадон даромадларидан, камида 20 фоизга камроқ бўлган тақдирдагина оилаларда истеъмолчилик, ишлаб чиқариш, маиший хизмат, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш функциялари билан бир қаторда яна жамғарма-инвестициялаш функциясини ҳам бажариш имкони вужудга келади. Оилалар сармоядор сифатида инвестициялаш фаолияти эвазига қўшимча даромадга эга бўладилар.

Биз 2019 йилда Бухоро вилоятидаги 25 та ўрта умумтаълим мактабларининг “Иқтисодий билимлар асослари” фани ўқитувчиларини эксперт гуруҳи сифатида танлаб, уларнинг оилавий ҳаётларида “80-20” олтин қоидасига риоя қилиниш ҳолатини ўрганиб чиқдик. Сўроқ натижаларига кўра “Даромад-харажатларнинг “80-20” олтин қоидасига риоя қила оласизми?” деган саволга сўралганларнинг аксарияти, 40 фоиз – “Ҳа, биз оилавий даромадларимизнинг 80 фоизини сарфлаб, 20 фоизини жамғариб тирикчилик қилиб келмоқдамиз”, деган альтернатив жавобни белгилашди; 16 фоизи – “Оилавий харажатлардан даромадимиз ортмаслиги сабабли бу олтин қоидага риоя қилолмаймиз”, деб ва 12 фоизи – “Олтин қоиданинг ярмидан кўпроғи: “85-15”га риоя қиламиз” деб, жавоб беришди. Синов гуруҳининг 8 фоизи уч хил вариант жавобларини: “Олтин қоиданинг ярми: “90-10”га риоя қиламиз”; “Оилада харажатлар ва жамғариш ўртасидаги нисбатининг ҳисобкитоби юритилмаганлиги сабабли аниқ фоизни белгилаш қийин, лекин даромадларнинг бир қисми албатта жамғариб борилади” ҳамда “Бошқа мутаносиблик (50 фоизга 50 фоиз)”, деб фикр билдирдилар. Қолган респондентлар “Олтин қоиданинг ярмидан камроғи: “95-05”га риоя қиламиз” ва “Бу олтин қоидани олдин билмасдик, энди уни аҳамиятини англагандан сўнг харажатлар ва жамғариш ўртасидаги нисбатнинг “99-01” дан бошлаб секин-асталик билан “80-20” мутаносибликка эришишга ҳаракат қиламиз”, деган жавобларни танладилар.


Сўроқ натижалари шундан далолат берадики, бугун Ўзбекистон оилаларида нанокредитлашнинг муҳим шарти бўлмиш “80-20 олтин қоидаси” ни инқирозга қарши муҳим молиявий восита сифатида оилавий молияни бошқариш механизми сифатида уй хўжаликлариде жорий қилиш имкони мавжуд.

Қайд қилиш жоизки, нанокредитлаш усулини оилаларда қўллашнинг самарали йўли оиланинг фавқулодда бюджетини тузиш ва уни юритишнинг муқобил усулларидан фойдаланиш ҳисобланади. Бундай усуллардан бири оила бюджетини режалаштиришнинг 50\30\20 усулидир. Унга кўра оила даромадларини қуйидаги мутаносибликда сарфлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- 50 фоиз оила даромадини ҳар ойдаги асосий харажатлар учун (коммунал тўловлар, овқатланиш, транспорт ва б.) сарфлаш;
- 30 фоиз оила даромадини нисбатан камроқ зарур бўлган, лекин турмушга керакли нарсалар учун (рақамли ТВ, интернет, кийим-кечак) сарфлаш;
- 20 фоиз оила даромадини келажак учун (жамғариш, қутилмаган харажатлар, туҳфалар ва б.) эҳтиёткорлик билан сарфлаш.

Оилавий бюджетни фавқулодда ҳолатларда юритишнинг муҳим босқичини бюджетни юргизишнинг хорижда синалган муқобил усулларидан оқилона фойдаланиб, уни режа асосида юритиш яхши самара беради. Бу ўринда оила бюджетини режалаштиришнинг «Тўрт конверт» усули хонадон иқтисодиёти учун қизиқарли ва нафли бўлиши мумкин. Ушбу усул қуйидаги босқичлардан иборат (1-расм):

1-расм.



1. Бир ойлик оилавий даромадингизни аниқланг. Агар даромадингиз ташқи омилларга боғлиқ бўлса, уни ўртача миқдорини аниқлашга интилинг. Масалан, 5 кишидан иборат оиланинг оила даромади ҳисоб-китобларга кўра 5,0 млн.сўм бўлса, бу миқдорни махсус “Оила молияси” дафтарингизга ёзиб қўйинг.

2. Дарҳол ундан 10 фоизни жамғарма ё/ва инвестицияга ажратиб қўйинг. Агар дарҳол амалга оширмасангиз, уни ажратмаслик учун юзта баҳона пайдо бўлади. Бизнинг мисолимизда бу маблағ 0,5 млн.сўмга тенг бўлади. Бу пулларни ҳаракатга келтириб (оборотга ташлаб), капиталга айлантиришга интилинг. Оила бюджетининг қолдиғи – 4,5 млн. сўмни ташкил этади. Бу маблағни ҳам “Оила молияси” дафтарига ёзиб қўясиз.

3. Доимий харажатлар ва ижтимоий чиқимларни аниқланг. Доимий харажатларга коммунал, фоизли қарз тўловлар кирса, туғилган кунлар, тўй-маросимлар, ресторандаги дўстона учрашувлар билан боғлиқ харажатлар ижтимоий чиқимларга киради. Масалан бир ойда 500 минг сўм бу мақсадларга ажратилди. Қолдиқ – 4,0 млн.сўмни “Оила молияси” дафтарига қайд қилиб қўясиз.

4. Оила даромадининг қолдиғи 4,3 (чунки бир ойда 28 кундан ортиқ вақт бор) га бўлинади ва 4 та конвертга солиб, навбатба-навбат ҳафталик меъёри бўйича фойдаланинг. Бу маблағлар оиланинг ҳафталик харажатларини ташкил этади. Бизнинг мисолимизда ҳафталик харажатлар 1,0 минг сўмга тенг бўлади. Ҳафтанинг душанба куни, эрта-лабки нонуштадан кейин, оила хазинабони навбатдаги конвертни очиб, барча оила аъзоларига мазкур ҳафтанинг жорий харажатлари учун сарфлаши режалаштирадиган молиявий маблағнинг суммасини эълон қилади ва ҳафта давомида ушбу молиявий режага риоя қилишга барчани чорлайди. «Кўрпангга қараб оёгингни узат» мақолига риоя қилиб харажат қилишни ўргансангиз, қарз ва ёрдамга мухтож бўлмайсиз.

Хорижда кенг қўлланадиган оила бюджетини режалаштиришнинг “Тўрт конверт” усули Ўзбекистон оилалари учун қизиқарли ва нафли бўлишини биз ўрганиб чиқдик. Тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадв.

Оила бюджетини режалаштиришнинг “Тўрт конверт” усулининг хонадонларга қўллаш мумкинлиги ¹

Т/р	Оила бюджетини режалаштиришнинг “Тўрт конверт” усулихонадон иқтисодиётингиз учун қизиқарли ва нафли бўлиши мумкинми?	Сон	фоиз ҳисобида
1	Ҳа, албатта	25	27,2
2	Уни уй хўжалигимизда синаб кўришдан сўнг хулоса чиқарса бўлади	28	30,4
3	Бу усул оила пулларини олдиндан режалаштириб, сўнгра сарфлашга ўргатади	13	14,1
4	Иш ҳақидан ташқари тадбиркорлик даромади бор оилаларга қўл келади	2	2,2
5	Ҳозирги ойликдан дарҳол 10 фоиз жамғарма ё/ва инвестицияга ажратиш қийин кечади	2	2,2
6	Коммунал тўловларнинг тез-тез ошиб бориши ва уларни олдиндан тўлаб қўйилиши мазкур усулни қўллашда қийинчилик туғдиради	1	1,1
7	Ойликни кечиктириб, бир қисмини пластик карточкаларга ўтказилиши бу усулни қўллашга тўсқинлик қилади	21	22,8
Жами:		92	100

¹ 2-жадвал муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида тузилган.

2-жадвалдаги маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бизнинг шароитимизда ҳам мазкур усулдан хонадонларда кенг фойдаланса бўлади. Чунки бу усул оила пулларини олдиндан режалаштириб, сўнгра сарфлашга ўргатади. Оиланинг ҳар бир аъзоси хонадоннинг молиявий имкониятларидан хабардор бўлиб, унга риоя қилишга интилади.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг **микрокредитлаш** (аҳолининг кам таъминланган қисмига ва яқка тартибдаги тадбиркорларга молиявий хизматлар кўрсатиш) шакли билан бир қаторда иш билан банд аҳолининг жамғариш-инвестициялаш саъй-ҳаракатларини ривожлантириш ва уй-рўзғор хўжалигини сарфа-сариштакорлик билан юритиш эвазига молиялаштиришнинг инновацион шакли сифатидаги **“нанокредитлаш”**ни ҳам йўлга қўйиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва унинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Чунки молиялаштиришнинг **“нанокредитлаш”** шакли, фикримизча, фавқуллода вазиятларда уй хўжаликларининг муҳим молиявий ресурс ва молиявий қўллаб-қувватлаш манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сонли “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони. Манба: <https://president.uz/uz/lists/view/3461> . Мурожаат санаси: [20.03.2020].
2. Манба: https://t.me/gazetauz_uzb/4647. Мурожаат санаси: [08.04.2020].
3. Манба: <https://t.me/xushnudbek/5193> Мурожаат санаси: [29.04.2020].
4. Правило “4 Конвертов” для планирования бюджета (2008-12-17). Манба: http://helpinvest.ru/kak_sostavit_lichnyy_finansoviy_plan/0/umniy_shopping_kak_eto_delaetsya.html Мурожаат санаси: [29.04.2020].

РЕЗЮМЕ

Мақолада коронавирус пандемияси ва глобал инкироз шароитида Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги даромадсиз қолиб, ўз рўзғорига йиғиб қўйган жамғармаси ҳисобидан унча узок даврда молиялаштириш қобилиятига эга эмаслик ҳолатини карантин даврида таҳлил ўтказиш натижасида уй-рўзғор хўжалигини юритишда ўз-ўзини молиялаштиришнинг янги модели – “нанокредитлаш” усулини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган. “Нанокредитлаш” деганда, муаллиф томонидан инсоннинг ўз меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти эвазига қўлга киритадиган соф даромадидан муайян фоизда маблағларини жамғариб, уни капитализациялаш жараёни тушунилади. Ўз-ўзини молиялаштиришнинг нанокредитлаш модели шахсий ва оилавий даромадларни сарфлашнинг “80-20” олтин қоидага асосланганлиги кўрсатилган. Нанокредитлаш усулини уй хўжаликларида қўллашнинг самарали йўли – оиланинг фавқуллода бюджетини тузиш маҳорати ва уни юритишнинг муқобил усулларида фойдаланиш ҳисобланади. Мақолада оила бюджетини режалаштиришнинг “50\30\20” ва “Тўрт конверт” усуллари тафсилот бериб ўтилган. Мақолада оила бюджетини режалаштиришнинг «тўрт конверт» усули амалга оширишнинг қуйидаги тўртта: 1) бир ойлик оилавий даромадини аниқлаб оиланинг молиявий дафтарида ёзиб қўйиш; 2) дархол ундан 10 фоизни жамғарма ва ёки инвестицияга ажратиб қўйиш; 3) доимий харажатлар ва ижтимоий чиқимларни аниқлаб, вақтида тўлаш; 4) оила даромадининг қолдиғини 4,3га бўлиш ва уларни тенг 4 та конвертга солиб, навбатба-навбат хафталик меъёри бўйича фойдаланиш босқичлари батафсил ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье на основе анализа ситуации оставания без доходов и отсутствия необходимых средств существования домашнего хозяйства большой части населения Узбекистана в период пандемии коронавируса, обосновывается целесообразность применения практики "нанокредитования" как инновационной модели самофинансирования. Под "нанокредитованием" автором понимается процесс капитализации накопления денежных средств, полученных в результате трудовой и предпринимательской деятельности. Показано, что нанокредитование базируется на золотом правиле "80-20" расходов личных и семейных доходов. Эффективным способом применения метода нанокредитования в домохозяйствах является умелое составление чрезвычайного семейного бюджета и применения альтернативных методов хозяйствования. В статье охарактеризованы такие методы планирования семейного бюджета как "50\30\20" и "4 конвертов". В статье более подробно описаны следующие четыре способа реализации метода "4 конвертов" планирования семейного бюджета: 1) определить ежемесячный доход семьи и записать его в финансовую книгу семьи; 2) сразу же выделить 10% от него на сбережения и/или инвестиции; 3) своевременно выплатить

постоянные затраты и социальные издержки, предварительно исчислив их размеры; 4) разделить оставшуюся часть семейного дохода на 4,3 и в равных суммах разместить в 4-х конвертах с последующем их вскрытия в начале недели для использования соответствующих денежных средств в течение одного месяца.

SUMMARY

Based on the analysis of the situation of leaving a large part of the population of Uzbekistan without income and lack of necessary means of subsistence during the coronavirus pandemic, the article substantiates the feasibility of applying the practice of "Nanocrediting" as an innovative model of self-financing. Under the "Nanocrediting" the author refers to the process of capitalization of the hoarding of funds received as a result of employment and entrepreneurial activities. It is shown that nanocrediting is based on the Golden rule "80-20" of personal and family income expenditures. An effective way to apply the method of nanocrediting in households is to skilfully draw up an emergency family budget and use alternative methods of managing. The article describes such methods of family budget planning as "50 \ 30\20" and "4 Envelopes". The article describes in more detail the following four ways to implement the "4 Envelopes" method of family budget planning: 1) determine the monthly income of the family and write it in the financial book of the family; 2) immediately allocate 10% of it to savings and / or investments; 3) timely pay fixed costs and social expenses, having previously calculated their size; 4) divide the remaining part of the family income by 4.3 and place it in equal amounts in 4 envelopes with their subsequent opening at the beginning of the week for the use of the corresponding funds within one month.

Наишга и.ф.д. А.Очилов тавсия этган

БИЛИМЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА УМР ДАВОМИДА ТАЪЛИМ КОНЦЕПЦИЯСИНИ БОШҚАРИШ

Очилов А.О. (ҚарДУ), **Эргашев Т. Ш.** (БухДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *инсон капитали, билим, олий маълумот, юқори малакали кадр, бутун умрга таълим, бутун умр давомида таълим, таълим сифати, билимларга асосланган иқтисодиёт, инновацион ривожланиш.*

Ключевые слова: *человеческий капитал, знание, высшее образование, высококвалифицированный кадр, образование на всю жизнь, образование на протяжении всей жизни, качество образования, экономика основанные к знаниям, инновационное развитие.*

Keywords: *human capital, knowledge, higher education, highly qualified personnel, lifelong education, quality of education, knowledge economy, knowledge based economy, innovative development.*

Глобаллашув даврида жаҳонда билимларга асосланган иқтисодиёт вужудга келмоқда. Билимлар иқтисодий ресурс бўлиб, уларни капиталлаштириш зарур иқтисодий жараёнлардан биридир. Ваҳоланки, билимлар ва технологиялар глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқаришнинг анъанавий омиллари фаолиятини бошқаради ва мувофиқлаштиради. Шунга мувофиқ олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш амалиёти ҳамкорлиги натижасида замонавий билимли, интеллектуал салоҳиятли, масъулиятли ва рақобатбардош юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни жамият тараққиёти хизматига йўналтириш давлатимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Бу борада мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев шундай дейдилар: “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. ... Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. ... Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак” [1]. Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаш-

тириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак экан, демак, бу вазифани келажак авлодимизнинг фақат олий таълим муассасасида ўқиб ўрганган билимлари ва кўникмалари билан ҳал этиш ақл бовар қилмайдиган ҳолат. Бу ҳолат ўз навбатида умрга етадиган таълим концепциясидан бутун умр давомида таълим концепциясига ўтишни тақозо этади. Бу концепциянинг асл моҳияти шундан иборатки, жамият тараққийоти учун хизмат қилаётган ҳар бир мутахассис ёши, ижтимоий келиб чиқиши, таълим йўналиши, мутахассислиги ва лавозимидан қатъи назар, мунтазам равишда ўз устида ишлаши, малакасини ошириши, замонавий билим ва технологияларни ўрганиши ва ўз фаолиятида жорий этиб боришидан иборат.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов умр давомида таълим тўғрисида шундай дегандилар: “Авваламбор, билимга интилиш, иккинчидан, ҳеч тортинмасдан бошқалардан ўрганиш керак. ... Одамзод бор экан, умрининг охиригача ўрганади. Мен ҳамма нарсани биламан, деб бошқаларни писанд қилмасдан юрадиган одамнинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди” [2: 248-б.]. Демак, бугунги глобаллашув ва инновацион иқтисодиёт даврида жаҳонда кўпгина тармоқ ва соҳаларда шиддат билан ислохотлар амалга оширилаётганлиги, анъанавий таълим тизимининг имконияти чегараланганлиги, аҳоли қатламларининг турли сабабларга кўра ишлаб чиқариш амалиётида олий таълим хизматларидан ўз вақтида тўғри фойдалана олмаётганликлари, шунга кўра давр талаблари, эгалланган мутахассислик, касб-хунар, лавозим ва даражалар долзарблигининг ўсиши (пасайиши), уларга мос билим, укув, кўникма, тажриба ва малакаларга бўлган талабнинг ортиши (пасайиши) олий ва юқори малакали кадрлар, раҳбар ва соҳа мутахассисларининг бутун умри давомида замонавий билим ва технологияларни ўрганишларига ва мунтазам равишда улардан фойдаланиш зарурати тобора ошиб бормоқда.

Билимларга асосланган иқтисодиёт, олий таълим ва ишлаб чиқариш амалиётини билимлар асосида бошқарув масалалари билан давлат арбоблари, олим ва илмий изланувчилар шуғулланиб келишмоқда. Шу жумладан, А.Н.Арипов, Т.К.Иминовнинг “...билимлар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим факторига айланиб бормоқда. ... Ҳозирги кунда кам ривожланган давлатларнинг ривожланган давлатлардан фарқи ҳам биринчи навбатда билимлар ва янги технологияларнинг камлиги билан белгиланмоқда, капиталнинг камлиги эса иккинчи даражали бўлиб қолмоқда” [3: 11-12-б.], Т.Ш. Шодиевнинг “Дарҳақиқат, жорий глобаллашув жараёнлари мамлакат иқтисодиётининг билимларга асосланган иқтисодиётга айланиши натижасида юз бермоқда, билимлар ва технологиялар глобал ўзгаришларнинг “юраги” ва “ақли” вазифасини бажармоқда” [5: 21-б.], В.А. Садовничийнинг “Таълимда ҳамма нарсани бозор тамойилларига киритиш мумкин эмас, шунга кўра таълим – тўловга йўналтирилган хизмат, билим – маҳсулот, талаба эса харидор” [6] деган фикр-мулоҳазалари ҳар қандай жамиятда билимлар ва технологияларнинг аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради. Шунингдек, билимлар иқтисодиёти, таълим ва уларнинг инсон капиталига таъсири борасида Н.О. Каюмова “билимлар узатилса, тарқатилса ва фойдаланилса, улар кўпаяди ва аксинча, агар билимлар ишлатилмаса, улар камаяди ва йўқолади (бузилади). Бу билан улар қанчалик кўп ишлатилса, шунчалик ўзининг қийматини камайтириб, эскирадиган асосий фондлардан фарқ қилади” [7: 324-326] деб ёзади.

Ҳозирги даврда янги билимлар яратиш зарурати туғилмоқда. Мазкур масала бўйича А.Л. Пастухов “Университет мажмуаларида билимларни бошқариш таълим муассасаларининг интеллектуал капиталининг ўсиши ҳамда ўрта ва олий профессионал таълим тараққийоти учун асосдир” [9: С.348] деб хулоса берган. Японияда ЮНЕСКО томонидан ўтказилган конференцияда айтилишича, “Глобализация даврида бугун “бир умрга – битта иш ўрни” анъанавий ёндашувини эскирган деб ҳисоблаш мумкин, чунки у бундан кейин тез ўсувчи тараққий этган саноат талабларига мос келмайди” [10]. Чунки олимларнинг тадқиқотлари натижасига кўра, “таълим ва инсон капиталининг ривожланиши фақат расмий таълим доирасида амалга ошмасдан, бутун ҳаёт давомида рўёбга чиқиши лозим (life long learning). Ҳозирги даврда билимларнинг ҳаётини даври жуда қисқа. Агар ўрта асрларда юз йилда бир марта технология янгиланган бўлса, кейинчалик бу давр 50-20 йилга қисқар-

ди, ҳозир эса билимларнинг ҳаётий даври 3-5 йилдан кўп эмас, ваҳоланки, бошқа юқори технологик соҳаларда ундан ҳам кам. Шунинг учун бугун университетга ўқишга кирган талабанинг билимлари унинг ўқишни тугатгунига қадар эскириши мумкин. Бундан узлуксиз таълим ва мунтазам малака ошириш тизими долзарблиги тўғрисида тезис пайдо бўлади, бу БМТнинг “бир умрга таълим эмас, балки бутун умр давомида таълим” шиорини тасдиқлайди” [11], “Таълим пировардида инсон ҳаёти давомида унга турли таълим хизматлари тўпламини тақдим этишга қодир бўлган ижтимоий-маданий институт бўлиши лозим. “Бир умрга таълим” принциpidан “бутун умр давомида таълим” принципига ўтишни таъминловчи таълим тизими ва унинг муассасалари тузилиши зарур” [12].

Олимларнинг бу мулоҳазалари таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигининг оширилишидан шахс, буюртмачилар, жамият ва давлат манфаатдордир деган фикримизни янада тўлдиради ва бойитади. Ҳақиқатдан ҳам билимларни табиий ресурслар, меҳнат ва капитал билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг асосий омилига айланиб бораётганлигини тан олиш жоиз, чунки ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқариш ва ресурслар устидан ҳақиқий мувофиқлаштирувчи ва назорат ўрнатувчи вазифани фақат замонавий билимлар ва технологияларга эга юқори малакали кадрлар бажара оладилар.

Узлуксиз таълим тизимида, айниқса олий таълим тизимида эгалланган замонавий билимлар ва касбий тажриба юқори малакали кадрлар учун жамиятда ўз ўрнини топиш, аниқ мақсад йўлида ҳаракатланиш, юртимиз равнақига ҳисса қўшиш, муаммоларни мустақил ҳал қилишда оқилона ва одилона қарорлар қабул қилиш ва ташаббускорлик қобилиятлари ривожланишининг кафолатидир.

Глобаллашув даврида билимлар шахс эҳтиёжларини қондириш омили ҳисобланиб, унинг асосини таълим ташкил қилади, яъни улар узлуксиз таълим тизимининг олий таълимдан кейинги босқичида олимлар ва мутахассислар томонидан яратилади, ишлаб чиқилади ва такомиллаштирилади. Таълимнинг бошқа босқичларида билимлар тарқатилади, ўрганилади, фойдаланилади, узатилади, кўпайтирилади, мустаҳкамланади ва ҳоказо. Агар билимлар ишлатилмаса, улар камаяди ва ўз-ўзидан йўқолади. Шунга кўра улардан самарали фойдаланишни, уларни мустаҳкамлашни, кўпайтиришни ва тарқатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жамият тараққиёти жараёнларини кузатадиган бўлсак, фуқаронинг барча зарурий кундалик эҳтиёжлари қондирилгач, унда олий маълумот олиб, жамиятда ўз ўрнини топиш ҳисси вужудга келади. Зеро, фуқароларнинг маълумотлилиқ даражаси юқори бўлса, юртимизни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш учун кенг имкониятлар яратилади. Жамиятнинг ривожланиш даражаси ҳар қандай мамлакатнинг куч-қудрати ва иқтисодий салоҳияти билангина ўлчанмасдан, бу куч ва салоҳиятнинг аҳоли фаровонлигига хизмат қилиши билан ҳам белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун йўналтирилган билимлар ишлаб чиқариш жараёнларида маҳсулот қийматини оширади. Шунга кўра капиталнинг ҳам табиати ўзгариб бормоқда, яъни у аввалига жисмоний (моддий) капитал бўлиб, кейинроқ эса у товар капиталига, молиявий капиталга, инсон капиталига, ҳозирги даврда эса интеллектуал капиталга айланди. Кейинги йилларда инсон капитали, инсон потенциали, инсон омили, инсон ресурслари, интеллектуал мулк, меҳнат потенциали, инсон тараққиёти, билимлар иқтисодиёти, “бутун умр давомида таълим”, касбий компетентлик, касбий ўзгарувчанлик ҳамда уларнинг жамият ривожига, хусусан олий таълим тизимида таъсири масалалари билан кўпгина олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган ва ҳозирги даврда ҳам шуғулланиб келишмоқда.

Демак, билимларни бошқариш, шу жумладан олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси шароитида ҳозирги даврда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим воситаси, шунингдек, корхонанинг инсон капитали ривожланишининг шакли сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 841-Қарори [19]да белгиланган, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифа-

ларнинг 4-мақсади – “умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш” эканлиги мазкур масаланинг долзарблик даражаси юқорилигидан далолат беради. Бу тезис А.Х. Жанказиевнинг докторлик диссертацияси ва олимларнинг мақолаларида ҳам исботланган, яъни тадқиқотчи томонидан янги ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида билимлар иқтисодиётининг муҳим хусусиятлари аниқланган, билимлар иқтисодиётида умр давомида таълимда уй хўжаликлари миссияси сифатида олий таълим тараққиёти асосланган [22: с.338-339].

Бутун дунёда, шу жумладан, юртимизда глобаллашув, инновацион, рақамли ва бозор иқтисодиёти, эгалланган билимларнинг қисқа даврда ўз қийматини йўқотиши ва тезкор ахборот алмашинуви даврларида ОТМларида юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишда янги билимларнинг яратилиши, сақланиши ва уларни ўз вақтида оқилона узатилишининг зарурати муҳим вазифа эканлиги ҳисобга олинса, “бутун умрга таълим” концепциясидан, яъни бир марта олий таълимда ўқишдан “бутун умр давомида таълим” концепциясига ўтиш ҳамда унинг тартиб-қоидаларига амал қилиш объектив зарурат ва мақсадга мувофиқдир.

“Бутун умрга таълим” концепциясида биринчидан, глобаллашув, замонавийлик, рақамли ва бозор иқтисодиёти шароитида юқори малакали кадрлар иш ўрнининг қисқариши, ўзгариши, эскириши, кадрларнинг “эслаб қолиш” тамойили содир бўлмоқда, иккинчидан фақат битта таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича фаолият олиб бораётган ходим (мутахассис, раҳбар) кўпинча ўз соҳаси билимлари билан чегараланмоқда (1-жадвал). “Бутун умр давомида таълим” концепциясининг амалиётга жорий қилиниши, жамиятда олий маълумотли кадрларнинг кўпайиши нуктаи-назаридан, қуйидаги ижтимоий самарадорликни келтириб чиқаради: биринчидан, 2018-2019 ўқув йили бошида бакалаврият таълим йўналишлари кундузги таълим шаклини 65657 нафар талаба битирган. “Харакатлар стратегияси” дастури вазифаларига мувофиқ 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб, ОТМларида қабул квоталарини босқичма-босқич оширилиши муносабати билан, бакалаврлар ОТМларини тўрт йилдан кейин, яъни 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, оширилган квоталар доирасида битира бошлайдилар. Агар юртимизнинг барча ОТМларида (ёки эксперимент тариқасида “Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ” билим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишларида) ўқиш муддати уч йил қилиб белгиланса, янги тартиб бўйича ҳар бир ўқув йили якунида жами 100-150 минг нафар бакалаврлар ОТМларини битириб, юқори малакали кадр сифатида жамиятга хизмат қилиш учун корхона ва ташкилотларда меҳнат фаолиятларини бошлашлари мумкин.

Бу таклифимиз қабул квотасига ва битирувчилар сонига таъсир қилмайди, ОТМларида профессор-ўқитувчилар ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг иш ўринлари қисқармайди, фақат кам сонли талабалар бириктирилган факультетлар фаолияти мувофиқлаштирилиши мумкин; иккинчидан, таълим жараёнида интерфаол, жадаллашган ахборот-коммуникацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиш, битирувчиларнинг ҳар уч йилда бир марта онлайн тизими орқали бир ойлик муддатда малакаларини ошириш ва аттестациядан ўтказиш, ОТМларида ҳар бир босқичда олинган билимларнинг “маънавий эскириши”га йўл қўймаслик, узлуксиз таълимнинг олдинги босқичларида ўтилган фанларнинг такрорланмаслиги ва уларнинг ўрнига янги замонавий фанлар ўқитилиши амалга оширилади; учинчидан, корхона ва ташкилотларни таълим” концепциясини тараққий эттириш эвазига билимлар “эскирмайди”, янгиланади, яратилади ва тарқатилади;

зарур мутахассислар билан таъминлаш даражаси тўртдан бир улуш муддат (25 фоиз) га, яъни бир йилга тезлашади; тўртинчидан, жамият аъзоларининг ЯИМ ҳажмига қўшади-ган ҳиссаси ошади; бешинчидан, “бутун умр давомида олтинчидан, бир йил мобайнида талабаларнинг ОТМда таҳсил олиш ва малакавий амалиётларга қатнашиш даври (бир ўқув йилида ОТМга қатнаш учун сарфланиши лозим бўлган вақт, транспорт ва овқатланиш харажатларини ҳисобга олувчи давр) қисқаради; еттинчидан, аудитория фонди тақчиллиги туфайли икки навбат (смена)да ишлаётган ОТМларининг бир навбат (смена)да ишлаш, бўш (бўшаётган) аудиторияларни ўзаро манфаатли шартларда ижарага бериш (репети-

торлик, тўғарақлар, касбга ўргатиш, малака ошириш курслари ва б.) туфайли ОТМлари ҳисоб рақамига бюджетдан ташқари маблағ тушириш имкониятлари кенгайтирилади ва ҳоказо.

1-жадв.

«Бутун умрга таълим» ва «Бутун умр давомида таълим» концепциялари хусусиятларининг қиёсий таҳлили¹

«Бутун умрга таълим» концепциясининг асосий жиҳатлари	«Бутун умр давомида таълим» концепциясининг асосий жиҳатлари
таълимнинг мақсади – талабага билим ва малака бериш, уларни ҳаётга тайёрлаш	таълимнинг мақсади – талабанинг шахсий баркамоллигини таъминлаш ва ривожлантириш, унга жамиятга хизмат қилишни ўргатиш
талабанинг мақсади – ўз соҳаси бўйича билим олиш ва бу билимлардан умр давомида фойдаланиш	талабанинг мақсади – ўзини шахс сифатида ривожлантириш, меҳнат фаолияти даврида ўз касбий соҳаси ва турдош соҳалар янгиликларини ўзлаштириш
мақсадга йўналтирилган таълим: олдиндан белгиланган мақсадга амал қилинади	шахсга йўналтирилган таълим: талаба ўз мақсадларини белгилаши ва уларга эришиш йўллари танлаши мумкин
ўқув жараёнида фан ва ўқитувчи олдиндан белгиланган	талаба ўқув жараёнида фанлар ва ўқитувчиларни танлаш ҳуқуқига эга
билим ва технологиялар эскиради, ўқиш давридаги билимларни «эслаб қолиш» тамойили содир бўлади	билим ва технологиялар яратилади, тўпланади, сақланади, ўзлаштирилади, янгиланади, фойдаланилади ва тарқатилади
фанлар анъанавий тарзда (маъруза, амалий машғулотлар) ўқитилади	фанлар замонавий АКТ, проспектлар, иш дафтарлари, силлабуслар, он-лайн тизими ва бошқа педагогик технологиялар асосида ўқитилади
кадрларни аттестациядан ўтказиш амалиёти мавжуд	ҳар уч йилда бир марта он-лайн тизими орқали битирувчилар малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказиш имконияти яратилади
корхонада асосий устуворлик меҳнат ва капиталга берилади	корхонада асосий устуворлик интеллектуал капиталга берилади
иш ўринлари маънавий эскиради, қисқаради ёки ўзгаради	замонавий иш ўринлари бўйича ишлаш имконияти яратилади

Хулоса. Биз юқорида келтирилган олимларнинг фикрига қўшилиб ва тажрибадан келиб чиқиб, узлуксиз таълим жараёнининг олий таълим ва ундан кейинги босқичларида ўқувчи, талаба ва тингловчиларга билим бериш моделидан янги билимлар яратиш моделига ўтиш, моделни бошқариш самарадорлигини ошириш, бу билимларнинг юқори малакали кадрлар истиқболини таъминлаш учун хизмат қилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Зеро, узлуксиз таълимнинг умумий ўрта ва ўрта-маҳсус таълим муассасаларида ўрганилган ҳамда ОТМларида мустаҳкамланган билимлар юқори малакали кадрларнинг истиқболда замонавий билимлар яратиш ёки ишлаб чиқилган янги билимларни тезда тушуниб, ўз хизмат фаолиятида қўллаш учун замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. Манба: <http://press-servis.uz>.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Тошкент. – 2015. – 304 б.
3. Арипов А.Н., Иминов Т.К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ме-нежменти масалалари: Монография. – Тошкент. – 2005. – 300 б.

¹ Тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан тузилган

5. Шодиев Т. Иқтисодий ривожланишнинг сифат векторлари. Методологические вопросы разработки стратегий долгосрочного развития // Материалы V Форума экономистов. – Ташкент, 2013. – Б. 21-26.

6. Интервью с ректором. Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова // Торгово-промышленные ведомости. 13 июля 2009 года.

7. Каюмова Н.О. Превращение знания в общественный товар и вопросы регулирования интеллектуальной собственности // Сборник научных трудов: Реализация антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения его конкурентоспособности. – Москва, 2010. – С. 324-326.

9. Пастухов А.Л. Показатели и критерии управления знаниями в университетских комплексах // Проблемы современной экономики. – 2012. – 3(43). – С. 344-348.

10. Бузрукханов С. Олий таълим инвестиция муҳитининг ривожда тадбиркорлик марке-тинги // Жамият ва бошқарув. – 2010. 2-сон. – Б. 75-76.

11. Акрамова Ш.Г. Роль человеческого капитала в обеспечении устойчивого инновационного развития // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2014. – № 2. – С. 11.

12. Шумейко А.А. Интернационализация и регионализация высшего образования как фактор развития конкурентоспособности университета // Современные проблемы науки и образования, 2015.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барка-рор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли Қарори. – Тошкент. – 2018 йил 20 октябрь. Манба: www.lex.uz.

22. Жанказиев А.Х. Императивы и организационно-экономические инструменты адаптации системы высшего образования к вызовам экономики знаний: дисс. ... д-ра эконом. наук. – Нальчик, 2012. – 382 с.

23. Константинов Г.Н., Филонович С.Р. Университеты, общество знания и парадоксы обра-зования // Вопросы образования. 2005. – С. 106-126.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ишлаб чиқаришнинг аънавий омиллари (ер, меҳнат ва капитал) устидан бошқа-рувни амалга оширишда ва инновацион иқтисодиётда инсон капиталини бойитиш бўйича муҳим омил ҳисобланувчи замонавий билимлар ва технологияларнинг яратилиши, ўзлаштирилиши, тарқа-тилиши ҳамда қўлланилиши тўғрисида олимлар ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган. Муаммонинг долзарблиги юзасидан, амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ва ўтказилган таҳлиллар натижасида мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳаларида «Бутун умр давомида таълим» концепциясига ўтиш зарурати асосланган.

РЕЗЮМЕ

В статье проанализированы мнения и разработки учёных и специалистов о создании, освое-нии, распространении и применении современных знаний и технологий, являющихся важным фак-тором в управлении над традиционными факторами (земля, труд и капитал) производства по обога-щению человеческого капитала в инновационной экономике. В связи с актуальностью проблемы, в соответствии с требованиями действующих нормативных документов, а также в результате прове-денных анализов во всех отраслях и сферах экономики страны, основана необходимость перехода к концепции “Образование на протяжении всей жизни”.

SUMMARY

The article analyzes the thoughts and developments of scientists and specialists on the creation, assimilation, distribution and application of modern knowledge and technologies, which are an important factor in the management of traditional factors (land, labor and capital) of production and in the enrichment of human capital in an innovative economy. Due to the relevance of the problems, in accordance with the requirements of current regulatory documents and as a result of analyzes in all sectors and spheres of the country's economy, the need for a transition to the concept of “Education throughout life” is based.

ОЛИМ ИБРАТИ

(Профессор Анвар Чориев 80 ёшда)

Маҳмуд ибн Абулқосим аз-Замахшарий ўзининг “Нозик иборалар” номли рисола-сида: “Шариф инсон шундай кишики, йўқлигида уни соғинишади, мабодо келиб даврага кўшилса, барча бирдан хушёр тортади,” деб ёзади. Биз бу иборани бежизга келтирмадик. Шундай самимий, оддий ва шу билан бирга, шариф инсонлар борки, уларни кўрмасанг, ичичингдан соғинасан, суҳбатини кумсайсан, қалбинг негадир ҳар сафар шу одамга қараб талпинаверади. Ана шундай фидойи олимларимиздан бири, устоз Анвар Чориев эдилар.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Анвар Чориев мамлакатимизнинг таниқли файласуфларидан бири эди. У 1940 йилнинг 12 апрелида Қашқадарё вилояти Қарши туманида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1964 йилда бошлаган. 1971 йилда номзодлик диссертациясини, 1984 йилда докторлик диссертациясини химоя қилган.

Анвар Чориев 1977 йилдан 2005 йилга қадар Қарши давлат университети фалсафа кафедраси (ҳозир ижтимоий фанлар кафедраси) мудири лавозимида фаолият кўрсатди. Бу йиллар давомида у кафедранинг ўқув фаолияти, илмий-тадқиқот ишлари ва маънавий-тарбиявий ишлар билан самарали шуғулланадиган таркибий бўлинмага айлантирди.

Устоз бутун умри мобайнида фалсафа фанининг ўзагини ташкил қилувчи инсон муаммоси билан шуғулланди. Бу жабҳанинг натижаси ўлароқ унинг 20 дан ортиқ монография, китоб ва рисоалари, 200 дан ортиқ илмий мақолалари илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинди. Шу қаламга мансуб “Трудовое воспитание молодежи”, “Протез формирования идейно-нравственного облика молодежи”, “Социальный облик современной молодежи” номли монографиялари, “Келинг, баҳслашайлик”, “Сув келди – нур келди”, “Қашқадарё вилояти”, “Таълим тизимининг интеллектуал кудрати”, “Экологик тарбия ва кишлоқ ёшлари маънавияти”, “Миллатлараро муносабатлар маданияти”, “Тарбия системаси ва мафкура”, “Тасаввуф фалсафасида инсон қиёфаси”, “Миллий истиқлол мафкураси”, “Миллий истиқлол мафкураси ва баркамол инсон шахси” каби рисоалари мутахассисларнинг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Олим фалсафадан янги ўқув адабиётлари яратиш ишларида ҳам фаол иштирок этди. Жумладан, у “Фалсафа” маърузалар матни, “Фалсафа” ҳамда “Ғарб фалсафаси” ўқув қўлланмалари, “Миллий истиқлол ғояси” китоби, “Фалсафа,” ва “Маънавият” комусий луғатларини яратишда салмоқли ҳисса қўшди.

Анвар Чориев билан таълим тизимида бирга ишлаганимиздан доимо фахрланамиз. У киши ҳамиша серғайрат, бошлаган ишини охирига етказмай қўймайдиган, шогирдларига жонкуяр инсон сифатида кўпларнинг ҳурматини қозонган инсонлардан бири эди.

Устозда уни кўпчиликдан ажратиб турадиган бир ноёб ҳислат мавжуд эди: бу инсон барчага бир хилда муносабатда бўлар, гапингизни охиригача одоб билан, сукут сақлаб эшитар, қалбингизда кечаётган жараёнларни илғай олар эди. Шу боис бўлса керак, устознинг “Тасаввуф фалсафасида инсон қиёфаси”, “Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти” (1-китоб), “Миллатлараро муносабатлар маданияти”, “Инсон фалсафаси. Мустақил шахс” (2-китоб) каби китобларида ва кўплаб илмий-фалсафий мақолаларида ҳам асосан инсон ва унинг ботинидаги туйғулари билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин тутди. Умуман, инсон асл моҳиятига кўра, бунёдкор, эзгуликка интилувчи буюк бир мавжудот эканлиги, бошқаларга, халқига, миллатига манфаати тегиши учун яратилгани, бунинг учун у ҳамиша баркамолликка интилиши лозимлигини Анвар Чориевнинг асарларининг ҳар сатрида алоҳида таъкидланади.

Уч китобни бирлаштирган “Инсон фалсафаси” номли асар олим ижодининг гултожиси бўлди. Асарнинг биринчи китоби “Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти”, иккинчи китоби “Мустақил шахс”, учинчи китоби “Ижтимоий тарбия” деб номланди.

Асарда инсон муаммосига бағишланган қарийб уч минг йиллик таълимот ва ғоялар атроф-лича таҳлил қилинган, инсон ва шахс таркиби ифодалаб берилган, унинг шаклланиши қонуниятлари очиб берилган, мустақил шахсни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий тарбия соҳалари ва йўналишлари, услублари ва усуллари, омиллари ва воситалари тадқиқ этилган.

Анвар Чориев фалсафа муаммолари билан жиддий ва изчил шуғулланди. Йиллар давомида олимнинг тадқиқот уфқлари кенгайиб, фалсафа, миллий истиқлол ғояси, маънавият соҳаларида ҳам турли қўлланмалар, монография ва рисоалар муаллифи бўлди. Мазкур фанларнинг долзарб масалалари ва муаммолари хусусида олим фикрларини тушунарли баён этганлиги алоҳида эътиборга моликдир.

Фалсафа фани фидойиси ўз вақтида талабаларга, магистрларга, тадқиқотчи-аспирантларга “Фалсафа” ва “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” курси бўйича маърузалар ўқирди. Маърузаларида фалсафий қарашларнинг туб моҳиятини ва улардаги ўзгаришларни чуқур очиб беришга интилар эди. Бу соҳаларни ёритишда ўта муҳим илмий дунёқараш, ғоявий-назарий, фалсафий-методологик асосларга таяниш зарурлигини таъкидлар, илмий-тадқиқот олиб бориш усуллари ва услубий воситаларини янгича талқин этар эди.

Устоз янги илмий таълимотни бошқа бир маънода фалсафани ўрганишга оид махсус фан деб қарайди. Фалсафа фанлари мутахассислиги бўйича олим кейинги вақтларда ҳар томонлама ва чуқур шуғулланди, чунки бу фанни у инсоншунослик фани деб атайди. Дарҳақиқат, фалсафани инсоният яратади. Фалсафа борасида гап кетганда, кўпчилик бу фанни тушуниш қийинлигини айтади. Агар ҳар бир киши фалсафани яхши ўрганса, у ҳар қандай муаммонинг моҳиятини тез илғайди. Бу эса муваффақият гаровидир. Фалсафа табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккури бўйича умумий қонунлар ҳақидаги фандир. Бу соҳани ўрганувчи воқеа-ҳодисаларга тўғри ва ҳалол ёндашиши, уларни аниқ далил орқали таҳлил этиши даркор. Файласуф-тадқиқотчи ўзини табиат, жамият тақдирига қўшиб юбориши керак, ана шунда ҳақиқий воқеа ёзилади, – деб таъкидлар эди.

Олимнинг фикрича, фалсафа фанида воқеалар ва ҳодисалар орқали уларнинг келиб чиқиши шароити, сабаблари ва моҳияти илмий тадқиқ этилади. Фалсафий билишнинг энг маъқул йўли унга ҳаёт ҳақиқати, табиат, жамият ва инсон ўртасидаги умумий боғлиқлик, уйғунлик, кишилар ҳаётининг замирида ётган муносабатлар, қарама-қаршилиқлар, ички зиддиятлар ва манфаатларни таҳлил орқали баҳолашдир. Анвар Чориев бунини илмий ҳақиқат деб атар эди.

У киши билан суҳбатлашганимизда ҳар гал инсон маънавияти, эътиқоди, инсоннинг ички дунёси, унинг бу ёруғ оламдаги ўрни, умуман, меҳр-оқибат ҳақида боради. Бир кунини суҳбат асносида устоз: киши қачонки, аввало, виждон олдида пок бўлса, қилаётган барча нияти, бажараётган иши таъмасиз бўлса, айтган сўзига оғишмай амал қилса, шунчалик унинг бошқаларга манфаати тегиб бориши инсон баркамолликка интилиб бораверади. Баркамол киши эса миллат, умуман, инсонлар кўзгусидир, дедилар. Бундай оддий, лекин дилдан айтилган икки оғиз сўз маърифат аҳли учун ҳам катта сабоқ эди.

Устознинг ташкилотчилик борасидаги фаолиятдан ҳам биз кўп нарса ўргандик. У кишининг меҳнатсеварлиги шогирдлари учун катта ибрат мактабидир. Баъзан турмуш иқир-чиқирлари ёки бошқа бир сабаб билан ўралашиб қолиб, ишни сал бўшаштириб қўйса, устоз бизни йўқлаб, ҳамиша далда бериб турардилар.

Профессор Анвар Чориев 20 дан зиёд бўлғуси фан докторлари ва фан номзодларига илмий раҳбарлик қилди, вилоятда инсон фалсафаси билан шуғулланувчи ўзига хос мактаб яратди. Бугунги кунда унинг издошлари С.Чориев, П.Сайдуллаев, Р.Бойқобилова, А.Дўланов ва шогирдлари, А.Эшамонов, Ф.Қаноатова, Т.Қурбонов, Г.Бекмуродова ва ўнлаб бошқалар устоз бошлаган илмий изланишларни муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

Дунёда инсонга ато этилган неъматлар беҳисоб. Бироқ улар орасида шундай бир неъмат борки, у ҳам бўлса, бир умр пок иймон, эътиқод билан қаноат ва сабрда, бошқаларга

зиё, эзгуликлар улашиб, баркамолликка интилиб яшаш бахтидир. Анвар Чориев ана шундай инсонлардан ҳисобланар эди.

Кичик бир мақолада буюк олимнинг ҳаёт йўлини очиб бериш мушкул. Қолаверса, қоғоз қоралашдан мақсад устозни мақташ эмас, балки у кишининг ибратли ҳаёт йўлига назар ташлашдир. Ёш авлодга ҳар жиҳатдан сабоқ бўладиган инсоний фазилатларини эътироф этишдир.

Эшматов М.Э., *фалсафа фанлари номзоди, доцент.*

Қурбонов Т.Х., *фалсафа фанлари номзоди, доцент.*

Бекмуродова Г.Х., *фалсафа фанлари номзоди, доцент.*

**“ҚарДУ хабарлари” илмий-назарий, услубий журналада
мақола чоп этиш учун қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

1. Мақола сарлавҳаси бош ҳарфлар билан ўртада ёзилади.
2. Муаллиф фамилияси тўлиқ, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, ундан кейин у ишлайдиган ОТМнинг номи қавс ичида берилади.
3. Таянч сўз ва иборалар келтирилади.
4. Мақола матни Times New Roman ёзувида, 14 шрифтда, 1,5 интервалда 6–10 саҳифа ҳажмида, чапдан 3, ўнгдан 1,5, юқори ва пастдан 2 см қолдирилиб ёзилади.
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати рақамланган ҳолда мақола сўнггида берилади. Унда адабиётдан олинган саҳифалар ёки шу манбанинг умумий ҳажми кўрсатилиши шарт. Матн ичида керакли ўринларда талаб этилаётган адабиётнинг рақами, ундан кейин икки нуқта қўйилиб, фойдаланилган бетлар ёзилади ва катта қавс ичига олинади ([1:176] тарзида).
6. Ҳавола (сноска)лар ҳар бир бетнинг пастида, рақамланган ҳолда берилиши керак.
7. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин.
8. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида резюме бўлиши шарт.
9. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг услубий семинари ёки кафедра йиғилишининг мақолани нашрга тавсия этганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма талаб қилинади.
10. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг тўлиқ манзили, шахсий телефон рақами ҳамда электрон почтаси кўрсатилиши лозим.
11. Мақола qarduxj@mail.uz электрон почта орқали жўнатилади.
12. Қўлёзма ҳуқуқидаги мақолалар муаллифларга қайтарилмайди.
13. Қўшимча ахборотларни www.xabarlar.qarshidu.uz веб-саҳифаси ёки +998973853373 телефон рақами орқали олиш мумкин.

Илмий-назарий, услубий журнал

Мусахҳихлар:	Д.Шодмонова Ё.Ҳамраева Б.Турсунбоев
Саҳифаловчи	Я.Жумаев
Навбатчи	Т.Жумаев
Техник муҳаррир	Ж.Раҳматов

Муассис: Қарши давлат университети

**Журнал Қашқадарё вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан
17.09.2010 йилда № 14–061 рақамли гувоҳнома билан
қайта рўйхатдан ўтган.**

Теришга 05.06.2020 йилда берилди.
Босишга 20.06.2020 йилда рухсат этилди.
24.06.2020 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108/16.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 11,26.
Буюртма рақами: № 23.
Адади 100 нусха. Эркин нархда.

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071